821
К-59



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач | |
|---|---|
| 20.12.21 | |
| 10.04.22. | |
| 25.04.22 | |
| 27.05.22 | |
| 3.10.22 | |
| 18.10.22 | |

1925.

821
К-59

АЗАМАТ ҚОРЖОВОВ



# ДУБАЙДАГИ 1001 КЕЧА

(Қисса)

2479

ТОШКЕНТ – 2011

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

УДК: 821.512.133-3
ББК: 84(5Ў)6
Қ59
Қоржовов, Азамат
Дубайдаги минг бир кеча: кисса / А.Қоржовов; ред. С Бадалбоева. – Т.: DIZAYN-PRESS, 2011. 192 б.

УДК: 821.512.133-3
ББК: 84(5Ў)6

*Одам савдоси, янги қулчилик* XXI *асрда халқаро миқёсдаги долзарб муаммога айланди. Марказий Осиё, Россия, Кавказ ҳудудларига ҳам бу иллат кириб келгани сир эмас. Ўзбекистон одам савдосига қақшатқич зарба берган, унга қарши изчил кураш бошлаган давлатдир. Ёзувчи Азамат Қоржововнинг "Дубайдаги минг бир кеча" қиссасида Марказий Осиё ва Арманистондан Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига борган айрим хотин-қизларнинг ачинарли қисмати қаламга олинган. Ҳаром-ҳариш йўл билан тез орада бойиб кетишни истаганлар, ўзгаларни алдаб сотиб, пул ишлаганлар охир-оқибат хор-зор бўлишади, Дубай полицияси, Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўлга олади. Бош қаҳрамон Таслима эндигина мактабни тамомлаган гўзал қиз, ҳатто кўчага ёлғиз чиқишга ҳам чўчийди. Шундай қиз тақдир тақозосига кўра Дубайга бориб қолади ва ашаддий қўшмачилар қўлига тушади...*

*Тақризчилар*: **Б. АБДУРАЗЗОҚ – ёзувчи, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси;**
**М. ЙЎЛДОШЕВА – ёзувчи, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

ISBN 978-9943-20-037-1

© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти, 2011





* * *

Онаси бир неча кун шифокор ҳузурига қатнаб юрди. Кейин бирдан чўкиб қолди, отаси ҳам қандайдир камгап, ғамгин инсонга айланди, устма-уст сигарета чекадиган одат чиқарганига қараганда нимадир юз берган эди.

Уч кишилик бахтли оилани қувончу шодликлар аста-секин бутунлай тарк этди. Бой-бадавлат эмасдилар, аммо меҳр-муҳаббат, камтарона ҳаёт-у, камтарона меҳмондорчиликлар, эр-хотиннинг оддийгина бўлса-да, иши, маоши бор эди – қишлоқдан кўчиб келиб, шаҳарда бир ажойиб умр кечиришаётганди.

Шифохонада бир ётгандан ойлаб ётди. Она кун сайин, сўнгра соат сайин қовжираб, ахийри терию устихондан иборат қиёфа касб этди. Даҳшатли фожиа юз беражагини Таслима айрилиқдан анча аввал сезган эди. Кечалари илтижо қилиб, тонгга қадар бедор ўтирар, онасига умр тилар, ажралиб қолишни ўйласа, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетарди. Ғунчадек қизнинг оилада онасидан бўлак сирдоши йўқ эди, на опа-синглиси, на ака-укаси.

Бўлмади. Она ўлди. Маъракалардан сўнг ота ва қиз шаҳарга қайтишди. Ота ишга чиқиши, қиз мактабга бориши керак эди. Тириклар учун ҳаёт давом этарди-да, ахир.

Бироқ уй бекасисиз қачонгача умр кечириш мумкин? Қишлоқдан қариндошлар келганда ёки ота-бола қишлоққа боришганда, айниқса, мозор зиёратидан келиб, аччиқ кўк чой ичиб, марҳумани эслаб ўтиришганда, уйланиш хусусида гап очилаверарди.

– Қизим ҳам бир нима десин, – деди бир куни ота.

Бу вақтда орадан ўн ойча ўтган, ростини айтганда Таслима ҳам отаси уйланишини истарди. Шундай қилинса, ҳаёт маромига тушиб кетишини тушуниб етди. Йўқ-йўқ, яхшигина тушунарди, фақат тан олмасди. Даставвал уй юмушларини сидқидилдан бажариб юрди, отасининг кир-чирларини ювди, онасининг ўрнини билдирмасликка тиришди. Қараса, бекорга чиранаяпти. Минг севган билан ота тоқ ўтмас, минг куйган билан она тирилмас, ҳеч ким оқимга қарши сузиб фароғат топмасди.

Амакисининг хотини сўраганида, Таслима:

– Отамнинг ихтиёри ўзида, мен нима дейман, уйланаверсинлар, – деб жавоб берди.

Ҳатто, Таслимага эркак кишига хотин кераклигини, балоғат ёшига етмаган қизга ҳам она зарурлигини тушунтиришга-да, ҳожат қолмади. Таслима қўғирчоқдек чиройли, хушқомат, хушрўй бўлиши билан бирга тарбияли ҳам эди. Айримлар балоғат ёшидаги қизга она тарбияси сув ила ҳаводек зарур дейдилар. Таслима онасиз ҳам тарбиялилигича қолаверади, аммо совчилар келганда ким кутиб олади? Ким узатади куёвга? Отаси уйда якка-ёлғиз сўппайиб қоладими? Қариганда ҳеч бир хизматкор ёки фарзанд хотин ўрнини босолмайди-ку!

У энди отасининг тезроқ уйланиши тарафдори эди.

Қариндошлар келин излашга тушиб кетишди. Бирортаси ҳам Таслиманинг отасига ёқмади. Уйланишни чўзгандан-чўзиб, қишлоққа қадам босмай қўйди. Кунларнинг бирида ота шароб ичиб, уйига ширакайф ҳолда кириб келди. Таслима жимжитликдан





гарангсиб, онасининг суратидан кўз узмай хаёлан суҳбат қурмоқда эди.

– Ўтирибсанми? – деди туфлисини зўрға ечиб. – Овқатингни едингми?.. Ҳаммаси бешми?.. Майли, шундай бўлсин! Меники ҳам беш... Қўлимиздан нима келарди, тақдир экан, қисмат онангни биздан... биздан юлиб олиб, шу кунларни раво кўрди. – Чўнтагидан паспортини чиқарди. – Кўр, қизим... Сенга ёқса, бас, ким билан бўлса ҳам яшайвераман. Мендан хавотир олма... Хотинларнинг ҳаммаси бир... ҳаммаси бир... Лекин бирортаси онангга ўхшамайди, қизим!

Таслима паспорт орасига солинган бир учи йиртиқ, доғ теккан суратга тикилиб қолди. Ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги тўладан келган, сочи турмакланган, кўзлари беармон бўялган аёл жилдий боқиб турарди. Бир қарашдаёқ ёқмади. Ўгай онасини очиқ чеҳра, ҳусн-малоҳатли, иболи ва албатта, меҳрибон тимсолда тасаввур этганди. Кейин ўйлади: "Онамнинг ўрнини ким ҳам боса оларди? Бундай аёлларнинг минг дона расмини кўриб ҳам ёқтирмасам керак...".

Икки кундан сўнг (якшанба, туш чоғи эди) отаси ўша хотин билан кириб келди. Исми Холпошша экан. Қаерида холи борлигини Таслима ўйлаб ҳам ўтирмади, у отаси билан умрбод бирга яшайдиган, сингилчалару укачалар туғиб берадиган аёлга бутун диққат-эътибори ила тикилди.

– Кап-катта қиз бўлиб қолибсан, – дея ўпиб кўришди Холпошша аввалдан танийдигандек.

Димоқни ёрадиган атир ҳиди, бўёқдан ялтираб кетган ранг-пар юз, худди суратдагидек қоп-қора бўялган кўзлар... Онаси умри бино бўлиб бунчалик бўянмаган, ясан-тусан қилмаган, тақинчоқларга ружу қўймаган эди. Ким билади, қаршисидаги сиймо аёллик иззатини, ваколатини, бир марта бериладиган умрдаги орзу-ҳавасни ҳаммасидан устун қўядиган, бошқаларни ҳам шунга мажбур этадиган, Таслиманинг рангсиз ҳаётига шиддатли қувонч олиб кирадиган хилқатдир? Дугоналари каби Таслима ҳам кутилмаганда очилиб-сочилиб, завқу шавққа тўлиб

яшар балки?

Ҳа, шу аёлнинг қизи сифатида ўзини бир зум бошқача ҳис этди, армон зулмати қоплаган ҳаётини ялт этган чақмоқ ёритиб, кўзларида лаҳзалик масрурлик ўти ёнди.

– Раҳмат, – деди отаси Таслиманинг елкасига қўлини қўйиб. Сўнгра Холпошшага жилмайди. – Қизим ҳаммасини тушунади. У билан фахрланаман. Қиз бўлса ҳам, етти ўғилнинг ўрнини босди, Холпош.

– Ким айтди сизга қиз ўғилнинг ўрнини босолмайди, деб?! Бизни ерга урманг, Мухтор ака, аёллар осмонни кўтариб турибди, ташлаворсак қиёмат бўлади, қиёмат. Тўғрими, асалим? – У Таслимага ширали овозда мурожаат этди. – Даданг ҳали кўп нарсани билмайди-я?– Бирдан сўраб қолди: – Келажакда қайси ўқишга бормоқчисан?Мактабда аълочи эканингни эшитдим, роса ҳавасим келди.

– Билмасам, – уялиб ерга қаради қиз.

– Қизим тиббиётга қизиқади, – изоҳ берди отаси. – У мактабдаги тиббиёт курсини "аъло"га тамомлаган.

– Муҳашшо фақат чет элда ўқисам дейди, – кулди хотин. – Қиз бола бошинг билан Америкада пишириб қўйибдими, десам, "унда Англияга бораман", деб асабимни ўйнайди. Америкасиям, Англиясиям бир гўр. Ҳар хил одам бор, ишониб бўладими?! Муҳашшо эркалик қилса, менга, бувисига қилади, чет элда ким ҳазм қилади унинг феълини!

– Айтгандай, Муҳаббат ҳақида ҳали гапирганим йўқ, – хиёл қизарди Мухтор ака.

– Нима?!

– Муҳашшо ҳақида Таслимага ҳеч нима демабман, узр.

Таслима ўртада бир қиз борлигини, у бўлажак ўгай онасининг аввалги турмушидан эканини, чет элда ўқийман деб хархаша қилишига қараганда, анчайин ўжар, эркатой, танноз эканини тушунди. Отаси иккови ҳақиқатан ўгай опа ёки сингил масаласини гаплашмаган эдилар. Шу тобда ёлғиз фарзанд эканига ўрганиб қолгани учунми, эркатойнинг инжиқликлари-





ни эшитганиданми, уйини, оиласини, ҳамма-ҳамма нарсасини ундан қизғаниш, рашк туйғуси ловиллаб, отасига норизо қараб қўйди-да, нари кетди. Отаси изидан эргашиб, деди:

– Муҳаббат чет тиллар институтида ўқийди, инглиз тилини зўр билади. Яқинда айтгандинг, инглиз тилини ўрганишни бошласаммикан, деб. Мана!..

– Вақт топса, келиб туради, – Холпошша қизнинг руҳиятидаги ўзгаришни дарҳол илғаб, ҳозирча хавф солиб турган хатарнинг олдини олди. – Афсус, бувиси ҳамма вақт ҳам рухсат беравермайди. Бувисининг қизи бўлиб қолган у!.. Шунақа!

– Йўқ, тез-тез келиб туриши керак, улар энди опа-сингил, – деб Мухтор ака аёлга хушомадомуз гапира бошлади. – Тўғрими, Таслима?Истасанг, сени ҳам ўша институтга қўямиз, опанг йўл-йўриқ кўрсатади, билмаганингни ўргатади... Холпош, биз битта оила бўламиз, деб қарор қилдикми, қароримиз қарор...

Таслима чой дамлаш баҳонасида ошхонага аста сирғалиб чиқди, чойнакни тутган қўйи деворга суяниб, уҳ тортди. Гапираётган отаси эмас, буткул ўзгариб, жодуланиб қолган ота сувратидаги бегона эркак эди.

Бироқ шу дамда кўнглидан лип этиб ўтган ўй-хаёлдан ранжиди. "Мен худбин эмасман, – деди ўзига ўзи. – Ахир ўша Муҳашшо онасининг олдига келади-да! Бу уй, ётоқхонам энди унинг ҳам уйи, ётоқхонаси...".

* * *

Отаси кичикроқ тўй қилмоқчи эди, Холпошша қарши чиқди. Отаси ҳеч бўлмаса, тўртта чолни чақиришим керак деб туриб олгач, ноилож кўнди. Ҳаммани чақириб тўй бергунча, пулни керакли нарсаларга сарфлаш мумкин экан.

Никоҳ ўқилди.

ФҲДЁдан ўтиш учун аввалроқ ариза бериб, ҳужжат олган экан, мулла эндигина ҳужжат ҳақида оғиз очганди ҳамки, Холпошша қўша-қўша узук тақилган момиқ қўли ила узатди.

– Мана, ака, – деди шира кўнган товушда.

Хотиннинг дадиллигиданми, кишига ноз ва жозиба билан боқишиданми, муллани йўтал тутди. Муллалар ҳам иссиқ жон, улар ҳам гоҳида хотинлар олдида довдираб қолишади.

Келганлар қўша қаришни,ували-жували бўлишни тиладилар, Таслима ҳам онали бўлибди, деб унга ҳам илиқ гаплар айтишди.

Шу кеча Таслима мижжа қоқмади. Кўзини юмди дегунча хонада шарпани сезади, чўчиб кўз очади. Қайсидир бурчакдан марҳума онаси тикилиб тургандек бўлади... Йўқ, бу босинқираш, холос. Ахир ўлган одам кезиб юриши ёзувчилару киночилар ўйлаб топган ёлғон-ку!

Бир пайт туш кўрибди: оқ ёпинчиқ ёпинган онаси тўшак бошига тумандек сузиб келибди. Бармоғини лабига босиб, ётоқхонага имо қилибди. "Кел, сени қучоқлай, қизим, бугун мен оиладан бутунлай кетаман, кўп йиллардан сўнг оқ водийда учрашамиз, – дебди у. – То учрашув кунигача сен ҳам катта аёл бўласан, ҳаммасини тушунасан... Мени кечир, мен чорасизман... Ҳаққимга дуолар ўқиб тур. Бизни дуолар боғлайди, жон қизим...".

Ўлганлар йиғламас эди, лекин онаси ўзини тутолмабди, елкаси силкиниб, бош эгиб, эзилиб-эзилиб йиғлади. Бундай мунгли йиғини, аёл қайғусини Таслима умри бино бўлиб эшитмаганди, бадани жимирлаб, кўзлари жиққа ёшга тўлди, овози борича чинқириб она шарпасига ўзини отишдан зўрға тийилди. Ҳар ҳолда кўнглининг бир четида "бу тушимдаги шарпа, мен алаҳсираяпман", деб ўйламоқда эди. Шундай экан, ногоҳон фарёд уриб уйғонса, бугундан бошлаб оила аъзоси ҳисобланмиш аёл қай ҳолга тушиши мумкин?Отаси-чи?

– Онажон... – пичирлади Таслима.

"Нима учун?.. Гуноҳим нима эди?' – деди марҳума ва лип этиб ғойиб бўлди.

Таслима кўзини очди. Шу пайт ётоқхонадан Холпошшанинг кулгиси эшитилди, ётоқ диван ғижирлади, рюмкалар жаранглади. Ярим кечаси уйғониб, нега шароб ичишмоқда?Таслима бундайин ғалати урф борлигини эшитмаганди, ҳайрон бўлди.





– Полвоним, – деди Холпошша худди, ўғлини эркалатган каби.

Сал ўтиб, ётоқ эшиги очилди. Тор уйда қийин, нима қилаётганингни ҳамиша ҳам яширолмайсан. Ванна эшиги ғийқиллаб кетгувчи эди, ана, зорланиб ғийқиллади. Сув вошиллади. Шундан сўнг Таслима бошини ёстиққа буркади. Узиб-узиб, ҳиқиллаб-ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Аслида ўлим эмас, одамлар шафқатсиз туюлди унга.

* * *

Холпошша келиши билан ҳаёт чиндан ўзгарди. Қаердандир иккита хотинни чақиртириб, уйни чиннидек яроқлатди. Таслима уялганидан ёрдамга уннаган эди, қайтариб ташлади:

– Буларга ҳақ тўлаб қўйганман, қизим. Дарсингни қилавер, айни ўқийдиган пайтинг қора ишларга вақт сарфлайсанми?!

Кейинги кун овқат қилдирмади: таниши товуқ гўшт пиширадиган печ олиб, бозорга ўрнатибди, дастлабки савдодан сийлар эмиш.

– Товуққа бир бўкайлик, дадажониси, – деб Таслиманинг олдида эркаланди.

Ота дастлаб қизининг кўз ўнгидаги бу каби оҳанжамаларга қаршилик қилиб кўрди. Бироқ аёл юракда пинҳона сақланадиган муҳаббатни писмиқликка йўяр, ҳақиқий жуфтлик ўйнаб-кулиб яшаши, бутун дунёга жар солиши, ҳамманинг ҳавасини келтириши керак, дерди. Учаласи биргаликда ресторанга ҳам боришди. Холпошшанинг дўсту дугоналари кўп экан, кўча-кўйда таниш эркагу аёлларга тез-тез дуч келар, завқ-шавқ билан ҳол сўрашар, хахолаб кулар, "бахтимни топдим", деб Таслиманинг отасини кўчада қучоқлашдан ҳам тоймасди.

Яхши-ёмон кунларга йиғилган пуллар тез орада соб бўлди.

– Эртага концерт, наҳотки, ҳалиям чипта олмаган бўлсангиз?! – хитоб қилди Холпошша кечки овқатдан аввал.

– Биласанми, Пошша, – деди Мухтор ака асабий, ҳорғин ҳолда, – мен йилда бир марта ё байрамларда концерту ресто-

ранларга чиқиб ўрганганман. Бундай юришдан чарчадим. Қолаверса, пул ҳам... хуллас, тугади.

– Ростини айтинг, фақат пул йўқлиги учун шундай деяпсизми?

– Йўқ.

– Агар пулингиз кўп бўлганда, ўзингизни бундай паст тутмасдингиз, тўғрими?

Отаси Таслимага ўғринча қараб, деди:

– Қизим, илтимос, хонангга бирпас чиқиб тур. Биз у билан... ойинг билан гаплашиб олишимиз керак...

– Вой, яширадиган қандай гап бўлиши мумкин?! Қизим хижолат чекадиям демайсиз-а? Ахир, менга яқиндагина ўрганди, онаси ўрнига онам дейиш осон эмаслигини жуда яхши тушунаман.

– Ҳа, майли, – қаеридир оғриётган кишидек Мухтор аканинг юзи бужмайди, – гап бундай... Сен бизни ўзингга кўниктирма, Холпош, ўзинг бизга... шароитимизга кўник, илтимос.

– Айтдим-ку гап пулда деб! – чапак чалиб юборди Холпошша. – Ҳозирча сир сақлаб тургандим, хонаси келди, айта қолай, дўконим ёпилган бўлса ҳам дўстларимнинг эшиги ёпилгани йўқ. Мўмайгина даромад келадиган иш топганман. Сиз, мен, Таслима, агар кўндиролсам Муҳашшо ҳам ишласа бўладиган бир жой бор.

– Қанақа жой? Катта еб-ичамиз, деб ҳаммамиз итдай ишлаймизми? Бунинг устига қизимни нега қўшасан ишингга?

Холпошша уф тортиб, деди:

– Бир сирни айтай, Мухтор ака. Сизга турмушга чиқишдан аввал Дубайга бориб, ишлаганман.

Отасининг ранги гезариб, бир нафас тошдек қотганини кўрган Таслима "Дубай" деган сўз аччиқ тарсаки бўлганини тушунди.

– Шунақа бўлишингизни билганим учун айтмай юргандим, – пешанасини ушлаб, бош эгди Холпошша. – Уф-ф, Дубай деса ҳамма эркакларнинг капалаги учади. Нега?.. Нега ахир?! Сизнингча, мен Дубайда бузуқчилик қилиб юрганманми? Гапиринг, Мухтор ака! Нега индамаяпсиз?.. Шундай деб ўйлаяпсизми?





– Сенга умуман уйланмаслигим керак эди, – ёқасини очди бошиш эр. – Пешанам шўр бўлмаса, Дубайга борган аёлни хотин қилармидим... – Кейин қўллари мушт бўлиб тугилди. – Нега айтмадинг шуни, нега?!

– Сиз авомларнинг авомисиз, Мухтор ака, – Холпошша шиддат билан оёққа қалқиб, эрининг ёниға борди. – Шунинг учун ҳам қўл учида ҳаёт кечирасиз! Шунинг учун ҳам...

– Шунинг учун ҳам аҳмоқ бўлиб сенга уйланганман! Эҳ, хом сут эмган банда-я!

– Тушунмадим! Жиддий айтаяпсизми?.. – Холпошшанинг кўзларидан совуқ ўт чақнади, ҳақиқий қиёфаси бир лаҳза намоён бўлганини ўзи ҳам сезиб, бир ондаёқ мулойимлашди. – Ҳазиллашаяпсиз-а? Ҳазиллашаяпман денг!

Қарашларига дош беролмаган отаси Таслимага кўз қирини ташлаб қўйди-да, мулзам чеккан каби бурчакка бориб, уҳ тортди, бўшашди. Қиз билдики, отаси бу аёлнинг олдида ожиз, барибир ожиз. Мана, тескари қараб қўлларини чалиштирди, ёйди, яна чалиштирди, сўнг гулқоғоз ёпиштирилган девордан кўз узмай:

– Кет, – деди.

– Ким? Менми? – истеҳзоли оҳангда сўради аёл.

– Ҳа, сен.

– Таслима, – деб ўгирилди Холпошша, – дадамиз тўғри айтган эканлар, нариги хонага чиқиб тур, қизим. Биз ўзаро бир оғиз гаплашиб олайлик.

– Йўқ, у ҳеч қаерга чиқмайди.

– Майли, унда биз кетамиз. Кийининг, Мухтор ака.

– Қаерга? – қайрилиб қаради отаси.

– Мен билан Дубайда ишлаган собиқ қайнсинглимникига. Агар заррача бузуқчилик қилган бўлсам, акаси билан ажрашганим учун ўч олиш мақсадида айбимни очиб ташлайди. Юринг!.. Лекин сиздан ҳозирча хафа эмасман, Мухтор ака, чунки Дубай деса, эркакларнинг сабаб-бесабаб афти бужмаядиган бўлиб қолган. Биласизми, у ерда бошқа мамлакатлардан келган қанча-қанча аёллар ҳалол меҳнат қилишади. Энагалик, тикувчилик,

ошпазлик, официантжалик… Мен ишлаган хонадонда Ҳиндистон, Филиппин, кейин анави Покистондан, Афғонистондан аёллар бор эди, жуда бой хонадон эди… Уларнинг цехида ҳам ишлаганман, цехда ҳам фақат аёллар!

–Нима, мени, қизимни, ўзингнинг қизингни чўриликка олиб бормоқчимисан?Доллар учун бировнинг товонини ялаш…

Холпошша ниҳоят чидаёлмай қичқириб юборди:

– Бас, Мухтор ака! Сиз ҳақиқатан эски одамсиз!.. – Кейин бирдан бўшашиб, эрининг елкасига осилди. –Ғирт эски одамсиз, Мухтор акажоним! Хўжайинлар истаса уради, истаса қўл остида ишлайдиганларнинг хотинини, қизини хўрлайди, итдек ишлатади, деб тарбиялангансиз.

–Нари тур, илтимос.

Отаси Таслима томон нигоҳ ташлаб, кўзлари пирпираб, қип-қизариб кетди. Бироқ бу ношуд одамнинг қизариши эди. Ҳа, отасининг фикри қатъият дори устида худди тажрибасиз дорбоз каби собит туролмаётган эди.

–Вой, Мухтор ака, нега унақа дейсиз?–хотин янада суйкалди.

Шундан сўнг Таслима хонани тарк этди. Энди ҳеч нимани тўғрилаб бўлмаслигини ўйлаб, ичида нимадир чўғдек қизиб, чирт узилди. Онасини ажалга, отасини уятсиз бир хотинга бой берган қиз тўйиб-тўйиб йиғлашни истарди. Ҳақиқатан у ёлғизланиб қолаётгани учун ҳам шу дамдан бошлаб кўпроқ ташвиш чекса арзир эди.

Эртасига худди можародан хабар топишгандек синфдош қизлар Дубайга борадиган енгилтак хотинлар ҳақида баҳслаша бошлашди. Кимдир "у ёққа ҳар ким ўз ихтиёри билан боради", деса бошқа биров "ҳаммаси ҳам ундай эмас, айримларни ресторанда ишлайсан деб алдаб олиб кетишади", дерди. Дубайда катта-катта фоҳишахоналар борлигини, Марказий Осиёдан, Россиядан, Европанинг бошқа мамлакатларидан қизларни турли йўллар билан келтириб, кимларнидир ўз розилиги билан кимларнидир мажбурлаб фаҳш тўшагига тортишларини бот-бот





ингди.

– "Б" синфдаги Нозининг ойиси икки йилдан бери Дубайда жан, –деди қизлардан бири. –Ресторанда коса-товоқ ювиб, икки минг доллар маош олади, деб Гуляга мақтанибди. Шахсан мен ўзим ҳам ишонмайман. Икки йилдан бери ёлғиз ўзи коса-товоқ ювиб юрадими?Бе-е, ҳечам-да. Ойисини танирдим. Шунча вақтдан бери Россияда бўлса керак, деб ўйлардим. Лекин шу ерда юргандаям маҳалласида гап бўлганди, ёмон хотин экан, деб.

–Менимча, Дубайда "ишлайдиган"ларнинг қизларини кўпчилик келин қилишмайди, – луқма ташлади Таслиманинг яқин дугонаси (унга хушомад қилиб юрган йигит бир ой аввал тўсатдан ўша Нозига оғиб кетганди.) –Тўғрими, Таслима?

–Т… тўғри… –деди Таслима заифона.

–Баттар бўлсин! Касофати қизига урсин! –қарғади қизлар.

Бироқ Таслима на дугоналарига, на отасига дардини айта оларди. У сув остида қолгандек чидар, оғиз очиши билан ҳалок бўладигандек қўрқар эди. Синфхонадан чиқиб кетди-ю шу кўйи қайтиб кирмади.

* * *

Дубайга бориб ишлаш мавзуси оилада қайтиб кўтарилмади. Шундай эса-да, Холпошша кўпроқ пул топиш илинжида ғимирлаб қолганини пайқаш қийин эмасди. Ҳали эски дўконини юргизиш учун чопади, ҳали кимдандир қарз олиб, бозордан раста олмоқчи бўлади. "Озиқ-овқат ҳамиша сотилган, бундан кейин ҳам сотилади", деб маҳалладан кичикроқ озиқ-овқат дўкони очиш ҳақида ҳам телефонда кимларгадир вайсайди, ёрдам сўрайди, ҳатто ялинади. Пулга ўрганган хотин пулнинг ортидан минг бир қиёфада қувади, қувиб чарчамайди.

Мухтор ака бир ҳафтача қовоқ очмади. Ҳаққига кўчганда, отаси ва ўгай онасини қандай ришта боғлаб турганига Таслима тушунолмай гаранг эди.

– Бошимни айлантириб, тегиб олди, – деди отаси бир куни

ким биландир телефонда гаплашаётиб. – Энди қандай ажрашаман? Хотин қўйиб, хотин олиб юрганларни азалдан ёқтирмасдим... Бунинг устига бўйида бор. Ажрашсам, болам қорнида кетади...

Таслима шу йил ё укачали, ёки сингилчали бўлишини эшитиб, киши билмас энтикди. Дунё бир зумда заррин тусга кирди, олам нурафшонлик қўйнида ажиб товланиб, дераза ортида қушлар чуғурлади. Оилада яна кимдир бўлишини ўйлаб узоқ хаёллар сурган эди, во ажаб, орзулар ўгай она тимсолида рўёбга чиқишини туш кўрибдими у. Бир-икки кун ўтар-ўтмас уй-хаёлини гўдак буткул эгаллаб олди.

Бироқ тақдир ўгай ука ёки сингилдан аввал унга ўгай онани аллақачон туҳфа қилиб қўйганди. Холпошшанинг ҳомиладорлиги ҳақидаги гап эса буткул ёлғон бўлиб чиқди.

– Бугун қизим келади, – деди Холпошша эрталаб сочини фенда қуритаётиб. – Шу ерда бир оз яшаб кўрмоқчи, нима дейсиз?

Таслима ва отаси беихтиёр кўз уриштиришди.

– Турмушга чиққаним учун мендан нафратланарди, – давом этди хотин. – Туққан онаси бўлсам, бузуқчилик қилмасам, қачонгача гина-кудурат сақлайди?! Эркаклар жуфтсиз яшашга чидаёлмай дарров уйланиб олганида, аёл бўла туриб, мен жуфтсиз яшайманми?!

Мухтор ака ҳеч ким тушунмайдиган тарзда нимадир деб тўнғиллаган эди, Холпошша кўзгу орқали тикилди.

– Қизим ҳақида бир нима демоқчимисиз, дадаси?

– Қизиқсан... Тўйдан сўнг олиб келишинг керак эди, Таслима билан танишарди. Энди бу қанақаси бўлди? Эшитган одам кулади, қизи шунча вақт ўтиб, энди келибди, деб... Ё мен сиғдирмасмидим?

– Тўй?.. Биз тўй қилганмидик?

– Кесатма.

– Муҳашшони биласиз-ку, ғирт жинни, рашкчи, қизиққон. Яхшиям, эс деган нарса эртароқ кирди... Вой, тўй деганингизга эсимга тушди. Унга совчи келганини айтдимми, йўқми?





– Йўқ, – деди Мухтор ака ҳайрон бўлиб.

– Иккинчи курсга ўтган ўн тўққиз ёшли қизалоққа лоп этиб ... элдан совчи келиб ўтирибди. Ўттиз беш ёшли эмиш куёвтўра! Кап-катта эркак-ку, дадаси, гулдек қизимни қандай бераман?! Йўқолсин, дедим. Тўғри айтибманми?

Мухтор ака бош чайқаб қўйди-да, тумшайиб чой хўплай бошлади.

– Қаердан, кимдан деб сўрамайсиз-а? – ўпкаладi Холпошша.

– Сўраёлмайман. Совуқ гапингни эшитиб, тилим айланмай қолди, – деди Мухтор ака.

Хонадонга шу вақтгача ёт бўлган урфлар, хабарлар, бидъатлар тинимсиз хуруж қилмоқда эди. Мана энди оила аъзолари ҳам биттага кўпайди. Кўпайганда ҳам бир йўла совчилару овчилари ила қадам ранжида қилмоқда.

Шундай қилиб, Муҳашшо кириб келганида, Таслима дарс тайёрлаб ўтирарди. Кўпинча эшик қўнғироғи жиринглаcа, отаси очарди, асосан Холпошшанинг овози эшитиларди даҳлиздан. Бу гал бошқача бўлди.

– Э-э, Муҳаббатхон! – хитоб қилди отаси. – Келар кунинг ҳам бор экан-ку!.. Қани, ичкарига... Ўҳ-ҳў, бу менгами? Тескариси бўлиши керак эди-ку, ҳа, майли... Раҳмат, қизим.

Таслима эшикка юриб, таққа тўхтади. Қаршисида ясан-тусан қилган, онасидан ўн чандон ошиқ бўянган, калта юбкали, хушбўй атир ҳиди келиб турган, узун бўйли, хушбичим, ниҳоятда гўзал қиз турарди. Йўқ-йўқ, яқиндан син солиб қараганда, у бекиёс малоҳатли эмас эди, кийим ва пардоз мутаносиблигидан аъло даражада, моҳирона фойдалана олганди, холос.

– Салом, – жилмайди у қўл силкиб.

– Салом, – деди Таслима ҳам. Бироқ мулозамати қуруқ чиқди.

– Кел, кўришайлик. – Иккала қўлини чўзди Муҳашшо. – Шундай синглим борлигини билганимда, ойимдан олдин келиб, шу ерда яшардим.

Холпошша мағрур ҳолда тишининг оқини кўрсатди, Мухтор ака эса қўлидаги каттакон совғани хижолатпазлик билан уш-

лаб турарди. Опа-сингил ўпишиб кўришишди.

Кутилмаганда Муҳашшо беҳад очиқкўнгил, қувноқ, ҳазилкаш чиқиб қолди. Кечки овқат мобайнида асосан у гапирди, кулдирди, ҳаммани ўзига қаратди.

– Йигитинг борми?– сўраб қолди кечаси иккиси ёлғиз қолишганида.

– Мен… унақа ишларга қизиқмайман, – довдираб жавоб берди сингил.

– Қанақа ишларга?Жиннимисан?! – турткилади Муҳашшо.

– Керакмас… Отам кимга узатса, ўша билан яшайман.

– Мен эса чет эллик йигитни севиб қолдим. Бир дугонам хориж фирмасида таржимон. Тилни яхшироқ ўрганиш учун у билан бир-икки боргандим. Аниқроғи, йигит мени севиб қолди. Бувим билан шунинг жанжали бўлди. "Дубайлик арабга эрга берадиган неварам йўқ", деди. Бувим ўзи шунақа…

– Чет эллик деганингиз Дубайданми?

– Ҳа, Бирлашган Араб Амирликларидан. Ўзи Дубайда ишлайди, ота-онаси Раъс ул-Хаймада яшайди. Суратларини кўрсатган, жуда бой одамлар, оғзинг очилиб қолади. Ойимга айтгандим, юраги паққос ёрилди.

– Қўрқиб кетдими?– деди Таслима бундан бохабар эканини яшириб.

– Вой, нега қўрқади?Қувончдан юраги ёрилаёзди! Ўйлаб кўр, йигитим бир ойда эллик минг доллардан кўп топади. Бундан ташқари, Раъс ул-Хайма тинч жой, Дубайга ўхшаган ари уяси эмас. Агар турмуш қурсак, офисимиз Дубайда, асосий яшаш жойимиз Раъс ул-Хаймада бўлади. У ерда ҳижобда юраман, билдинг! Европага чиққанимизда, Тошкентга келганимда ёки Москвадаги офисига борганимда, қанақа кийиниш ўз ихтиёрим.

– Расолхема нима дегани?– сўради Таслима. Ўгай опаси бояндан бери "Расолхема" деб русча талаффуз этмоқда эди.

– Шаҳар. Дубайдан икки юз чақирим нарида. Агар оддий йигитлардан совчи келса, тегма, Таслима. Тўйим бўлсин, сени ҳам тортаман, зўр куёв топаман.





Таслиманинг кўзлари ярқ этиб очилиб, бир энлик нари сурилди.

– Ҳеч қачон… – деди гапи бўғзига тиқилиб.

– Ростини айтайми?Мендан ёш, гўзал, ёқимтой, айнан уларга ёқадиган иболи экансан. Мактабни битирганингдан Амирликка, меникига меҳмонга борсанг, кафолат бераман, камида миллионер йигитлар қўлингни сўрайди.

– Илтимос, опа, бу ҳақда гаплашмайлик, – қўрқувдан эти увушди Таслиманинг.

– Кел, сенга бир ёш келинчакни қайнонаси билан қайнопаси қандай қилиб Дубайга сотишганини сўзлаб бераман. Ҳойнаҳой, ўша даҳшатли воқеани эшитган кўринасан, "Эмират" десам, рангинг ўчаяпти.

Шу билан Дубайга келин бўлишлик мавзусидан қутуламан, деган умидда Таслима ҳикояга хайрихоҳлик билдирди, "наҳотки ўз қайнонаси билан қайнопаси келинчакни Дубайдаги қўшмачиларга сотиб юборган бўлса?!" деб Муҳашшонинг тили тагига билиб-билмай чўғ ташлади. Ҳақиқатан, одамнинг ҳеч ишонгиси келмайди-да!

– Бўлган воқеа, – деб ўгай опа ёстиқни қўлтиғига қистириб, ёнбошлаб олди. – Лекин кимдан эшитганман ё ўз кўзим билан кўрганманми, сўрама. Узумини е, боғи билан ишинг бўлмасин, дейишади-ку! – У пиқ этиб кулди. – Бунинг тагида сир борга ўхшаяптими?

– Ҳа, ниманидир яшираяпсиз, нимқоронғида Таслиманинг кўзлари йилтираб кетди.

– Бу жудаям қизиқ ҳикоя… Бир оз уятли жойи ҳам бор. – Ўгай опа гапи қандай таъсир қилишини кутиб, синовчан боқди.

– Синфимиздаги қизлар айтишдики, қўшмачи хотинлар ҳар хил айёлларни, қизларни алдаб олиб бориб, қамаб қўйишаркан, – деди Таслима шоша-пиша. – Кейин…

– Нима "кейин"?

– Эркакларга сотишаркан. – Оппоқ тонгдек пок қизнинг тили тутилди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

– Бунақа гапларни ким эшитмаган?! Гапларинг эски лаш-лушлар! Билсанг керак, ойим ҳам Дубайда икки йил ишлади. Лекин у ёққа кетаётган аёлларнинг ҳаммаси ҳам ўша синфдошларинг айтган аҳволга тушиб қолишгани йўқ. Худога шукр, ойим тўғри юрди. Ишни ҳам қайнсинглиси, яъни аммам орқали топган… Тағин синфдошларингга ойимнинг Дубайга борганини айтиб қўйма, улар икки дунёда ҳам тўғри тушунмайдилар. Чунки…

Таслима индамади.

– Чунки… – чўзиб такрорлади Муҳашшо савол оҳангида.

– Ёмон хотин деб ўйлашади, – жавоб берди Таслима истамайгина.

– Ёмон хотин деб ўйлашса, кимга ёмон? Сен билан менга! Шундай минтақада яшаймизки, одамларнинг аксарияти оғзи билан юради, миш-мишлар ёш қизларнинг эмас, катта-катта оилаларнинг ҳам тақдирини ҳал қилиб юборади. Тушундинг?

– Тушундим.

– Шундай қилиб, воқеани эшит, пасткашлар кўп эканини, лекин ҳамма ҳам ёмон эмаслигини тушуниб оласан.

* * *

Таслима ўгай опаси билан танишган ўша кеча даҳшатли бир ҳикоя эшитди. Қайнонаси билан қайнопаси Дубайга сотиб юборган келинга неча кунлар ичи ачишиб юрди, содда келиннинг Дубайда кўрган кунлари ҳақида ўйлаб, кўзига уйқу келмаган, босинқираб уйғониб кетган дамлари ҳам кўп бўлди. Наҳотки инсон эканини унутган, пул унадиган жойда барча тубанликларга рози аёллар бор, деб ўз-ўзидан юз марталаб сўради. Баъзан ишонгиси келмасди. Бу кимнингдир қоп-қора хаёлларидан тўқилган жирканч афсона эмасмикан? Ахир Таслиманинг кўллаларидан, ҳаттоки бармоқ учларидан ҳали ҳеч бир йигит ишқ маъносида тутмаган, эркак нафаси тегмаган, унинг учун шаръий куёв хобгоҳига кириш, эртасига ёрининг кўзларига тик қараш ҳам уят, ўйласа уятдан кўзлари чирт юмилиб кетадиган бир





ажиб ҳол эди. Ўгай опа ҳикоясидаги келинчак эса… Минг бир орзулар остонасида, худди Таслимадек ибо пардасига ўралган, заиф ва ҳимоясиз аҳволда эди. Бошига бало бўлган сутдек оқбадан, таърифга қалам ожиз даражада гўзал, жозибадор эди. Фоҳишахонага келган арабу ажам эркаги борки, кўнгли уни тусаб, исталганча доллар ҳадя этишга рози бўлишар, қалтираб-қақшаб, фаҳш ёқасида турган пок жувон тақдирини ҳеч бири ўйламас, раҳмлари келмас, балки "бир кеча учун биринчи бўлиб мен сотиб оларман", деб қўшмачи хотин билан савдолашарди…

Таслиманинг юраги уришдан тўхтаб, шўр пешана келин ҳақидаги ҳикояни нафас олмай тинглай бошлади.

– Аниқ эмас, Самарқандда бўлганми, Бухородами, билмайман, – деб сўзини бошлади Муҳашшо. – Исми ҳам аниқ эсимда йўқ, ё Асал ёки Асила эди, шекилли. Кел, Асалка деб қўя қолай…

Хуллас, Асалка оилада тўрт қиздан учинчиси эди. Онаси ҳеч қаерда ишламас, икки туман наридаги тоғ этагидаги чекка қишлоқдан бир вақтлар келин бўлиб тушганди. Ота-онаси севишганми, уларнинг бошида турган инсонлар қариндошчилик узилиб кетмасин, деганми, менга қоронғи. Билганим шуки, Асалка ўн етти ёшга тўлиб, бўй етиб, куёвга узатилиш вақти келганда бу оила пароканадаликка юз тутганди. Ота-онаси бир замонлар бир-бирини кўриб, турмуш қуришга аҳдлашганига нима сабаб бўлганини тушунишни истамайман, сингилжон. Шунинг учун айтаяпман-да, севгими, қариндошчиликми, пулми, нима у оила қурилишга сабаб бўлиб, кейин аҳамиятини йўқотадиган, оилани пароканда қиладиган?!

Аввалги даврларда ҳам куёвнинг топиш-тутишига қизиқишган, ҳозир ундан ўн чандон ортиқ. Қизимиз қийналмай яшасин, дейишади-да бечора катталар. Бироқ бу борада омад ҳамиша ҳам чопавермайди. Мактабни битириб, ҳарбий хизматдан қайтиб, ишга шўнғиб кетган йигитларнинг топармон-тутармонини ажратиш осон эмас. Бир-икки сўм топиб, кўчада талтайиб юрганлар эртага асл қиёфасини кўрсатса, додингни кимга айтасан? Ҳикоямга пулни аралаштириб юбораётганимга сабаб, гапира-

япману жаҳлим чиқиб кетаяпти, чунки Асалкани аввало ўз ота-онаси сотган. Дубайга ёки бирорта қўшмачига эмас, бой хонадонга тайёр чўриликка. Ҳамма фожиа ҳам шунда, Таслима! Қизимни ҳурмат қилмаса, неварамни ҳурмат қилади, бир кун келиб, қизим ҳам ўша хонадондан барибир ўрнини топади, султон суягини хўрламайди-ку, дейишади. Кўринишимдан бойликка ўч қизга ўхшасам-да, шундай ўйлайдиганларга ҳеч қачон беш кетмаганман, сингилжоним. Яхши яшамоқчимисан, бой куёв керакми, ҳаракатингни қил, топ, лекин ҳурмат, севги, қизиқиш бўлмаган ғирт нотаниш йигитга турмушга чиқишга бало борми?

Асалканинг икки опасини йигирма-йигирма беш ёшларида қандайдир бечораҳол оилалар келин қилишган. Отаси ичиб юрадиган, онаси ҳардамхаёл, гапирган гапининг тайини йўқ, уй-жойи хароб – қайси йигит орзу қиларди бундай жойга, бундай одамларга куёв бўлишни?! Бироқ кизгина бир кўрганданоқ одамнинг оғзи очилиб қоладиган даражада чиройли эди. Уй юмушларини қотириб қўярди, қўл-оёғи чаққон эди бечоранинг.

Ўша шаҳарда Асалкалар оиласидан бутунлай фарқ қиладиган бир оила бор эди. Пулдорликда ном қозонган хонадон эканлигига қарамай уларга ҳавас қиладиганлар кўп эмасди. Кенжа, эркатой, арзанда ўғил аллақачон ўзига маъшуқа топиб олган, ўша билан анча вақтдан буён бирга яшар, баъзан ҳафталаб ота уйига қадам босмасди. Маъшуқа ҳам кўнгил кўчаларида кўп сайр қилиб, эридан ажрашган, офатижон жувон эди. Йигитни ишқпарастлик йўлидан ҳеч ким қайтаролмади. Гап кўчага чиқди. "Эҳ, бой хонадоннинг ўғли нобоп бўлди-я, ҳали ота-онасини кўп куйдиради", деб маҳалла-кўй гапира бошлади. "Бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин", деб ўғлини эркалатган, қилмишларига кўз юмган бой хотинни ҳам ниҳоят ташвиш чулғади. "Иш жиддийга ўхшайди, бу туришда келин тушириб, орзу-ҳавас кўрмайман шекилли", – деди у. Катта қизи Тошкентда яшар, чет эл билан алоқаси бўлган қандайдир фирмада ишлар, ушлаган жойини узиб оладиган даражада ўткир, шаддот, ишбилармон эди. Ўшанга сим қоқди.





– Укангни уйлантирмасак, бу йўлдан қайтмайди, – деди она. Ўша суюқоёққа квартира ҳам олиб берганмиш. Бор пулимизни совурапти, ярамас.

– Терисини шилиб олмадингизми?! – қичқирди қизи.

– Дадангга айтсам, парвойи палак. Бир кун барибир қайтиб келади, эркак бўлгандан кейин юради-да, мен ҳам унинг ёшида бир жувонникидан бери келмасдим, дейди...

– Э, ойи-и! – қичқирди қизи баттар. – Укамни ҳам дадамни ҳам гапирмаяпман, ўша урғочи итнинг терисини шилиб олмадингизми, деяпман?!

– Бордим! Жа "закунчи" экан! "Уй менинг номимда, ўғлингни ва уйингдан ўғирлаб келибманми", деди. Агар яна безовта қилсам, судга берармиш. Мана, қандай аҳволга тушиб ўтирибман! Дардимни тушунадиган яқиним борми ё арқон топиб ўзимни осиверайми?!

Она-бола тирноқларини қайраб, тишларини ғижирлатиб, жувонга оч бўридек ҳужум қилишди. Йўқ, чучварани хом санашган экан. Нобакор фарзанднинг ўйнаши ўзини йўқотмади: "Нима, ўғлингни мажбурлаб олиб ўтирибманми? Пул топиб кел, келаммиз? Қани, туёқларингни шиқиллатинглар-чи! Пулининг ҳидига чидаёлмай қолган сен – гўрсўхталарга кўрсатиб қўяман!..".

Албатта, бу гапларни йигитга айтмади. Унга эркаланиб, нозланиб, мушукдек суйкалиб, "ойингиз ва опангиз хафа қилишди мени", деб йиғламсиради. Отасининг боласидан нимани ҳам кутиш мумкин? "Шахсий ишларимга аралашманг! – деб бақирди ойисига. – Агар яна уникига борсангиз, мени қайтиб кўрмайсиз!".

Шундан сўнг йигит ўлгурни уйлантирадиган бўлишди. Жувонга бундан ортиқ зарба йўқ, деб ҳисоблашди.

Даставвал она кўз остига олиб юрган қизларга оғиз солди. "Қандайдир аёлга илакишиб юрган ўғлингизга уялмасдан гулдай қизимизни сўраб келдингизми?' деб маломат тошлари ёғдирилди. Қараса, ношуд ўғлига ўз тенгиларидан бирортаси қиз берай демайди. Бир аёл маслаҳат солди:

– Бой хонадонга қиз бераман деганлар бижғиб ётибди, мун-до-о-қ оддийроқ хонадонга боринг-да, опа. Қайтага келинга ҳам ёлчийсиз, ҳамма ишингизни "есть" қилади. Бошоғриқ ойимчаларни бошингизга урасизми?!

Гарчи катта қизи афтини бужмайтирган бўлса-да, бу фикрга қўшилди. "Ойи, ҳақиқатан сизга ёрдамчи керак, меҳнаткаш келин топайлик", деди. Шу тариқа кутилмаганда Асалкага нуфузли хонадон ўғлидан – меросхўр зурриётдан совчи келди. Пароканда оиланинг катталари бўлмиш эр-хотиннинг эси оғиб қолаёзди. "Келинимизнинг сепига яхшироқ кийимлардан олинглар", дея ташлаб кетилган пулларни эр-хотин талашиб-талашиб қучоқлаб ётишди. Қўшнилар ҳасаддан чидаёлмай бўлажак куёв ҳақида суриштира бошлашди. "Тўққиз ёш катта экан", "яширинча уйланган эмиш", "гиёҳванд бўлиб қолибди…" – ҳар бало дейишди. Бироқ барибир ҳасад ўти сўнмади. Бой хотин Асалканинг қўлига ҳам, бўйнига ҳам қиммат-қиммат тиллалардан тақиб кетди. Опалари эр чиқса тегиб кетавеpишган эди. Албатта, Асалка ҳам шу йўлни тутди. Опалари "ота-она раъйи" деб ҳисоблаган, Асалка ҳам шундай ҳисоблади. "Улардан бахтлироқ эканим шуки, ота-онам мени яхшироқ жойга узатишаяпти", дея ширин орзуларга кўмилиб яшади.

Тўй майда-чуйдаларини буткул қуда томон кўтарди. Бир ажойиб тўй бўлди, данғиллама, дабдаба! Асалканинг қариндош-уруғлари тўйида арзон ароқ бир-икки сидра қўйилар, кўпинча етмай қоларди, аммо бу тўйда тўрт бурчак, уч бурчак, цилиндр шаклдаги қимматбаҳо ароқлардан ташқари, коньяк ва асл винолар ҳам қалаштириб ташланди, турфа салатлару балиқлар, товуқлар, икраларни кўрган келин томоннинг оғзи очилиб қолди.

Сўзга чиқувчилар ҳам казо-казолар бўлди. Айниқса, шукуҳли қаторга келиннинг ота-онасини чақиришгач ҳамманинг кўзлари уларга қадалди. Асалканинг отаси бурни шолғомдек қизариб, аллақачон кайфи ошиб қолган, дўпписи бир ёнга қийшайган, кўзлари сузилган, аммо шунга қарамай бой-бадавлат





…лар сафида ҳаяжон ва қўрқувдан мунғайиб, айб иш қилиб қўйган бола каби турарди. Ҳадеб бурнини ишқалайвергач, куда-… кучоғини мажбуран очиб, деди:

– Шолғомни пиширвордингиз-ку, куда. Келинг, бир бағримга босай, сизга ўхшаганларни қучоқламаганимга йигирма йил-… бўлди-ёв!

Ҳамма чапак чалиб юборди; бирданига мингтаси хахолади, фотоаппаратлар эса бетиним шиқиллади…

Асалка қанақа келин бўлди, дейсанми, сингилжон? У ўн саккизга ҳам кирмаган эди, рўзғор юмушларидан ортмаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, соддагина, айниқса, бой хонадон салобатидан буткул ўзини йўқотган довдир бир келин… Ҳар куни тонгдан бошлаб супур-сидир қилишдан ташқари, оила аъзоларининг пойабзалини тозалайди, ички кийимларигача ювиб берарди. Хонадон аҳли уйқудан уйғонганида, нонушта тайёр. Бироқ ҳеч бири Асалкани бирга чой ичишга таклиф этмайди, … тинармиди унинг!.. Энди, сингилжон, далилларни айтаверсам, кўнглинг айниб, эшитгинг келмай қолади. Қисқа… қилиб, куёв билан муносабатини сўзлай қолай. Куёв ўша куни … бўйлаб сузиб кетаверди, яъни куёв қиёфасида тўйнинг тўрида, келинчакнинг ёнида турди, кечаси янгаларнинг қистови билан чимилдиққа кирди, эртасига, индинига меҳмондорчилик, ичкиликбозлик, табриклардан тиним билмади, бўш вақт топилмади. Кейин эса… келинчак чиройли ва ёш бўлганига қарамай куёвтўра зерикди, дунёда иблисона эркалаш деганлари бор, Асалка билармиди. Ҳалиги жувон эса аввалги эридан ажраниб, кейингисига бор санъатини бахшида этишга қасам ичган … эди, квартирада, хобгоҳида кутарди, қўнғироқ қилиб чар-…ласди.

Ўша ойнинг ўзидаёқ куёв уйга келмайдиган одат чиқарди. Кейинги ойда худди тўйдан аввал қандай бўлса, шундай бўлди-… Асалка эса уй юмушларидан чарчаб, ухлаб қолар, эрта-… ёнида эри йўқлигини кўриб, ҳаётидан мувозанат йўқолаёт-… ҳис этарди.

Бир куни қайнонаси ўшқириб берди:

– Ўв кесак! Сендан чўқ чиқадими, йўқми?Қани эринг?!

– Билмасам... келмади... – ерга қаради Асалка.

Қайнонаси баттар тутақиб, оғзидан тупук сачратиб қарғаган-ча, қошига борди, урмоқчидек қўл кўтариб, унинг соч осилиб турган чаккасига нуқиди.

– Сен ҳақиқатан кесаксан! Йўқ, сен молсан! Мол бўлиб тарбиялангансан, мол бўлиб ўласан! Ахир нега сени келин қилиб ўтирибман?! Ё тенгиммисан?! Ўғлим ўша фоҳишага илакишиб, сут берганни эмас, ... берганни афзал кўриб, кетворди. Ўша бузуқидан ўн баравар чиройли, ўн баравар ёш, ўн баравар офатижон, онаси ўпмаган қизни қўйнига солиб қўяман, бировдан қолган олқинди ўз-ўзидан эсидан чиқади, дедим. Қаёқда! Мана, эски қилиғи бошланди! Буларнинг ҳаммасига ким сабабчи? Ким?! Сен! Билиб қўй, сен, сен!.. Шартта ўзингга оғдириб олмайсанми?! Ўз қонуний эринг-ку! Нега мов мушукдек суйкалмайсан? Нега атрофида парвона бўлмайсан? Нега битта эркакнинг кўнглини ололмайсан?Ўзингга тузукроқ қараб юрсанг, ўласанми?! "Эр бермоқ – жон бермоқ", деб биз ўз вақтида нималар қилмаганмиз! Қайнотанг бундан баттар эди. Эшитмаган бўлсанг, эшит: эркак ит дегани! Бу итларни қўлга ўргатмасанг, кўчадаги қанжиқлардан бери келмайди!.. Ўв, гапларимни уқяпсанми?

Асалка адойи тамом бўлди. Бошини кўрқа-писа силкитиб, уят ва номусдан ерга киргудек алфозда турарди. Қани қайнонаси бас қила қолса! Ҳақорату бепарда гапларига ота-онасини ҳам қўшди. Дунё дунё бўлиб бундай миннатларга гувоҳ бўлмаган эди. Тўйдан бурун уларнинг оиласи учун қанча пул йўқ қилганини, ҳатто пайпоғигача ўзи олиб берганини юзига солди.

– Агар ўғлим билан сени ажраштириб, ўрнингга ўткирроқ қиз олиб бермоқчи бўлсам, – деди қўлини силтаб, – билиб қўй, сенга кетган ҳамма харажатларни қайтарасан! Сени ҳам, анави пиёниста жулдурвоқиларингни ҳам одам ўрнида кўрдим, неча миллион пул сарфладим. Нима, мен Ҳотам Тойнинг хотиниманми? Ё эримнинг пул заводи борми?Биз бир нарсага пул сарфладик...





...ни, мевасини, албатта, кўришимиз керак! Бу уйлар, бу тақинчоқлар, машиналар осмондан тушмаган, ҳаммаси ҳар бир ишни ...ригача етказа билишимда, қандай бўлмасин, самарасини кўришимда! Кейин... – Ёвуз қайнона бир оз тин олди. – ...унутма, биз пул сарфлаган ишни чиппакка чиқарганларни икки дунёда ҳам тинч қўймаймиз. Бугундан бошлаб "старт" кетди. Мабодо вазифангни уддалаёлмасанг, чалажон қилиб уриб, ярим яланғоч ҳолингда уйингга судраб олиб бораман. Тўйнинг харажатларини қайтармагунларингча тинч қўймайман! Бутун маҳаллага, бутун шаҳарга шарманда бўласанлар! Пулни қаердан топасанлар, тупурдим! Эшитдинг-а?

– Эшитдим, – кўзларидан дув-дув ёш тўкди Асалка.

– Бор, энди кирларни юв, – деди қайнона.

Ҳикоямни эшитиб, азиз синглим Таслимахон, юрагинг такаиска бўлиб кетди шекилли. Лекин биз ўз ҳақ-ҳуқуқини биладиган, тушунган қизлармиз, Асалка эса гап-сўзлардан, жанжаллардан, ажрашишдан қўрқармиди, қайнонаси тўйнинг пулини сўраши ўлим билан баравар эдими, менга қоронғи. Нима бўлганда ҳам, шўрпешана келинчак миқ этолмади, ота-онасига ҳам дардини айтолмади.

Дағдағадан сўнг Асалка зўр бериб эрига ёқишга тиришди. Дастлаб эри унга эътиборлироқ бўлгандек туюлди, аммо иккинчи ой ўтгач, яна ўша жувонни қўмсаб қолди. Жувон жоду қилиб, унга пойтиб олганга ўхшарди. Тақдири ҳамон қил устида турган шўрлик келинчак энди кўз ёш қилишга тушди: "Илтимос, кечқурунлари уйга келинг, кундузи ўша аёлникига борсангиз ҳам майли", деб ялинди.

Паст кетган гўр бўлармиди! Келинчакнинг аввалдан зиғирча обрўйи йўқ эди, лекин эри ҳар ҳолда "бу ҳам одам-ку", деб ўйларди. Ялинишлардан сўнг ўша зиғирча одамлик қиммати ҳам йўқолди бояқишнинг. "Сен кўнглимни айнитаяпсан", деб эри нафақат тўшакни, ётоқхонани ҳам алоҳида қилди. Истаса уйга келарди, истамаса йўқ. Бироқ қачон, қай ҳолда остона ҳатламасин, чўри хизматга тайёр!

Эски ҳаммом, эски тос – ҳеч вақо ўзгармади ҳисоб. Қайнонасининг ғазабига ғазаб қўшилиб, келинини кўрса, балони кўргандек жон-пони чиқиб кетадиган бўлди. Кун кўрмагач, Асалка ўз жонига қасд қилиш ҳақида ўйлади. Қайнонаси билан охирги марта гаплашиб кўриш ниятида чорпояга яқинлашди.

– Сенга нима дегандим? – заҳрини сочди қайнона. – Яна эрингдан нолимоқчимисан? Гапни эшит, уч кун ичида уни одам қиласан! Шунча кутганим етар! Агар айтганим бўлмаса, тамомсан. Ўша гапирганимдан ҳам баттар кўргиликлар тушади бошингга!

– Мени энди қайтиб кўрмайсиз, – деди Асалка йиғлаб. – Қутуласиз... Ота-онам ҳам кўрмайди...

– Вой-вой, ўзингни ўлдирмоқчимисан?! Беш минг долларни ким беради? Алкаш отангми ё ҳар кимникига кириб, ҳангома баҳона қорин тўйғазиб юрадиган гадой онангми?! Аввал пулни топинглар, кейин ўлаверинглар қаторлашиб!..

Шу пайт Тошкентдаги фирмада ишлайдиган қайнопаси келиб қолди. Жанжал сабабини эшитиб, у ҳам келинга ташланди. Уруш-жанжал бир неча кун давом этгач, куёвтўра "ўз гўштларингни ўзларинг еяверинглар", деб иршайганча ўйнашиникига бутунлай жўнаворди.

– Ҳа, майли, ҳароми, – ҳансираб келинига ўқрайди қайнона, – шу бугун элга шармандаи шармисор қилмасам, одам эмасман!

– Жон, ойижон, мени кечиринг, – йиғлаб ялинди келинчак, – пулларингизни ишлаб топаман! Уй юмушларини ҳам қиламан, ойлигимни бир тийинигача санаб топшираман! Илтимос, уйимизга борманг, ҳайдаманг мени!..

Нолаларидан қайнопа ҳам тўйган эди.

– Қўйинг, ойи, – деди онасини четроққа тортиб, – бунга гапирганингиздан фойда йўқ, шунча пулни қаердан топади?! Келин керак эмас, жавобини бераман, десангиз, бир иш бор, ростдан ҳам ишлаб, тўй харажатларини тўлайди.

– Э, кетган пулларимни қайтарсин, тўрт томони қибла! Ортиқ





бир кун ҳам башарасини кўргим йўқ! Лекин қаердан олиб беради? Нима, тўрт-беш сўмлик ойлигидан битта тўйнинг пулини йиққунча йигирма йил кутаманми?

– Кутмайсиз! Керак бўлса, бир кунда тушади!

Иккиси келинни нарига қувиб, алланима устида тортиша бошлашди. Баъзи гапларгина Асалканинг қулоғига чалинди:

– Эринг жойидами, уни чет элга ишга жойлаштириш учун яна миллионлаб харажат қиламанми? – деди қайнонаси кўзлари олайиб.

– Йўқ, бу овсарни ўзлари олиб кетишади. У ёқда бир ойда беш юз доллардан мингтача индамай ишлайди. Йил ўтмай, қарзлардан қутулади, жа меҳнаткашу бунингиз! – бидиллади эрининг онаси.

– Унда сен ҳам бора қол?

– Жиннимисиз, ойи, куёвингиз орқамга бир тепиб ҳайдаб юборади!

Асалкани чорпояга чақиришганда, иккиси ҳам хийла мулойим тортиб қолишган, кўзларида меҳр балқимаса-да, ғазаб олови сўнган эди.

– Кетасан, – деди қайнона. – Беш минг кўкидан қуртдай санаб олмагунимча тинч қўймаслигимни ҳам жуда яхши биласан. Пулни топиб беришингнинг иложи йўқ эди, лекин қайнопангга раҳмат де, йўли бор экан. Танишлари орқали сени чет элга ишга юборади. Коса-товоқ ювиш, фаррошлик, энагалик учун минг долларгача ойлик тўлашаркан. Бизникида яшаганингдан бери доллар нималигини жуда яхши биласан. Туркиягами, Арабистонгами, қаерга иложи бўлса, ишга жойлайди.

– Тилини тушунмайман, деб хавотир олма, – қўшимча қилди қизи, – шу ерлик аёллар билан бирга бўласан, тилни биладиганлари таржима қилишади. Аввало, ишни билсанг бўлди, тил муҳим эмас.

– Хўп, – бош эгди Асалка. Умид чироқлари ёниб, ич-ичидан беҳад қувонди.

Шу соатдан бошлаб, маломатлар ёмғири тинди. Умр соҳил-

ларида сукунат ҳукм сурарди. Қайнопаси бир неча марта аллақаерга, аллакимларга сим қоқиб, онасига маъноли бош силкиб қўйди. Куёвтўра тилла тақинчоқларга келган экан, кайфи чоқлиги учунми, ажрашиш тинч ҳал бўлаётганиданми, бир неча бор келинчакка кўз ташлаб, истеҳзоли кулиб қўйди. Отаси эса… эх, Таслима, унинг отаси "қизим меҳнатини қилса, гап қайтармаса, опаларига ўхшаб яшаб кетаверади-да", деб ўйлайдиганлар хилидан эди, боласининг ҳолидан хабар олмасди. Остона ҳатлаб, кўча кўрмаган Асалка ногоҳон Туркияга ишга кетаётганини эшитиб, қувонди, телба. У: "Қизим зўр жойга тушди, егани олдида, емагани кетида, ҳатто энди Истанбулга жўнатишаяпти, дунёни кўради", деб мақтаниб юрди.

Белгиланган кунда Асалка ва қайнопаси Тошкентнинг чекка бир жойига боришди. Сигарета чекаётган қирқ ёшлардаги аёл кутиб олди. Асалкага кўзи тушган заҳоти ҳайратланганини яширолмади. Шу дам пешанасига қора кўзойнак қўндирган девкелбат бир эркак уч-тўртта паспорт кўтариб келди-да, ҳалиги аёлга узатди. Нимадир деб шивирлаётиб, Асалкани кўрди-ю, у ҳам анграйди-қолди. Эркакнинг суқли нигоҳидан Асалка қизармади, ижирғаниб, юзини четга бурди. "Кўзинг қурсин", деди ичида. Қайнопаси эса ҳеч нарсани сезмагандек сабрсизлик билан кутарди. Эркак кетгандан аёл билан ниманингдир нархини келиша бошлади. Нотаниш аёл "уч минг" деса, қайнопаси икки баравар зиёд айтиб, "барибир олтидан кам бўлмайди, мен ҳам аралашиб юрибману", дерди. Ҳеч келишолмагач, нариги хонага кириб, савдони давом эттиришди. Кўп ўтмай қайтиб чиқишди, қайнопанинг юзида мамнунлик аломати ўйнарди.

– Бўлди, – деди у Асалкага, – Роза опанг у ёққа олиб бориб, квартирага жойлаштиради, бир нечта иш кўрсатади, маъқул келганини танлаб, ишлайверасан. Қарзингга келсак, топган пулингни мана шу опангга берасан. У билан ўзимиз гаплашаверамиз.

Содда Асалка "қайнопам билан ўпишиб хайрлашишим керак", деб талпинди. Қайнопа номигагина ўпган бўлди-да, дарров ўзидан нари итариб, жўнаб қолди. Тошкентдан Бишкекка





яна икки жувон – тўртта бўлиб учишди. Роза уларга ўзаро суҳбатлашишини ман этди. Асалканинг билгани шу эдики, бири Самарқанддан, иккинчиси Тошкентдан. Ҳаммалари Туркияга Бишкек аэропортидан учиб кетишади.

Қирғизистон пойтахтида сафларига уч қиз қўшилди. Улар ҳам на турк, на инглиз тилини билишини эшитган Асалка ўзига ўхшаганлар кўплигидан хурсанд бўлди, кейин:

– Вой, иш буюрса қандай тушунамиз?– деб сўради биридан.

Тошкентдан бирга келган кўкраклари ярим очиқ, олифта, [illegible]чоқдек жувон қулоқчинини олиб, уф тортди.

– Эй, менга қара, намунча ўзингни гўлликка соласан?! – афтини буриштирди у. – Ўзингни осмондан тушгандек тутаверма, жиғимга тегаяпсан. Сендан нима хоҳлашларини билмайсанми? Ўзинг яхши биласан-да! Тилини тушунмайман эмиш. Уларга тилингни нима кераги бор!..

Асалка кутилмаган дағдағадан чўчиб, ҳамроҳларига бир-бир кўз ташлади. Ҳаммалари юзларини четга буриб олишди. Бил[illegible], йўлдош, дардкаш бўла туриб, улар дўстлик қилмайди, Роза тайинлаганидек, яхшиси, гаплашмаган маъқул.

Чипталар олинаётганда, рейс ҳеч қанақа Туркияга эмас, Бирлашган Араб Амирликларига, Дубай шаҳрига эканини эшитгач Асалка бир оз гарангсиб қолди.

– Биз... Арабистонга борамизми?– юрак ютиб сўради Розадан.

– "Зато" ойлик зўр, – бепарво жавоб берди Роза. – Арабларда нефт кўп, тилла мўл. Туркларни нима қиласан? Уч юз-тўрт юз доллар маош.

– Турк тилига тушуниш мумкин, арабчани умуман…

Кўкраклари ярим очиқ, олифта яна уф тортиб, деди:

– Тилини билмаса, ўтирсин уйида эрининг қовоғига қараб! Ҳали аэропортда қўзийди буларнинг!

Дубай аэропортида араб хонимларига монанд кийинган семиз хотин кутиб олди. Роза ҳамманинг паспортини йиғиб, унга [illegible] ва: "Омад тилайман, қизлар, топганларинг доллар бўлсин",

деб хайрлашди. "Келишувларни энди шу аёл билан қиласан, пулни ҳам унга берасан", деди Асалкага. Шу кўйи Розани қайтиб кўрмади. Дубайлик аёл "мени Раҳи деб чақиринглар, асли Тошкентданман, етти йилдан буён шу ерда яшайман, четдан келганларга ижара уй, иш топиб бераман, шунинг эвазига хизмат пули оламан", деб ўзи ҳақида қисқача сўзлаб берди.

Шаҳарнинг анча ичкарисига ёки нариги четига йўл олишди. Кўп қаватли уйларнинг тўртинчи қаватидаги тўрт хонали уйга кирдилар. Бир соатдан сўнг икки қизга иш топилди, шошилинч олиб кетишди. Тўртовлон қолишгач, Раҳи ҳаммани битта хонага жойлаштириб, полга тўшак солиб ухлаш мумкинлигини айтди. Қолган учала хона эса ётоқ услубида бир хил безатилган, ҳар бир хона ўртасида икки кишилик ётоқ диван, оқ мато тўшалган, худди келин-куёвларнинг илк никоҳ оқшомини эслатарди.

– Мана, бу ванна, – деб ҳожатхона ёнидаги эшикни очди Раҳи, – дарров-дарров ювиниб чиқаверасанлар…

– Нега дарров-дарров? – тушунмай сўради Асалка.

Раҳима уни ётоқхоналардан бирига олиб кириб, эшикни ёпди ва шундай деди:

– Роза аэропортда айтгандики, сен бутунлай янги экансан. Қайнопангга беш минг тўлабди, мен эса Розага ўн минг бердим. Кўкидан албатта. Энди ўша ўн мингимни ўн беш қилиб қайтаришинг учун ваннага бир кунда беш-ўн марта киришингга тўғри келади. Сени мажбурламайман, пулимни ундириб оламан, холос. Ё Дубайда бирор танишинг бошқа яхшироқ иш топадими? Топса, айт, сенга ўн беш минг доллар қарз бериб турсин, орани очиқ қилайлик…

Эҳ, сингилжоним, ҳикоямни эшитиб, қўлларинг мушт бўлиб тугилаётганига қараганда ёмон таъсирланаяпсан. Асалка кимларнинг қўлига тушиб қолганини сезган бўлсанг керак. Энди бу ёғини эшит: Раҳининг гапларидан шўрликнинг ранги мурдадек оқариб, қулоқлари шанғиллаб кетди. Бу хотин нелар демоқда? Ўн беш минг доллар!.. "Алдаяпти! Қанақадир мудҳиш ва разилона алдов бу!".





– Нима учун?.. Нима учун ўн беш минг доллар берарканман? – тили зўрга айланди Асалканинг.

– Ҳаммасини била туриб, жўрттага сўраяпсанми? – деди [illegible] хотин. – Қайнонанг сенга беш минг доллар сарфлаб, ўғлининг, тўйингнинг харажатларини кўтариб, қоғозга ўралган қиммат конфетдек келин қилиб олган. Сен эса тўрт-беш ойда ўғлини ёмон йўлдан қайтаролмагансан, устига-устак "кетаман" деб жанжал чиқаргансан. "Кетсанг – катта кўча, лекин беш минг долларимни топиб бер", дейишган. "Ўзим ишлаб топаман, ота-онамнинг бир тийини йўқ", дегансан. Қайнопанг Розани танирдан, ҳузурига икковинг боргансан. Розадан беш минг долларни қарздек санаб олибди ва шу билан қайнонангнинг қарзидан қутулибсан. "Срочно" беш минг топиб бергани учун Роза "ўн минг қилиб қайтариб оламан", деб кўнглига туккан экан, мана, нияти [illegible] чиқди, мен ўн минг бердим.

– Қаердан топиб бераман шунча пулни? – кўзларида ғилт-ғилт ёш йиғилди Асалканинг. – Мени қўрқитманг, опажон! Илтимос, раҳмингиз келсин! Бир умр дуо қиламан, жон опа…

– Вой, Дубайга ўз оёғинг билан келиб, менга кўз ёш қилаяпсанми? "Қўрқитманг" эмиш. Кимнинг пулига чет элга келдинг? Ким сенга иш топиб берди? Ахир ҳаққимизни олишимиз керакми? У ёқда беш минг тополмаган экансан, бу ерда топасан! Аввал қизларга саккиз мингдан тўладим, лекин сен учун икки баравар бердим, сабаби – ишондим сенга! Ўн беш мингни бемалол ишлайсан! Чиройлисан, ёшсан, ҳар қандай эркак ишкингда ёниб қолади.

– Эркак?.. Йўқ-йўқ! – юзини тўсган Асалка деворга суяниб, [illegible] чўкди.

Раҳиманинг ғазаби тошиб келди, аммо ўзини тийди.

– Майли, – деди тишини тишига босиб, – хонангга кириб ёт, кейин хоҳлаган ишингда ишлайсан. Лекин менга ўн беш мингни уч-тўрт ойда топиб беришинг керак. Қолаверса, ижара ҳақи ва [illegible] ойига тўрт юз-беш юз доллар бўлади, ҳисоблайвер.

– Менга иш топиб берасизми? Коса-товоқ ювиш, фаррошлик...

касал одамга қараш бўлса ҳам майли...

– Уриниб кўраман. Бошидан айтиб қўяй, иш топсам ҳам қамаб ишлатадиган жой бўлиши керак. Паспортингни ҳеч қачон қўлин- гга бермайман. Бўлмаса, ифлослик қилиб, қочиб қолсан, одам савдосида айблаб, умримизни турмада чиритасан. Керакми менга шу?!

– Ундай қилмайман, нон урсин.

– Нон уриб бўлган сени, – деб Раҳи эшикни очиқ қолдирганча чиқиб кетди.

Ўша куни кечқурун икки меҳмон эшик қоқди. Новча, кўзлари ўйнаб турган йигитчалар нари борса ўн олти ёшдан ошган эди. Раҳи араб тилида алланималар деди. Сўнг жувонларга ўгирилиб

– Бўз болалар экан, уялишаяпти, – деб кулди. – Лекин яхши тўлашади, минг дирҳамдан. Бу – олти юз доллар дегани. Қадам- ларинг квартирамга ёқди шекилли. Тағин иштаҳаларинг очи- либ, мендан кўпроқ пул талаб қилиб қолманглар, буларни мен кўчадаги дугонам орқали топтириб келаяпман. У ҳам текинга ишламайди.

Ҳақиқатан, йигитчалар қўлларидаги пиво идишларидан тор- тинчоқлик билан пиво қуйиб, жувонларга узатишди. Пивонинг бу нави Дубайда камёб эди. Ичдилар.

– Вақт кетаяпти, тезроқ киргизворай, – деди Раҳи. – Қани, бўлларинг, хонимчалар, хафа қилманглар уларни. Бундай гўр бойваччалар доимийга айланса, ўзларингга фойда.

Қошлари қалин йигит жувон танлади. Танлаганда ҳам йўлда Асалкани жеркиб берган тиқмачоқдан келганни ҳамхона қилди. Шериги эса Асалкага ўқтин-ўқтин қараб ўтирган эди, Раҳи тез- роқ бўлишни ундаганда, ўз тилида бир сўз айтиб, Асалкага имо қилди. Шўрлик келинчак тирноғигача музлаб кетди. Агар шу йигит хиралик қиладиган бўлса, тўртинчи қаватдан ўзини таш- лаб, жонига қасд қилишга ҳам тайёр эди. Бироқ бу гал Раҳи бутунлай виждонини еб қўймади, нималардир деб бошқа жу- вонга кўндирди. Йигитчанинг норозилиги яққол кўриниб турар- ди. Нима қилсин, Асалка гўзалларнинг гўзали эди, аммо биш





гина жувон ҳам тасқара эмас, бир зинокорга етиб ортадиган даражада бажозиба.

Асалка пешайвонга чиқиб, тиззаларини қучоқлаб ўтирди. Ёшгина йигитчалар тезроқ кетишини, хотиржам ухлашни, бар- ини тушга айланишини истарди. Йигитчалар икки минг дирҳ- амга бу уйдаги жувонларни тонггача сотиб олишганини, эрта- дан бошлаб кундузи ҳам, кечаси ҳам шу тариқа турфа каслар – гоҳ мўйлови энди сабза ураётганлар, гоҳ қирқ-эллик ёшли эр- каклар – келиб туришини у ҳали билмасди.

Шундай қилиб, бир ҳафта ўтди. Раҳи эрталаблари озиқ-овқ- ат, ичимлик, қизлар учун нозик нарсалар харид қилгани кўчага чиқаётганда, ўрнига эркак кишини қўйиб кетарди. Тиқмачоқ- дан келган жувон қоровулни "сутенёр" деб атади. У хоҳлаган жувонни ётоққа олиб кириш ваколатига эга эди. Асалка суте- нёр нима дегани экан, деб тушунмади, кейин билса қўшмачи- лик билан фақат аёллар шуғулланмас экан, бундай эркакларни сутенёр дейишаркан.

– Уйлакалар ҳар қандай мамлакатда топилади, – деди тиқма- чоқдан келган жувон сигарета тутатиб. – Асалка, сенинг эринг ҳам сутенёр. Гапларингга қараганда, Дубайга қандай мақсадда кутаётганингни билган. Даюс у! Ўз қонуний хотинини амирлик ...лари-ю бошқа хорижликлардан қизғанмаган-ку ахир! Сен- ... тушган беш минг доллардан барибир у ҳам фойдаланган.

– Ўз ... қараб гапиринг, сиз айтган мақсадда келга- ним йўқ.

– Барибир эрта-индин пул ишлашни бошлайсан. Биринчидан, сенга сарфланган пулларни чиқариб олишади, иккинчидан, те- кинга боқмайдилар, учинчидан, биз ҳар куни юз-икки юз дол- лар улуш олаётганимизни кўриб, ичинг қизияпти, кўнгилхуш- ... қилганингни она шаҳрингда ким билиб ўтирибди, охири ўз ... билан кирасан ётоққа! Масалан, мен ресторанда офици- ... эдим, қариндошларим, қизчам Дубайда ҳам ресторанда ишлайман, деб ўйлашади. Тўртинчидан, Раҳи сенга иш излаяпти, ... аҳмоқ бўлма. У катта пулдорларни илинтириш учун пайт

пойлаяпти, холос. Бешинчидан…

– Илтимос, овозингизни ўчиринг! Бас қилинг, бас!..

– Бешинчидан, мен эртага бу ердан кетаман, бошқа иш топдим. Уч хонада учовинг "ишлайсан". Учта эркак келса, шериклари ишрат қиладию учинчиси ҳуснингни томоша қилиб ўтирадими?!

– Қаердан иш топдингиз? – сўради Асалка бирдан юмшаб, у бошқа ишдан ҳалигача умидвор эди.

– Кеча тунда келган эркак эрталаб тилла узук совға қилди, унга ёқиб қолибман. Саккиз минг қарзингни тўласам, мен билан кетасанми, деди. Рози бўлдим. Энди квартирасида яшарканман, Аль-Барахада. Қўшни квартал шекилли.

Асалка ўзини сиртмоқда ҳис этди. Ҳадемай оёғи тагидаги курси тепиб юборилади, шу билан тамом. Тиқмачоқдан келган жувон қорасини ўчирган куниёқ башорати ҳақиқат никобини кийди. Кечқурун даҳлиздан ғўнғир-ғўнғир товушларни эшитиб, қизлар хонасидан мўралади ва қўрқувдан юраги гупиллаб ура бошлади. Негаки қўлтиғига аллақандай ҳужжатларни қистирган, бўйи шифтга етгулик уч барваста эркак пойабзалларини ечиш асносида Раҳини сўроққа тутарди, айниқса, энг гавдалисининг важоҳатидан от ҳуркарди. Бека қўрққаниданми, ҳаяжонланганиданми, оёғи куйган товуқдек типирчилаб, уларга парвона эди. Асалка бу мамлакатда ҳеч қачон хотиржам яшолмаслигини тушунди: адо бўлди, адо.

Даставвал икки жувонни йўқлашди. Ҳаял ўтмай эса Раҳи тўғридаги кенгроқ ётоқхонага Асалкани етаклаб кирди.

– Юрсанг-чи, бўлмаса, полицияни чақиришади! Булар кимлигини биласанми ўзи?! Фоҳиша деб бўйнингга айб қўйиб, зиндонга тиқишади, ўтирасан беш йил калтак еб, момонгни кўриб!

Раҳи ва икки эркак хона бўсағасида серрайиб туришди, ўша энг бадқовоқ, энг басавлати қўлидаги қоғозга учала жувоннинг исм-фамилиясини, қаерлик эканини, нима мақсадда бу уйда яшаётганини ёзиб олди. Русчани чала-чулпа билиши иш бериб, жувонлар билан тилмочсиз шахсан ўзи гаплашди. Уларнинг





[illegible]ламидан Асалкани ҳеч ким огоҳлантирмаган, биров бир оғиз [illegible] ўргатмаган эди. Қараса, Раҳи алланима деб шивирлаб, имо-[illegible] қилаяпти.

– Фаррош… фаррошман де… – овозини хиёл кўтарди қўшма[illegible]. Бироқ шу заҳотиёқ ёнидаги эркак уни чиқариб юборди. Кей[illegible] бошлиқни ва Асалкани ёлғиз қолдириб, ҳаммалари хонани тарк этишди.

– Қизлар ширинлик цехида ишлаймиз, дейишди, ростми? – [illegible] эркак. – Нега қалтирайсан? Ўтир! Улар ҳам, сен ҳам [illegible]чисанлар… Аслида дорга осиш керак, дорга… Араб дор[illegible] кўрганмисан ўзи?

Асалканинг қадди-басти эркакдан икки баравар кичик, ярим [illegible] келарди, қўрқувдан букчайиб диван четига чўкди, худ[illegible] эртаклардаги дев қаршисидаги шўрлик қизга ўхшаб қолди. [illegible] бетиним бир савол чарх урарди: "Ростини айтиш ке[illegible], йўқ?".

– Мен билмайман… яқинда келдим… энди ишламоқчиман… [illegible]ради у эркакнинг кўзига тик қараёлмай.

Сўнгра кўзларидан дув-дув ёш тўкди.

– Майли, сенга фоҳишалик айбини қўймайман, – деди эркак [illegible] туриб, жавон сари юраркан, – бу ерда ликёр бор экан, [illegible] неча култум ичасан. Ичганинг учун енгилроқ жазо оласан. [illegible]? – у шундай дея рюмкага қуйиб узатди. – Қани, бўл. Ич.

– Нима? – ортга тисарилди Асалка, негаки унга эркакнинг [illegible] қўли тегиб кетганди.

– Ич деяпман.

Асалка рюмкани лабига олиб борди, эркак мажбуран охири[illegible] ичирди.

– Энди бу аёл ва ҳамхона қизлар ҳақида жамики ҳақиқатни [illegible], – деди бир оз кутиб турган эркак.

– Айтаман… – шивирлади Асалка. – Ҳаммасини… ҳам…

У шунчалик тез сархуш бўла бошладики, қўл-оёқлари бўша[illegible], унга бўйсунмаётганини ҳис этди, ҳатто овози ҳам йўқо[illegible] борарди. Билдики, ликёр ўрнига қандайдир дори ичирди.

Девнинг кўзларига боқди, бу кўзлардаги маъмуриятнинг рас-мий қарашлари йўқолиб, ёввойи ҳирс ялт-юлт этарди. Асалка эшикка талпинди, аммо лаҳза ичида ўзини юмшоқ ёток диван ўртасида кўрди.

– Маъмуриятдан эмасман, энг пулдор бойларданман, – деди эркак устига юзталик доллардан сочиб. – Соҳибжамол дейиш-ган эди, лекин бу қадар соҳибжамоллигингни тасаввур ҳам қил-магандим. Чангалимга осонроқ тушдинг...

Ўзининг қичқириғи эшитилдими, қўшни хонада "ҳамкасб" жувон фарёд урармиди, фарқлаёлмади. Дунё тугади, аммо жони узилмай тураверди. Кўзларини ўйиб, баданини ўтларда ёқишса, кулини поклик даври ўтган кўчаларга сепиб юборишса бўлмас-миди! Э воҳ, бунчалар хўрланмаса, топталмаса, ҳаттоки инсон ўрнида ҳам кўрилмай азобланса... азобланса... Йўқ, жисмоний азоблардан кўра шармандалик ўлдирмоқда эди, энг тубан, энг жирканч шармисорлик...

Ярим кечаси ҳуши ўзига келди чоғи, диван четига ярадор оҳу каби зўрға эмаклаётганди, эркак:

– Ичамиз, энди ростакам ликёрдан, – деб яна оғушига олди.

Ҳар гал шу ҳол такрорланар, ичишар, зино ботқоғига боти-шар, на кечқурунги эркакни, на кечқурунги Асалкани таниб бўларди шу тобда. Тонг ҳам отмади, узоқ чўзилди ғар кеч. Ик-киси-да одамзоднинг юзини қора қиладиган юз хил жирканч-ликни синаб кўраётган одам шаклидаги жонзотларга ўхшашар-ди. Зино – ахлоқ чегараларини бузиб ўтган қора тўнғиз эди, у ҳаммаёқни буруқситар, имон, виждон, ақл, нақл, охират – бар-ча гулларга фаҳш балчиғини сачратиб, кутуриб пишқирарди...

Асалканинг қисматини ҳикоя қилишга ҳаддан зиёд берилган Муҳашшо шу йўсинда қизиққонлик билан бир қанча ўхшатма-ларни тилга олиб, ниҳоят жимиб қолди. Киприк қоқмай ўгай опасининг оғзига тикилиб ётган Таслима эса секин қимирлаб, тунги чироқни ўчираркан, сўради:

– Асалканинг тақдири кейин нима бўлди?

– Кейинми? Нима бўларди, бир неча ой – то ўша эркакнинг





жонига теккунча – эрмаги бўлди. Эркак яхшироқ тўламай қўйди-ми, Раҳининг нияти бузилдими, Асалканинг ёнига ҳар куни беш-олтита, баъзан ундан зиёд эркакни бошлаб келар, ўн беш минг доллар эмас, ўттиз минг доллар ишласа ҳам тинч қўймасди. Шундан сўнг ижара уйдан амаллаб қочиб, тегишли жойга уч-рашган. Тошкентга олиб келишди. Ўзига ўхшаган қурбонларни тикловчи махсус муассасага тўплаб, тергов ишлари ҳам олиб борилди. Аввало, қайнона ва қайнопасини ушладилар, кейин Раҳининг қўлига кишан урилди. Раҳи эса Дубай полицияси то-монидан қидирувда эмиш. Шунақа гаплар... Кел, энди ухлай-лик. Таслима, эртага учрашувим бор, мен барибир "эмират"-лик йигитга турмушга чиқаман.

* * *

Эртаалабки чой маҳали Холпошша эрига мақтанди:

– Муҳашшо билан Таслима кечаси билан ғўнғир-ғўнғир гап-лашиб чиқишди, бир кўришдан ҳақиқий опа-сингил бўлди-қолди, ҳеч ким ўгай демайди.

– "Ўгай" деган сўзни тилга олмасликка келишганмиз, – хоти-нига норози боқди Мухтор ака, сўнг Таслимага кўз ташлади. – Ўгай опанг билан нималарни гаплашдинг, қизим?

Нагаҳ Холпошша ва Муҳашшонинг кўзларида саросима пайдо. Шу заҳотиёқ Муҳашшо Таслиманинг оёғини босди, "ай-тма", деди. Ҳа, Таслима Асалканинг аччиқ тарихини эшитгани-ни сир тутди. Билмас эдики, Асалканинг қисмати ўзининг ҳам бошига тушади!

Ўша ҳафта Муҳашшога совчи келди, Амирликнинг Раъс ул-Хайма шаҳридан. Куёв бўлмиш ҳақиқатан Дубайда ишларкан, давлатманд экан. Кечқурун бир нотаниш аёл телефон қилиб, Тас-лимани сўради. Гўшакни Холпошша олган эди, "кимсиз?" деб қошини чимирди. Кейин "қайси?" деб Таслимага кўз ташлади. Қошини лиқиллатиб турди-да, илк бор иддао билан:

– Сени сўрашаяпти, – деб гўшак тутган қўлини узатди. Тас-

лима ҳам истамайгина бориб, "алло", деди.

– Яхшимисан, қизим?– вилоятдан келгани шевасидан се
либ турган аёл ҳаяжон аралаш гапирди. – Мен синфдоши
нинг аясиман, ҳозир пастга тушоласанми? Гап бор эди сен
лекин аянг кетингдан эргашиб чиқмасин ўзинг кел, хўпми?

Синфда фақат Асқар деган йигитгина онасини "ая" дерди,
аммо нега Асқарнинг аясига керак бўлиб қолди экан? Балки
хеч қандай Асқарнинг онаси эмасдир?

Таслима ҳайронлик етовида зинадан тушди. Подъезд олди
даги ўриндиқда ўтирган хотин оёққа қалқиб, оғиз очди:

– Таслимамисан? Кечирасан-да, сени ҳам ташвишга қўйдим

– Сизни танимадим, – тўхтади Таслима.

– Алдаб чақирганим учун узр, қизим. Аслида мен эмас, бо
шқа биров... бировлар гаплашмоқчи эди. Юр, нариги "дом"ни
тагида турибди машинаси.

– Ким экан?– қизнинг юзига хавотирнинг алвон шафақи
югурди.

– Ҳеч кимга айтмайсан, жуда қаттиқ сир, – кўз қисди хотин.
Опангга совчилар келган, биласан-а? Сендан баъзи нарсалар
ни сўрашмоқчи. Тилимизга тушунадиган, Тошкентга аввалдан
келиб-кетиб юрадиган аёллар экан, Арабистондан. – Кейин
кўзлари чақнаб, қўшиб қўйди: – Сени чақириб беришим учун
менга эллик доллар берди, мана. Ҳозир қайтаётиб, қизимга кур
тка оламан, қишда мактабга кияди.

– Мен боролмайман. Муҳаббат опамнинг ойиси... ойим уйда
эди, ўзини чақира қолай.

– Вой, нега қўрқасан! Аяси билан гаплашиб бўлишган, сен
дан баъзи нарсаларни сўрашмоқчи, холос. Суриштирувсиз қаер
да умр савдоси бўлган?! Агар ортиқча гап қилса, минг чет эл
лик бўлса ҳам, сочини юламан, пулини башарасига отаман. Би
– иккимиз, бир тарафмиз, қизим, нега араблардан чўчир экан
миз, тўғрими?

Ҳақиқатан, қўшни уй олдидаги асфальт майдончада хорижий
русумдаги машина турган экан, булар келавериши билан эши





...изиб, истарали араб аёли тушди, кўзларида қандайдир
...ўти бор эди. Ўзбек тилида сўзлаша олар, арабча
...тортиб кетаётган гапларини тушуниш мушкул
... Уларнинг савол-жавоби, адабий тилда талқин этилган-
...бўлиб ўтди:

– Таслима, сенмисан? Мен Заҳро хониамман, Зайднинг онаси.
... ўгай опанг Муҳаббатга совчи қўйган йигит. Мамла-
...да тижорат ишлари билан юриб, опангни севиб қолган.
...Араб Амирликларининг гўзал ва осуда, тари-
...ва замонавий шаҳри Раъс ул-Хаймаданмиз. Бу ерларга бир
...марта келганман, кўп жойларни биламан, тилларингни
...Чунки бобом асли андижонлик, менга ўз тилини
...алоҳида саъй-ҳаракат кўрсатган. Бу сафар зиёрат-
...совчиликка келдим.

– Нега бунака чақиртирдингиз? Муҳаббат опамга совчилик-
...келган бўлсангиз, мен нима ҳам дейман. Ёш қиз бўлсам, ўзи
...танишганман. Опам бошқа оилада яшаган, аниқроғи,
...ликда. Дубайдан совчи келганини ҳали дадамга ҳам
...йўқ шекилли.

– Дубайдан эмас, Раъс ул-Хаймадан.

– Кечирасиз, адашдим...

– Дадангга бугун кечқурун хабар қилишади. Биз совчилик
...нинг биринчи босқичини меҳмонхонада ўтказдик. Сен-
...баъзи маълумотларни сўрамоқчиман, шу масалада менга
...беранг. Жуда ҳам дилбар қиз экансан, ишонаманки, қал-
...ҳам дилбар.

– Қандай ёрдам беришим мумкин?

– Бу аёл, – шундай дея Заҳро хоним машинада ўтирган бадқ-
...хотинга имо қилди, – онангни, аниқроғи, сен яқиндан бери
...ўгай онангни Дубайдаги ёмон бир ресторан олдида
...дедим, деди. Ўзидан сўраганимизда, Холпошша "Дубай-
...борганман, лекин ресторанларга қадам ҳам босмаганман",
...айтди. Ростини айтолмайсанми, гарчи анча вақтдан бери
...-да, балки қулоғингга чалингандир, у Дубайга, биз-

нинг мамлакатга нима мақсадда борган?

– Дубай?.. Йўқ, – бош чайқади Таслима, – бу ҳақда ҳеч нарс
билмайман.

– Дубайга ҳар йили юзлаб хотин-қизлар дам олишга, саёҳа
га, ишга боришади, бундан ҳеч ҳам таажжубда эмасман. Биро
Муҳаббатнинг онасини овсиним "Призма"нинг ёнида кўрган
ман", деяпти. У ерга овсиним эрини ахтариб борган. "Призма"
номингга ўт тушгур фоҳишахоналардан бири, ресторанннинг ў
сал бошқача номланади, ажнабийлар шунақа от қўйиб олиш
ган. Гап нима ҳақида эканини тушунаётгандирсан?

– Мен кета қолай… – Таслима уйига шошилди. – Эшитганим
шуки, ойим аввалги турмуш ўртоғининг синглиси орқали иш
топган, ҳалол ишлаган… Сиз бекорга гумон қилаяпсиз.

– Илтимос, – деди араб хотин орқасидан. – Эрининг ақлли
ҳушли, имонли қизи бор дейишгани учун ҳузурингга келдим
Акс ҳолда қайси аҳмоқ келиб-келиб шундай нозик саволни қиз
га беради?! У Дубайнинг қаерида, қандай иш билан машғу
бўлганини ким аниқроқ билади, айтолмайсанми? Биз учраши
шимиз керак бўлган бирор кишини тавсия қиларсан? Балки ўш
қайнсинглисининг манзилини айтарсан?

– Узр, хоним, кетишим керак.

Таслима бош эгганча уйига жўнади.

– Ҳой қиз! – хитоб қилди чақириб берган хотин. – Биз сени
сен бизни кўрмадинг. Келишдиг-а?!

Уй остонасига қадам босганида ҳаяжон ўтига ҳали сув се
пилмаган эди. Ҳатто ҳозиргина ишдан қайтган отаси билан са
ломлашишни-да, унутиб қўйди.

– Ҳа, салом бермайсанми? – чимирилди Холпошша. Кейи
сўради: – Ким экан у қўнғироқ қилган? Жа ўзини олди.

– Синфдошимнинг ойиси…

Мухтор ака ниҳоятда ҳориган, асабийлашган алфозда ўтир
гани важидан қизидаги ўзгаришларни сезмай:

– Чой, – деди. – Аччиқроқ, қуюқроқ… Бу иш, одамлар, таш
виш мени ейди.





[illegible]ониси, бугун гаплашадиган муҳим гапимиз бор эди,
[illegible] шунақа қиласиз-а? – нозланди Холпошша пойига чўкиб.
[illegible] бу умридаги энг беўхшов нозланиш бўлса ажаб эмасди.
[illegible] шу ишни, Мухтор ака, муҳим гапим бор деяпману.

[illegible] муҳим гап эшитмаганман, – ўрнидан турди Мухтор
[illegible] ваннахонага кирди.

[illegible]ога совчи келди, – ёлғондакам йиғламсиради хотин.
[illegible]ибди-да! Талаба эканлигини, иккинчи курсда ўқиши-
[illegible]микан? Ҳам ўқиш, ҳам оила, қийналиб қолади-ку!
[illegible]? Кимдан?' деб сўрамайсиз. Бунча лоқайдсиз!

[illegible] сафар ҳам шундай дегандинг. Нега қизингга совчи
[illegible] ваҳимага тушасан? Йўқ де, тамом… Бўлди, бу мавзуда
[illegible] гаплашамиз, бошим тарс ёрилади ҳозир.

[illegible] Раъс ул-Хаймадан.

[illegible] экан у Раъс ул-Хаймаси?

[illegible] гапини такрорлади ва Бирлашган Араб Амирлик-
[illegible] шаҳар эканини, куёв ҳозир Тошкентда ишлаётгани-
[illegible] офиси борлигини, жуда бадавлатлигини – барча-
[illegible] аммо майин ва ширали оҳангда сўзлаб берди. Ванна-
[illegible] сув вошиллар, эшик қия очиқ, Мухтор ака хоти-
[illegible] карахт ҳолда эшитаётган эди чоғи. Таслима ўгай
[illegible] лабини нақадар ғаддорлик билан тишлаганини
[illegible] араб хотинлар кўз олдига келди, "совчилар би-
[illegible] бузиб қўйганимда, ўгай онам ва Муҳашшо олдида
[illegible] умрбод ғавғодан чиқмасди", деб ўйлади, мазкур ўй ба-
[illegible] виждон хўрсиниши қалб деворларида акс-садо бер-
[illegible] Заҳро хонимнинг "қалбинг ҳам дилбар… қалбинг
[illegible]" деган каломига айланиб, сўнг йўқлик қаърига син-
[illegible] "Наҳотки… ойим ростдан фоҳишахона атрофида ўра-
[illegible] бўлса? – пичирлади Таслима. – "Призма" дедими? Ме-
[illegible] ойим… ойим шунақами? У ҳолда… ўлганим минг марта
[illegible]…".

[illegible] эшигида Мухтор аканинг ажабланган қиёфаси
[illegible] бўлди.

–Қани ўша совчилар?Уйимга чет элдан меҳмон келса-ю, нега қўнғироқ қилмайсан?

–Меҳмонхонага чақиришди, катақдек уйингизга келармиди.

–Ғаройиб совчилар экан. Қайтариб юбор!

– Нима?! Совчи юборган йигит ойига эллик-олтмиш минг доллар ишлайди, қизимга ҳам ёққан, оиласи ҳам яхши. Қисқаси, бераман.

–Пул учунми?Унда ўзингни ҳам қўшиб бера қол. Гапни битта жойга қўйиб, мендан хўжакўрсинга сўрашингни-чи!

–Ҳақорат қилманг, Мухтор ака! Пул учун бўлганида, сизга ҳеч қачон турмушга чиқмасдим! Нега яхши яшашга бўлган интилишимни доим пулга ўчликка йўясиз?! Қуруқ маошга ишлаб, бошингиз оғриб келади, зарилми шунақа ҳаёт?! Қизимни бекорга чет тиллар институтида ўқитмаяпман. Хорижни кўрсин, фирмалар очсин, керак бўлса, Зайдга ўхшаган миллионерга турмушга чиқсин!.. Шундай бўлгач, биз бир четда қолмаймиз, дўкон очамиз, Дубайдан мол олиб келиб сотамиз. Куёвининг, қизининг Дубайда савдо офиси бўлган одам нега қилолмас экан?! Қилолади! Кимларнингдир қўлига қараб яшамайди!

–Манфаатларинг бошингга етмаса гўрга эди, –отаси эшикни куч билан ёпган эди, ошиқ-мошиқлар ғийқиллашга ҳам улгурмади.

Муҳашшо бу кеч уйда қорасини ҳам кўрсатмади. Оғир ва зерикарли руҳият ёмғири ҳамманинг кўнгилини ҳазинликка бўктираётганга ўхшаса-да, Холпошшанинг кўзларида қувлик ўйнаб ётарди. Чой қуйиб, узатиб, деди:

–Дадаси, анавилар... совчилар Дубайда ишлаб келганимни нотўғри тушуниб, орқамдан суриштиришибди. Кимдир боплаб иғво қилган кўринади. Сиздан сўраса, яхшилаб тушунтиринг, Дубайда ишлаган ҳамма аёл ёмон эмас, ёмонга уйланармидим, деб.

Мухтор ака ёвқараш қилди.

–Қизинг чет эллик арабга турмушга чиқаётганини маҳаллам, қариндошларим, қишлоғим, ҳамкасбларим –ҳеч ким бил-





[illegible] уклингми?–деди у. –Совчиларга эса тушунтириб ўтирмайман, ёнимга келмасин. Агар Муҳашшога бир нима бўлса, [illegible] йиғлама. Шивирини ҳам чиқармайсан!

–Вой, нега бир нима бўларкан?

–Ўттиз беш ёшлардаги хорижлик йигит сўраяпти, деганингдан [illegible] сезганман. Сен билан тенгқур эркак, ҳанотки, [illegible] вақтгача уйланмаган?! Муҳашшони хотин устига хотин [illegible] бераясан. Бу ҳам майли... ишқилиб, юзимни ерга қаратмай, бўлди. Уйланиш баҳонасида чет мамлакатларга қиз [illegible] кетувчилар бор.

–Нафасингиз курсин, ҳар томондан суриштирганман, яхши [illegible] агар. Жуда ишонмасангиз, ишлаган фирмасига боринг, Чинонзорда.

–Билганингни қил.

[illegible] яна бир мақсадига эришди. Муҳашшо эса уларнинг [illegible] қайтиб қадам босмади. Ҳар ҳолда ўгай ва бир уйда кўп [illegible] бўлса-да, қизим деган эмасми, Мухтор ака ичидан [illegible] кетган. Бахтига тақдир ўз қизи Таслимани одоб-ахлоқ, ҳаё, [illegible] кисмаган, хоҳишига қарши бормаслигига ота бутун [illegible] билан амин эди.

* * *

[illegible] узатиб кетишади, қариндошларим билмайди, деб [illegible] Мухтор ака янглишди. Куёв ҳақиқатан бой ва диёнатли [illegible] барча урфни бажо келтириб, ҳатто олис Раъс ул-Хаймага боролмайдиганлар учун ресторанда дастурхон туза[illegible], тўй қилиб берди. Худди замонавий, ўзбекона тўй: тўрда [illegible] костюмли куёв, ёнида оқ либосли келинчак, уларнинг икки [illegible] дугона; зал тўла меҳмон, ўртакаш авжида, хо[illegible] эса дақиқа сайин алмашиб турибди.

[illegible] давраде Заҳро хоним кўринди. У ўша кундаги[illegible] қараганда мағрур ва масрур эди. Таслиманинг рўпарасида [illegible], енгил қучди, пешанасидан ўпиб:

– Аслида сени келин қилсам, тузук эди, – деб таассуф би... дирди. – Мактабда ўқиркансан, ёш экансан. Майли, Аллоҳ ба... тингни берсин.

Таслима отасидан минглаб чақирим олисда яшашга кўнгли... да заррача ҳоюҳавас туймаган бўлса-да, бу аёлга ёрдам бе... ролмай, қочиб қолгани важидан виждони боз-боз тўлғонди. Ў... ўзига таскин бергани шу эдики, "энди араб хонимни қайти... кўрмайман, шу кетганча учрашмаймиз", деб кўнглидан ўтка... ди. Зайд келинчакнинг қариндошлари учун ўз ҳисобидан само... лётга бешта чипта буюртирган эди. Холпошша, Мухтор ака... Таслима ва яна икки меҳмон жўнашлари кутилганди, аммо ота... Таслимага қаттиқ тақиқ қўйди, ўгай опасининг Раъс ул-Хайма... да бўладиган тантанали никоҳ кечасида иштирок этиш наси... этмаётган эди унга. Таъкидлаш жоизки, Шаржа яқинроқ бўлга... да, баъзи сабабларга кўра Дубай рейсига чипта олинган эди... Афсонавий шаҳардан Раъс ул-Хаймага автомобиллар карво... нида йўлга тушишга келишилганди.

– Таслимахон, борганингда мени хурсанд қилардинг, – деди... Заҳро хоним хайрлашув чоғида. – Баҳонада Дубай, Шаржа... Раъс ул-Хайма шаҳарларини, денгизни, жазирама саҳрони... кўрардинг.

– Келгуси йил мактабни тугатади, – гапга қўшилди Холпош... ша, – ўғлингиз ва қизим фарзандли бўлишса, Таслимани ме... монга жўнатамиз.

Заҳро хоним Холпошшани ёқтирмагани очиқ-ойдин кўрини... турарди. Бироқ араб хоним қудаларни ўз уйида муносиб кари... олган шекилли, Холпошша етакчилигидаги меҳмонлар Бирлаш... ган Араб Амирликларидан олам-олам таассуротлар ила қа... тишди. Айниқса, Холпошшанинг оғзи бир ҳафта маддоҳлик... тинмади. "Вой, шаҳарларнинг пурвиқорлигини, пулдорларнинг... виллаларини, тилла дўконлардаги тақинчоқларни кўрсангиз... кино кўраяпманми ёки ҳақиқий ҳаётми, деб ўз кўзингизга ишо... майсиз. Қизимни оппоқ қанддай кутиб олишганини-чи! Энди... араб маликаларидай яшайди, хоҳласа оёқ узатиб дам ола...





...Дубай, Тошкент ёки Москвадаги офисларда ишлайди. ...ўтирганидан кўра ишлашига кўпроқ ишонаман! Бир неча ...биладиган келинни ким ҳам бўш қўйгиси келарди!".

...ийрак хотинлар: "Сизни аввал ҳам Дубайга борган ..., намунча биринчи марта кўргандек кўпиртирасиз? ...ингиз ҳам оддий идора ходими экан-ку?" деб шубҳа билди... "Дубайда ишлаб келган бўлсам, цехдан чиқмаганман, ...кўрмаганман, куёвимнинг ўзи фирма очмаган бўлса ҳам, ...нинг қўлида ишлайди, амакисиникими, уникими, нима ...бир", дея ҳар гапга тўн тикиб, белбоғ боғлатиб юборарди.

...бир йил давомида Таслима ўгай опаси билан теле... ...ланиб турди. Муҳаццо ойиси жар солган гўзал ҳаёт... ...га сира-сира ўхшамади: на малика, на офис ходи... ...у. Ҳатто ойисига ваъда қилган долларлардан, тижо... ...ридан ҳам дарак йўқ эди.

...дарси оқиб, Таслима ҳам ўрта мактабни тугатди. Бироқ ...ўгирди: тиббиёт институтидан йиқилди. Худди шуни ...ўтиргандек, эшикда хийла тўлишган Муҳаццо ва бир ..., чаккаларига оқ оралаган, кўзлари чўккан Зайд пай... Ўгай опанинг юз-кўзида қандайдир ташвиш аломат... ...ини пайқаш мушкул эмасди. Таслимани кўрган за... ...кўзларида ғалати ўт чақнаб кетди.

...билан кетасан, – шивирлади қулоғига, – сенга иш бор. ... вой, кечир, дадамизни қандай кўндиришни йўл бўйи ...келдим, у ёғини менга қўйиб бер.

...мен бораманми? Йўқ... – деди Таслима ўтакаси ...

...! Бунча қичқирасан!.. – чимчилади ўгай опа.

...ака даставвал ўша маълуму машҳур "карьера"дан ... Тўғри-да, нега Муҳаццо Раъс ул-Хаймадан бир ...ҳам чиқмади, Дубай, Тошкент, Москва дегандек... Қани, ...нима бўлган экан?

...ҳозирча фарзанд кутмаяпмиз, – гапни буришга уринди ... – Лекин "қачон неварали бўламиз?" деб терғашгани

йўқ. Бу бизнинг шахсий ишимиз экан.

Очиқ гапдан Зайд мийиғида кулиб қўйди. Мухтор ака эса [illegible] жолатпазлик ила Холпошшага кўз қирини ташлади. Бу [illegible] бедодлик?! Нега у отасига ҳомиладорлик хусусида гап очмок[illegible]

– Фарзанд кутиш ҳеч замонда шахсий иш бўлганми?! – де[illegible] Мухтор ака. – Бугун ҳаво расво бўлди-да, бунча иссиғ-а?.. [illegible] бул олиб ўтирсаларинг-чи. Енглар.

Муҳашшо дарров сезди: ўгай отасига гапи ёқмади.

– Дада, боядан бери қарайман, чеҳрангиз тунд, – деб лўлили[illegible] қилишни бошлади, – шу ҳам иссиқми? Дубайга боринг, юро[illegible] майсиз. Дўконлару ресторанлар эрталаб очилади, пешинда [illegible] лади, кечга яқин яна ишга тушади. Ишдан гапирсак, шуки, да[illegible] жон, куёвингиз билан амакисининг ўртасидан ола мушук ўт[illegible] қолди. Шунга Раъс ул-Хаймадаги кичикроқ ишларни катта иш[illegible] айлантириш учун бир йил вақт кетди. Буни телефонда айтолма[illegible] дим, ҳар хил хаёлга боришларингиз мумкин эди. Лекин хоз[illegible] амакиси ҳам инсофга келган, ишимиз яхши. Агар иш теска[illegible] кетганида, яна бир йил Тошкентимга келолмайманми, [illegible] қўрқдим. Шунчаки келиб-кетиш куёвингизга ёқмайди. Келга[illegible] дан кейин бизнес ишлар билан ҳам келиш керак-да, тўғрими[illegible] Хўжалик моллари ҳамда "памперс" билан савдо қилсакми, де[illegible] миз. Ҳозирча ҳамкор ахтармаймиз, сизларни ишлашга олиб к[illegible] тамиз – Дубайнинг ўзига! Олти ой-бир йил ишлаб, кейин бу [illegible] қайтасизлар, юкни бемалол қабул қилаверадиган бўласизлар.

– Тўғри, – деди Зайд мағрур ҳолда.

– Ҳа, албатта, – жон-дили билан тасдиқлади Холпошша. [illegible] Шу кунлар келишини қанча кутдим-а!

– Мен четга бориб ишламайман, – деди Мухтор ака шарт[illegible] кесиб.

– Уф, дада, минг доллар! – қичқириб юбораёзди Муҳашшо. [illegible] Нега хорижда ишлашни шармандалик деб ҳисоблайсиз? Ё а[illegible] вал қизини эрга берди, орқасидан ўзи кетди, мақсади ҳам шу[illegible] нақа эди, деб гапиради, дейсизми?

– Буни ойинг айтдими?





[illegible], чунки сиз доим шунақа ўйлайсиз. – Муҳашшо ҳамма[illegible] бир-бир қараб, елка қисди. – Ҳатто Таслимага ҳам иш бор, [illegible]! Маоши ҳам кам эмас. Энди учалангизникини [illegible]. Ким бунча пулдан воз кеча олади? Сизми, дада? [illegible], йўқ! Биламан, кўплаб оғайниларингиз пулдор бўлгач, [illegible] қўйган, оёғи билан кўрсатади, бир чеккага чи[illegible]. Қачонгача шундай яшайсиз? Тижоратга бош [illegible], улар соянгизга салом берадиган бўлади.

– [illegible] ақл ўргатмай қўя қол, – пиёласини жаҳл билан ўйнат[illegible] Мухтор ака.

– [illegible] Дубайни назарда тутганим йўқ, – қовоқ уйди Му[illegible]. – [illegible] билан чет элларни кўринг. Анталия, Сочи, Бали [illegible]. Дам оладиган жойлар кўп! Сиз эса умрингизда денгиз [illegible].

– [illegible] хизмат қилган, – луқма ташлади Холпошша.

[illegible]. Бироқ Мухтор аканинг ичини ит тирнаётгани [illegible] турарди. Бу – Муҳашшонинг биринчи уринишининг са[illegible]. Ҳали ўн марталаб таклиф этишлар, қизиқтиришлар, [illegible]. Холпошшадек хотиннинг аврашлари кутиб турарди.

[illegible] бир ҳафта мобайнида Зайд ва Муҳашшо Мухтор ака[illegible] олиб юриб, Тошкентдаги улгуржи бозорлар[illegible], турли цехларни биргаликда бориб кўришди, [illegible] ўзгартиришлар киритишди, энг қиммат ресторан[illegible], рақсга тушишди. Якшанба куни Муҳаш[illegible] ўзи қўярда-қўймай Мухтор ака ва Зайдни сау[illegible]. Тўғри, сауннанинг четдаги хонасида мижоз кутиб [illegible] малла сочу сариқ соч қизларнинг хизматига зор [illegible], аммо шусиз ҳам куёвидан уялиб, ерга киргудек [illegible] қайнота ўз эътиқодидан ҳаминқадар чекингани [illegible] турарди.

[illegible] ўрнида ҳикоячи таъкидлайдики, Зайд ва қайнотаси ўрта[illegible] мулоқотда гоҳ русча, гоҳ ўзбекча сўзлар хизматда бўлди. [illegible] ўзига хосликни кўрсатиб ўтирмасдан ҳаммага [illegible] битилди).

Зайд бир қарашдаёқ қайнотаси қандай тоифага мансублигини фаҳмлаган эди.

– Бизнинг бу ҳолда саунага келишимиз ота-боболар белгилаб берган ахлоққа хилоф, – деди араб куёв. – Лекин Муҳаббат доим бир гапни такрорлайди. Сиз унинг учун отадан ҳам кўра кўпроқ дўст ҳисобланаркансиз. Кейин нима учун мен ўзим истаган тарзда яшашим керак эмас экан? Биринчи хотиним арман қизи эканини билсангиз керак?

– Билмайман, – "менга нима фарқи бор" мазмунида қўл силкиб қўйди қайнота.

– Мана, иккинчи сафар ҳам чет элдан уйландим. Кўнгил амри шуни буюрди. Айтмоқчи бўлганим, кўнгил эртага бошқа хотинни, ошқозон ҳар куни ароқни, қалбим ибодатсиз қолгач, даҳрийликни тусайди дегани эмас. Сигарета чекаяпманми, чекяпман. Эртага гиёҳванд бўлиб қоламан, деб хаёлимга ҳам келмайди. Биз тирик жонмиз, рақам эмас. Бугун сигарета чеккан банда эртага наша ҳам тортади дейилса, албатта хато-да! Шундай эмасми?

– Шундай, – пиво ҳўплади Мухтор ака.

– Чет элга борасиз, доллар ишлаб қайтасиз, шунақа сауна қурасиз, биз ҳордиқ чиқарамиз, – деди Зайд ҳазиломуз кулиб.

Мухтор ака бошини лиқиллатди.

– Қизингизнинг шарофати билан бу ҳаётда сиз ҳам зўр яшангда энди, – деб Зайд Мухтор аканинг елкасига қўл ташлади.

Мухтор ака куёвига қўшилиб кулмади, бурнини ёш боладек тортиб, мунғайди.

Шундай қилиб, оила бошлиғи хотинию ўгай қизи, куёвининг ундовларидан сўнг таклифга кўнди. Кўнглида алланечук ҳадик жунбушга келиб турган Таслима отасининг розилигидан кейин бир оз енгил тортди, дардини бўлишадиган шерик ахтара бошлади. У ўгай онасига, Муҳашшога, синфдош дугоналарининг айримларига дилини баҳузур ёра оларди.

Ўқишдан йиқилган синфдош қизлардан бири айни шу дамда сартарошлик курсига бирга қатнашни таклиф этишга келди.





– Биз чет элга оилавий кетаяпмиз, – деди Таслима. – Менга ҳам иш топишибди, беш юз-олти юз доллар ойлик беришармиш.

– Сенга-я? Ҳалигача бозорга ёлғиз боролмайсан-ку, чет элда қандай ишлайсан?

– Опам билан поччам Дубайда яшайди, отам ҳам ёнимда бўлади, нимадан қўрқаман! Дўкондан чиқмайман.

– Ростданми? Мунча яхши! – деб синфдоши ҳавасини яширолмади.

Бу воқеадан сўнг Таслима ўзини осмоннинг еттинчи қаватида учиб юргандек ҳис этди. Одатда чет, элга кетаётган қизлар ҳақида яхши ҳаёлга бормайди, деб ўйларди у. Эндиликда эътибор берса, қанча-қанча қизлар Германия, Англия, Америкага ўқишга, ишга кетаяпти. Албатта, Дубайда ҳам ҳалол ишлаётганлар кўп. Қулоғи шу кунгача миш-мишларнию даҳшатли ҳикояларни эшитган қиз энди бутунлай омади чопганига ишониб, Муҳашшодан сўради:

– Йўл бўйи баҳоналар ўйлаб келдим дегандингиз, агар дадам рухсат бермаса, қандай алдамоқчийдингиз, опа?

– Дадамизни алдаб бўлармиди, Таслимахон! Барчасини ўзи тушуниб етди. Аслида тўйимга борганидаёқ ҳавас қилганини сезганман.

Зайд ва Муҳашшо Дубайга учиб кетадиган кун Таслима ҳам аэропортда эди. Тез орада учрашиш умидида қуюқ хайрлашдилар. Мухтор ака илк бор автобусга кўз тикмади, таксини дадил чақириб, пулини ҳам сўраб ўтирмасдан оиласини ўтказди. Сўнг ҳайдовчининг ёнига жойлашиб:

– Олтинчи квартал, – деди виқор билан.

– Бирор кишингизни самолётга кузатиб қўйдингизми, тоға? – сўради таксичи қизиқсиниб.

– Қизим билан куёвим меҳмонга келишганди, – деди Мухтор ака. – Ҳозир учиб кетишди. Қизим бир йилдан бери чет элда яшайди.

– Куёвингизнинг иши у ёқ билан боғлиқ экан-да, а?

– Куёвим "Амирлик"дан. Бизнесмен! Тижоратни йўлга қўйиш

учун мен ҳам Дубайда ишлаб келмоқчиман. Мусофир бўлма-
гунча мусулмон бўлмайди-да, одам тўғрими, ука?

Таксичи гапни маъқуллаган эса-да, негадир бошдан-оёқ но-
ризо кўз ташлади ва қайтиб бошқа савол бермади. Кўнгиллар-
ни кезиб юрган шарпа содда ишончми, аксинча, ишончсизлик-
ми, ҳеч ким билмасди.

Таслима ширин энтикиш ила кўзини юмганида, хаёлидан ли-
этиб бир бахтиқаро келинчак сиймоси учиб ўтди. У ўз кайнона-
си ва қайнопаси томонидан Дубайдаги қўшмачиларга сотиб
юборилган Асалка эди. "Бечора, кейинги ҳаёти нима кечган
экан-а?" – деди Таслима.

* * *

Самолёт Дубайдаги халқаро аэропортга ғилдираклари ила
чанг соладигандек эди, аммо чийиллаб, енгил ғубор кўтарган-
ча сароблы йўлакдан югуриб кетди. Гувиллаб тўхтади у. Му-
ҳашшо қора кўзойнак олинглар деб жавраганича бор экан, но-
сиқдан на нафас олиб, на кўз очиб бўларди. Уларни Зайд билан
Муҳашшо сохта кулимсирашга ўхшаш беўхшов алфозда кў-
тиб олишди. Оқ "лимузин" томон юрганларида, бир араб йигит
ҳам келгувчиларга пешвоз чиқди. Уккикўз, истарасиз, буруни
дор йигитни кўрган Таслима отасига яқинроқ сурилди. Негадир
йигит ундан ҳеч ҳам кўз узай демасди. Ўз талаффузида:

– Ассалому алайкум, – деб илжайди ва бошқа ҳеч сўз демай
рулга ўтирди.

Бу ҳали ҳолваси экан. Ўтган йили Зайднинг онаси билан со-
вчиликка келган ва Таслимадан айрим маълумотларни сўраш-
иштирок этган бадқовоқ хотин орқа ўриндиқда кўр тўкиб ўтирар,
юзи очиқ эди унинг. То Зайднинг уйига етгунларича араб тилида
машҳур шаллақилардек армонсиз шақиллаб борди.

– Куёвингизнинг амакисига катта хотин бўладилар бу киши,
– шипшиб қўйди Муҳашшо ота-онасига. – Айтгани айтган, деган-
ни деган. Биз шу хотиннинг дастидан бир йил Раъс ул Хаймада





...лик. Гапига "ҳа" деб қўяверинглар. Рулдаги эса ўғли.
... Жовид. Ўлгудек қайсар йигит. Ҳарбий бўламан деб тириш-
... тиришган. Отаси эса самолётларда келадиган юкларни
... билим бўйича иш ўргатмоқчи. Пулга қизиқмайди, тентак.
... машинани кўп қаватли уйлардан бири ёнидаги қан-
... бир бино ертўласига ҳайдади, бу ер гараж экан. Сўнгра га-
... бошқа эшигидан чиқиб, нариги томондаги кўп қават-
... уйлар томон юришди. Тор жинси шим кийган, аммо юзини
... рўмол билан бекитган жувон қиё ҳам боқмай ўтиб кетди,
... эркак эса уларга, аниқроғи, Таслимага маъноли қараб
... Гарчи ёнида отаси бўлса ҳам, Таслиманинг кўнгли қан-
... мудҳиш хавф-хатарни сезаётган эди. Ҳа, у адашмаган
... кўп ўтмай ҳали отаси тузукроқ пул ишлаб топмай туриб
... юз берди. Аслида ҳалокат юз берган кунгача ҳам Тас-
... тинч ва хотиржам яшолмади ҳисоб. Назарида Дубайда
... унинг бахтига, ор-номусига, қизлик шаънига чанг сола-
... мудҳиш фитна тайёрланаётгандек туюлаверарди.

... куни Муҳашшоларникида меҳмон бўлишди. Дар-
... Зайднинг қўшнаси дейилгани ёлғонга ўхшаб қолди. Не-
... Муҳашшо ва эри бадқовоқ араб хоним – Бадриянинг қўл
... хизмат қилишар, иш, дўкон, уй, машина – барчаси уни-
... Афтидан бой амаки хотинидан қутулиш учун эрмак то-
... шу йўл билан банд қилиб қўйганга ўхшарди. Тошкентда
Муҳашшо ишлари орқага кетганига эри ва амакисининг ўрта-
... мушук ўтганини важ қилиб кўрсатганди, "Лимузин"-
... араб хотин айбдор эканини шипшиди. Таслиманинг анг-
... икки гап ҳам ҳақиқатдан йироқ эмасди. Зайднинг ама-
... бир қанча хорижий давлатлардаги шаҳарларда, жумла-
... Тошкент ва Москвада ҳам офисига эга тадбиркор киши
... мазкур зот ўз вақтида қўллаб-қувватламаганда, Зайд
... мавқега на билим, на шижоат билан эришиши мум-
... сўлжайган афт-ангоридан кўриниб турарди. Бундай
... Муҳашшо тугул кўпни кўрган Холпошша ҳам
... эди чоғи. Албатта, катта одамнинг катта талаблари

бўлади, Зайд аслида қандай инсон экани вақт ўтган сайин [illegible]
кисига ҳам рўй-рост очилиб борганди.

– Келганларингиз шарофатига байрам қилинади, – деди [illegible]
кун Муҳашшо. – Куёвларингиз ресторандан кўра уйни маъқ[illegible]
кўрди. Келган меҳмонни уйда кутиб олиш бизнинг ҳам урф-од[illegible]
ларимизга мос, шундай эмасми?

Холпошша то араб хотинни кўрмагунча кўзлари чўғдек [illegible]
турган бўлса, "Лимузин"даёқ мушукдек мулойим тортиб [illegible]
ганди. Бу ҳолатнинг сирини Таслима ўзича тушунди: Заҳро [illegible]
нимга ҳамроҳ бўлиб, Муҳашшога совчиликка келган Бадри[illegible]
хоним ўшанда Холпошшани кўриб, "уни Дубайдаги ишратхо[illegible]
олдида учратганман", деб даъво қилганди. Кайфияти бут[illegible]
бузилган Заҳро хоним Таслима билан шу масалага аниқ[illegible]
киритиш жараёнида учрашди. Ахир овсини билан олис мам[illegible]
катта совчиликка борса-ю ҳавас қилиш ўрнига, "қуданг би[illegible]
Дубайда фоҳиша эди", деб турса, бунга қандай чидайди?! А[illegible]
валдан кўнглининг бир четида "отамга турмушга чиққунча [illegible]
онам яхши аёл бўлмаган" деган ўй яшаётган Таслима учраш[illegible]
чоғида ўзини шундай тутгандики, Бадрия хонимнинг гапи ро[illegible]
га ўхшаб қолди. Шўрлик қиз шу чоққача "йўқ, мен бадгум[illegible]
лик қилаяпман, холос", деб ўзини овутиб келди. Энди эса [illegible]
ойиси бундай туҳматдан жаҳлланиб, ғавғо кўтармаганига [illegible]
рон бўлди. Ҳозир ҳам мутелик-ла ҳар бир гапини маъқул[illegible]
ўтирибди. Доллар ишлаш илинжи наҳотки шунчалик паст [illegible]
тишга мажбур этса?!

– Бадрия хоним шунақа қизиқувчан, – илжайди Муҳашшо [illegible]
отасига, – ҳатто совчиликка ҳам эринмай борганлар, бугун [illegible]
портга ҳам шахсан ўзи бизни бошлаб келди. Тиниб-тинчим[illegible]
ди. Лекин ҳамиша бунақа эмас, бир жаҳли чиқса, саҳрода бў[illegible]
кўтарилади.

– Ҳа, гапдон экан, – деди Мухтор ака истамайгина.

– Кайфияти чоғ, бугун биз билан ўтирмоқчи.

– Дубайда ҳам қасри борми унинг? – сўради Холпошша.

– Ойижон, – кўзини пирпиратди Муҳашшо, – сизга неча [illegible]





[illegible] керак, уларнинг ҳар бир шаҳарда қасри бор.

[illegible] турли ноз-неъматлар ила безатилди. Аёллар ўтир-
[illegible] Зайд тез-тез бирор баҳона билан кирар, нариги уйда
[illegible] нигоҳи кимни ахтараётгани энди ҳеч кимга сир
[illegible] Мухтор аканинг қовоғи солингандан солиниб борар-
[illegible] қизини ҳам олиб келгани учун Холпошша-ю мез-
[illegible] ўзини ҳам сўкаётганини башорат қилса бўларди.
[illegible] ювиладиган фурсат келгач, Муҳашшо Таслимани
[illegible] чақирди.

[illegible] уйида хизматкор бор, биз эса ҳамма юмушимиз-
[illegible] Тошкентдагидек ўзимиз қиламиз, – деди ўгай опа бур-
[illegible] – Бу вақтинчалик эканини ўйлаб, хафа бўлмай-
[illegible] кўрасан, Бадрия тентакдан ҳам каттароқ бойвучча-
[illegible] Айтгандай, сездингми, у ростдан ҳам тентак.

[illegible] опа, соғга ўхшайди-ку, – Таслима тилга эҳтиёт бўлиш
[illegible] ўйлади.

[illegible] жуда чиройли, ақлли, офатижон жувон бўлган
[illegible] Жанобимиз Саъд Масрур аш-Шамс ҳам жон-дилидан сев-
[illegible] балки ишонмассан, улар севишиб турмуш қуришган.
[illegible] шаржалик, аниқроғи, Шаржа яқинидаги қишлоқдан.
[illegible] жойлари эса шу ер – Дубай бўлган. Жовиддан аввал
[illegible] фарзандларининг ҳаммаси қиз, каттаси мисрлик арабга
[illegible] чиққан, Қоҳирада яшайди, қолганлари Раъс ул-Хай-
[illegible] оилали. Кунларнинг бирида жанобимиз хиёнат
[illegible] Бир ҳиндистонлик қизни никоҳлаб, Дубайдан
[illegible] квартира ҳам сотиб олган. Лекин бу қандай никоҳ?
[illegible] чўри билан вақтинча яшашдек бир гап бўлган. Бад-
[illegible] тушган, ушлаган. Бироқ бу билан нима ўзга-
[illegible] эри бегона жувонларга илакишиб юришда давом эта-
[illegible] Оилавий сир, турли миш-мишлар, кўчадаги обрў учун
[illegible] иккиси кун ора жанжаллашган. Кейин "бор-е"
[illegible] эри иккинчи хотинга уйланган, икки йил ўтар-ўтмай
[illegible] хотин олган. Менимча, жанобимиз аёлга ёлчимаган
[illegible] Нега деганда, кимдир Бадрия хонимга айтганки,

"эрингиз "Сайклон" клубида юрибди", деб. Эшитишимча, "Сай-клон" клуби суюқ оёқ қизларнинг кони экан. Иккита хотин жим, бизнинг тентак Бадрия эса Дубайда изғий бошлайди. "Сайклон"ни ҳам тит-пит қилади, ресторанлару меҳмонхоналарни ҳам... – Муҳашшо шу жойга етганда, ялт этиб Таслимага қаради. – Тўхта-тўхта, анча вақтдан бери бир нарсани сўрамоқчи бўла-ману ёдимдан кўтарилади, сенда ҳам анча-мунча писмиқлик бор-а, ҳеч айтай демайсан...

– Нимани?– Таслима ликобчани ушлаганча қотди.

– Менга совчи келганида, ойимга анави ифлос туҳмат қил-ган экан-ку! Гўёки эрининг изидан тушиб, бир исловотхона-борса, ойимни кўриб қолганмиш, ярамас, ит...

– Ким?

– Вей, ким буларди, Бадрия-да! Шунда қайнонам овсинининг қилиғидан роса хафа бўлибди. Кейин тентакнинг кўз-кўзи-ойимни танийдиганлардан биз ҳақимизда сўраб-суриштирибди. Кимдир эрининг қизи анқов деганми, сени ҳам алдаб, гапга со-либди. Тўғрими?

– Тўғри, – деди Таслима, – лекин мен анқов эмасман, опа, бировнинг орқасидан гапирадиган ҳам эмасман...

– Қизишма, биз сенга биров эмасмиз. Бир оғиз айтиб қўйсанг бўларди-ку!

– Нима деб, опа?– Таслиманинг кўзларида қўрқув ўйнади.

– Ҳа, майли, кечирдим, – истеҳзоли кулиб қўйди ўгай опа. – Бадрия кўчаларда тентираб-тентираб охири тентак бўлиб қол-ган. Шифохонада ҳам ётиб чиққан, касалдан бошинг чиқмагур... Вой, уни бунча ёмонлаб кетдим? Нима бўлди менга? Ўлмайди-ми!.. – Муҳашшо пиқ-пиқ кулганча қошиқларни артди. – Жови-менга ёқади, пулга, маишатга қизиқмаслигини айтмаганда-феъл-атворига гап йўқ. Кўрдинг-ку, машинани ҳам ўзи ҳайда-келди. Нима, ҳайдовчиси йўқ дейсанми! Поччангни ҳозир қўллаб-қувватлаб турибди. Гаплашасанми? Рус тилида сал-па-чулдирайди, Москвада бир йилча ишлаган.

– Нега гаплашарканман?!





– Рангинг бунча оқармаса, Таслима? Шунчаки чет эллик йи-гитнинг дунёқараши, орзулари, дардлари қизиқтирмайдими сени? Қолаверса, қуда йигит, ишдаги хўжайин, ҳомий...

Шу пайт қўшни хонадан икки кишининг араб тилида нима-лар дея кулишгани эшитилди, Муҳашшо кўзларини ўйнатиб, қулоғини динг қилди.

– Келди, – деди шошиб.

Зайд ва Жовид ошхонага кириб, столни эгаллашди.

– Бизга пиво бер, – деди Зайд. – Қайнотам ухлагани кирди, ўйлайманки, Дубайдаги биринчи кечаси хайрли ўтади. Қизини сўради, "ётдими" деди. Менимча, бир-икки соат гаплашиб ўтир-сак, ёмон бўлмасди.

– Синглим чарчаган, – деб Муҳашшо музлаткичдан пиво шишаларини олди. – Кўп ўтирмайди.

– У менга ёқди, – деди Жовид очиқчасига; ҳақиқатан рус ти-лида қийналиб гапираркан. – Синглингизни бунчалик гўзал деб ўйламагандим.

Таслима жўмракни бураб, ишини тўхтатди. Эшик томон бир неча қадам ташлаган эди, Зайд сакраб туриб, йўлини тўсди.

– Илтимос, қол, – деди ҳадик аралаш ялинчоқлик билан. – Биз ҳазиллашдик. Ахир синглимдексан, нима, ҳазиллашиб ҳам бўлмайдими?!

"Майли, буни ҳазил деб қабул қиламан, – ўйлади Таслима, – аммо ўша ҳазил бошқа одамнинг оғзидан чиқди-ку!"

– Йўқ, почча...

– Таслима, кел, ўтир, – деди Муҳашшо ҳам. – Бирлашган Араб Амирликларида бугун биринчи кунинг. Ҳали ҳаммаси олдинда. Сени қайним Жовид билан таништириб қўймасам, уят бўлади-да, ахир! Дўконининг энг қулай, осон, маоши катта жой-ига жойлаштирмоқчи. Менинг ёрдамчим бўласан, пойабзаллар солинган қутиларни санайсан, ёрлиқ ёпиштирасан, ҳеч ҳам қийин эмас, биров халақит бермайди. Столда доим чой, нон, шоколад, какао, печенье. Муҳими, салқин, са-а-л-қин!..

Таслима ярим соатга яқин турган бўлса, ҳар бир сонияни са-

наб ўтказди. Бундаги гап-сўзлар, ҳазиллар уни заррача қизик
тирмасди. Юзимни бекитиб юрсам, яхши бўларди-да, деб ҳам
ўйлади. Эшитгандики, Дубайда ишловчи хорижлик аёллар кўп
Улар ўз хўжайинлари ёки ҳамкасблари бўлмиш эркакларга
худди она юртларидаги каби сингилдек, дўстдек, ҳамдарддек
ўзини яқин олса, шубҳасиз, бу аёлнинг ғамзаю ноз-карашмаси
ҳисобланар экан. Демак, шу ерлик эркак хорижлик қизга гап
отишни бошладими, ўз навбатида у қиздан сингиллик, дўстлик
ҳамдардлик кутмаяпти. Бу – айни ҳақиқат.

Бир пайт:

– Балки биз чиқиб кетармиз, – деди Муҳашшо эрига.

Бу гап ҳаммасидан ошиб тушди. Наҳотки, ўгай опанинг мак
сади...

– Йўқ, мен... ўзим... – деганча Таслима ошхонадан отилиб чиқ
ди. Қараса, отаси ичкари хона эшигида ундан кўз узмай турибди

– Қизим, кеч бўлди, ётинглар-да энди, – деб деразага имо
қилди жаҳл билан.

Ташқарида тунги Дубай улкан ялтироқ тож каби товланиб
ётарди. Эртасига Мухтор ака икки қизи ва Холпошшани ёнига
чақириб, шундай деди:

– Бу ерга ишлаб, пул топиш учун келганмиз, мен шуни била
ман, холос. Агар ножоиз ҳаракатларни сезсам, ўша куниёқ қай
тиб кетамиз. Тушундиларинг-а?

– Ё тавба, нима гап ўзи? – Холпошша кўзларини олайтирди

– Нега ўзингни билмаганга оласан? – Мухтор ака овозини
бир парда кўтарди. – Муҳашшо чет эллик йигитга турмушга
чиқишни хоҳлагани учун бу ерларда юрибди, Таслима эса ҳеч
қачон... Тушундинглар-а? – такрорлади у. – Сен билан ажра
шиб кетиш истагим йўқ, Холпошша, лекин яна ниманидир сез
сам, ҳаммаси тамом бўлади, тамом!

Дубайдаги иккинчи кун ҳам шу тахлит дилхиралик билан
бошланди.

* * *





Шундай қилиб, ҳалокат содир бўлгунга қадар Мухтор ака Таслимани кўз қорачиғидек асраб юрган эса-да, қизнинг юрагидаги ғашлик тарқамаган эди. Бу ғашлик кўнгилсиз воқеани олдиндан сезган одамнинг аҳволини эслатарди. Ал-Мутина ҳудудидаги икки хонали, айвонли уйга кўчиб ўтиб, учаласи ҳам ишни бошлаган умидбахш кун эди. Эртасига ойисининг вафот этганига уч йил тўлади, юрак ҳазинлик истаётган дам Таслима чамадонидан сурат олиб, термилиб қолди.

– Соғиндим, онажон... – пичирлади у.

Шу он телефон жиринглади, Муҳашшо экан.

– Қаерда юрибсан, Таслима? – қичқирди у.

– Опа, ишга...

– Ишга эмас, госпиталга чоп! Такси ушла, ал-Бараҳа госпитали десанг тушунишади, ойим ҳам ўша ерда! Дадам авария бўлди, эшитаяпсанми, авария...

Таслиманинг кўз олди қоронғилашди, қулоғи битди. Қандай қилиб кўчада пайдо бўлиб қолди, англолмади. Светофорда тўхтаган таксиларнинг ойналарини жон ҳолатда ураётган, алланима деб йиғлаб-ёлвораётган қизни фоҳишахонадан қочиб чиққанлардан деб ўйлашди. Бахти бор экан, айнан шу дамда ёмонларга дуч келмади. Акс ҳолда уни фоҳишахонага алоқадор кимсалар ўғирлаб кетиши ёки бошқа бир фалокат юз бериши мумкин эди. Навбатдаги таксининг бўш эканини кўриб, баттар жазавага тушган эди, ҳайдовчи – ўттиз ёшларга ҳам бормаган, мўйловли, қарашлари ўткир йигит – эшикни очиб, деди:

– Ҳелло, мадам!.. – Ўртадаги бир неча сўзига Таслима тушунолмади. – ...ҳелп?

Таслима "ҳелп" инглизчадан ўгирилганда "ёрдам" маъносини англатишини эслади.

– Такси керак!.. – ёлворди у.

– Ес, такси... – яна алланималар деб машинага ишора қилди йигит. Кейин эшикни очишга чоғланган эди, Таслиманинг ўзи отилиб кирди.

– Ал-Бараҳа!.. Ҳоспитал, ҳоспитал… Плиз, мистер! – деди шоша-пиша.

Светофорнинг яшил чироғи ёнди. Такси юзлаб машиналар оқимида мисоли тоғ дарёсидаги улкан қоялар – турли бинолар оралаб сузиб кетди. Шундагина Таслима йиғлаётганини, кўлла-ри тошдек қаттиқ тугилганини, ич-ичдан қалтираётганини ҳис этди. Таксичи инглиз тилида нимадир деб, пешойнадан боқди, аммо Таслима бу сафар унинг бирор сўзини тушунмади. Шун-да йигит:

– Эй Аллоҳ, – деди, – не турфа бандаларинг бор?! Астағфи-руллоҳ!

Таслима ўз хаёли билан бандлиги учун эътибор бермади, аммо сал ўтиб, гаплашмоққа эҳтиёж сезди:

– Сиз туркмисиз, ака?

– Йўқ, ўзбек.

– Мен Тошкентданман… отам аварияга учраб қолди, шунга шифохонага шошилаяпман… У кишидан бошқа ҳеч кимим йўқ… – Таслима яна йиғлай бошлади. – Илтимос, тезроқ! Ал-Бараҳа шифохонасига…

Такси тезлиги хиёл ошди, бир неча марта чайқалиб, тормоз овози ҳам эшитилди. Бу йўлда родар ва телекамералар кўп эди. Йигит шунда ҳам на машинага, на ўзига раҳм қилди. Худди кинолардагидек тезликни оширгандан ошириб бораверди. Тас-лима ўгай онасига қўнғироқ қилиш кераклигини эслаб, телефо-нига жон-жаҳди билан ёпишиб, рақамларни терди.

– Мен афғонистонликман, – деди таксичи пешойнадан қарар-кан, – Оқча вилоятидан. Биз ҳамсоямиз.

Таслимага ҳайдовчининг қаерданлиги, кимлиги, Дубайда қанча вақтдан бери яшаётгани – бирортасининг қизиғи йўқ эди. Отасининг бошига етиб борса, тирик қолади; шунга умид қилар-ди у. Таксичи қандайдир Жамил деган одам ҳақида гапира бош-лади. Бироқ у ўзбекча сўзлаётса-да, шундай мураккаб шевани, худди мумтоз ғазаллардаги сўзларни истифода этардики, тушун-моқ мушкул эди.





– Алло, ойи, бу мен… Нима бўлди? Нима бўлди отамга?!

– Ўзингни бос, – жеркиб берди Холпошша, – ўтакамни ёрдинг-ку! Шундоқ ҳам кўнглимга қил сиғмай ўтирибман. Қаердасан?

– Таксидаман… Йўлда бораяпман. Отамга нима бўлди?

– Кел, гаплашамиз. Лекин ҳовлиқмай кел, мазам қочиб ўти-рибман.

Таслима чидаёлмай илк бор ўгай онасига қичқирди:

– Отамга нима бўлди, деб сўраяпман?! Одаммисиз ўзи!

– Нима?

– Сиздан сўраяпман!..

– Авария, – деди Холпошша ва телефондан уч сигнал эшити-либ, ўчди-қолди.

Таслима таксидан тушганида кўзлари қизарган, сочи тўзғи-ган, рангида ранг қолмаган бир алфозда эди.

– Аллоҳ шифо берсин, – деди афғонистонлик йигит унинг ор-тидан.

Одамлар хорижлик қизга ачиниб қарай бошлашди. Таслима телефон орқали Холпошшани тезда топди, иккиси шифохона-нинг юқори қаватига кўтарилишди. Холпошшанинг ҳам буткул кайфияти йўқ эди, ҳадеб уф тортарди.

– Йиғлама, – деди у, – даданг ўлгани йўқ. Омбор ёнида ма-шинада ўтирса, юк мошин келиб ёнидан уриб юборибди. Қўли синган, боши салгина лат еган. Ҳозир реанимацияда.

– Кўрсатинглар менга! – айюҳаннос солди Таслима.

– Нега бунча бақирасан? Боя ҳақорат ҳам қилдинг! Ўзингни тут! – Холпошша илк марта уни туртди. – Сени деб ажалимдан беш кун бурун қон босимим ошиб ўлайми?! Йиғиштир ваҳима-ни! Жўна бўлмаса бу ердан!

Муҳашшо ҳам чопиб келди, дам ойисига, дам Таслимага қараб, бир нафас тараддудланиб турди. Уни ҳалокатга учраган ўгай ота тақдиридан кўра кутилмаган ташвиш, чиқим, югур-югур ва яна қандайдир бошқа сабаблар безовта қилаётгани се-зиларди-ю, аммо ишонгиси келмасди кишининг.

– Шу бало қаердан қараб турганди-я? – деди афтини бужмай-

тириб. – Ойи, улар қанча сўрашаяпти? Бирор нима дейишдими

– Қанча сўрашини гапирма! Ҳалитдан қанча кетди, деб сўра
Қўлига доллар ҳам ушламаганди. Наҳотки, доллар ишлаб топ
са, тушимми, ўнгимми, деб осмонда учиб юргандим. Пешанам
шўр экан!.. – Холпошша йиғлаб юборди. – Қачон ўзи одамга
ўхшаб яшагандим! Шўрим бор… шўрим бор менгинанинг!

– Харажатларни сиз тўлашингиз керак, ойи. Додлашингиз
дан нима фойда!

– Вой, ўлиб қоламан, пулдан гапирма… гапирма, ер ютгур!

– Нима, мен авария қилибманми, нега аламингизни менда
оласиз?! Э, боринг-е! – Муҳашшо шиддат билан қўл силтаб, йўла
охирига кета бошлади. Ортига ўгирилиб, қўшимчасига нима
дир демоқчи эди, шифокорлардан уялдими, гапини ютиб, янада
илдамлаб кетди.

Отаси ўлим тўшагида ётганда, она-бола пул устида дод-вой
қилиши Таслимани карахт қилди-қўйди. Пул-ку топиладиган
нарса, одам, одам бўлганда ҳам ёлғизгина отажониси!.. Худо
кўрсатмасин, ўлса, кейин ортга қайтариб бўлармиди! Нега ўгай
онаси, ўгай опаси пул деган жойда эсини танимай қолишди? Эх
агар отаси кимга уйланаётганини, қандай қизга ота бўлаётга
нини бошидан билганидами?..

– Инсофингиз борми? – юзида шашқатор ёш билан ойисига
тармашди Таслима. – Шундай пайтда ҳам пулнинг жанжалини
қиласизми? Қанча харажат кетса ҳам отамни сақлаб қолиши
миз керак…

– Овозингни ўчир, илтимос, – деди Холпошша юзини четга
буриб.

– Мен сизни… мен сизни…

– Э, нима демоқчисан? Қон қилиб юбординг-ку! Бу ерга пул
деб келганмиз, пул, пул, пул! Тиши оғриб ёки ичи кетган бўлса
экан, минг-икки минг доллар сарфлаб юборсанг. Айтаяпман
ку, сенга бу авария, деб! Калла суяги, қўл суяги синган, миясн
лат еган. Камида олти ой даволаниши керак. Олти ой! Эллик
минг доллар керакми, юз мингми, билмайман. Бил-май-ман!!!





– Дадам айтганди, бизга суғурта қоғози берилган…

– Менга ақл ўргатаяпсанми?! Ким беради сенга юз минг дол-
ларни? Юз минг берса, одамлар атайин авария уюштириб, бой-
иб кетишарди-да! – илондек вишиллади Холпошша.

Муаммо нима эканини англаган Таслима бирдан орқага тис-
ланди, ранги боягидан-да оқариб, кўз қорачиқлари дириллаб
кетди. Ўгай онаси ҳақиқатан ҳам иложсиздек, бундай пайтда
йиғи-сиғи, нолиш ва надоматдан бўлак йўл йўқдек туюлди. "Та-
мом! Отамнинг қандай адойи тамом бўлишини томоша қилиш-
дан бошқа ҳеч иш келмайди қўлимиздан… Эллик минг… юз минг
доллар! Ҳеч қачон топилмайди!..".

Кўзларини чирт юмдию бир зум тебраниб ўтирди, сўнг "ойи"
деб (у Холпошшани назарда тутмагани аниқ эди) ҳушидан айи-
рилиб, полга қулади.

* * *

Кўзини очганида алоҳида хонада ётарди. Ўрнидан туриб, чак-
касини ушлаганча эшикка юрди. Ҳушсиз ётқизиб қўйиб, ўзлари
малол гап сотаётган тошбағир кишиларни кўришни, эшитиш-
ни истамасди, аммо қуш эмаски, деразадан учиб чиқса.

Ҳамшира тирсагидан тутди ва ўз тилида ҳол-аҳвол сўради,
ўгидан ёлғиз ташлаб чиққани учун узр айтмоқда эди.

– Қани улар? – атрофга аланглади Таслима.

Ғунғир-ғунғир гаплашаётганлар туман ичидан чиқиб, эшилиб-
бурилган қўйи Холпошша, Муҳашшо ва Зайд қиёфасига кир-
дилар. Орқа ўгириб турган оқ халатли нотаниш киши бўйнини
буриб, хавотирланиб нигоҳ ташлади. Зайд араб тилида аллани-
ма деб оқ халатлининг елкасига қоқди-да, хотини ва қайнона-
сини эргаштириб, Таслиманинг ёнига келди.

– Ўзингни яхши ҳис қилаяпсанми, синглим? – деди рус тилида.

– Отам… отам яхшими?

– Ҳа. Лекин ҳозир уйга кетишинг керак, дам ол. Бу ерда қол-
ганингдан наф йўқ, барибир ичкарига киритишмайди.

– Уйга ҳаммамиз бирга борамиз, гаплашиб олишга келишдик-ку, – шартакилик қилди Муҳашшо. – Жовидга айтинг, бугун ҳал қиламиз. Вақт пул туради, тезроқ бўлишимиз керак.

Улар ал-Бараҳа шифохонасидан чиқиб, тўғри Зайднинг уйига келишди. Меҳмонхонага кириб, диванларни эгаллашгач, бир зум жим қолишди. Таслиманинг титроғи ҳали ҳам босилмаган эди, бошини кўтаролмай ўтирарди бояқиш.

– Хўш?– деб Муҳашшо ойисига қаради. – Гапиринг, эр сизники. Шундай асабийлашаяпманки, бирйўла мендан ҳам қутуласиз.

Таслима қашқирлар даврасига тушиб қолганини шу қадар аниқ-тиниқ ҳис этдики, теграсидаги кимсаларга сесканиб кўз югуртирди. "Улар мени нимадир қилишмоқчи, бўлмаса, бунчалик ўртага олишмас эди…".

– Бизга пул керак, – деди Холпошша терлаган пешанасини артиб. Кўзлари Таслимага еб қўйгудек тикилди.

– Хуллас, гап бундай, – сабрсизланган Муҳашшо гапни онасининг оғзидан олишга мажбур бўлди, – дадамнинг ҳаётини сақлаб қолишди. Бироз ўзига келгач, самолётда Тошкентга юборишади, дадам ўша ёқда тўлиқ даволанади. Ўзинг тушунасан, Таслима, Дубайда даволаниб, оёққа туриб кетиши учун бизда пул ?ам, ярим йил-бир йил касалнинг бошида ўтиришга имкон ?ам йўқ. Шундоқ ҳам "Эмират"га келгунларингча поччангдан беш минг доллар қарздор бўлдинглар. Дадамни ал-Бараҳадан замбилда самолётга чиқариб қўйиш, сўнг Тошкентга етказиш учун яна қанча харажат бўлса, Жовид тўлайдиган, аниқроғи, қарз берадиган бўлди. Боя ойимга суғурта пули деган экансан, у етмайди, тушундингми?Жовиднинг ўзи ҳам ҳозир келиб қолади…

– Ал-Бараҳада яна ўн кун ётадими, ўн беш кунми, уни ҳам Жовид тўлайди, – деди Холпошша. – Лекин буни Бадрия хоним билмаслиги керак, тушундинг-а, Таслима?

– Ҳа, – деди улкан тоғ остида қолган қиз.

– Лекин мен, нима десам экан… – гапни чайнади Холпошша. Зайд ўрнидан туриб, дераза олдига борди, шунчаки ташқарига





кўз ташлаб қўйди-да, тўсатдан шошганча чиқиб кетди. Ундан на Муҳашшо, на Холпошша кетиш сабабини сўради, гўё араб куёв ҳеч ким эди ёки чиқиб кетиши аввалдан келишиб олинганди.

– Таслима, гапга қулоқ сол, – яқинроқ ўтирди Муҳашшо. – Бой куёвга турмушга чиқ, дедим, осмондан келдинг. Кўрдингми, ҳаётда нималар бўлмайди! Барибир Дубайга ишлашга келдинг, оддий хизматчиликка ҳам, қўпол бўлсаям айтай, қулликка ҳам розисан. Ҳозир сен учун энг муҳими, дадангнинг… дадамизнинг ҳаётини сақлаб қолиш! Фақат ҳаётини сақлаб қолиш эмас, ногирон бўлиб қолмаслигининг олдини олиш, тўғрими?Мен Жовидни зўрға кўндирдим, у миллионернинг ўғли, лекин бизнесга кўп аралашмагани учун пул қўлида эмас. Шунда ҳам мен билан Зайд поччангга ишониб, пул топиб беришга рози бўлди. Ундан аввал биз роса бош қотирдик. Бир шифокор айтдики, органингни сотсанг, яхши ҳақ тўларкан. Буйрагингни демоқчиман…

– Буйраги ўзига керак, – тўнғиллади ўгай она.

– Буйрагингни кесиб бер, деяпманми?! – Муҳашшо онасига ўшқириб берди. – Таслима ҳаммасини тушуниб ўтирибди… Сингилжон, – шундай деб ўгай опа Таслиманинг тиззасига қўл ташлади, – ажал ёнгинамиздан ўтиб кетди, бетини тескари қилсин. Энди дадамни бир амаллаб самолётга чиқариб, қишлоққа телефон қиламиз, қариндошлар аэропортда кутиб олишади. Сен, ойим, мен, поччанг – кўпчиликмиз, ҳеч нарсадан қўрқма. Ҳали Тошкентга "памперс"ни улгуржи олиб бориб сотиш режамиз ҳам яхши иш беради, тижоратни бўшаштирмаймиз. Гапларим тушунарлими?Нега анграясан?Дадил бўл!

– Мен қоламанми?– Таслиманинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

– Дубайда сени бўри ейдими?! – Муҳашшонинг ҳам кўзлари олайди. – Тавба, боядан бери қулоғингга тамбур чертаяпманми?Мен ва ойим ўша қарзларни тўламаймиз, сен ишлаб берасан. Бизнинг… ойим билан ўз режаларимиз бор.

– Бу барибир тушунмайди, – деди Холпошша ўрнидан туриб. – Менга қара, Таслима, буйрагингни, ўпкангни, юрагингни со-

тишга розимисан? Донор бўлсанг, отанг Тошкентга соппа-соғ қайтади, лекин сенинг ўлигинг… кейин менга қимматга тушади! Сўйиб ташлайди-ку Мухтор ака! Ўртада мени еманглар, мен ҳам яшай! Ишлайман десанг ўн беш-йигирма минг долларни ишлаб қўясан. Майли, биз ҳам икки-уч минг қарашамиз.

Таслиманинг мияси тўхтади, ҳеч жўяли фикр келмасди.

Жовид ўша куни қорасини кўрсатмади, Бадрия хонимнинг касали хуруж қилган экан, уйидан чиқолмабди. Кейинги ҳафта эса чиндан ҳам Таслиманинг отасини Тошкентга жўнатадиган бўлишди, барча ҳужжатларни тахт қилишди. Бироқ шу аснода Жовиднинг нияти ўзгариб қолди. Эрталабки шовқиндан чўчиб уйғонган Таслима даставвал нима гаплигини фаҳмламай қулоғини динг қилди. Йўқ, бу билан бир иш чиқмади, араб тилини тушунмаса. Назарида кимдир бостириб кириб, поччасини тинимсиз ҳақорат қилмоқда эди. Устки кийимини кийиб, эшикка чопиб борди, қулфни оҳиста бураб, мўралади. Кенг хонада бақираётган Жовид экан. Аксига олиб у шу заҳотиёқ Таслимани кўриб қўйди ва бирдан қўлини тушириб, уф тортди ва шарт ортига қайирилиб, диванга ўзини ташлаб, бошини чангаллади. Худди театр саҳнасида репетиция қилаётган тажрибасиз, ёш актёрнинг сохта нидосига ўхшаш овоз бўғзидан отилиб чиқди. Таслима "жалабия", "охти" деган сўзларни илғади. Демак, у "қайнсинглинг уй кийимида кўзимга кўринди" қабилидаги нимадир деди.

– Муҳашшо! – қичқирди Зайд бошқа эшикка қараб.

Муҳашшо қаергадир кетган шекилли, қорасини кўрсатмади. Таслима эшикни ёпиб, деворга суянди, сирғалиб полга ўтирди. Реанимацияда ётган отаси кўз олдида жонланди. "Нега Дубайга келдик, отажон?" деб кўзларини юмди. Не-не умидлар ила қадамлари етган замин нима берди? Ҳар кимнинг ҳам Дубайда кутиб оладигани, иш топадигани, уй-жой билан таъминлайдигани йўқ, тақдир бизга кулиб боқди, дейишди. Ҳатто маош олгулик фурсат ҳам ўтмай бошга фалокат тушди-я, э-воҳ! Мана, отаси минг азобда ётибди. Кеча ойна ортидан кўриб, эти жимирлаб кетди: отасининг боши бутунлай оқ дока билан боғлаб





ташланган, кўзига қалинроқ, юмшоқроқ нимадир қўйилган чоғи, кўз ўрни дўппайиб турарди. Холпошша бағри пора қизнинг қўлидан тортиб йўлакка чиқаркан: "Кўрдингми, Худо бир сақлаган, темир-терсак орасида эзилиб кетганда нима бўларди!" деди…

– Муҳашшо! – Зайднинг овози эшитилиш асносида эшиклар қарсиллади.

Таслима қулоқларини бекитиб, кўзларини чирт юмди.

– Буларнинг орасида яшолмайман, ҳеч қачон, – йиғламоқдан бери пичирлади ўзига-ўзи. – Энди нима қиламан?.. Ойижон, нега ташлаб кетдингиз? Нега.. нега айнан сиз ўлдингиз? Ўрнингизга мен ўлсам бўлмасмиди? Отам… отамнинг ўрнида аварияга учрамайманми… Ўлим тўшагида ётмайманми, чирмалиб…

У шифтга кўз тикди. Ё алҳазар, ғурбатда шифтлар ҳам нақадар рангсиз, мунгли, ҳиссиз эди… Боқдию, уйидан неча минг чақирим нарида эканини ўйлаб, додлашдан ўзини зўрға тийди. Ҳушсиз бўлса-да, шифохонада ўз отаси бор, фақат ҳозирча. Кейин эса…

Нариги хонадан ғўнғир-ғўнғир овозлар қулоққа чалинди. Бақириб-чақираётган кишилар тўсатдан минғиллаб-ғинғиллаб қолишлари Таслиманинг юрагига баттар ғул-ғула солди. Унинг учун айни дамда бу одамлар на она, на опа, на почча! "Отамни йўлга кузатиш баҳонасида аэропортга бориб, ётиб оламан, чинқираман, полициядан ёрдам сўраб додлайман!" – деди ичида. Синфдоши ҳайратланганидек, куппа-кундуз бозорга ёлғиз боролмайдиган қиз қандай қилиб Дубайда ишлайди? Отаси кетса, бу юртда ҳеч кими йўқ ҳисоб. Ота боякиш Тошкентдаги шифохоналарда ойлаб даволаниб, оёққа тургунча, Бирлашган Араб Амирликларига боришга пул тўплаб, то топиб келгунча, ҳоли нима кечади? Холпошша ва Муҳашшо ҳалитдан ёвдек қарашмоқда, эртага қандай меҳр кутиш мумкин улардан?

– Сен соғмисан ўзи?! – ногоҳон пайдо бўлган Муҳашшо кўзларини ола-кула қилди. – Нега Жовид билан Зайд поччангнинг гапларига яширинча қулоқ солдинг? Ҳамма иш расво бўлиб турганда, бiратўла бутунлай йўқ қилмоқчимисан?!

– Мен… қулоқ солганим йўқ… – оёққа қалқди қиз.

– Ҳозиргина эшикдан пусиб қараб турганингни Жовид кўрибди-ку! Билиб қўй, у берган пулларини қайтиб олмоқчи! Дадангаэропортга етмасдан, ҳамма-ҳаммасини!.. Нима деяётганимни тушунаяпсанми?Кимдир роса айнитибди! Касални ўз ватанига жўнатиб юборишгач, улар… – Муҳашшо бош бармоғини уятли қилиб кўрсатди, – …мана беради пулингни, дейишибди.

Таслима қулт этиб ютинди. Тилида ҳам, дилида ҳам сўз йўқ эди, хеч вақони тушунмаётган эди у.

– Энди нима қиламиз? Нега анграясан? Гапир! – деди Муҳашшо.

– Нимани… нима қиламиз, опа?– Таслиманинг овози титроққа қоришди.

– Вой, бунча куйдирасан одамни! У ўзининг пулини сўраяпти! Агар бермасак, ҳозироқ полицияга хабар қилади. Бизда пул йўқ, ойимда ҳам йўқлигини жуда яхши биласан. Энг яқин кишиси сенсан…

– Нега мен?

– Тентак! Отажонингнинг энг яқин кишиси сенмисан?! Жовидга пулни сен тўлашингни айтдим. Поччанг ҳам шу гапни айтаяпти. Амакиваччаси бўлса ҳам барибир пулнинг олдида ҳеч ким! Поччанг иложсиз. Пул деб бизни уй-жойсиз, ишсиз қолдириб кетмассан?!

– Мен… ўзим… ахир, опа…

– Тур, чиқиб айт. Қасам ич, оёғига ётиб, ёлвор. Хуллас, нима қилсанг қил, у сенга ишонсин. Ишонтир! Оёғини ўпсанг ўпки, лекин кўндир! Эшитяпсанми, кўндир!

Муҳашшо гапига даҳшатли якун ясаб, бир нафас қараб турди, сўнг ортиқ кутолмаслигининг исботи сифатида Таслиманинг қўлидан судраб чиқди. Аксига олиб, Холпошша ҳеч қаерда кўринмас, қизига қараганда, оз бўлса-да, умид бор эди ундан. Ўгай бўлса-да ҳарҳолда оналик қилган, бир том остида отаси билан яшаган.

Таслима ўгай опасининг қилиғидан ийманиб, хона ўртасида





хижолат чекканча бош кўтаролмай турар, Зайд муштига бош тираб, гиламдаги бир нуқтадан кўз узмай қолган, Муҳашшонинг кўзи Жовидда, Жовиднинг кўзи эса ўликникидек юмуқ эди.

– Қудачилик деган нарсалар бор-ку, опа, – деди Таслима титраб-қақшаб. – Отам қудаси экан, Зайд поччамнинг онаси… Заҳро хоним ёрдам бермасмиканлар?

– Қайнонамда ҳеч нарса йўқ! – ёниб сўзлади Муҳашшо. – Ҳаммангни Дубайга таклиф этган мен аҳмоқ! Қачон яхшилик қилсам, бир фалокат бўлмаса, пешонамдаги шўр ёзувлар ситилиб тушади! Албатта, фалокат бўлиши керак!.. Нима қилай мен? Шундай бўлсин дебманми?Энди… муддат сўра, Таслима! Мен тушунтирдим, бошқа "шанс" бўлмайди, кейин қон йиғлаб юрма.

– Бас! – хотинига бақирди Зайд. – Йўқол!

Муҳашшо сесканиб тушди. Кейин ўз бармоқларини ғижимлаб хонанинг нариги бурчагига борди, аммо чиқиб кетмай, гоҳ Жовидга, гоҳ эрига аламли нигоҳ ташлади. Ўгай опаси арабларнинг олдида сариқ чақалик қадр-қимматга эга эмаслигини, бир имо билан нафақат оиладан, ҳатто мамлакатдан бадарға бўлиб кетишини Таслима англаб етди.

– Жовид… жаноб, – деди Таслима зўрға, – отам Дубайдаги шифохоналарда тўлиқ даволаниб чиқиши учун бизда имконият йўқ, шунинг учун ватанимизга юборсак, ўша ёқда даволашади…

– Русча гапир, у ўзбек тилини билмайди-ку, – шивирлади Муҳашшо. – Ҳаммасига розиман, фақат ҳозир отамни жўнатишга кетган харажатларнинг пулини сўрамай туринг, қайтараман, де. Ишонмаса, қасам ич.

– Юз марта айтилди-ку, опа.

– Сен бир марта ишонтир, агар жонинг чиқиб кетса ҳам! – кичқириб юбораёзди Муҳашшо. – Барибир Дубайда қоласан! Ишлайсан!

Бироқ Таслима гарангсиб турар, она тилидан бошқасида сўзлашни хаёлига ҳам келтирмасди. Муҳашшо зўрма-зўраки, узуқ-юлуқ, эргашиб-эргашиб сўз ўгиришга мажбур бўлди. Жовид бармоқларини чалиштириб, пешанасига тираганча ўтирар,

сезилар-сезилмас тебранар, негадир Таслиманинг кўзларига тик боқолмас, гап қотолмас эди. Ахийри ўрнидан туриб, араб тилида нимадир деди. Шу ондаёқ Зайд ва Муҳашшо саросимага тушиб, кўз уриштириб олишди.

– Мен кетдим, – деди Жовид рус тилида, сўнг эшикка яқинлашганда қўшиб қўйди: – Умид қиламан…

Шу чоғ Холпошша кириб келди, аланг-жаланг қараб олгач, қизига саволомуз деди:

– Кайфиятлари йўқ?

– Пулини сўраяпти, – деди Муҳашшо. – Полицияга хабар бермоқчи. Бугун дадамни…. эрингизни самолётга чиқариш керак. Энди нима қиламиз?

– Мен Дубайда қоламан. Топаман ўша пулни! – Таслима қўлини кўксига қўйди. – Нега ҳаммангиз атайин қилаётганга ўхшаб пулга бунча ёпишиб олдиларингиз?! Ҳозир пул жуда керакли нарса, лекин инсон тақдири барибир пул билан ўлчанмайди.

– Нима билан ўлчанади бўлмаса? – Холпошша қаҳр билан ўгирилди унга.

– Ойи, йўли бор… иложисиз эмасмиз. Юринг бу ёққа. – Муҳашшо онасининг тирсагидан тутиб, йўл бошлади.

– Сизни онам дегандим, – йиғлади Таслима Холпошшага қараб. Сўнг Муҳашшога ёшли кўзларини қадади. – Сизни эса опам деб… ширин гапларингизга ишондим. Агар шунақа эканликларингизни билганимда, битта оилада яшагандан кўра, қишлоқдаги қариндошларимникига кетардим, Дубайга ўлсам ҳам келмасдим… Бечора отам! Ҳали бу ишларингиз учун…

– Вой кўрнамак! – хитоб қилди Холпошша. – Отангни ўйлаб сенга пул топиб берсак, раҳматинг шуми?!

– Сиз ҳам бас қилинг! – амр этди Зайд қайнонасига.

Она-бола ғазабдан кўкариб нариги хонага кириб кетишди. Зайд ҳам уларнинг изидан юраркан, Таслиманинг ёнидан ўтаётиб, иложсиз ҳолда минғиллади:

– Кечир...





Ногаҳон кўтарилган тентак шамол ўтиб кетгандек эди. Жовиднинг нигоҳида қандайдир сирлар гирдоб бўлиб ётса-да, хартугул қайтиб тўполон кўтармади. Холпошша ва Муҳашшо қовоғини очмас, Таслима-ку адойи тамом бўлганди. Ўша куни уни уйда қолдириб, аэропортга ўзлари кетишди. Ҳатто аэропортга кетаётганини қизга айтмадилар ҳам.

Беморни ўз бортига олган Дубай-Тошкент рейсидаги самолёт кўп куттирмай моторлари гувиллаб, учиш йўлакчасида югуриб кетди. Қулоқни қоматга келтириб, бир сакраб ердан оёқ узди. Ҳаво қатламини ёриб кўкка интилган бир неча тонналик темир қуш ўз ортида армон қолдириб учаётган эди.

– Таслима… қизим… – инграді бемор. – Лаънатилар… Уйқу дорини укол қилишдими, дейман… Ҳали кўрасан… ҳамманг… – Овозини ҳеч ким эшитмади, у яна уйқуга кетди. – …видо, …видо, – деди уйқусида.

Эртасига Таслима дўкон омборхонасига Муҳашшога эргашиб, ишга чиқди. Отасини Тошкентга юборишгани, шифохонага жойлаштиришгани, атрофида меҳрибон одамлар борлиги кўнглини тинчлантирди. Бироқ Дубайда ёлғиз қолгани то ватанга қайтгунча ғам-алам аримаслигини ваъда этмоқда эди.

Ўрнига бир араб хотинни ишга олишган экан. Тимқора кўзлари йилтиллаб турган паст бўйли хотин унга бошдан-оёқ син солиб, ишини индамай давом эттираверди. Таслима нима қилишни билмай мунғайиб турганда, Муҳашшо кириб, дафтар-қаламини олди-да, алланимани ҳисоблай бошлади. Бир оздан сўнг қарамасдан деди:

– Ҳайрон бўлаяпсанми? Бу ерда энди у ишлайди. Фаластиндан келган. Ҳамма ишга тайёр, жуда меҳнаткаш.

– Мен қаерда ишлайман?

– Жовид бошқа ишга қўяман, деяпти. Кўпроқ пул ишламасанг, қарзингни тўлолмайсан. Шунинг учун у тайинлаган ишда ишлаганинг маъқул.

– Қанақа иш экан?

– Билмасам. Унинг хоҳиши.

Таслима ялт этиб қаради, сўнг деворга суянганча мурдадай оқариб, тили калимага келмай қолди. Унинг чил-парчин бўлганини Муҳашшо сезди ва ёзиш-чизишдан тўхтади-да, дафтарини шарт ёпиб, чиқиб кетди.

– Худо урсин сенларни! – қарғади Таслима.

Ҳа, унинг кўз олдида Асалканинг хаёлий қиёфаси жонланган эди. Шўрлик келинчакни қайнопаси беш минг долларга сотгач, қўлдан-қўлга ўтди ва учинчи аёлдан ўн беш минг доллар қарз бўлиш эвазига Дубайга келиб қолди. Қандай қилиб бўлса ҳам ўн беш минг долларни ярим йилга қолмай топиб бериши керак эди. Оддий ишчи, энага, фаррош қисқа муддатда бунча пулни тўлолмайди, гап ўз-ўзидан фаҳш тўшагига бориб тақалди... Бироқ Жовид бу қадар тубан кетадиган одамга ўхшамаслиги ҳозирча Таслимага таскин берарди.

"Ойим ва Муҳашшо-чи? – юзини тўсди Таслима. – Улар ниманидир гаплашишди... Зайд почча бекорга узр сўрамади... Йўқ, мен Асалканинг хатосини такрорламайман... такрорламайман! Бир нима қилишса, ўзимни ўлдираман!.."

Дўконнинг орқа эшигидан чиқаётган эди, Муҳашшо ортидан ҳаллослаб етиб келди, тахлаб қўйилган бўш қутиларни ағанатиб юборди.

– Қаёққа? – ижирғаниб сўради у.

– Уйга, – деди Таслима. – Бугун дам олмоқчиман, ишлолмайман.

– Дам? Ишламасдан-а?!

– Отамнинг йўқлигига кўникишим осонмас...

– Менга қара, – бармоғини ўқталди Муҳашшо, – нозиклигингни йиғиштир! Худога шукр, даданг Тошкентда, бир неча ойда оёққа туради. Ҳаммасини хамирдан қил суғургандек осон бажарганимизда, намунча қилпанг-қилпанг қиласан?! Қани, бу ёққа юрчи. Ҳозир Жовид келади, гаплашамиз. Йўлда юришни билмайсану, уй билан иш ўртасида қатнашингга бало борми?!





– Жовид билан гаплашмайман, – дадил жавоб берди Таслима.

– Тушунмадим, қасамингдан тонаяпсанми?

– Ундан қанча қарздорлигимни айтинг, тийин-тийинигача йиғиб бераман. Бундан ташқари, қариндошларимнинг телефонларига ҳар куни қўнғироқ қиламан, отам билан ҳам гаплашаман. Менга бир нима бўлса, ойим ва сиз жавоб берасиз! Нима, мени ҳеч нимани билмайди, сезмайди, деб ўйлаяпсизми?

Афтидан Муҳашшо уни қўлимда қўғирчоқдек ўйнатаман, хоҳлаган кўйга соламан, деб ўйлаган чоғи ранг-қути ўчган ҳолда бир неча сония бақрайиб қолди. Енгидан тортган эди, Таслима куч билан силтаб ташлади ва эшикни шарақлатиб очиб, ташқарига чиқди.

– Бошқа иш тополмай ўл! – депсинди ўгай опа.

Таслима бекат сари кетаркан, бошида улкан аждаҳо қанот қоқиб, гир-гир айланаётганини ҳис этди. Индамаса, тайёр ўлжага айланади. Йўқ, у курашмоғи шарт, фоҳиша бўлиб қолган Асалканинг савдоси бошига тушишига ҳар қандай ҳолатда ҳам йўл қўймайди.

Бугун қанчалар жазирама кун бўлиши ҳозирдан маълум эди. Кўча ўртасидан оқиб ўтаётган иссиқ ҳаво юзига уфурарди. Бир оз юриб беихтиёр елпинган эди, тўсатдан ёнгинасида бир аёл пайдо бўлди. У ғалати жилмайиб, Таслиманинг баданини силамоқчидек қўлларини чўзди. Қизнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди, жон ҳолатда ўзини четга олди.

– Сизга нима керак? – сўради инглиз тилида.

– Ўзбекистонданмисан? – деди хотин ўзбек тилида туркча талаффузда. – Мен Қоҳираданман, асли анқараликман, ўзбекларга ҳам алоқам бор. Қулоқ сол, сенга иш топиб бераман, ишлайсанми?

– Кечирасиз, кетишим керак! – Таслима қочишга уринган эди, хотин қўлларига ёпишди.

– Дўкон орқасида гапларингни тасодифан эшитиб қолдим. Мен шу ерда яшайдиган суриялик бизнесменнинг уйида ишлайман, яхши одам, ойига минг долларгача тўлайди. Сен ёшгина экан-

сан, мана бу манзилга бор, унинг хотини ёш қиз ахтарётганди. – Компьютер принтеридан чиқарилган қоғозлардан бирини тутди. – Хизматкор аёллар иккита, сен билан учта бўламиз. Тилингга тушунганим жуда яхши, жуда яхши. Пуштун ва ҳинд аёлларига, айниқса, индонезияликларга кўзим учиб турибдими?

– Полиция чақираман, қўйворинг, – зорланди Таслима.

– Ё Аллоҳ, наҳотки мени бузуқ аёл деб ўйлаётган бўлсанг?! Ишонмасанг, эринг, аканг, отанг – киминг бўлса, эргаштириб бор. Аммо бундай қабиҳ гумонни бас қил!.. Дубайда ёлғиз эмасдирсан?

– Ёлғиз эмасман! – дея Таслима ундан нари қочди.

– Кутаман. Аллоҳ шоҳид...

Бекатга етгунча хотин дийдиё қилиб, изидан қолмаётгандек туюлаверди. Бахтига автобус келдию Таслима салонга чиқиб, хотин-халаж орасига ўзини урди. Юраги така-пука бўлган эмасми, ҳадеганда қалтироғи босилмас эди. Бир пайт қараса, қўлида ғижим қоғоз. Секин очиб, инглиз тилидаги эълонни ўқиди. Хонадон хизматкорлигига қўл-оёғи чаққон, чет эллик мусулмон қиз керак экан.

Шу куни Холпошшани Бадрия хоним ишдан қувиб юборибди. Энагаликни кўзлаб қўйган экан шекилли, тўғри бир касал кампирнинг ҳузурига борибди. Кампирнинг тувагини тозалаб, ювинтириб, овқатлантириб, ухлаганда елпиб туриш керакмиш. Бироқ бир қарашдаёқ Холпошшани рад этибди. Турқи ёқмаса, тилини тушунмаса, бошига урадими. Таслима ҳайрон эди, ўтган йили (ҳали Муҳашшо Амирликка турмушга чиқмасдан бурун) ўгай онаси Дубайга оилавий бориб ишлайлик, бойиб кетамиз, деганди, ўзига оддий иш тополмаяптию қанақа ишни кўзлаган экан?

Кутилмаганда кечқурун уйга Бадрия хоним бобиллаганча бостириб кирди, Жовид ҳам шундай қилганди, ҳарҳолда онаболанинг қони бир-да. Зайд ва Муҳашшо эндигина кириб, Таслима масаласида Холпошшага оғиз очишган эди. Даставвал муаммо нима эканини Таслима англолмади. Оний лаҳзада Холпошша ичкари хонага бекинганини кўриб, балки араб хотин-





нинг фоҳишаликка оид эски гумони қўзиб қолганмикан, деган хаёлга борди. Сўнгра барчаси ойдинлашди ва... дод солиб юбораёзди. Бадрия хоним ўғли берган пулларни талаб қилаётган эди, ҳозироқ бериш керакмиш. Ҳатто муштларини дўлайтириб, Муҳашшони урмоқчи бўлди, Зайд эса оёғига йиқилгудек ялинар, оғзи тинмай ё ёлғон, ё қасам ёғдирар эди. Таслиманинг бошига келиб ҳам ўшқирди. Ниҳоят Муҳашшо ва Зайд бир амаллаб тентак хонимни тинчлантиришди, ҳайдовчиси ёрдамида алдаб-сулдаб машинага кузатиб қўйишди.

– Жовид телефонда гаплашаётганда, эшитиб қолибди, – деди Зайд уф тортиб уйга кираркан. – Яхшиям, бизнес учун қарз бердим, шерикликка тижорат ишини бошлаяпмиз, дебди. Пуллар касал учун кетди, деганида борми, ҳаммамизнинг теримизни шиларди... Таслима, бугун Жовид келади, уни фақат сен кўндиришинг мумкин. Қўрқма, очиқ гаплаш.

– Таслима, ўзинг келишиб олмасанг, булар тинчимайди, – деди Муҳашшо. – Илтимос, шундоқ ҳам Бадрия хоним ойимни кўргани кўзи йўқ, бизни хавф остига қўйма. Тилини топишинг қийинмас.

– Шарманда бўлмасак эди, – бош эгди Холпошша. – Ўшанга тегиб қўя қол, Таслимажон, қутулайлик шу муаммолардан! Бир умр ҳузур-ҳаловатда яшайсан. Отангни ўзим кўндириб...

– Ойи!.. – Таслима энди тушунди буларнинг мақсадини. Демак, издан чиққан ҳаётни йўлга қўйиш учун зўр бериб Жовидга тортиқ қилиш пайида эканлар-да. Бу – Бирлашган Араб Амирликларига қадамлари етган дастлабки кундаёқ сезилмаганмиди? Уларга отасининг ҳалокати нақадар эш келган экан-а!

– Бўлмаса, нима қилайлик, айт! – ёлғондакам йиғламсиради ойиси. – Ўн етти минг долларга етди қарз ўлгур, эшитяпсанми, ўн етти минг доллар! Ўзинг айтгандай, суғурта пулининг анча ёрдами тегди, лекин ҳамма харажатларни қоплаёлмади, мураккаб операция озмунча пулми! Бу ерларда ёрдам кутиб овора бўлма, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Жовидга турмушга чиқ, миллионернинг келини бўл, қутул шу машмашалардан! Ҳеч бўлмаса, отанг учун!

– Мен ҳам шуни айтаяпман-да! – бирдан жилпанглади Муҳашшо. – Мактабни тугатди, ўқишдан йиқилди, энди бўйи етган қизни куёвга бериш керак, тамом-вассалом.

Таслима ёшли кўзлари ила поччасига ўгирилди. Зайд худди яна бир бор узр сўраётгандек маъноли қараб қўйди-ю, кўзларини яширди. Адашмаса, даҳшатли ҳалқа ҳар томондан қисиб келмоқда эди: ҳадемай тўрга тушган қуш каби типирчилаб ҳеч қаёққа қочолмайди. Боякиш Таслима! У ётоғига чопиб кирди ва ўзини тўшакка отиб, ёстиққа юзини босиб унсиз йиғлади. Кундузги жаҳд-важоҳатидан асар ҳам қолмагандек эди. "Амакимга қўнғироқ қиламан, қарз-ҳавола қилиб пул жўнатади" деган ўй келди миясига. Рост-да, ҳадеб кўз ёш тўкаверишдан наф йўқ эди. Кўз ёш тўкиб қутулиб кетаверганида, дунёда бахтсиз аёл бўлмасди ҳам.

Эшик очилиб-ёпилди. Тепасида Холпошша қаққайиб турарди.

– Улар телефон қилишаяпти, – деди ўгай она совуқ оҳангда.

– Телефонни беринг, мен аввал амаким билан гаплашаман, пулни улардан…

– Ҳа, ўша амакинг телефон қилаяпти-да! Ма, ўзларинг қайтиб чиқинглар, деди. Ёмон қурумсоқ-да! Пул дея кўрма, "давлеинияси" ошиб ўлади.

Таслима рақамларни терди. Амакиси билан ҳол-аҳвол сўрашди, отаси ҳақида гап кетганда, кўзларидан дув-дув ёш тўкди.

– Нега йиғлайсан?– койиб берди амакиси. – Тирик қолибди, шукр қил. Дубайдаги опангнинг дўконида ишлаётган бўлсанг, жуда яхши-да! Пул жўнатсанг, отанг янада зўр даволанади, санаторийларга боради. Энанг ўша ерда, опанг иш билан таъминлаб қўйган бўлса, яна нимадан ўйланасан?Холпошша айтди, кетаман, деб жанжал қилибсан. Йўл пули, харажатлар… осонми сенга?! Шунча узоққа бордингми, сабр қилиб ишла. Одамлар чет элга боролмай сарсон, сен осонгина бординг-ку, ношукурлик қилма-да!

– Қарз бўлиб қолдик, амаки, – деди Таслима кўз ёшларини ютиб.





– Холпошша айтди деяпман-ку! Уни жуда яхши тушундим. Тўғри-да, ким ҳозир бекорга бир сўм беради! Агар отангни қарз-ҳавола қилиб бу ёққа жўнатмаганларингда, масалан, мен Арабистонга бориб олиб келолмасдим. Қани пул дейсан, Таслима! Акангга бир уй, бир ошхона қуриб, алоҳида чиқарганмиз. "Молхона қурмайсизми, неварангизга сигир бермайсизми", деб қулоқ-миямни еб қўйди. Иложи бўлса, биринчи ойлигингдан минг доллар жўнат.

– Мендан пул… пул сўраяпсизми?– қулоқларига ишонмади Таслима. Телефонни шундай қаттиқ қисдики, синдириб юбораёзди.

– Бизга эмас, отангга деяпман. Ортиқча пулим бўлганида сендан сўрармидим…

Таслима индамай эшита бошлади, хайрлашиш учун нимадир деди, холос. Ўн етти минг долларни шу одамдан сўрамоқчи бўлдими?Сўмга чақилса, бир неча ўн миллион! Ўғлининг янги рўзғорига бир миллион сўм ҳам турмайдиган сигир сотиб олишга қурби етмайдиган амаки, худди шундай бошқа қариндошлар… "Таслима бирор кор-ҳолга учраганда ҳам шунча пулни йиғиб беролмаймиз. Доллар билан ойлик тўланадиган ишда ишлаб, биздан пул сўрашини! Ўзи аввалдан нозик, йиғлоқи қиз эди…" дейишлари аниқ. "Йиғиб беролмайди", деди ғамбода қизнинг ички овози.

Жовид келди, кайфи бор эди. Уйга киргандан, дераза ёнига борди, сигарет тутатди. Сигарет ушлаган қўлини ҳавода силтаб, Зайдга қаттиқ-қаттиқ гапирди. Бу овозлар энди Таслимада аллергия қўзғатадиган бўлиб қолган эмасми, қулоқларини беркитиб олди. Барибир овоз эшик тирқишидан сирғалиб кирар, қулоғига йўл топар, кинолардаги террорчиларнинг овозини эслатар, юрагига ваҳима солар, дунёни кўзига дўзах қилиб кўрсатар эди. "Эшикни қулфлайман", деди Таслима ва бўсағага борганди ҳамки, Муҳашшо ланг очиб юборди. Бу гал ҳам қиз шўрлик эшик ортида гап пойлаётганга ўхшаб қолди.

– Мен ёпмоқчи эдим, – деди Таслима каловланиб.

Жовид ялт этиб қаради, тез юриб, кенг хонани кесиб ўтди-да,

уят-андишани йиғиштириб, Таслиманинг қўлига ёпишди. Бундай бўлишини кутмаган Таслима ўтакаси ёрилиб, ўзини орқага олди, аммо миллионернинг мажнун ўғли тиз чўкиб, оппоқ қўлларига лаб босди. Ёш қиз учун бу хотин кишининг бир зиноси билан баравар эди, ўйлаб-нетиб ўтирмай Жовиднинг чаккасига тарсаки туширди.

– Мен сени севаман, гўзал, – деди Жовид рус тилида. – Ўлдир, лекин барибир севаман, мени ҳеч ким тўхтатолмайди.

– Вой ўлмасам, бу нимаси?– ёқа ушлади Холпошша. У ўгай қизининг қўлидан бўса олинганидан эмас, кўпроқ Жовиддек бойваччага тушган шапалоқдан ўзини йўқотиб қўйганди.

– Нега урасан, Тасли?! – тилини тишлади Муҳашшо; Зайднинг юзи эса ғалати бужмайиб кетди.

Таслима ичкарига ўқдек отилиб, эшикни қарсиллатиб ёпди. Уйда гўёки бомба портлагандек Жовиддан бошқа ҳамма чўчиб, бўйинларини қисишди.

– Қанча пул сўраса, шунча бераман унга – деди Жовид ўрнидан туриб. – Тўғри, ҳозирги ҳаракатим одобсизлик. Мени кечиринг, Холпошша хоним! Қизингизни хафа қилдим, кўз олдингизда… – У эшикка ўгирилди. – Таслима! Биламан, булар сени пул учун қийнаб юборишди. Кечдим ўша пуллардан! Эшитаяпсанми?! Агар онам пулни сўраб келса ва сени хафа қилса, кечдим ўша онадан ҳам! Мен сени севаман! Севаман!.. Менга рози бўлишинг учун айт, нима қилай?– Жовид хона ўртасига бориб, ҳаммага ўкрайиб қаради. – Ҳеч ким кўнглини оғритмасин, у энди аввалги Таслима эмас! Худо ҳаққи, биров озор етказмасин! У бўлажак хотиним!

– Сиз ундан ҳам кўра мени хафа қилаяпсиз, – деди Холпошша бир қадам ташлаб. – Ҳар ҳолда Таслиманинг онасиман… Аввал мен билан гаплашинг.

Ўгай она пул ҳақида эшитганданоқ нафс отини қамчилаган эди, Муҳашшо ҳам қолишмади, Жовидга қараб тамшаниб қўйди.

– Сиз билан гаплашганмиз шекилли… Хуллас, ўша гап: тўй бўлади! – Жовид иккала қўли ила "х" шаклини ясади. – Кетдим!





Бугундан тўйга тайёрланинглар! Яқинда ҳарбий мактабда ўқиш бошланади. Отамга ўхшаб бизнесмен бўлмадим… Агар Таслима истаса, майли, ҳарбийликни ташлаб, отамнинг малайига айланаман-да, умримни бойлик тўплашга сарфлайман. Таслима ҳозир қандайдир бир неча минг долларга зор. Эй, керак бўлса, оёғи тагига бир тоғора тиллани сочиб ташлайман! Доллар нима?! Бир қоп долларни кўз олдида ёқиб юбораман! Лекин Таслима дунёдаги энг ақлли қиз, ҳаммасини тушунади, менга турмушга чиқади, ҳарбий бўламан, барча орзуларим ушалади… Зайд, ҳурматли амакивачча! Биз божамиз, хотинларимиз овсин. Ўхшаймиз-а?Йўқ, янглишдим, биз ўлсак ҳам ўхшамаймиз! Сен – Зайд тулки, Дубайдан нима истасанг, аёллардан ҳам шуни истайсан! Сендан фарқим бор, жудаям катта фарқ бу!.. Хайр, кетдим. Тўй тайёргарлигига бош-қош бўлинглар. Кечиримли эмасман, агар у мени рад этса, биронтангни кечирмайман!.. Мен учун дунёда фақат Таслима бор, ундан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса йўқ… Йўқ!

– Жовид, – деди Зайд бўзариб, – у, менимча…

– Ҳамма гапирса ҳам сен гапирма! Сен ва оиланг саҳродаги адашган карвон! Тўғри, онанг – Заҳро хоним ақлли аёл, мен у киши ҳақида гапирмаяпман, отанг, хотининг, ўгай укаларинг… Қисқаси, тилимни қичитма. Айтган ишни бажар! Бажар!

– Пуллардан воз кечдим деяпсан-у, яна талаб қилаяпсан?

– Айтдим-ку сен гапирма деб! – қичқирди Жовид.

Бутунлай кайфи ошиб қолган бойвачча қорасини ўчирганидан сўнг кенг хонада хийла вақт ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилиб турди. Бир пайт Таслимани кечки овқатга чақиришди. Зайд телевизор томоша қилиб ўтирарди. Экрандан кўз узмай деди:

– Қирғизистонлик бир қиз Дубайда олти ойдан бери ишларкан, ямонлик официант билан севишибди. Ҳатто бирга яшай бошлашибди, никоҳ йўқ, гувоҳ йўқ, тўй йўқ, бутунлай яширинча. Гуноҳкор қиз ҳомиладор бўлиб қолибди. Мана энди ҳиндистонлик шифокор аборт қилаётганда, полиция ушлабди.

– Айнан аборт қилаётганда эмасдир?– кулди Муҳашшо.

– Ҳазиллашмаяпман. – Зайд кўз қирини ташлади. – Энди "эр-хотин" гуноҳ ишлар қилгани, ҳиндистонлик эса қотиллик учун айбланади. Ўн йилгача қамоқ, дунёга машҳур Дубай зиндони! Қисқаси, учаласининг ҳам пешанаси шўр экан.

Таслима негадир ўзини ўша қизга тақдирдош ҳис этиб, бир четда мунғайиб ўтирарди.

– Поччангга қулоқ солма, у ўзи шунақа, – деди Муҳашшо. – Ойим сенинг тўйинг ҳақида қариндошларимиз билан келишди...

– Кимнинг тўйи?Қайси қариндошлар?– тушунмади Таслима.

– Ойим боя амакингга яна телефон қилди, аммангбилан ҳам гаплашди.

– Мендан сўрамай, мен ҳақимда...

– Аввал эшит. Улар дадамнинг тилга киришини кутиш кераклигини айтишди, лекин Жовид кутолмайди, дадангэса... ҳаливери гапиролмас экан, мия қаттиқ шикастланган. Яхшилаб даволаниши учун пул жўнатсакми, деяпти ойим. Жовид қалинингга ўттиз минг доллар бераман деган, барибир анави қарзни айириб ташлашимиз керак, шундаям бизга анча-мунча қолади. Керак бўлса, Москвага бориб даволаниб келишга ҳам етадиган пул юбора оламиз. Даданг дунёга келиб нима кўрган? Фақат иш, қийинчилик, рўзғор ташвиши, бунинг устига ойинг касалланиб, даданг қанча вақт касал билан бўлди, кейин жаноза, маърака, сўққабошлик. Энди ойим билан яхши яшаётганда, авария бўлиб қолди. Бундан кейин майиб-мажруҳликда умр кечирсинми?Қўй, сингилжон, биз қандай йўл билан бўлмасин, пул топишимиз, жўнатишимиз керак. Лекин кечаю кундуз ишлашга ҳожат қолмади, бахтимиз бор экан, Жовид учради.

– Шуни айтаяпмиз-да, – деди Холпошша. – Жовид яхши йигит. Агар хотинга, пулга ўч бўлганида, бундай юрмасди... Таслима, менга ўгай она сифатида қарашни бас қил. Бахтингни ўйлаётганимни наҳотки кўрмаяпсан?! Ичим қора бўлганида, сени араб миллионерига яқин йўлатмасдим, Дубайга ҳам олиб келмасдим. Муҳашшони мен туққанман, ўз туққанимга ўгай қизимни хўжайин қилиш зарил кептими, айт-чи?





– Сен Жовиднинг хотини сифатида дўкон ва цехлар бўйича хўжайин бўласан, ойим тўғри айтаяпти, – шивирлади Муҳашшо. – Бизнинг ишимиз бутунлай орқага кетиб, Бадрия хонимнинг қўлига қараб қолганмиз. Сен эса шундай хотин бўлки, Бадрия хоним секин-аста бир четга сурилиб (ўзи шундоқ ҳам қари, касалманд), хўжайин бўласан-қоласан. А, нима дединг?Дадам ҳозирги вазиятда албатта рози бўлади... Бир нима десанг-чи? Биз жавобини айтишимиз керак, қудалар кутишаяпти.

– "Дадам", "даданг" деб ҳар хил гапиргандан кўра Мухтор ака денг, нега ўзингизни қийнайсиз?! – деди Таслима алам билан. – Шунчалар иккиюзламачи одамлар борлигига, бири онам, бири опам эканига ишонгим келмайди. Асли ниятларингиз шу бўлган, отажоним аварияга учраб, йўлларингиз очилди. Мендан қўрқмасаларинг ҳам Худодан қўрқинглар.

– Яхшилик қилаётганимизни тушун, жинни! – қўлини силтаб гапирди ўгай она. Бироқ Зайд араб тилида нимадир деб қайнонасининг унини ўчирди. Сўнг дастурхон бошига келиб, уҳ тортди.

– Сенга ҳеч нима бўлмайди, ваъда бераман, – деди Зайд Таслимага. – Фақат қандай бўлмасин, Жовиднинг пулини қайтариш керак. Нимадир қилмоқчимисан?Балки вазиятдан чиқиш йўлини ўзинг айтарсан?

– Бошқа жойда ишлайман... топаман, – Таслима ўрнидан дик этиб турди. – Бугун бир эълонни ўқидим, уй хизматкорлигига қиз керак экан, минг долларгача ойлик тўлармиш.

– Ўша эълон бўйича чўриликни танла! – деди Холпошша кесатиб. – Эртага хўжайинингйўлдан урса, менга йиғлаб келма! Номусинг учун отажонингга ўзинг жавоб берасан! Қаёқдан ҳам сенларнинг оилаларингга тушдим ўзи! Қизи ҳам отаси ҳам бирдек куйдирди, адойи тамом қилди мени!..

Шундан сўнг Холпошша куёвига араб тилида алланима деб ялина бошлади. Таслима ҳайрону лол эди: ё тавба, у арабчани билар экан-да?Муҳашшо ҳам онасига қўшилди. Таслима хўрлиги келиб ётоққа чопиб кирди. Ўзига ўлим тилаб, туғилганига, кўрган кунларига лаънатлар айта бошлади.

Шу кеча овқатланмай ухлаб қолди. Даҳшатли туш кўрибди. Уни Жовидга ўхшаган бир эркак машинада олиб қочаётганмиш. Таслима қанчалик ялинмасин, қулоқ солмабди. Бир пайт қараса, ярим кечаси эмиш, Дубай шаҳри ортда қолган, атроф чўл. "Агар менга хотин бўлмасанг, – дебди эркак, – анави қизнинг ҳолига тушасан". Таслима зулмат қоплаган саҳрога шунча тикилса ҳам бирорта қизни кўрмабди. Шунда эркак машинани буриб, чироқлар ёруғини саҳро ичкарисига қаратибди. Таслима не кўз билан кўрсинки, айиқдек ит бир қизга қараб бораётганмиш. Қиз қочай деса, боғлаб қўйилган… Сакраб уйғонди Таслима шўрлик. У эшитгандики, агар қизлар қўшмачиларнинг йўриғига юрмаса, саҳрога элтиб, турли қўйларга солармишлар, ҳатто айримлар қийноқларга чидолмай ўлиб қолармиш, қум остида қанча мозор бор, бандаси билмасмиш.

"Мен ахир қўшмачилар қўлига тушганим йўқ-ку, бу шунчаки бир туш", деб ўзини овутди Таслима.

* * *

Эрталаб эълондаги телефонга сим қоқди. Гўшакни кечаги хотин кўтарди. Бекат яқинида учраган ёш ва соҳибжамол хорижлик қиз эканини билгач, ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди.

– Муҳаққақ, кел. Масрур афанди ҳам, хотини Назиҳа хоним ҳам тақводор одамлар. Улар ҳам муҳожир, биз ҳам. Нечук ёш қиз ахтараяпти, деб гумонга борма, гумон имондан айиради. Назиҳа хоним касалманд аёл. Унга парвона бўлишнинг на уяти, на гуноҳи бордир. Бемор аёлга қараш, унинг истакларини бажариш айбмас. Маошингни минг долларга етказдираман, кўп эмас, уч ойда. Фақат сендан яхши ишлаш талаб этилажак. Дубайга ишламак учун келмишсан, ишлайсан-да, ёшсан, ғайратлисан.

– Розиман, – деди Таслима.

– Ёлғиз келурмисан, кимнидир эргаштириб?

– Поччам билан бораман. У шу ерлик араб.

– Фарқ этмас. Афанди билан гаплашиб, сени ташлаб кетсин.





Зайд тонг-саҳардан ишга жўнаб кетгани учун Таслима нима қилишни ўйлаб ўтирганди, Холпошша келиб, деди:

– Қизим, тағин кечаги жойга бориб юрмагин. Биласан, қиз бола бировнинг хасми, қачон уни эгасига топширса, шундагина онанинг кўнгли тинчийди.

– Жовиднинг қўлида ишламайман, ўзим иш топдим. – Бу "Жовидга турмушга чиқмайман" дегани ҳам эди.

– Ўша чўриликми?Ўв, катта холангнинг уйида юрганинг йўқ, кўп қайсарлик қилма. Агар мендан айб ўтган бўлса, кечир. Лекин сени бошқа ишда ишлатиб қўёлмайман, кўз олдимда юрасан, уқдингми?

– Сизга ишонмайман, ҳеч қачон! Мақсадингиз – Жовиддан қалин пули олиш!..

Кутилмаганда Таслиманинг юзи шапалоқдан чарсиллаб ёниб кетди. У йиғламади, чинқирмади, аразламади ҳам. Шарт ўрнидан туриб, кийимларини алмаштира бошлади. Холпошша эски гапларини такрорлади, отаси учун пул нақадар зарурлигига урғу берди, аммо Таслима қилча ўзгармади, гўё у иккинчи Муҳашшога айланиб қолганди. Зайднинг рақамларини тераётганида, ўгай она қўлига ёпишиб:

– Нима қилаяпсан?! – деб бақирди.

– Ўша уйга ёлғиз бормайман, поччам қўйиб келади! Бехавотир жойда ишлаётганингни қариндошларинг кўриши учун бирортаси билан бирга кел, дейишган, тушундингизми?! Мана! – Қиз эълонни онасига тутқазди. – Кўриб қўйинг!

– Менга ўшқирадиган ҳам бўлдинг! Ўтган гал отанг авария бўлган, деб индамадим…

– Паст овозда мулойим гапирса, эшитмайсиз! – Таслима гўшакни тортиб олди. – Буни отам эртароқ сезиши керак эди! Мени кимга беришни ҳам отам ҳал қилади, сиз эмас! Энди менга ҳеч кимсиз! Отамга ҳам… Сиз билан бошиданоқ ажрашиб кетарди, ҳомиладорман деб алдадингиз!.. Алло, почча, бу – мен, Таслимаман…

Ўгай она куёвидан қўрқар эди. Барчасидан Муҳашшони во-

қиф этмоқлик қасдида ранг-кути ўчиб, нариги хонага югурди. Бу вақтда Таслиманинг омади чопди: Зайд шу заҳотиёқ қайнсинглисининг таклифини қабул қилди ва кимки уйдан чиқишга қаршилик қилса, рақамни териб, гўшакни ўша зўравонга тутқазишни буюрди. Ҳарҳолда бундай бўлмади, орадан кўп ўтмай, Таслима ал-Мутина ҳудудига етиб келган эди. Белгиланган жойда Зайд билан учрашди.

– Шу ерда гаплашиб олганимиз маъқул, ишхонамда Жовид ёки бирорта сени танийдиган ходим кўриб қолишлари мумкин, – деди почча.

– Сиз билан бирга боришимни ойим билади.

– Гап бунда эмас, Жовид тўй масаласида сени айнитишимдан қўрқади. Ёшлигимдан у билан келишмаганман. Вақт ўтиб, амакимга қарам бўлиб қолдик. Аввалги кунларимиз ҳолва экан, амакимнинг хотини ва ўғлининг қўлига тушдик… Ўзбекистонда ишлаган йилларимни соғинаман, Таслима. – У шундай дея қиздан бирпас кўз узмай турди. – Онам "аслида Таслимани келин қилишимиз керак эди", деб кўп гапиради…

– Илтимос, эълонда кўрсатилган хонадонга тезроқ борсак, – оёқ тиради қиз.

Айни дамда поччасининг илмоқли гапидан ичи шиғ этди. Адашмаса, Зайд кутилмаган янги душман эди. Во дариғ, атрофида дўст тугул виждонли душман ҳам йўқ экан.

– Таслима, мен айтмоқчиманки… – чайналди почча. – Хорижда ишлаганман, Москвада демоқчиман… шунга… ўзингга ҳам яқин мамлакат… биз…

Даҳшатли таклиф аён бўлгани сари Таслиманинг бутун вужудига титроқ ўрмалади. Қандай қилиб таксига қўл кўтарганини, орқа ўриндиққа чопганча ўтириб олганини билмай қолди. Бироқ Зайд дарҳол ҳушини йиғиб, ортидан етди ва ёнига ўтириб:

– Нотўғри тушундинг, – деди шошиб. – Сенга ҳаммасини батафсил изоҳлаб бераман.

– Ишингизга бораверинг, безовта қилганим учун узр, – юзини терс бурди қиз.





– Бегона жойга ёлғиз жўнатолмайман. Фақат мени аблаҳ деб ўйлама, Таслима.

– Эълонни олинг, йўқолсам ахтарасиз.

– Бас қилсанг-чи аразлашни! Бу билан ҳеч нарсани исботлаёлмайсан.

– Тўхтатинг таксини, – деди тоқати тоқ бўлган Таслима. – Биз бирга боролмаймиз, мен… хато қилдим. Бошқа машинада кетаман.

Такси қулай жой топиб, оҳиста тўхтади. Шунда ҳайдовчи Зайдга пешойнадан боқиб, араб тилида буюрди:

– Жаноб, таксидан тушинг. У биринчи бўлиб ўтирди, демак, у мижоз.

– Нима дединг?– Зайднинг афти бужмайди. – Сен – келгинди кимга қўрс гапираяпсан?!

Бунга жавобан таксичи машинадан тушиб, айланиб ўтди ва эшикни очди. Зайдга қараганда хийла бақувват эди, бир силтаб ташқарига тортиб олди-да, ёқасидан бўғиб, кўзларига тик қараб, деди.

– Бу охирги марта ҳақорат қилганинг бўлсин, чувринди. Йўқса, қасам ичаманки, шу жойдаёқ чавақлаб ташлайман.

Кейин таксичи эшикни ёпиб, рулга ўтирди-да, машинасини катта оқимга қўшди. Зайд ранги бўздек оқариб, серрайганча қолаверди. Қизиган Дубай ҳиди гуп этиб димоққа урилар, бу ҳидда минг йилдан бери тушкунлик ва сарсонгарчилик уфуриб ётганга ўхшарди.

– Исмингиз Таслима эмишми?– сўради таксичи ўзбек тилида.

Шундагина қиз уни таниди: отаси автоҳалокатга учраган куни ал-Бараҳа шифохонасига шу йигитнинг таксисида борган эди. Янглишмаса, ўзини афғонистонлик ўзбек деб таништирганди.

– Эълонни беринг, – деди у, – қандай ишга бораётганингизни билиб, маслаҳат бераман. – Шундай деб пешойнадан маъноли боқди. – Назаримда, Дубай сиздек ёш ожиза учун хавфли. Бир таклифим бор, розо бўлармикансиз?..

Таслима теграсини балчиқлар ўраб олганини ҳис этиб турар-

ди, ердан қайнаб чиқарди гўё улар. Гарчи ҳозирча баданига ифлослик тегмаган бўлса ҳам, Дубай кўчалари, таклифлар, эркаклар, хосиятсиз тасодифлар жонини ҳиқилдоғига келтириб қўйган эди. Шу важдан таксичига:

– Менга гап отишга ҳаққингиз йўқ, – деб жавоб берди. – Агар яна бир сўз айтсангиз, полицияни чақираман, сизни дорга осишади.

Таксичи "ажабо" дегандек пешойнадан қараб қўйди. Шу тобда ойнаванд, осмонўпар бино ортидан ярқ этиб чиққан қуёш қизнинг кўзини қамаштириб юборди. Машина навбатдаги светофорда тўхтади. Дарвоқе, таксичининг кўзлари, қошлари, ҳатто шу ўтириши, кенг елкалари Таслиманинг қишлоқдаги қариндошларини эслатди. Эслатганда ҳам амакисига ўхшаш ўз ғамига ботган, лоқайдликнинг лойқа сувидан ичган эркакларни эмас, қуёшда қорайган, униққан қўйлаги метин гавдани сиғдиролмаган алпкелбат акаларини, ориятли қишлоқдошларни ёдга солди.

– Таклифим, – дея қайсар таксичи ғаладондан бир сиқим дирҳам олди, – мана бу пулларга тайёрага чипта харид қилишингиз мумкин, бемалол етади.

Таслима ялт этиб қаради. Очиғи, бегона йигитдан бундай ҳимматни кутмаган эди. Бироқ шу сониядаёқ "қандай тама яширинган экан", деб ўйлади.

– Раҳмат, – деди Таслима қовоқ уйиб. – Лекин пулингизни олмайман.

– Қарз бераётганим йўқ.

– Тўхтатинг!

– Агар ёмонлик раво кўраётган бўлсам, шу йўлларда ҳалокатга учраб, жоним узилсин, – деди йигит. – Кўзим очиқ экан, кўраяпманки, сиз адашган қизсиз! Адашган эмас, алданган, аммо муваққат қоронғи кўчага кирмаганга ўхшайсиз!.. Мен сизга қараб таҳаммул этолмайман! Увол! Уволсиз, ахир!

– Ҳамма эркак бир, – Таслиманинг лаблари титраб кетди, шу заҳотиёқ кўзида ёш ҳалқаланди. – Мени тинч қўйинг! Отам оғир ётибди! У кишининг ҳаётини сақлаб қолиш, бемор ҳолида Тош-





кентга юбориш учун суғурта пулимиз етмади, қарз олдик, қарзга ботганман! Ишлаб, қарзимни узмасам, бўлмайди!

Таксичи ҳеч нимани тушунмагандек давом этди:

– Тайёрагоҳга ҳайдайман. Чипта харид қиламиз, Тошкентга. Мен англаяпманки, Дубайдан кетмасангиз ҳолингиз хароб бўлгай!

Таслима тутқични тортди, қулф бўшашгани эшитилди, эшик бир қарич очилди. Капалаги учиб кетган ҳайдовчи машинани секинлатиб, йўл четида тўхтатди. Ҳақиқатан, юриб кетаётган машинадан қиз ўзини отиши ҳам мумкин эди.

– Ё Оллоҳ! – хитоб қилди йигит. – Нималар қилаяпсиз?!

– Сизга ишонмайман! – деди Таслима йўл ҳақини олд ўриндиққа улоқтираркан. – Ҳеч қачон ишонмайман! Ихтиёрим ўзимда экан, биронтангга… – У йиғлаб юбормаслик учун ортиқ сўзлаёлмади. – …кечиринг мени! – деб оғзини тўсганча сал нарига чопиб борди ва бошқа таксига ўтириб, кўздан йўқолди.

Эълонда айтилган манзилга яқин қолган экан. Қизил томли, қаймоқранг такси беш дақиқа ҳам юрмади. Кўрсатилган манзилда худди таксининг ранги каби, аммо хиёл тўқроққа бўялган икки қаватли уй қад ростлаб турарди. Ҳовлидаги дарахтларнинг девордан баланд чўзилган шохларидаги ям-яшил, катта-катта барглари ичкарида эзгулик, фаровонлик ва меҳр кутиб тургандек таассурот қолдирарди.

Бироқ оқиш дераза ортида жон асари сезилмади. Қўнғироқ тугмасини босган эди, эркак овози эшитилди, у араб тилида жаҳл билан алланима деди. Шу пайт Таслиманинг қулоғига бир қизнинг ёрдам сўраб қичқиргани чалингандек туюлди. Оний лаҳзада сўнган овоз карнайчадан шубҳа ва қўрқув тўлқинини уфуришга улгурган эди. Таслима кўчанинг ҳар икки томонига шоша-пиша аланглади. Кенг, равон, осуда кўчада эгасиз машиналар турарди, холос. Шу тобда эшик очилиб, Таслимани ичкарига судраб кирсалар, ёрдам берадиган, ҳатто шоҳид бўлгувчи инсон топилмас эди.

– Мен эълон бўйича иш сўраб келдим, – деди у микрафонга

ўзбек тилида ва икки қадам ортга чекинди. Миядаги иккиланишлар занжири ёзув шаклига кирди: "Кетиш керак! Вақт борида қочиб қол!"

Табиийки, эркак нотаниш тилни тушунмади, шундай бўлсада, гап нимадалигини фаҳмлади чоғи, "ў-ў, экскюзми, экскюзми", деб кимнидир баланд овозда чақирди, сўнг карнайча ўчдиқолди. Ҳаял ўтмай эшик қулфи ширк-шурк этиб, бекат яқинида учраган қоҳиралик хизматкорнинг ҳориган юзи кўринди. У синиқ жилмайди.

– Ассалому алайкум, мен… – деди Таслима сумкасини кўксига босиб. – …мен келдим, лекин…

– Марҳабо, – хотин паришон ҳолда ғалати алик олиб, йўл берди. – Кир! Фақат тезроқ. – Кейин кўчага назар солди. – Ёлғиз келдингми? Кирсанг-чи! Вақтимиз йўқ.

– Киролмайман, – деб Таслима бош чайқади, – ишламоқчи эмасман.

– Нега рангинг оқариб кетди? Ишламоқчи эмаслигингни айтишга келмагандирсан?

– Узр… Фикримдан қайтдим… Хайр.

Бироқ айни дамда Таслима борадиган жойи йўқлигини хаёлидан ўтказди. Шу бугуноқ хизматкорликка бошқа хонадон топишга, мабодо топилмаса, меҳмонхонада яшаб туришга имконсиз эди. Муҳашшонинг уйига эса қайтмасликка аҳд қилди, қатъий аҳд эди бу. Ўгай онаси ва опасига қолса, Асалканинг қисмати чекига тушиши муқаррардек туюлди. Шу нарса ойдин эдики, ўгай онаси учун энди отаси йўқ. Шифохонага ва самолётга кетган харажатларни тўламайман, деб айюҳаннос солгандаёқ сўнгги ниқоби ситилиб тушган эди. Бугундан бошлаб, яна бир кимса асл башарасини очди. У Зайдни шу дамгача почча ўрнида кўрарди. Муқаддам арман қизига уйлангани, ажрашиб кетгани, кейин Муҳашшони никоҳлаб олгани, ёши қирққа яқинлашиб қолганига қарамай, аслида на тайинли иши, на уй-жойи, на бола-чақаси борлиги Таслиманинг кўзига кўринмаганди, бошқача айтганда, секин-аста ҳаммасига эришади-да, нима қилсин бояқиш, деб





ўйлаб қўярди гоҳо. Ойига эллик минг доллар топади, Раъс ул-Хайма ва Дубайда дўконлари бор, деган гаплар аллақачон қулоғини ушлаб кетган эди. Энди эса барча иллатлари лоп этиб қад ростлади. У ҳам ошиқ экан! Аммо бу ошиқлик фаҳш дарёсидан сув ичган навбатдаги нафснинг қиёфасидан бўлак нима бўлсин? Зайддек беқарор, қатъиятсиз, иродасиз кимсани ёш қиз ҳаёт сўқмоқларида ҳали учратмаган эди, ўйлаган сайин ақли бовар қилмасди: шу қадар тубан кетиш мумкин экан-да?

– Хаёлинг паришон, нимадандир қўрқдингми? – ташқарига чиқди хизматкор хотин.

Шу пайт биринчи қават бўсағасида идишнинг чил-чил сингани, эркакнинг ўшқиргани, қизнинг додлагани баралла эшитилди. Хизматкор хотин ҳам, Таслима ҳам ошкора саросимага тушиб қолишди.

– Яхши қолинг, – дея Таслима ёқасини ғижимлаб, йўлакдан шоша-пиша жўнади.

– Тўхта, – эргашди хотин, – минг бор авф этурсан, низо устига келдинг. Лекин онт ўлсунки, бундай ҳодиса бир йилда бир марта бўлади. Йўқ-йўқ, алдаб нима қилдим, бир ойда бир марта… Нега дейсанми? Ҳаммаси Заиранинг иши! У Масрур афандининг кенжа қизи, турмушга чиқмаган, ақли заиф. Бугун эрталаб ҳайз кўрган. Таассуфки, ўзини ўзи эплолмайди. Бугун биз уни ювинтирмак истадик. Бироқ жин ургур сувга яқин бормайман, деб ғавғо кўтармакдадир. Ахийри, отасига айтдик. Бундай вақтда балони фақат афандимнинг ўзлари даф этишга қодирлар.

Таслима тўхтаб, ортига қайирилди. У худди амакининг қўлидан ҳолвани олишни хоҳлаётган, аммо уялаётган бола каби иккиланмоқда эди. Хизматкор яна битта гап билан мақсадга эришиш мумкинлигини тушунди.

– Маошингни минг доллар қилишларини сўрайман, – ўн панжасини кўрсатди хотин. – Агар бир ой ичинда ваъдамни бажаролмасам, тўрт томонинг қибла. Тайёр шансни бой берма. Бундай сахий хонадонни бошқа ердан тополмайсан

– Мен… мен қўрқаяпман.

– Оллоҳ-оллоҳ, нимадан қўрқасан?

– Ўша қизни мен ювинтирмайманми, холажон?– сўради Таслима. У барваста овсар қизни тасаввур этиб, ростдан қўрқиб кетган эди.

– Сенинг кучинг етмас, – хизматкор йўрғалаб келиб, Таслиманинг билагидан тутди. – Юр, ҳаммомни тозалашга менга кўмак берурсан. Шошилмоқ лозим, афандимни ғазаблантирмайлик. У жуда тақводор, адолатли инсон. Қолаверса, ўзингни кўрсатиш учун ҳам айни замон. Енг шимариб ишга кириш.

– Агар маъқул келмаса, кейин бошқа иш топиб бероласизми?

– Бошқа ишми? Албатта, оппоғим. Сени кўчага ташлаб қўйсам, гўштимни қашқирлар есин!

Таслима хоҳиши йўқолган бўлса-да, қаршилик қилолмай, хотиннинг етакловида эшикка яқинлашди. Шунда эркакнинг бўғиқ овози ҳовлини тутди:

– Сора! Со-о-р-а-а!..

Хизматкор хотин мағрурлик-ла Таслимага деди:

– Сора, бу – мен! У мени чақиряпти!.. Юра қол. Шундай ишлайликки, суриялик афандимиз бизсиз қийналишини тушуниб етсин. Вой, бадқовоқларни ёмон кўришини айтмабман-ку! Жилмайгин, нега хафасан?! Юзингни асло яширма, ёш қиз эканлигингга имони комил бўлсин. – У кўкка кувонч ила тавалло қилди. – Ё Оллоҳ, нега бу қиз бунча ғамгина-а?

Кўча эшик ичкаридан қулфланди.

– Ҳеч нимадан қўрқма, – таъкидлади хотин.

Кўкаламзор майдон ўртасидаги рангдор плита йўлакчадан иккови сичқондек пилдираб ўтишди. Уйнинг барча эшик-деразалари платмасса ромли, катта-катта ойнали эди. Ланг очиқ ён эшикда оқ кийимдаги соҳиб – ёши қайтганлик важидан семиз эти осилган, соқол-мўйловига оқ оралаган, юзидаги қора нори қунғиздек, ўрта бўйли киши – уларга норози қиёфада тикилиб турарди. Эшик оғзи бошқа томонга қарагани учун Таслима бўсағада чўзилиб ётган қизнинг оёқларинигина кўрди, холос. Жаноб Масрур Сора билан араб тилида паст овозда, аммо қўпол





оҳангда сўзлашди. Нафсиламбирини айтганда, Таслима бу одамга ўлса ҳам жилмайиб қараёлмасди. Бир кўз ташлади-ю руҳсиз ҳолда бошини қуйи солинтирди, бармоқларини ўйнаб, вақт тез ўтишини Худодан сўради.

– Муборак бўлсин, ишга олиндинг, – деди Сора Таслимани енгил қучиб. – Қани, сумкангни йўлакка қўй-да, ортимдан шамолдай ел. Заирани ҳаммомга олиб кирамиз. – Сўнгра шайтонлиги тутиб, муғомбирона шивирлади: – Аслида уни уммонга улоқтириб, балиқларга ем қилсак, савобга қолишимиз аниқ.

Остонада ҳиқиллаганча бир қиз ётарди, камида ўн саккиз ёшни уриб қўйганини билиш қийин эмасди. Билаклари ёғдор, миқтидан келган, бўйни елкасига тортган, кўмачдай қизнинг ёш бола мисоли кўз ёш тўкаётганини кўрган Таслима сўзсиз ишга олишганиданми, раҳми келганиданми, ёрдамлашмоқ ҳиссини туйди. Иккови икки қўлтиғидан тутиб, гавдани полдан хиёл узишган эди, телба қиз:

– Баба! Мама! – деб кичқирди. Таслиманинг чап қулоғи шанғиллаб кетди, қўрққанидан ташлаворишига сал қолди.

– Ялла ялла илал мусташфа, – деди Сора телба қизнинг қулоғига.

Сеҳрли сўзларни эшитгандек Заиранинг дами ичига тушиб қолди. Жаноб Масрур эса Таслимага еб қўйгудек тикилди, сўнгра чимирилган қошлари ёйилиб, чеҳрасидан булут ариди. Зум ўтмай ёлғондакам қовоқ уюб, қизига дўқ урди:

– Урсилу илал мусташфа, Заира!

Шундан кейин қиз бутунлай адойи тамом бўлди. Уни уйнинг нариги қанотидаги ҳаммомга олиб кириб, эшикни тамбалашди. Пулнинг қудрати шу-да: Таслима умри бино бўлиб бундай ҳаммомни кўрмаган эди. Худди эртаклардаги биллур қасрни, марказида эса ўрмон ўртасида мовий кўл бўлмиш гўзал водийни, шифти товланувчи сеҳрли ғорни эслатиб, ҳар қадамда гўёки ўзга манзара касб этарди. Эшик ортида қолган жаноб Масрур нимадир деб сўнгги бор дўқ ургач, уларни тинч қўйиб, ҳаммомдан узоқлашди.

– Биз шифохонага жўнатамиз, деб қўрқитдик, – пичирлади Сора. – Сен Заиранинг кўзларига боқма. Аввалдан шу ерда юргандек ишингни индамай бажаравер. Турткиласа ҳам индама, хўпми? Лекин урмоқчи бўлса, қоч, у билан ўзим гаплашаман.

"Ҳаммом қулфланган, қаёққа қочаман?" – деди Таслима ичида. Шу ондаёқ касал қизнинг нигоҳига тутилди: Заира ғаройиб махлуқни кўргандек ҳайратланиб тикилиб ўтирган экан. Шунда у Таслиманинг либосини силади, ғалати туюлди шекилли, йиғидан тўхтаб, ҳиринглади, сўнг бирдан қўлини тортиб олди. Бироқ кутилмаганда сочидан чангаллади, гарчи юлқиб тортмаган бўлса-да, Таслиманинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. То Заиранинг ҳайрати тугаб, жазава бошлангунча шундай ўтиришини тусмол қилиш мумкин эди.

Заиранинг кийимларини ечаётган Сора қаттиқ-қаттиқ койиб берди, "мусташфа" деган сўз бир неча марта жаранглади. Ҳарҳолда телба қиз янги хизматкорнинг сочини қўйиб юборди.

Ниҳоят, охирги либоси ечилди. Сўлақмондай қизнинг бу аҳволидан Таслима хижолатдан ерга кириб кетгудек бўлди, аммо баданидаги кўкарган, қонталаш, тирналган изларни кўрдию, уят ўз ўрнини яна қўрқувга бўшатиб берди: эти жимирлаб, лабларигача музлаб кетди. Худди бу қизни ит талаганга ўхшарди. Тиш ва тирноқлар изи, моматалоқ бўлган бўртмалар... Даҳшатли туши ёдига тушиб, вужудини қамраб олган қўрқувдан баттар музлади. Унинг ҳолатини тушунган Сора мулойим товушда буюрди:

– Жоним, ҳамма нарсага бунчалик ҳаяжон этмоқ дурустмас. Анави хонага кириб, халат кийиб чиқ, либосингни сув сачрашидан ҳимоя этолмасман. Шароб ичмоқ истармисан?

– Йўқ, хоним... хола... Мен ичмайман!

Заира нотаниш овоздан чўчиб, Таслимага ўқрайиб қаради. Кейин кийимсиз эканини ўйлади чоғи, тўсатдан кўксини бекитиб, ингграб юборди ва қўнишиб ўтирганча тебрана бошлади. Увлашга ўхшаш овоз яланғоч деворларга урилиб, янада ёқимсиз оҳангга айланарди.





– Менга ўрта осиёлик аёллар шароб ичади, дейишган, – деди Сора айёрона қош учириб. – Ичмаганинг чўх гўзал, демак, эшитганларим ёлғон, холос.

– Ҳаммаси ичади дейиш тухмат, – жавоб берди Таслима.

Кийиниш хонасида эгнига аёллар халатини ташлаб, эндигина белбоғини боғлаётган эди, сув устма-уст шалоплади, Заиранинг чинқириғи эшитилди. Чопиб чиқди: Сора телба қизни сувга пишмоқда эди. Бир оз ўтиб, қизнинг эси кирди, юзини тўсган тимқора сочларини икки ёнга суриб, сувга тикилди; ақлидан мосуво қизнинг ҳамон қалтироғи босилмаган эса-да, илжайиб сув ўйнади. Сора араб тилида эркалатувчи сўзлар айтиб, Заиранинг елкасидаги жароҳатсиз жойларни ишқалашга тушаркан, Таслимага кўз қисиб қўйди. Қишлоқдаги меҳнаткаш хотинларга ўхшарди у.

– Таслима, сен орқада тургил, кўзига кўринма, буюрганимни узатурсан, – деди овозини пасайтиб.

Улар эринмасдан қизни икки соатча ювинтиришди. Сора энагалик қилавериб, табибга ҳам айланган экан, аллақандай малҳамлар суришни унутмади. Таслима балоғат фаслига етган эмасми, ҳаммом, муолажа ва малҳамлар фақат ҳайз кўрган қизни озода этмоқликка алоқадор эмаслигини фаҳмлади. Адашмаса, телба қизнинг бошқа сири бор эди.

– Унга нима қилган? – сўради Сорадан; бу дамда Заирани кийинтириб, қўлига қўғирчоқ тутқазиб (у чой ичишни рад этди), ҳаммом ўриндиғига ўтирғизиб қўйган эди.

– Ҳеч кимга айтмайсанми? – кўзлари бежо ўйнади Соранинг.

– Йўқ.

– Онт ич!

– Отам ҳеч қачон қасам ичма, деган. Майли, айтмай қўя қолинг.

– Ҳеч бўлмаса, шу ерда бир йил ишлашга ваъда бер, – деди Сора чақчайиб қараркан; нотаниш тилдаги сўзлашувга Заира қулоқ сола бошлади. – Бу қиз бизни кўп қийнамайди, сен асосан Назиҳа хонимга хизмат этажаксан. Заирани эплолмаслигингни

афандим ҳам англади. Хўш?– лаблари чўччайиб, Соранинг юзида сон-саноқсиз майда ажинлар пайдо бўлди. – Сирни очайми?

Таслима бош силкиди.

– У фоҳиша, – шивирлади Сора.

– Ф... фоҳиша?– Таслима қалқиб тушди, бир сонияда барча кунжак ва эшикларга кўз югуртиришга улгурди. – Қўрқитманг, хола...

– Вой, бу қадар қўрқоқ бўлмасанг-а! Фоҳиша дегани жаллод эмас-ку, жонингни ололмайди бу ғар қиз.

– Қаерда фоҳишалик қилади? Шу уйдами?

Энди Сора сесканиб тушди.

– Нималар деяпсан?! Пок хонадонни ҳақорат қилма, ихрож этарлар! Ҳаммасига айбдор Заира, эшитаяпсанми, Заиранинг ўзи! Ота-онаси намоз қилурлар, опалари ҳам – аҳли оила гуноҳ ишлардан қўрқадур. Анжақ Заира шайтон эса нима қилаётганини гоҳо фаҳм этмас. Бегона эркакни кўрса, ишва-ноз ила қарар. Уч кун аввал онасининг либосларини кийиб, атирларини сепиб уйдан қочмиш. Яримяланғоч хорижлик хонимлар ўтирадиган ресторанга кирмиш. Афандимдан ўғирлаган дирҳамларга овқатланиб, атрофидаги эркакларга ноз ила боқмиш. Фоҳиша қизлар кечки соат ўн биргача ўша ресторанда ўтирармишлар. Лаънатилар полициянинг кўзини шамғалат этиш учун "фоҳиша бозори"ини ресторан қиёфасига солганмишлар. Муҳожир эркаклар Заирага етти юз дирҳам ваъда бериб, бир уйга эркалаб-суйиб олиб кетмишлар. Бу – тонг отгунча бизникисан, дегани эмиш. Оғриқлар жонидан ўтгач, Заира ғар эркакнинг уйидан қочмоқчи бўлмиш, аммо уни тутиб, бир машинага ўтқазмишлар. Машина тўппа-тўғри саҳрога йўл олмиш. Уни саҳрода қўйдай бўғизламоқчи бўлмишлар, роса эрмак қилмишлар, минг кўйга солмишлар. Сўнг бир итнинг ёнига боғлаб қўйганмиш. Бу бедодликка инсон зоти қандай чидасин! Заиранинг эси паст, магар соғ бўлганида борми, азоб ва шармдан ўлим топур эди. Туғилганимдан буён бундай жирканч воқеани эшитмаганман-а, воҳ-воҳ! Ит теккан қизга одам зоти умрбод уйланмас!





Ҳозирча ақли қусур, аммо бир кун келиб ақли ўз жойига қайтиши мумкин, иффат эса асло қайтмас. Асло!

Бу гапларни Сора бир нафасда сўйлаб, қулт этиб ютинди ва Таслимадан нигоҳ узмай кўз соққаларини ўйнатди. Таслима телба қизга ачинишдан ҳам кўра пинҳоний ижирғаниш билан боқди.

– Ялла, ялла, – кулди Заира қўл силкиб.

Рост, унинг кўзларида қандайдир беҳаёлик йилт-йилт этмоқда эди. Ўз ишига андармон бўлган Сорадан кўнгил дунёси вайронага айланган Таслима сўради:

– Полиция ушладими ўша маразларни?

– Йўқ. Заира ўтган йили филиппинлик ёш хизматчи билан ўйнашиб қўйган. Ўшанда мени зўрлади, деб дод солган, яъни йигитга бўҳтон қилган. Бу гал ҳам ёлғон тўқиётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нега деганда, ресторанни, эркакнинг уйини, саҳрога қайси йўлдан чиққанини кўрсатиб беролмади. Афандимнинг тахминича, у боши оғиб, кимнингдир ҳовлисига кирганда, ит таламиш.

Таслима сўнгги гапдан енгил тортиб, қизга яна бир нигоҳ ташлади: Заира энди қандайдир мунгли қўшиқни хиргойи қилиб, "Барби" қўғирчоғини оҳиста силаб-сийпаламоқда эди. "Барби" нечундир ҳомиладор жувон қиёфасида ишланган бўлиб, албатта кишини ажаблантирмасдан қолмасди.

– Нега у ҳомиладор? – сўради Таслима.

Хизматкор хотин:

– Ким ҳомиладор? – деб довдираб сўради.

– Қўғирчоқ.

– Э, қўғирчоқларнинг ҳам минг турфа хили бор-да, жоним. Бу ўйинчоқни Заира кечалари тўшакда олиб ётади, афандим Оврўподан келтирган.

– Бунақа шаклдаги қўғирчоқни биринчи кўришим, – Таслима узрхоҳ жилмайди. Жилмайиш хизматкор хотинга эш бўла бошлаганидан дарак берарди.

– "Ҳомиладор қўғирчоқ ясаб, бизни тонг қолдирдинглар, тасанно, лекин не боис қўлида никоҳ узуги йўқ, бундай матоҳ би-

лан жужуқларнинг шуурини заҳарламанглар", дейишибди ўша оврўполиклар. Матбуотда ҳам шов-шув бўлганмиш. Оврўпо газетчилари ҳар доим баҳона ахтариб юришади. Бироқ бу гал гўзал баҳона топмишлар!

– Ҳайронман, наҳотки бўй етган қизга шунақа қўғирчоқ совға қилган бўлса?!

– Нимасини айтасан, мени бозорга гўндариб, кичкина никоҳ узуги олдиришди, – оғзини бекитиб пиқ-пиқ кулди Сора. – Кейин унга тантанали равишда тақиб қўйдик, лекин Заира ҳомиладор қўғирчоқда узук бўлиши керакми, йўқми, фарқига борармиди… Сен ажойиб хонадонга тушиб қолдинг, Таслима! Кинoларда айтилгандек, хуш келдинг бизим кошонага, ҳи-ҳи-ҳи…

Бу кун жаноб Масрур қайтиб қорасини кўрсатмади, бизнесмен уйда кун бўйи нима қиларди дейсиз. Назиҳа хоним эса иккинчи қаватдан унча-мунчага тушмас экан. Сора Таслимани тепага эргаштириб чиқиб, араб тилида уй соҳибасига деди:

– Янги қиз, хоним. Жуда меҳнаткаш, тиришқоқ. Камида бир-икки йил ишламоқчи. Исми Таслима.

– Таслима? Ғалати исм экан, аммо қизиқ… Бизнинг тилни билмаса керак?

– На араб, на инглизчадан боҳабар, хоним. Лекин зеҳни ўткир, икки тилда гапирсангиз ҳам оҳангидан тушунади. Тушунмаса, мана, мен бор. Секин-аста барчасини ўргатаман.

– Уқалашни билармикан?

– Оддий уқалашни билади, хоним. Массаждан ўзим сабоқ бераман. Айтгандай, у тиббиётни яхши тушунаркан. Ҳамширалик курсида ўқиганмиш.

– Мингга кўндир. Топган қизинг ҳозирча кўнглимга ўтирди, чиройли экан.

– Минг долларми? – кўзлари ярқ этиб очилди Соранинг.

– Қанақа доллар?! – ёйилган сочларини таради хотин. – Кел, сочимни тарашга ёрдамлаш... Минг дирҳам деяпман! Долларга чақсанг, уч юз бўлади. Еб-ичиши, яшаш жойи текин, хуллас, оиласига уч юз доллар жўнатиб туради. – Уй соҳибаси Таслимага сочлари орасидан, худди ҳаммомда қизи қандай ажабсиниб боққан бўлса, шу тахлит кўз ташлади. – Бунақалар бошқа мамлакатларда ойига қанча ишлашини жуда яхши биламан. Бойда ўлчов бўлмайди, деб ҳаддингдан ошма, Сора.





– Тушундим, бекам, лекин…

– Ўзига нарх белгиладими?

– Йўқ. Бу жуда арзон ҳақ, хоним, у кетиб қолиши...

– Арзон эмас! Хориждан келиб, ўзига нарх қўядиганларни фоҳиша дейишади! Бугунча менга қўлини ҳам теккизмасин, йўл-йўриқларни ўргат, албатта, ҳаммомда чўмилсин. Айтгандай, тиббий қоғози бормикан? Касаллик юқтириб олишни истамайман, яхшилаб текширтир, тушундинг-а?

– Ҳаммасини тушундим, хоним.

Сора унинг сочини тарай бошлади. Шу ҳолида бека ялпайиб ўтирган каттакон сочдор маймунни эслатарди. Гап-сўзларидан ҳеч вақони англамаган Таслима ҳеч қурмаса ишора умидида қўл қовуштириб кутди. Ўзидан катталарга бўйсуниш, одоб сақлаш, хизматга шай туриш ёт эмасди унга, ўз оиласида ҳар сонияда оёғи олти, қўли етти бўлиб уй юмушларини бажарарди. Бироқ ҳозир тарбия важидан муте эмаслигини англаб, ичида нимадир чирт этиб узилди. Ҳаётига пул отли ҳукмдор кириб, амр этган, хусусан, минглаб чақирим наридаги Дубай шаҳри канорасидаги бир уй бўсағасига қоққан қозиқдек турғизиб қўйган эди.

Ниҳоят, чиқиб кетишаётганида, Назиҳа хоним қовоқ уюб, Сорага деди:

– Қизимни чўмилтиришга у ҳам кирган бўлса, баданидаги жароҳатларга кўзи тушган ва сен нимадир деб изоҳ бергансан, ўша изоҳни ўз оғзингиздан эшитмоқчиман?

– Қопоғон ит талаган, дедим, хоним, – жавоб берди Сора.

– Шунақами? Ишондим ҳам дейлик, – лабини чўччайтирди бека. – Бироқ энди бу менинг хонадонимда хизмат қилади. Айтиб қўй, Бирлашган Араб Амирликларидан чиқиб кетгунча қизим ҳақида бировга гапирса, бошига Заиранинг кўрганидан ҳам

баттар қора кунни соламан… Қани, таржима қил! Бўл!

Сора ушбу хонадонда кўрган-эшитганларини, баайни Заира хусусида кимгадир гапирса, шахсан Назиҳа хоним томонидан жазо берилишини Таслимага тушунтирди. (Тақводор деб нисбат берилган кишилар жазогўй чиқиб қолди, ҳали яна не қирралари кашф этилар экан?)

Икки хизматкор хиёл таъзим этиб, чиқиб кетишгач, пастки хонада қиз сўради:

– Сора опа, биз учтамиз, дегандингиз, яна бир ишчи қани?

– Ҳаммасига Заира сабабчи. Мажнунанинг дастидан кеча Ёсира ишдан бўшатилмиш. Агар улар мени ҳам ҳайдаб юборишмоқчи бўлишса, оёқларига ётиб ёлворажаксан. Ўрнимга қанақа хотин келмиш, билмассан ахир, тилига ҳам тушунмассан, охир-оқибат кўчада қолурсан. Бир-биримизни қўллашимиз керак, шунда ишимиз юришади.

Таслима ўйга толиб, индамади. Узоққа чўзилган дастлабки иш куни ниҳоясига етиб, ярим тунда каравот қирғоғига ўтирганда:

– Кечирасиз, мен ҳеч кимга ялинолмайман, – деди тўсатдан.

– Нима? – дея ечинаётган Сора бурилиб қаради. Таслима не ҳақда сўйлаганини тушунмади у.

– Улар сизни ҳайдаб юборишса, мен ҳам кетаман. Кўникканимда ёки тилини билганимда бошқа гап эди.

– Кун бўйи шу гапни ўйлаб юрибсанми?

– Йўқ, мен тинч, бехавотир жойда сидқидилдан ишлашни хоҳлайман. Миннатли, серғалва оилада бир кун ҳам қолмайман.

– Заирадан чўчияпсанми? У тентак бўлса тентак, соғ юрса, соғ деймен. Мен сенга айтсам, Заира шу хонадондаги энг яхши инсон! Эртага кўрасан, қўзиётган дарди ариб, бир ажойиб қизга айланади, боқажаксан. Бузуқчилигига келсак, бу ихтиёрсиз касаллик. Бир қарасанг иффатсиз, бир қарасанг меҳрибон она қиёфасига кирганини кўрмадингми? Касалликни сотиб олибдими, шўрпешана.

Сора кулимсираб қўйди, сўнгра "Оллоҳ сенга мадад берсин",





дедию барибир кўнглида ўзига мадад тилади, у Таслимадан кўра минг чандон кўп нарсани биларди, худбин хотин эди.

* * *

Хизматга олинган куниёқ Таслима ўгай онасига қўнғироқ қилиб, минг доллар маош тўланадиган иш топганини, сурияли бизнесменнинг хонадонида оқсочлик қилаётганини, ўзбек тилини биладиган аёлга ёрдамчи эканини айтган бўлса-да, иккинчи кун Холпошша ғавғо кўтарди:

– Манзилингни яширма! Туққан бўлмасам ҳам онангман, ҳали отанг билан ажрашмадим шекилли! Жовиддан қанча қарздор эканингни унутма! Эртага полицияга мурожаат қилиб, кунингни кўрсатишади! Бошқача йўл тутишлари ҳам ҳеч гап эмас, араблар билан ҳазиллашиб бўладими, ахир?! Бу – биринчи масала. Иккинчидан, қанча-қанча қизлар хўжайинлари томонидан булғанаяпти! Никоҳ ўқитса ҳам барибир эрмак бўлдингми унга, тамом! Номусингдан қандай айрилганингни билмай қоласан! Маошинг минг доллар эканидан ҳаммасини тушунса бўлади. Қайси аҳмоқ уй хизматкорига минг доллар беради?! Бу – тузоқ, Таслима!

– Ҳеч қандай тузоқмас! Улар ҳам ўзимизга ўхшаган одамлар. Яхши ҳақ тўланадиган иш топсам ҳам нега мени тинч қўймайсиз? Қарзимни беришим керакми? Бераман.

– Бер! – қичқирди Холпошша. – Нимангга катта кетасан? Қаерда юрганингни биласанми ўзи?! Йигирма минг долларни бер-да, жўна Тошкентга! Илойим, қорангни кўрмай!

– Қарғаманг мени.

– Дубайда қорангни кўрмай деяпман, заҳар! Бу ёқда Жовиддан ҳам, тентак Бадриядан ҳам балога қолган мен! Келиб янгидан гаплаш улар билан! Ўзинг ҳал қил, деб минг марта айтдим. Тинч қўйишсин мени!

– Гаплашганман, – аламдан йиғлаб юбормаслик учун лаби-

ни тишлади Таслима. – Энди... айтадиган гапим йўқ.

– Қарзингни тўламаганинг тўйингни тўхтатмаганинг ҳисобланади, – деди ўгай она. – Гаплашганман-ку, деб қочиб юравер. Менга нима? Ўлмайсанми...

– Тинч қўймаяпти, деб амакимга қўнғироқ қиламан.

– Ундан нарига телефон қил. Агар ўзим туққан қиз бўлганингда, сочингдан судраб, эрга берворардим, хе... – Холпошша ортидан қандайдир қўпол сўз айтди, аммо Таслима эшитолмади.

Дубайда кўплаб дўконлару ресторанлар эшиги бекилган туш чоғида Холпошша яна қўнғироқ қилди. Бу вақтда Масрур хонадонида сокинлик ҳукм сурар, хизматкорлар хонасида ҳам совиттич ишлаб турар, ҳузурбахш дам эди. Таслима ўгай она овозини оғриниб эшита бошлади.

– Қишлоқ билан телефонлашдингми? – сўради Холпошша.

– Йўқ.

– Сенинг тўйинг ҳақида уларга жиддий гап қилдим, "ўзингиз биласиз, онаси сизсиз", дейишди. Бугун-эрта отангдан розилик олишади. Отанг ҳалигача гапиролмаяпти. Ишонмасанг, аманг билан боғлан. Дубайга келиб, қулоқсиз қизга айланганингни, аввалги Таслимадан асар ҳам қолмаганини, қандайдир сурияли бизнесменникида массажчи эканингни – ҳаммасини айтдим. Ўтган шу кунлар мобайнида Жовид ҳақиқий мардлик феълини кўрсатди. Айби отангни Тошкентга жўнатиш харажатларини кўтарганида ҳам, ал-Бараҳа шифохонасига минг-минг доллар сарфлаганида ҳам эмас! Унга турмушга чиқасан, тамом, бошқа гап йўқ. Мана, Муҳашшо Бирлашган Араб Амирликларига келин бўлиб, бирор жойи ейилиб қолгани йўқ, маза қилиб яшаяпти-ку!

– Ким билан?.. – деди Таслима аламли товушда.

– "Ким билан" эмиш, Зайд билан-да! Томинг кетганми сенинг?!

Таслима тилини тийди. Олис элнинг келини Муҳашшонинг ҳаётига, айниқса, шундай эри бўлишига ўлса ҳам ҳавас қилмасди. Почча ҳисобланмиш бебурд зот Россияга бирга қочишни таклиф этди! Аникки, Зайд Муҳашшони севмайди, умрбод





бирга яшамаслигига имони комил, эҳтимол, раъс ул-хаймалик арабда бошиданоқ бундай ният таг-туби билан бўлмагандир. "Куёвингиз билан фахрланаяпсизми? – деёлмади Таслима. – У менга хиралик қилди, эшитаяпсизми, ўз қайнсинглисига! Лекин хотинбозга вақтинча эрмак бўладиган Муҳашшо эмасман! Эртага Зайд бошқага уйланиши муқаррар, "ойижон"! Бойлик учун ҳамма нарсага тайёр бўлган сиз кабиларга фақат раҳмим келади. Жовид ҳам амакиваччасига ўхшамай кимга ўхшасин!..".

– Зайд поччанг ва Жовид бугун-эрта сени олиб келишади, – деди Холпошша (дарвоке, улар жаноб Масрурнинг уйига сим қоқиб, Сорани авраб, манзилни аниқлаган эдилар).

– Ҳамма "меҳрибончиликни" пул учун қилаяпсиз-а? – хўрлиги келди Таслиманинг. – Нега бунча пулнинг қулисиз?! Бир кун бўлса ҳам ўз онамдек яшармикан, деб кутдим... Афсус... Ҳеч қачон онамдек бўлолмайсиз!.. Дубай, Дубай эмиш! Нима топдингиз бу шаҳардан? Муҳаббат опамнинг сиғинди бўлиб юрганига ҳавас қилайми?

– Овозингни ўчир!.. Ҳозирча Зайд иккови ўз бизнесларини йўлга қўйишолмади, лекин Муҳашшо эридан бекитиқча йиққан пулига Тошкентдан бемалол битта минимаркет оча олади, камида битта минимаркет! Буни билиб қўй!

Таслима қулоқларига ишонмади.

– Опамда пул бор экан-да? – деди у титраб.

– Дарров отангни ўйлаяпсанми? Муҳашшонинг ўз орзу-ҳавaслари-чи?! Қачонгача сен айтгандек сиғинди бўлиб юради?! Бир кун келиб Зайд ажрашса, қизим Тошкентга миллионер бўлиб қайтади. Уйи, магазини, "Ласетти"си бўлса, ўзидан ёш йигитлар ҳам севиб қолади! Сен нимани билардинг! Ҳаётни китоблар орқали ўргангансан!

– Билимимдан ҳеч қачон уялмайман.

– Кўриб турибман, чўриликдан ҳам уялмайсан. Эртага ўша бекангнинг эри ҳам оёғини уқалатади, чунки ёшсан, чиройлисан, қари тўнғизларга ҳам ёқасан!..

Таслима гўшакни тарақлатиб қўйди, ҳаво ўрнига олов ют-

гандек ичи куйиб кетди. Ортига ўгирилгач, гап пойлаётгандек серрайиб турган Заирани кўриб сесканиб тушди. Кўзлари чўғдек ёнган телба қиз ҳаттоки киприк ҳам қоқмади. Хонага бамайлихотир кирган Сора чашкага қаҳва қуяркан:

– У сен ила оврўпоча танишмак истагида, – деди Таслимага. – Қўлингни узат, кўриш. Икки аср аввалги француз хонимлари каби назокатли жилмай, киноларда кўргансан, довдирама. Касаллиги хуруж этмаса, Заира ой каби ювош ва гўзалдир. – Сора қизларни стулга меҳр-ла таклиф қилди. – Таржимачи бўлурман, танишиб олажаксан…

Жаноб Масрурнинг кенжа қизи Таслимадан бир ёш катта экан, Сурияда таваллуд топган, Дамашқ яқинидаги қишлоқда. Айтишича, саккиз ёшгача ақли расо, соғлом қиз бўлганмиш. Оила мамлакат пойтахтига кўчиб боргач, уни хусусий мактаблардан бирида ўқита бошлабдилар. Бироқ кўп таҳсил ололмабди. Отаси кимдандир катта миқдорда қарз экан, касодга учраб, ўз вақтида қайтаролмабди. Аслида касодга ҳам учрамаганмиш, пул эгалари шошилтирмаса, янада кўпроқ фойдани кўзлаган экан.

Бир куни эртаклардагидек бадбашара ёвуз хотин қизчани алдаб-сулдаб боғ этагига етаклаб борибди. Хотин қанчалик хунук бўлса, шунчалик айёр ҳам экан. Кейин даст кўтарибди, тўсиқнинг нариги томонидаги амаки қўлтиғидан илиб олибди ва Заира ўзини бегона машина ичида кўрибди. Йиғлаган экан, машинадаги иккинчи амаки кўзларини ўйиб, тилини кесиб ташлашини айтибди, сўнг аллақандай дори ҳидлатиб, ухлатиб қўйишибди. У кўзини очганида, нотаниш уйда ётганмиш. Шўрлик қизча ўн йилдек туюлган ўн кунни минг азобда ўтказибди. Ота-онаси, опалари, жонажон уйи гўёки эртакка айланибди, ҳеч қачон қайтиб кўрмайдигандек туюлармиш. Ҳар куни у даҳшатли воқеаларнинг гувоҳи бўларкан: бурнидан қон оқаётган, кийимлари йиртилган амакилар, йиғлаб, ялиниб турган ярим яланғоч хотинлар, ялтироқ пичоқлару ҳақиқий тўппонча. Айниқса, ярим кечаси нариги хонадан эшитиладиган ғўнғир-ғўнғир овозлар, ғалати қичқириқлар, хириллашлар…





Заиранинг отаси пулни тўлабди. Қизчани қайтариб беришганида, у соппа-соғ экан, бироқ зоҳиран соғ бўлиб, ботиний аҳволи хусусида ҳеч ким қайғурмабди. "Қизимизга тирноқ ҳам теккизмаган, лаънатилар бизга қўнғироқ қилганида, "пулни бермасанг қизингни зўрлаймиз, ўлдирамиз", деб қўрқитди, холос. Пулни топиб бермаганимизда ростдан бирор кор-ҳол бўларди", дейишибди жаноб Масрур ва хотини.

Бироқ даҳшатли кунлар изсиз кетмабди. Заира мудом кимдир ўғирлайдигандек, бўғиб ўлдирадигандек, номусига тегадигандек хавотирда яшай бошлабди. Дастлаб ҳеч кимга сездирмабди. Йўтални яшириб бўлармиди?Сал нарсага сесканадиган, кечалари ухлолмайдиган одатини пайқаган ота-она ўртага олиб, энди ёмонлар йўқлигини, қўрқмай яшайверишини тушунтиришибди. Муаммони полициясиз ҳал этганидек бу масалани ҳам руҳшуноссиз ечишга уринибдилар. Ахир Заира ўзини ўғирлаб кетган кимсалар ҳақида шифокорга гуллаб қўйиши, шифокор полицияга мурожаат этиши, жиноий тўда эса жаноб Масрурни чақимчиликда айблаб, ўлдиришлари мумкин экан-да!

Бора-бора у қўрқинчли кун яна келишини кутгандан кўра тезроқ содир бўла қолсин, деб кўчада ёлғиз тентирайдиган, қора кўзойнак таққан кишиларни кўрса, ихтиёрсиз биқинадиган, аммо қора кўзойнаклилар қизга қайрилиб-да қарамайдиган бўлибди. Ҳа, энди Заирани ҳеч ким ўғирламабди, қоймабди ҳам. Қайтанга ширинсухан аёллар қўлидан ушлаб, уйига олиб келишибди… Бир сафар у ўзини шифохонада кўрибди. Қачон, қаерда ҳушидан айрилганини эслолмабди. Шифокорлар "қаттиқ қўрққан, руҳий зўриқишларни бошидан кечирган, илло даволаш мумкин", дейишибди. Дарҳақиқат, кўплаб хасталар ҳеч нима кўрмагандек шифохонани тарк этишибди, аммо Заира ўн саккизга кирса ҳам ўзгармабди, ўзгармас ҳам эмиш.

– Эримни топдим, – деди Заира уялиб ерга қараркан, – лекин эрим эканини отам тан олмади. – У аччиқ кулимсираб қўйди. – Мен тентак эмасман, эр топиш мушкулмас. Ахир аёл кўчага чиқса, эркаклар маҳлиё бўлади-ку!.. Менга шунча вақтдан бери

эркинлик беришмади, Дубайда яшашни истамайман, бир кун келиб барибир Америкага кочиб кетаман…

– Бу мавзуда сўзлашувни Масрур афандим тақиқлаган, – қовоқ уйди Сора ва дарҳол сўнгги жумлагача Таслимага таржима қилгач, орқасидан қўшиб қўйди: – Кўрдингми, Таслима, у қўрқувли қиз эмас. Куёв топиб, узатсак, Оллоҳ шифо бериб, мутлақ тузалажак. Кел, шу ишни иккимиз бажарурмиз? Нима дейсан? Куёв топилармикан?

– Куёвни қаердан топамиз? – Таслима хўжайиннинг қизига ачиниб қараб қўйди, шу тобда Заира ҳеч касалга ўхшамас, янада мулойим тортиб қолганди.

– Масрур афандим ила Назиҳа хоним жумадан сўнг Расъ ул-Хаймага кетмиш, тўй-тантаналарига! Икки кун фақат ўзимиз қоламиз. Битта сир айтайми? Кунларнинг бирида кўча бошидаги дўкондан қайтаётсам, қандайдир новча йигит Заирани сўради, учраштиринг, деди. Довдир бўлсанг ҳам муғомбирликни қўйма экан, ошиқ йигит бизни хийла дамдан бери кўз остига олиб юрган экан, мени яхши таниркан. Ақли ҳам сал анақароқ, аммо бир-бирига мос. Адашмасам, у бой хонадон куёви бўлишни истайдур. Бу ишга бош қўшмоқликка журъат этолмадим. Бироқ Ёсира шу арзанда қизнинг дастидан ишсиз қолгач, ўйладим: Заирани эрга бермак, қутулмак даркор.

Таслима "ўзингиз биласиз, мен ёш қизман, бир нима деёлмайман" дегандек елка қисди. Заира ўзбек тилини билмаса-да, икковига қараб, қиқирлаб кулди.

* * *

Шу-шу Холпошша уч кун қўнғироқ қилмади, Жовид ва Зайд ҳам безовта этмади. Қариндошлари билан қўнғироқлашган Таслима отасининг аҳволи яхшиланганини, эрталаб "Таслима… қизим…" деб чақирганини эшитиб, кўзларига ёш қуйилди. Кейин амакиси тўй ҳақида оғиз очди, "отанг учун арабистонлик йигитга турмушга чиқ, қарзларни тўлаш керак, араб бўлса ҳам





мусулмон-ку, ойингнинг айтишича, яхши йигит экан", деб минғиллади. Бундай гапларни Таслима тинглармиди? "Аксинча, чет элга турмушга чиқиб, отамни ажалидан беш кун бурун ўлдиришни истамайман!" деб қизил тугмачани босди.

Пешиндан сўнг Таслима иккинчи қаватга чиқиб, салқин хобгоҳда Назиҳа хонимнинг оёқларини уқалади, умуртқасини босди, бўйнининг орқа томонини узоқ ишқалади. Эндигина ишини тугатганида, Сора чақирди.

– Режа ўзгармиш, – деди кўзларини ўйнатиб. – Назиҳа хоним камида икки соат ухлаши аниқ. Куёв келди, юр, Заирани учраштирамиз. Шу кўча охирида бир қариндошим хизматкорлик қилади, бугун вилласида ҳеч ким йўқмиш.

Учови хонадонни ўғринча тарк этиб, йўлакдан шошилиб кетаётганларида, муюлишда турган қора машина ҳам жойидан қўзғалди. Тез фурсатда бошига қандай кўргиликлар тушишини билмаган Таслима Заирага кўз ташлади. Телба қиз айёрона кулимсираб, юзини тезда ҳарир ҳижоб билан тўсди ва кўз қисиб қўйди. Сора шу заҳотиёқ хўжайиннинг телба қизини силтаб ташлади ва Таслимага деди:

– Илдам юр, тезроқ етайлик, ҳув анави вилла! Бу қизга бир боқ, ҳозирдан нағмасини бошлади. Афандим "остонадан ҳатласа, оёғини уриб синдиринглар", деб ижозат этмишлар. Омад кетса қўлимиздан, бошимизни дор кутмиш.

– Ундай бўлса, орқага қайтайлик, – деди Таслима қўрқа-писа.

– Йўқ, ишни пухта режа этганман. Куёв ёлғиз эмас, онаси ҳам келажак. Бирйўла ишни шундай битирмак даркорки, умр савдосига сўроқсиз бош қўшганимиз учун Масрур афанди жазоламасин. Куёв топсак, жазо йўқ-да, ахир! Онага ҳам Заира ёқажак, кўнглим сезадир… Айёрманми?

– Лекин…

– Бас, ҳеч бир сўзингни эшитмаяжакман! Сендек қўрқоқ қизни умрим бино бўлиб кўрмаганман.

Соранинг тили харита мисол гоҳ Истанбулдаги ўзбек оиласини, гоҳ эрининг турк хонадонини акс эттирар, турли лаҳжа-

лар, атайин қилингандек, қоришиб кетган эди. Кейинги вақтда Қоҳира-ю Дубайда умр кечираётгани уни беватан, дарбадар кўрсатарди. Энди эса хўжайинининг телба қизига қалтис йўл билан, гўёки қўшмачилик қилгандек куёв топмоқда. Ва кечагина ишга олинган, пуф демасданоқ учиб кетгулик тажрибасиз қизни ҳам қўшиб олди.

– Тезроқ юрсанглар-чи, – илдамлади у.

Ҳалиги машина шитоб-ла ўтиб, анча нарида секинлашди, шу қадар секинлашдики, юраяптими, тўхтадими, билиб бўлмасди.

– Лаънатлар ўлсин, – қарғади Сора жиғибийрон бўлиб.

Машинани кўриб, Сoранинг туси ўзгарганини пайқаган Таслима пушаймон бўла бошлади. Юр деса юраверадими?"Тўхтанг, хўжайинга хиёнат қилаяпмиз", демайдими?Заира эса шод-хуррам. У ҳатто Сора қарғанганда ҳам завқ-шавққа тўлиб-тошди.

– Нариги соҳилга ўтмаймиз, – деди хизматкор кўчанинг машина турган томонига имо қилиб, – тўғрига кетаверамиз… – Сўнгра яна қарғанди. – Аллоҳ қаҳр этсин!

Бироқ машинанинг тўғрисига етганларида, кўчанинг худди ўша машина турган томонидаги ҳовлининг тўқ қизил эшиги очилиб, ҳижобли хотин кўринди.

– Сара, Сара!.. – чақира бошлади у.

– Бутун Дубайни бошига кўтармиш! – ғижинди Сора депсиниб. – Эшак ҳам бунчалик ҳангирамайди! Ҳе ўл, боз устига аёлмиш-а!

– Сара, нерейе гидийорсин, беним эвим бурада!

– Ўл бурада, ўл эвим! – қарғади Сора. Кейин етаклашиб, йўлни кесиб ўтдилар-да, юқориси нақшинкор панжарали дарвозадан ҳовлига киришди. Дубайда чим урф экан чоғи, жаноб Масрур ҳовлисидаги сингари бутун атроф кўкаламзор эди, фақат фарқли ўлароқ катта-катта сарғиш тувакларга ҳам дарахтсимон гуллар ўтқазилган, тошплита саҳнларга, уйнинг ташқи бурчакларига (иморат ниҳоятда сербурчак эди) дид билан жойлаштириб чиқилган.

Икки таниш хизматкор турк тилида ади-бади айтиша бошлади:

– Нега томоғингни йиртиб бақирасан, беҳаё?





– Хўжайинингнинг қизига ўхшаб нега бошинг оққан томонга кетаяпсан? – саволни савол билан қаршилади мезбон хизматкор.

– Кўчада машина турибди, ичидаги шубҳали эркаклар менга ёқмади!

– Ҳали эркакларга қараб юрасанми?! Вой-вой, қариганингда бунақа қилиғинг борлигини билмаган эканман!

– Аввал доя бўлганман…

– Мен ғассол эдим.

– Бас! – қичқирди Сора. – Ўтган ҳафта изимга тушишди, бир ожизани туғдириб беринг, деб бир сиқим пул тутқазишди. "Битта мурда бор, ҳеч кимга билдирмай ювиб, кафанлаб берасан", дейишганида ҳолингни кўрардим.

– Доя бўлганимда туғдирардим. Туғдир! Нега туғдирмайсан?!

– Жинни! Улар муҳожир қизни яширинча туғдириш кераклигини амр этаётганларини наҳотки тушунмасанг? Дубай зиндонида бошим чиришини асло истамайман! Аборт, яширин доялик, фоҳишахона фойдасига хизмат қилиш – булар жонимга теккан!

– Ё Аллоҳ, ўзинг паноҳингда асра, Сорага ҳамиша қийин, – кўзлари ўйнади хизматкорнинг.

– Ой-куни етган бўлса ҳам майли!.. Буларнинг бари даҳшат! Дояликка эмас, қассобликка мажбурлашмоқчи… Минг-минг лаънат уларга!

– Полицияга айт! Фақат бу ердан чиқиб кетганингдан сўнг!.. Сендан яна бир илтимос, мени кўрганингда дийдиё қилаверма, ўрганиб қоласан.

– Аввал ўшанақа иш қилганман. Энди уларга қўшилиб мен ҳам асфалософилинга қулашни истамайман! Дийдиё эмиш!.. Айтгандай, ҳозир эшик қоқса, очма! Ҳадемай мени сўраб, қўнғироқ чалишади. Сенинг бақироқлик "шарофатинг" билан бу ерга кирганимизни кўриб қолишди.

Шу пайт чиндан ҳам қўнғироқ бонг уриб, иккаласи сапчиб тушишди. Ичкарига бекинмоқ лозим эди. "П" шаклидаги бинонинг икки қаноти ўртаси катта саҳнли балкон бўлиб, таги ошхона эди. Чопқилаб, ошхонага киришгач, хизматкор хотин юзига

хижоб тутиб, пиёладек кўзларига важоҳатли тус берди.

– Кунини кўрсатаман! – деди у. – Бироқ мени кечир, оз-моз қизиқиш уйғонди, анави қиз учун қанча таклиф қилишди?Ўн беш минг дирҳам?Йигирма минг?А?..

– Қанақа пуллар ҳақида ўйлаб қолдинг, даф бўлгур?– тутакди Сора. – Менга қўшилиб сен ҳам дорда ликиллаб туришинг кимга фойда! Мулойимгина қилиб жўнатиб юбор, бошимни балога қўйма. Бор!.. Бор!..

Кўча эшик очилганда, бўғирсоқдек аёл кўринди. У жилмайиб нимадир деди, бунга жавобан хизматкор хотин кўчага алангллади, кейин меҳмонни бошлаб кириб, узоқданоқ турк тилида шанғиллади:

– Сара, гелини гизлет, кайнанаси гелийор!

У Заирани бекитишни сўраётганди, аммо бунинг ҳожати йўқ эди, бўлажак келиннинг ўзи ҳам хоҳламасди, албатта. Бундай учрашувни Заира, эҳтимол, минг кеча-кундуз кутгандир?

Ойнаванд эшик сассиз очилиб, совчи остона ҳатлади. Ҳатлади-ю Таслимага кўзи тушиб, тўхтади.

– Шуми?– сўради хизматкордан араб тилида.

– Йўқ, бу чўриси, – деб жавоб берди хизматкор, – келин ёнидагиси.

– Ёнидагиси? Худди аксинча дейсан киши. – Аёл диванга ажабланиб ўтириб, Заирага еб қўйгудек тикилди. – Ўғлим сенга уйланмоқчи, розимисан?Ўзи ҳам ҳозир келиб қолади. "Она, аввал ўзингиз киринг, мен бироз нафас ростлаб олай", деди. Биламанки, у сенга совға қидираяпти, жуда тарбияли, ҳаёли бола-да!

Заира илжайиб бош эгди, сўнгра ялт этиб бўлажак қайнонасига боқди.

– Түйим бўлса, яхшийди… – деб бошини хам қилди.

– Вегтачопар эмасману, – деди аёл, – аммо очиқ гаплашишни ёқтираман. Сен касалсан, ўғлим ҳам. Биз шу савдога рози бўлиб, иккалангнинг бошингни қовуштирмоқчимиз. Аллоҳ орзу-истакларимизни рўёбга чиқарса, соғайиб ҳам кетасизлар.





Бунга жавобан Заира аввал Сорага, кейин Таслимага кўз ташлади. Афтидан у нима деб жавоб бериш кераклигини сўрамоқчи эди. Таслима тақдир савдоси осон ва совуққонлик ила ҳал этилганини тушуниб, нигоҳини олиб қочди. Ва яна шуни сездики, бу қизни келин қилишдан мақсад – бойлик эди, жаноб Масрур телба қизига харидор чиқса, албатта, ҳеч кимни қуруқ қўймасди, қудаларни-ку муқаррар. Пул бирйўла меҳр, севги, обрў каби мавҳум қиёфаларга кириб, онгу шуурларда кезиб юрарди.

– У қаердан келган? – деб совчи Таслимага кўз қирини ташлади.

– Хориждан, – жавоб берди Сора.

– Хориждан эканини билиб бўлдим. Бирорта ёмоннинг уйидан қочиб, жаноб Масрур хонадонига ўзини пок кўрсатиб кириб олган шекилли. Чиройли ва ёш экан. Ҳа, бундайларнинг хуштори кўп. Ота-онаси ҳам чет элга индамай жўнатибдими, демак, бир нимаси борлиги аниқ. Ким ўз қўзичоғини бўрилар кезиб юрган яйловга қўйиб юборади дейсиз?!

– Узр, у имонли ва иффатли қиз, – деди Сора.

– Енгилтаклар фақат имонсиз ва иффатсизлардан чиқади, деб ким айтди? Эркак қўйган тузоққа илинмаса, бас, шу ҳақиқий аёл! Бу қиз эса бир имо билан қармоққа тушадиганга ўхшайди, каллам билан онт ичаман. – Бошига нуқиди аёл.

Сора ўйлади: "Заира фоҳишаликдан баттар кўйларга солинганини наҳотки совчи билмаса?! Гапининг тузига қараганда, у фоҳиша ва енгилтаклардан ўн чандон нафратланади…"

Бошим балога қолмасин, дея дарҳол гапнинг учини чиқаришга аҳд қилди:

– Заира, илтимос, Таслима икковинг бошқа хонага чиқиб турсаларинг. – Совчига қараб узрхоҳ илжайди. – Хоним, биз оддий хизматкормиз, бу уй ҳам жаноб Масрурники эмас. Яширинча учрашув учун шу ерни танладим, хизматкори ўзимнинг танишим… Хуллас, бўйнимдаги масъулият жуда катта... Заира сизга ёққан бўлса, уйига расмий равишда совчиликка борасиз, деган умиддаман. Бироқ… бу қиз… эшитган бўлсангиз керак…

Шу он кўча эшик қўнғироғи яна бонг урди. Бўлажак куёв, мана, совға топган чоғи, ўзидан дарак бериб, ҳаммани ҳаяжонга солди.

– Бу ўғлим, – деди совчи ва телефон рақамларини териб, қулоғига тутди. – Қўнғироқ чалаётган сенмисан?.. Ҳа, шу ердаман, бегона одамлар йўқ, ҳаммаси хизматкорлар... Ҳозир эшикни очишади. – У телефонини кибр билан ўчириб, сўйлади: – Бора қолинглар, у кутиб қолмасин, асаблари жуда нозик.

Қаҳва дамлашга уннаётган хизматкор Сорага турк тилида деди:

– Таслимага айт, эшикни очсин. Кейин яхшилаб қулфлаб, Заира-ва куёвни ҳовли этагидаги истироҳат бўлмасига, ҳалинчак олдига кузатиб қўйсин. Ёки ўзинг чиқ.

– Таслима бора қолсин, – деди Сора. У куёв киргунча, онаси билан гаплашиб олишни мақбул топган эди.

Заира йўлакдан ҳовли этагига йўл олди, Таслима эса кўча эшикка шошилди. Унга кўчада совчи аёлнинг ўғли – бўлажак куёв кутаётганини, ичкарига одоб билан манзират қилиб, Заира билан учраштириш лозимлигини тайинлашди. Шубҳага ўрин йўқ эди, аҳир ҳозиргина телефонда гаплашилди, қўнғироқ тугмасини босаётганини айтди, эшик ортида куёвдан бошқа ким ҳам бўлиши мумкин? Бироқ...

– Эй турк гизи! – эшик очилганида рўпарасидаги кимса шундай деб хитоб қилди ва ўзига тортди. – Бурайа гел!

Таслима қандай воқеа содир бўлганини англашга ҳам улгурмади. Назарида, куппа-кундузи мўътабар шахснинг вилласидан ёшгина чет эллик қизни ошкора ўғирлаб кетиш ҳақиқатга тўғри келмасди. Ичкарида гувоҳлар боқиб турибди, кўчада ҳалиги аёлнинг ўғли...

Йўқ, Таслима адашди. Машина ванғиллаб жойидан силжиганда, қўшни вилла эшиги тагида қўнғироқ тугмасини босаётган, қўлида аллақандай зарли совға тутган довдир йигитга оний лаҳзада кўзи тушди. Ё алҳазар, бўлажак куёв янглишиб нариги уйнинг қўнғироғини босган, айни шу дамда Таслима одам ўғриларига ўз қўли билан эшик очган эди!





– Ёрдам беринглар!.. Отажон!.. – чинқирди қиз. – Вой!..

Орқа ўриндиқдаги эркак Таслимани оёқлари остига босди. Қиз бояқиш худди сувга пишишаётгандек оғзини катта-катта очиб, ҳалоплаб қаддини ростлади, қулочини ёйиб, қушдек қанот қоқиб, типирчилади. Бу гал бўйнидан омбурдек қисиб, шундай қайиришдики, кўз олди қоронғилашиб, нафаси чиқмай қолди. Машинадагилар араб, турк, рус тилларида баб-баравар сўкинишди, ҳатто гул мисол ожиза қизнинг биқинига мушт туширишдан ҳам тоймадилар. "Тамом, ўлим шу экан-да", ўйлади шўрлик дами қайтиб.

Кейин яна қичқирди.

– Ўчир! – деди кимса рус тилида. – Нима, сенга айтишмадими?

– Йўқ!.. Нимани?.. Ама... ки... – йиғлади қиз изиллаб.

– Буларнинг ҳаммаси зиндондан қўрқишади, пул олишга келганда, жарақ-жарақ санашади, – гап қўшди олд ўриндиқдаги нусха; у ҳам рус тилида сўзламоқда эди.

– Борганда гаплашамиз, етгунча миқ этсанг сўйиб ташлайман, – мушт ўқталди кимса. – Тушундингми?

– Тушундим, – зорланди Таслима, – лекин мен...

– Ўчир! – залворли мушт чаккасига тиралди.

– Лекин мен бошқа одамман... адашдингиз...

– Овозини ўчир, пастга боссанг-чи уни!.. Светофор!.. – бақирди рулдаги эркак. – Полиция!

Ҳақиқатан машина светофорда тўхтади. Бир машина нарида Дубай полициячиси турарди. Шундан сўнг кимса Таслимани жон-жаҳди билан, аямасдан оёқ остига босди, қимир этган сайин аямай босаверди. Бир қўли билан оғзини бекитса, иккинчи темир қўл томоғига чанг солди, кўз олди қоронғилашиб кетди қизнинг...

Юзига тушган енгил шапалоқдан кўз очганида, аввалгидан-да даҳшатли манзарани кўриб, беихтиёр жон талвасасида қочишга уринди. У нимқоронғи хонада уч эркак қаршисида ётар-

ди, на бир халоскор, на заррача умид бор эди. Хона ҳавосидан сигарета ҳидига қоришган эркак ҳиди анқирди.

– Ҳой-ҳой-ҳой, – дея эркаклардан бири ўтирган жойида узалиб, чаққонлик билан Таслиманинг билагидан тутди. – Қаёққа, ҳурматли ҳамшира? Биз сени тишламаймиз, қутурган итмизми, нима бало!

Бу гап ҳам рус тилида айтилди.

– Мен турк хотин эмасман... – деди Таслима. – Ўзларингиз ҳам билиб, рус тилида гапираяпсиз... Мен жаноб Масрурнинг хизматкориман... Қаерлик эканимни билсангиз...

– Вайсамай кўя қол. Тўғри, сен Сора эмассан, – деди қирғийбурун, жингалаксоч кимса сигарета тутатиб. – Туркиядан ҳам, Россиядан ҳам эмаслигингни билиб ўтирибмиз. Араб тилини ҳам тушунмайсан... Хуллас, ўзимизни таништирсак, биз Кавказданмиз. Яшириб нима қилдик, Арманистондан...

– Ереван деб эшитганмисан? – сўради иккинчиси.

– Ҳа, – деди Таслима.

– Арман қизлари ҳам Россия, Марказий Осиё, Кавказ, Европа... қисқаси, турли минтақалардаги айрим соҳибжамол тенгқурлари каби адашиб Дубайга келиб қолишган, албатта ёлғонга учадиган соддалари ва табиатан енгилтаклари!.. – давом этди жингалаксоч. – Шундайларнинг бири ошхонада, бошқаси цехда ишламоқчи бўлган. Дубайдаги дейсанми? Йўқ, афсуски, йўқ. Масалан, Германияда, Польшада, Англияда, Малайзиядаги ошхонаю цехларда... Бироқ негадир Бирлашган Араб Амирликларида пайдо бўлиб қолишган... Тағин буни кимгадир валақлаб қўйма! Мутлақо махфий! Биз одам савдоси билан шуғулланмаймиз, лекин қулларни халос ҳам этмаймиз. Кимки ўз озодлигини йўқотса, бунга аввало ўзи айбдор.

Нариги хонада бир қизнинг шарақлаб кулгани эшитилди.

– Алло, ҳаммасини олдиндан биламан, фолбинман ахир! – деди у баланд овозда. – Эшитилаяптими? Алло-о...

– Ҳой фолбин! – гипсо-картон деворни муштлади бурчакка тиқилиб ўтирган майкачан кимса (Таслима янглишмаса, у ма-





шинадаги ҳайдовчи эди). – Бир кун келиб қўшнилар сезиб қолишини, полицияга хабар беришини, кейин биз сени ўлдиришимизни, қабринг саҳрода бўлишини, устига на мусулмонча, на насронийча тош қўйилишини, ҳатто эчкиэмарлар ҳам мурдангни тополмаслигини башорат қилсанг ёмон бўлмасди.

– Айбим нима? – нозли оҳангда ёлғондакам йиғламсиради қиз. – Сизга гапирмадим-ку, телефонда гаплашаяпман.

Шу заҳоти бошқасининг – у ёши катта аёл эди – уйкусираган товуши эшитилди:

– Ҳамширани олиб келдингми, Ваник?

– Аҳмоқ, – ғўлдиради жингалаксоч. – Лақабимни сотди, урғочи шайтон.

Ҳаял ўтмай устига нари-бери халат ташлаган, узун малла мундштукка сигарета қистириб, ҳузур қилиб чекаётган бадқовоқ, аммо ёшлигида ниҳоятда гўзал бўлгани сезилиб турган хотин кириб келди. Таслимадан кўз узмай, бўш жойга ўтирди ва оёқ чалиштирди, очилиб қолган тиззасини халат бари ила бекитиб:

– Сюзи, – деди.

– Нима? – деб умид илинжида Таслима унга термилди.

– Исмим Сюзи, Эчмиадзинданман, яъни Арманистондан. Сен ҳам ўзингни таништир, яхши қиз.

Таслима исм-фамилиясини, она шаҳрини айтиб, бу иш катта жиноят эканини, одам савдоси учун оғир жазолар борлигини гапирди. Ойиси вафот этгани, отаси автоҳалокатга учраб, шифохонада оғир ётгани, ўзидан бошқа фарзанди йўқлиги ҳақида ҳам оғиз очганди, Сюзи тутун пуфлаб, деди:

– Сени ўғирлаб келибмизми? Бизга ҳамшира керак, холос. Тиббиёт коллежини қачон тамомлагансан?

– Тиббиёт коллежи... Мен ҳамшира эмасман... Коллежда ўқимаганман...

– Ҳовлиқма! Намунча восвоссан? Сора "бир массажчи қизни ишга олдик, тиббиёт коллежини тамомлаган", деб мақтанганди. Йигитлар сени ҳам туркиялик деб ўйлашибди. Умуман олганда, қаерлик эканингнинг фарқи йўқ, ҳамширалик қўлингдан

келса, бўлди. Қўрқма, пулдан қочмайман, яхши ҳақ тўлайман.

– Ишга олсинлар деб, мактабда тиббиёт тўгарагига қатнашганимни, айтгандим… Госпиталга қўнғироқ қилсангиз-чи, хола? Мен… ахир, тиббиётни тушунмайман…

– Ахмоқ! Госпиталь билан битадиган иш бўлганида, сени бошимга урармидим! Бу ерга ишлашга келган бир қиз ҳомиладор бўлиб қолди, уйига, Эчмиадзинга кетишни истамаяпти. Қайтиш осонми?Қанча бошоғриқ, харажат!.. У бугун эрталаб ҳомилани туширадиган дори ичган, энди расвоси чиқиб ўтирибди. Ўлиб қолмаса деб қўрқаяпман, ҳамшаҳрим ахир! Ёш, гўзал, айни пул топадиган вақти!

Таслима Дубайдаги фоҳишахоналардан бирида эканини англаб, аввалгидан-да, қўрқиб кетди. Бундай ирқит жойларда ҳар қандай қабиҳ ишга тайёр кимсаларни истаганча учратиш мумкин эди. "Ҳомилани тушириб беришим керак эмиш! – ўйлади Таслима. – Агар шифокор бўлганимда ҳам, бу ишни… майли, уддалаганимда ҳам, кейин… ҳарҳолда қиз бола нарсаман, кўзга яқинман… улар барибир соғ қўйишмайди…".

– Тушироласанми, йўқми?– овозини кўтарди Сюзи. – Ё сени ҳам…

– Йўқ, холажон, тушироламан… Беморни кўрсатинг… – Бу гаплар Таслиманинг оғзидан қандай чиқди, ўзи ҳам билмади. – Фақат… кейин мени қўйворишларингиз керак… Айтишганки, агар чет элда кимдир зўравонлик қилса, мажбурлашса, биринчи галда…

– Оғзингни юм! – Сюзи ўрнидан туриб, Таслимани йўлакка етаклаб чиқди.

Қўшни хонада кулган қиз эшик кесакисига суяниб, бўзариб қаради, чап ёноғига аждар тимсоли татуировка қилинган эди. Кейинги эшик ортидан эса бир эркак билан аёлнинг ишвали кулгани, ниманингдир беозор чарсиллагани ва ҳиринглаш қулоққа чалинди.

Йўлак охиридаги кирлаган оқ эшикка етишди. Ичкарида ўлик сукунат ҳукм сурарди.





– У нозик, эркатой, арзанда қиз бўлган, – деди Сюзи. – Дубайга алдаб олиб келиб, ваҳшийларча қийнашган, айтмоқчиманки, уч ой қўлма-қўл юриб, бир кун ҳам дам олмаган. Ниҳоят, уни учратиб, йигирма беш минг доллар тўлаб, қутқардим. Афсус, йигирма ҳафталик ҳомиласи бор экан. Демак, Дубайга келмасидан бурун шўхлик қилиб қўйган. Мардлигим тутиб, унга озмунча пул сарфладимми?! Гоҳида шунақа тентаклик қилиб қўяман... Менга қара, додласа ҳам ялинса ҳам ҳомиласини тушириб ташла, сўраган пулингни бераман.

Эшик очилгунча Таслима ҳолсизланган каби беихтиёр деворга суянди. Сюзи чарчоқ инган нигоҳини қизга қадаб, мундштукни тутди.

– Ма, чек, аъло навли сигарета… Йигитлардан қўрқиб кетдингми?Эҳ, сени қара-ю! Тўхта, балки ичарсан, а?

– Йўқ… – бош чайқади Таслима.

– Ҳамшираликдан хабардор қизларнинг ҳаммаси ҳам, албатта, ҳомила тушириш билан шуғулланиб кўрмаган. Бироқ ҳар ҳолда биздан тузуксан-да, шундайми?– У эшикни очиб, чироқ тугмачасини босди. Кундуз бўлишига қарамай уйнинг барча хоналаридаги деразаларга қора парда тутилган эди. – Қани, кир. Уни ўша зурриётдан қутқар. Мусулмонларда нима дейилади? Ҳаромими?

– Бегуноҳ болани ким деб аташ одамнинг ўзига боғлиқ, – деди Таслима.

Кейин хона ўртасигача борди. Эчмиадзиндан адашиб-улоқиб, ёлғонларга учиб келган қиз полга тўшалган кўрпачада ғужанак бўлиб ётарди. Титраётган эса-да, миқ этмасди бечора. Ёнида тоғора, латта-путта, пахта. Сал нарида эса ароқ ва газаклар… Таслима қўланса ҳидга чидаёлмай бурнини тўсди, кейин бу беморнинг кўнглига қаттиқ ботишини ўйлаб, қўлини туширишга мажбур бўлди. Сюзи арман тилида нимадир дегач, қиз инграб бош кўтарди. Оғриқ зўридан қовоқлари кўкариб кетган, лабини тишлаб қонатган, ранги мурдадек оқарган эди. Таслима адойи тамом бўлаётган қизнинг беғубор шаҳло кўзларига тикилди: бу

кўзлар, бу нигоҳ, бу илтижо ўн беш ёшли қизники эди гўё.

– Жуда ёш экан… – деди Таслима. У шўрлик қизга ўзини яккаю ягона мададкордек ҳис этди. Юрагини забт этмиш қўрқув чекиниб, ғазаб дарёсидан сув ичган телбавор куч вужудига бостириб кирди. "Қандай қилиб бўлса ҳам полицияга хабар бераман, – аҳд қилди у. – Сюзи қизни бундан баттар бахтиқаро қилиши аниқ…".

Бемор ёстиққа бош қўйиб, кўзларини чирт юмди.

– Она қорнидан соҳибжамол бўлиб туғилган, – деди Сюзи. – Ҳамиша ёш, ҳамиша гўзал кўриниш унинг қисмати! Бу бечорадан очкўзларча фойдаланишиб, қўшмачилару сутенёрлар уч ойда тўқсон минг долларга яқин пул ишлашган. Унга бир сент ҳам беришмаган-да, устига-устак биттасига йигирма икки минг долларга пуллашган. Ўша куниёқ учратиб қолдиму йигирма беш минг "кўки"дан тўлаб, қутқардим. Пул топиладиган нарса, чунки пул ҳеч қачон қаримайди.

– Бас қилинг… – ингради бемор. – Чиқиб кетинглар…

– Шу ҳолида полициянинг қўлига тушса, ҳалолу ноҳалол ўн беш-йигирма чоғли хотин ҳам бир ипга тизилиб, ўзларини тўрда кўрадилар, – бепарво ҳолда сўзлади Сюзи. – Масалан, ҳеч бир ёмонлик қилмаган мен ҳам!.. Энг ёмони, қизнинг ўзига қийин. Яқинлари уни Малайзияда деб ўйлашади. Агар фоҳишалик қилганини Эчмиадзиндагилар билишса борми, тамом, қиз ўзини осиши керак. Ўзга йўл йўқ! Ахир бунинг ота-онаси ҳақиқий ор-номусли инсонлар, қариндошлари ҳам бутун уруғ-аймоғи – ҳаммаси!

– Ўтинаман… – қорнини чангаллади қиз.

– Бечора, – деди Сюзи. – Ишонасанми, рус, турк, қирғиз, ҳабаш… қайси миллатдан, қайси давлатдан бўлишингдан қатъи назар алданиб қолишинг ҳеч гап эмас, алданиш миллат танламайди. Бир жойда сенинг юртдошингни ҳам кўрдим. Туғилганига пушаймон бўлди, шўрпешана. Лекин айб ўзида. Қайнопаси… ўз қайнопаси, – урғу бериб сўйлади Сюзи, – чет элдан иш топиб бераман, деса, ишонибди… Э, онангга ҳам ишонма! Бу дунёда ишонса бўладиганлардан мен учун пул ва ҳужжат қол-





ган, холос. Бошқа ҳаммаси бекор!.. Нега анграясан? Бечорани текширмайсанми? Фикримча, таблеткани кам еган.

– Ҳалиги… қайнопаси алдаб Дубайга олиб келган қиз дедингизми? – деди Таслима. – Тўғрисини айтсам, унинг тарихини эшитганман.

– Ёмон гап тез сасийди-да! Бунга шубҳа қилмайман.

– Исмини Асалка дейишганди, – тобора қизиқсинди Таслима. – Мен ҳам ўз қайнопаси сотган деб эшитгандим, чунки тўй харажатларини тўласанг, ажрашасан, бўлмаса, чўримиз бўлиб яшайверасан, деган.

– Ҳа, худди шунақа! Лекин исми эсимда йўқ. Асалка… Асалка… Биринчи марта эшитишим бунақа исмни… Энди ишга киришайлик. Қўй ўша қайнопаю келинни! Ўз келинини сотадиганлар ҳам одамми!

Таслима беморнинг пешанасига кафт босди, сўнг қорнини ушлаб кўриш учун қўл узатди.

– Қўрқманг, – деди юпатиб. – Бироз чидайсиз… Ҳаммаси яхши бўлади…

– Нима қилмоқчисан? Қоч!.. – Қиз русчалаб сўкинди ва яна ғужанак ҳолатга кирди. – Ўлишни истайман, бошқа ҳеч нарса керакмас! – У бўғилиб йиғлади. – Нега бундай? Нега?.. Мени ўлдиринглар!.. Боламни олдирсам ҳам, олдирмасам ҳам… Дубайда қолсам ҳам, уйга қайтсам ҳам ҳеч бир маъни йўқ яшашдан!.. Ўзимни йўқотдим! Йўқотиб бўлдим!.. Нима қизиғи бор яшашнинг?!

– Бошладими? – эшикда жингалаксоч кимса кўринди.

– Эшикни ёп, Ваник, бу ерда сен қиладиган иш йўқ, – деди Сюзи. – Ҳамшира ёш, тажрибасиз, лекин эплашига ишонаман.

– Даволашни сўраяпманми?! Барби ўз "қўшиғи"ни бошладими, деяпман!.. – Ваник эшик кесакисини маҳкам тутди. – Тўғрисини айтсам, Сюзи, пичингларинг жонимга тегди. Дўстларимни хатарга қўйиб, бировнинг уйидан одам ўғирлаб келсаму сен…

– Ахборотинг учун, Сора билан ҳозироқ, кўз олдингда яна қўнғироқлашаман, ҳеч қаёққа жар солмайди, қўрқма! У учтаси-

га доялик қилган, чақалоқларнинг пулидан улушлар олган. Ғинг деса, эски жиноятлари учун ўзи ҳам панжара ортига ўтиради. Кейин, бу ишинг ҳеч ҳам одам ўғирлаш эмас. Ким даъво қилади одам ўғирланди, деб?Сорами ё Таслиманинг ўзими?Таслимани уйига поку ҳалол жўнатаман. Оғзини юмиб юрса нима кетади ундан?Ҳеч нима.

– Сора ҳақида гапирма, у ҳеч ким эмас. – Шундай деб Ваник Таслимага қош қоқди. – Энди бу қиз биринчи рақамли душманингга айланди, Сюзи! Томинг кетмаганда, бор сирингни айтармидинг унга!.. Ваник эмиш! Индамасам, паспортимнинг нусхасини ҳам совға қиласан. Исму шарифим, туғилган йилим, жойим – мен ҳақимдаги барча маълумотларни тўкиб-сочасан!

У эшикни жаҳл билан ёпди. Шу ондаёқ қайта очиб:

– Кўнглим сезаяпти, сен бу қизни омон қўймайсан, икковини ҳам фаҳш йўлида ишлатиб, ўзингга доллар ёғиладиган қилиб оласан! – деди ва жазаваси тутгандек хахолади. – Алвидо, эй иффатли қиз!

– Аблаҳсан!.. – Сюзининг тишлари ғижирлади. – Йўқ, аблаҳ эмас, ундан ҳам пастсан, балчиқсан…

Эшик ёпилди. Таслима эркакнинг афтига қарамагани учун қанчалик ўзгариб кетганини кўрмади, аммо негадир уни, худди Сюзининг таърифидек балчиққа менгзади (бироқ Сюзининг ҳам ундан авло жойи йўқ эди).

– Сен ҳам мусофир, биз ҳам, – деди Сюзи уҳ тортиб Таслимага қараркан. – Наҳотки бу ердан кетиб, полицияга хабар қилсанг?Бир қарашдаёқ сенга ишондим, кўнгли тоза қизсан, шунинг учун деярли ҳамма сирларимни очиб ташладим.

– Мен ҳеч кимга айтмайман… – деб Таслима оғиз очган эди, Сюзи шкаф устидан қутича олиб, кавлаштира бошлади. Кейин бир неча паспорт топди-да, ҳар бирини очиб қаради.

– Булар паспортлармиʼ?– сўради Таслима.

Хорижда паспорт қанчалик аҳамиятга молик экани савол бермоқликдан тийиб қололмаган эди. Сюзининг қоши чимирилди. Таслима унда илк бор шубҳа уйғотган бўлса, ажаб эмасди.





– Сенга омад, Таслима. – Сюзи эшик сари юриб, қўшимча қилди: – Агар шу ишни ваннада бажаришинг керак бўлса, айтаман, бўшатиб беришади.

Таслима бир оғиз гапирмади. Бемор иккиси қолишгач, эшикка орқа бериб, кўзларини юмди: "Ваннада бажариш керак эмиш… Агар ўнта шифокор ҳузурида амалиётчи бўлсам ҳам биринчи дафъа дабдурустдан ҳеч нима қилолмасдим…".

– Чироқни ўчиринг, – ингради бемор.

– Ҳозир…

– Хато… Хато қилдим…

Таслима чироқ тугмачасини босишдан бўлак қандай ёрдам берарди?Қўрқувгина уни шу хонага ҳайдаб келди. Ҳақиқатан бундан бошқа нажот йўлини кўрмади. "Нима қилсам экан?– ўйлади ич-этини еб. – Телефон йўқ, деразалар мустаҳкам. Ойналарни синдириб, таваккал қилсам-у, иш бермаса, шўримга шўрва тўкилади…"

Шу пайт бемор қалтираб-қақшаб, таблетка қоғозини очишга киришди.

– Хато… – деди у яна, – Айтишгандики… "қабул қиласиз, аммо емайсиз"… Жудаям шошилинч ва шивирлаб айтилганди… Улар сув билан ютиб юборинг ҳам демаган, мен эса "емайсиз" деса, "чайнамайсиз" деб тушунибман… Хуллас, бу малҳам сифатида қўйилади… Тушундим… Барибир ҳомилам дорилар таъсирида энди одам бўлмайди, ғишт кўчди, тамомман…

Таслима ҳомиласи тушаётган беморнинг даҳшатли азобланишига томошабин бўлди, холос. Қора терга ботиб, инграб, тўлғониб, ниҳоят, тўрт соат деганда қутулди у. Тўрт соат жон ва вужуд ўртасидаги ришта таранг тортилиб турди, кейин бирдан бўшашди. Гўёки зурриёт нишонасидан халос бўлган инсон энди умрбод ҳаловатда яшайдигандек ҳузур билан ёстиққа бош қўйди.

– Стакан, – пичирлади у.

– Нима дейсиз?

– Ароқдан қуйсанг-чи, нега анқаясан.

Бемор гавдасини хиёл кўтариб, ароқ симирди. Спиртли ичим-

лик қулт-қулт этиб томоғидан ўтар экан, на қизарди, на пешанасини тириштирди, сув қатори ичди.

– Агар мен ўлсам, – деди у, – танлаган йўлимдан минг марта пушаймон бўлганимни уйимга етказ… ялиниб сўрайман… Бу одамлардан умидим йўқ… Мен Арманистоннинг Эчмиадзин шаҳриданман… Исм-шарифим Анаит Мурадян…

Бир зумдан сўнг арoқ ва ҳолсизлик таъсирида донг қотиб ухлаб қолди. Сюзи кириб, чироқни ёққанда Таслима бир бурчакда беҳол ўтирар, ҳали туришга улгурмаган эди.

– Касбинг хизматкорлик экан, яхшилаб тозалаб ташла энди, – деди Сюзи бурнини жийириб, ҳавони елпир экан.

– Кўнглим айнияпти, – рад этди Таслима, – ҳамма нарсанинг чегараси бор, хола. Бошқа иш қилмайман! Илтимос, рухсат беринг, уйга кетай. Сора опа хавотир олиб, йўл қараётгандир… Айниқса, онам хабар топса, тревога кўтаради… Поччам Раъс ул-Хаймадан… Катта бизнесменнинг… Саъд Масрур аш-Шамснинг жияни… Уни ҳамма танийди… Чет элларда ҳам…

– Нега алжираяпсан?Бу гапларни боя ҳам айтдинг-ку!.. Тўхта, тағин мени учига чиққан қўшмачи деб ўйлаётган бўлмагин?

– Кимлигингиз билан ишим йўқ…

– Ўлдираман сени! – ёлғон пўписа қилди Сюзи. – Боя Асалка дединг-а?Сен ўшанақа қизларнинг тақдирини яхши биладиганга ўхшайсан. Бу ёмон эмас, табиий интилиш! Ахир замонавий Дубайдаги ғаройиб саргузаштлар ҳақида қайси мамлакатда чўпчаклар йўқ дейсан. Эшитишимча, фоҳишага айланган шўрлик келин кейинчалик туппа-тузук оила қуриб кетганмиш. Қизиғи, қайнопаси ҳозир Дубайда эмиш. Сен кўкларга кўтарган ўша Саъд Масрур аш-Шамснинг супермаркети атрофида изғиб юрганини кўрганлар бор. Биттасининг олди-бердиси бўлгани учун унинг Дубайга қайтгани шов-шув бўлиб, менинг ҳам қулоғимга етиб келди. Афсус, ёнимда ҳозир фотосурати йўқда, турқ-тароватини бир кўрсатардим.

Охирги жумлалар Таслимага маст хотиннинг алжирашидан бошқа нарса бўлиб туюлмади. Дунёнинг турли бурчакларидан





келган икки шахс бир-биридан олис учинчи ва тўртинчи шахслар ҳақида гаплашсаю худди оддий ҳодиса каби улар тўсатдан бир нуқтага – Саъд Масрур аш-Шамснинг супермаркетига жамланиб қолишса: Таслима, Асалка, уни Дубайга сотган қайнопа…

– Эҳтиёт бўл, нўноқ ҳамшира! – мийиғида кулди Сюзи. – Менга шундайлигингча керак эдинг, шундайлигингча фойдаландим… Орамиз очиқ. Кетавер. Қудангнинг дўконида ишлаб, поччангнинг амакиваччасидан қочиб уй хизматкорлигига ўтганингни Сора ўн дақиқа аввал телефонда айтди (ҳадеб қўнғироқ қилавериб қулоқ-миямни еди, ярамас). Асалка деганингни сотган ҳамюртинг ўша жойда изғиб юрибдими, демак, сен ва сенга ўхшаганлар хавф остида! Ҳақиқатни айтайми?Мен қиз-жувонларни сотиб "бизнес" қилмайман, сендан сир тутадиган ўз "касбим" бор… Соранинг қон босими ошмасидан тезроқ бора қол. Мана бу хизмат ҳақинг!

Таслима пулни олмади. Унинг кўзини елиммато билан бекитишиб, устидан кўрларнинг қора кўзойнагини тақишди ва бинодан етаклаб чиқиб, машинага ўтирғиздилар. Орадан ўн дақиқа ўтгач, у Дубайнинг кенг, жазирама кўчасида Сюзи билан турарди. Машина кўздан ғойиб бўлгунча Сюзи ҳеч қаёққа қарамасликни буюрди. Кейин шундай деди:

– Биз энди учрашмасак керак, учрашмайлик ҳам. Сенга маслаҳатим, ҳеч кимга ишонма. Ишонувчан бўлганман, кўраяпсан-ку ҳолимни… Менга ҳам, бояги қизу Асалкага ҳам ўхшама! Алвидо…

Хотин-халаж учун транспорт компанияларининг бири томонидан ташкил қилинган аёллар таксиси келди. Таслима энди Сюзи билан ҳеч қачон учрашмайман, деган умидда енгил тортиб, орқа ўриндиққа ўтирди. Бироқ Сюзига қаерда, қай аҳволда дучор бўлади, супермаркет олдида ўралашган Асалканинг қайнопаси ким, ўзига қандай алоқаси бор – хаёлининг бирор кўчасига ҳам келтирмади. Эсу дарди ёмонлардан эсон-омон қутулиш эди, бошқа нимани ҳам ўйлаши мумкин? Ахир бугун уч эркак уни ўғирлаб, фаҳш ва наҳс босган хонага қамаб қўйди-

лар, шунга қарамай соппа-соғ қайтмоқда.

"Шунисига ҳам шукр, шукр, шукр..." – деб ичида йиғлади у.

* * *

Сора мени қучоқ очиб кутиб олса керак, деб ўйлаган Таслима янглишди, бош хизматкорнинг қовоғидан қор ёғарди. Сурия-лик бизнесменнинг уйидаги кичик овқатланиш хонасида у ўзича жазавага тушди:

– Нега изнсиз эшик очдинг?! Нега ҳомила туширишни биламан, деб ўзингни ўзинг сиртмоққа тутиб бердинг?! Битта сен – овсарни деб бошим балога қолади энди! Агар полис хабар топганида, улар эмас, сен шарманда бўлардинг! Қиз болани эркаклар ўғирлаб кетса, ўлимдан баттар...

Таслима қараса, Сора ҳамма айбни ағдармоқчи.

– Мен ғўр қизман, лекин тентак эмасман, – деди Таслима кўзлари пирпираб. – Эшикни оч, ташқарида куёв турибди, дедингиз, очдим! Ҳомилани эса мен туширганим йўқ, ўзи тушди, исботлаб бераман. Уларга шерик эканингизни, сотилган чақалоқлар пулидан улуш олганингизни, полиция билса, ҳаммалирингиз қамалиб кетишингизни эса...

– Эй, оғзингни юм! – Сора қўл силкиб, ҳезланди. – Сенга айтмоқчийдимки...

– Бугундан бошлаб мени ҳар хил ишларга аралаштирманг! Вазифам нима бўлса, ўшани бажараман. Учрашувга хўжайиннинг қизини ўғринча олиб чиқиб...

– Бас! – Сора стулга чўкди. – Ўзимга ёрдамчи эмас, ажалнинг нақ ўзгинасини тавсия қилибман шекилли. Бу кунларда Заиранинг ҳам, сенинг ҳам тўйинг бўлажак, лекин ажалимдан беш кун бурун ўлдириб кетадиганга ўхшайсан! Минг марта мажнуна авло сендан, юзсиз.

Таслима маъно-моҳиятни теран мушоҳада этолмай:

– Нималар деяпсиз? – деди.





– Вилладаги элчилик ҳавога учмади, иш пишди, – совуқ кулимсиради Сора. – Назиҳа хоним розими, афандим ҳам розилар!.. Сенинг ҳам тўйинг, аниқроғи, фотиҳанг бўлмиш, қашқирлар қўлидан омон қолган омадли гўзал!

– Менинг тўйим? Қанақасига?

– Онанг телефон очди, куёвга унаштирилибсан, дубайлик бойвачча йигитга!

– Тўйим... менинг тўйим... – деб Таслима ўгай онасининг телефон рақамларини терди. – Шу гаплар ростми? Нималар бўляпти ўзи? Нега бу ерга қўнғироқ қилиб ҳар хил гаплар чиқаряпсиз? Тўй, бойвачча куёв, унаштириш... Ҳаммаси жонимга тегди...

– Салом-палом йўқ, бунча ҳовлиқасан? – деди Холпошша. – Эшит, отангнинг розилиги билан сени Жовидга фотиҳаладик. Дубайда ҳам, қишлоқдаги амакингникида ҳам бугун, туш пайти кичик фотиҳа маросими ўтди. Келгуси ҳафта катта тўй... тўйинг!

– Ёлғон!

– Ўлай агар!.. Бугуноқ уйга кел, Муҳашшоникига!

Таслима амакисининг рақамларини терди. Банд эди. Уй ишларини ҳам йиғиштириб, четдаги хонага қамалиб олди-да, қўнғироқ қилишда давом этаверди. Ниҳоят, амакисининг овози эшитилди:

– Таслима, сенмисан?

– Менман! Нега ойим унақа дейди? Қанақа фотиҳа тўй?!

Амакиси гапни айлантиришга уринди, аммо бефойда эди. Сўнгра оч қулоғим, тинч қулоғим деди чоғи, қорнини қашиб, баҳона тўқиди:

– Мен узоқда бўлсам, сени кўрмасам... Ойинг айтди, Дубайдаги вазиятни тушунтирди. "Сен ойисисан, Дубайда қизинг билан биргасан, тақдири қўлингда, ўзинг биласан", дедик...

– Отам-чи?

– Мен... "точна" эшитмадим-у, лекин отанг ҳам рози бўлибди... Қизиқсан! Отангдан берухсат сени турмушга бериб, унинг

жони нечта! Ўзингнинг ойинг бўлмаса, қил устида қилпанглаб юрса, яна нимасига ўзимбошимчалик қилади?

– Отам "кома"дан чиқдими?

– Тавба, "кома"дан чиққанини ҳали эшитмадингми? Аник-аник гапиролмаса ҳам барибир тилга кирди, сени сўради…

– Мен гаплашишим керак!

– Ҳозир гаплашолмайсан, қишлоқдаман… Эртага, йўқ, индин…

Шу кўйи алоқа узилди. Таслима тубсиз чоҳга қулаб тушаётиб эшитган сўнгги сўзлари шу бўлди.

* * *

Заира Америкага қочиб кетолмади. У аслида мустақил равишда Дубайдан ҳам четга чиқолмасди. Эр керак эди, эрга тегди: душанба куни ҳеч бир тантанасиз оқ "Лимузин"да куёвникига олиб кетишди. Ота-онаси хомуш тортиб қолдилар, тўнғич қизининг эри ҳадеб ёш хизматкор қиз – Таслимага қарайверди.

Сешанбада Таслиманинг ҳам пойманаси тўлди: ногоҳон кириб келган кишилар жаноб Масрур ва Назиҳа хоним билан араб тилида, расмий оҳангда одоб ила сўзлашишди, уй соҳиблари бош силкиб, маъқуллашди.

– Вой, бу ердамисан?– қазноқда гуруч тозалаб ўтирган Таслиманинг устига Сора бостириб кирди. – Сенга олиб кетишга одамлар келмиш! Онанг ҳам бор… Эҳ, тўйинг бу қадар яқин деб ҳеч ўйламагандим… Юр, сени йўқламиш…

Таслима ташқарига чиққан заҳоти Холпошша истиқболига ялтоқланиб шошилди. Келгувчилар орасида Зайд поччаси ва унинг онаси Заҳро хоним ҳам кўринди. "У кишиям аралашдими? Жонсиз нарса каби сотилдимми?– ўйлади ҳайкалдек қотиб қолган Таслима. – Наҳотки, ҳеч қаёққа қочиб кетолмайман?! Йўқ, ҳали отамнинг ўз оғзидан эшитмадим… Эшитганимда ҳам бундай тўйга кўнмайман… Ҳеч кимга ишонмаслигимни Сюзи бежиз тайинладими, ахир…".





– Таслима! – дея Холпошша салкам қичқириб юбораёзди. – Ўзингмисан, вой ўлмасам… Сени бу кийимда кўриб, одам танимайди, нақ чўриларнинг ўзгинаси бўлиб қолибсан-ку!..

Таслима жиноят устида қўлга тушгандек серрайиб тураверди.

– Менга бир боқ, – оғзи тинмасди ўгай онанинг, – Дубайга келиб ёшарсам ёшардимки, бир соатга ҳам қаримадим!.. – У беҳад шод эди, афтидан иши юришган кўринади. – Пешанангдан ўпай, бағримга босай, кел-кел… Гина-кудуратни унутсанг-чи!

Таслима бор заҳрини ичига ютган кўйи ихтиёрини ўгай онага топширди. Нима дейишни, ўзини қандай тутишни билмас эди, кўзлари ҳалиги одамларда. Кейин Дубайнинг феруза осмонига кўз ташлади, оҳ, нақадар олис эди бу осмон.

– Табриклайман, – деди Заҳро хоним ҳам енгил кучиб. У ўзбекчани бузиб бўлса-да, ҳар ҳолда Таслима тушунадиган тилда сўзлади, кейинги гапининг маъноси шундай эди: – Бизнинг юртда бахтсиз бўлмайсан, кўнглингни тўқ қил.

Бунга жавобан Таслима:

– Бегона жойда ҳеч қачон бахтимни тополмайман, – деб дадил жавоб айтди.

Зайд дастлаб бир оғиз гап қотмади. У хотинининг ўгай синглисига севги изҳор қилиб, Россияга бирга қочишни таклиф этгандан бери бутунлай бошқа инсон қиёфасида жонланмоқда эди. Ичидан қоракурум ўтаётганини пайқаш учун эса Таслимага ғайритабиий зеҳн шарт эмасди. Шайтон йўлдан урган почча машинага чиқаётганларида, ортиқ чидаб туролмади:

– Кечир, Таслима, – деди шивирлаб. – Менга ишон… Нима десанг де, лекин сенга фақат яхшилик қиламан… Ҳали кўрасан, ёрдамим тегади…

Бундан кўра кечирим сўрамагани минг марта афзал эди, худди ўлганнинг устига тепгандек; боз устига жамики ақл-ҳушини ишга солиб, жиддий гапирмоқда эди у. Таслима нимадир дейишга оғиз жуфтлаган эди, Холпошшанинг овози эшитилди:

– Вой, ноинсофлар, минг дирҳамга ишлатаётган эканлар-да! Бу – уч юз доллар дегани-ку!.. Қизим, нима қилиб уч юз доллар-

га чўри бўлиб юрибсан буларга? Минг доллар демаганмидинг? Дубайга келиб топган ишинг шуми, шўргинанг бор сенинг! Нега аввалроқ ҳолингдан хабар олмадим-а?!

Қараса, Холпошша қўлида бир неча юз дирҳамни силкиб войвояклик қилмоқда. Капалаги учиб кетган Сора чопиб келиб, Таслимага ялина бошлади:

– Гуноҳим не, Таслима? Афандим шунча белгилаган, мендан инжима! Қиёмат қадар опа-сингил бўлажакмиз! Кам десанг, сандиқдаги ўз порамни беражакман!..

Арманистонлик Сюзига алоқадорлиги фош этилишидан қўрқиб ўзини минг кўйга солаётган хизматкорга Таслима ҳеч нима демай машина эшигини ёпди. Нариги эшикдан ўгай онаси кириб, ўтирди. Заҳро хоним эса ўзини Таслимадан ошкора олиб қочди ва хайр-маъзурни насия этиб, бошқа машинада жўнаб кетди. Сириялик бизнесменнинг хонадони тезда ортда қолди, ойнадек текис йўл негадир "ҳосилсиз қатқалоқ ерда асфальтлар абадий яшайди", деган ўй туғдирди Таслимада.

– Кўрдингми одамларнинг маразлигини! – деди Холпошша йўлда кетаётганида. – Маошинг қанчалигини билмай ишлаб юрибсан! Яна де, улар ҳам чет эллик, бизга ўхшаган одамлар! Асли "эмират"лик бўлса ҳам бошқа гап эди... Майли, ўтган ишга саловат, Жовидга гапириб ўтирма. Жовид...

– У ҳақда эшитишни ҳам истамайман!

– ...отангга тўрт ярим минг доллар юборди, нега шундай инсон ҳақида гапирмас эканман?!

– Отам билан гаплашишим керак, телефонингизда пул борми?

– Жовид сенга беш юз долларлик телефон бериб юборган, "Сони-эриксон", "вип", мана...

Бироқ Таслима четга юз бурди.

– Ўзингизнинг телефонингизни беринг, у кераксмас.

– Ма! – деб Холпошша барибир совғани тутқазди. – Сенга бердими, ол-да!

Таслима такаббурлик қилаётганга ўхшаса-да, ички олами





бўм-бўш эди: отасининг овозини, бир оғиз далдасини, ҳаммаси ёлғон эканини эшитса, бас. Бироқ амакисининг телефони "хизмат доирасидан ташқарида" эди. Ёшли кўзлар ойна ортига боқди: ана, Дубайга келган илк кунларида яшаган ижара уй жойлашган ал-Мутинадаги кўча. Бир куни кечқурун ҳув анави ёрқин рангдаги бинонинг биринчи қаватида музқаймоқ егандилар. Таслима ҳарир рўмолини ияги тагидан ўраб, отасининг ёнида илк бор оқ шимда худди замонавий араб қизларидек шоду хуррам юрган, ўшанда йигитлар зимдан кўз ташлаб, жилмайиб қўйишган эди. Юртингдан минглаб чақирим олисда отанг билан ўтказган дамларингдан ҳикоя қилгувчи гўшага айни ғурбат онида кўзинг тушсами... Йўқ, Таслима ўзини тутолмади, ёноқларини кўз ёш юва бошлади. "Отажон, нега қизингизни Дубайга ташлаб кетдингиз?" деб ич-ичидан ўксиди, эртакларда ўрмонга адаштирилган қиздек танҳо ва бенаво ҳис этди ўзини.

– Боғланолмадингми? – сўради Холпошша. – Муҳашшоникига борайлик, гаплашасан...

Таслима кўз ёшларини артди. Ўгай онаси унга яқинроқ сурилди.

– Шу ҳафта отангни Тошкентда қайтадан операция қилишаркан, – деди у. – Авария куни ал-Бараҳа шифохонасида операция жуда шошилинч бўлган. Энди Тошкентда бемалол даволашади-да, пул бор, таниш бор – нима ғам бор! – Холпошша у томон энгашди. – Сен тўғри тушун, Таслима, калла суяги кўл ёки оёқникидек эмас. Калла – одам зотининг нозик жойи. Отанг билан оила қуришдан аввал Дубайда ишлаб юрган кезларимда туҳмат туфайли бир ишга чалкашганман, чидаёлмай шундай асабийлашганманки, қон босимим ошиб, миямга қон қуйилиб ўлишимга сал қолган. Шунда бир шифокор мияга қон қуйилиш сабабини тушунтирган. Айтишича, томирларимиз пайлар билан ўралганмиш, худди электр сими резина билан қоплангандек гап экан. Асабийлашганимизда, кучли ҳаяжонланганимизда, томирларда босим кучаяркан. Ўраб турган ўша пайлар томирнинг ёрилиб кетишига йўл қўймас экан. Мияда эса пай нима қилади?

Мия бир суюқлик бўлса! Қаттиқ асабийлашганда, мия ичидан ўтган яланғоч томирлар пақ этиб ёрилиб кетаркан. Ҳеч замонда асабийлашган одамнинг билагига қон қуйилиб ўлган деб эшитганмисан?Билак турган-битгани пай, мушак…

– Бўлди, гапирманг бу ҳақда.

– Мен ҳам одамман, – жағи тинмади Холпошшанинг, – бугун борман, эртага қанча яшайман, Худо билади. Тириклигида хато ўтказмаган бандаси йўқ, қизим. Энди, қарзга олинган пулга "Эмират"га уч киши бўлиб келсагу, кутилмаганда ҳалокат юз бериб, ўн минглаб доллар харажат талаб қилса, ким… ким довдираб қолмайди?! Мен ҳам ўзимни йўқотдим! "Кечирим сўра" десанг, сўрайман, Таслима!.. Ўшанда худди отангдан воз кечгандек жазавам тутди, Муҳашшо ҳам қанча асабийлашди!.. Унга осон эмас, ахир Дубайга келишимизнинг ҳамма харажатларини кўтарди. Зайд шундай кўнглига қарайдики… Лекин анави гапинг билан мени ёмон хафа қилдинг, ҳомиладорман деб отангни алдамаганман. Ўшанда ўзимни ҳомиладордек ҳис қилгандим... Биласан, ҳалигича Муҳа қизимнинг бўйида бўлмаяпти… – Холпошша овозини янада пасайтирди. – Опанг соппа-соғ, поччангда айб бор.

– Поччам эмас у, – деди Таслима.

Ўгай она гап мағзини ўзича тушунди.

– Бунча аразчисан-а! Худога шукр, пешанамизга Зайд поччанг билан амакиваччаси Жовид битган экан! Зайд бўлмаганда Дубайга келолмасдик, Жовидсиз эса донорга айланиб, буйрагингни сотардинг, чалажон бўлиб яшардинг… Ишқилиб Жовиднинг отасининг бойлигига бойлик қўшилаверсин, соясида биз ҳам соялаверайлик!.. Айтгандай отасининг… аш-Шамснинг ҳам мазаси йўқ экан, вилласидан чиқолмаётганмиш, тўйга ҳам кeлолмайди, дейишди.

– Отамнинг овозини эшитмагунимча тўй ҳақида гапирманг! Агар отам ўша гапни айтган бўлса… – Таслима ҳиқ-ҳиқ йиғлади. – …ўлиб кетсам ҳам майли… ҳеч кимга керак эмас эканман… Арабистон мозорим эканини бошидан сезгандим… бил-





гандим…

– Йиғлоқи, – беозор турткилади ўгай она. – Худди ёш қиздексан… Тушунаман, ёлғиз, эрка ўсгансан, ҳалигача ўзингни бола деб ҳисоблайсан. Лекин ўн етти ёшсан-ку, Таслимаой! Айни турмуш қурадиган вақт! Илгари ўн беш-ўн олти ёшда ҳам бемалол эрга беришаверган, қишлоқдаги момоларингдан эшитган бўлсанг керак?

Таслима рўмолчасини ғижимлаб ўтираверди, боулинг-клубнинг қизил биноси машина манзилга яқин қолганидан дарак берди. Кўчада хорижлик йигит-қизлар бир тўда бўлиб чақчақлашиб турарди.

– Сени Жовидга узатишга жа кўнглим бўлаётгани йўқ, – Холпошша дастрўмолини олиб, артинди. – Эртага одамлар ёшгина қизини арабга бериб юборди, пулига учди, деб оғизларидан эшаккурт ёғилиб мени ёмонлашади. Тўғри, бу ерда пул ҳам озмоз роль ўйнади, пул роль ўйнамаган нима бор ўзи бу дунёда?! Лекин сен отангни қутқардинг! Дунёда ҳамма нарса топилади, ота-она топилмайди, ҳа, топилмайди! Мени ҳақиқий она ўрнида кўрмадинг-ку, шундайми? Кейин… нима, Жовидга қул бўлиб кетаяпсанми? Ҳақиқий хотини бўласан, бойвучча хотин! Тур десанг турадиган, ўтир десанг ўтирадиган қиласан!.. Тушунаман, гапларим қулоғингга кирмаяпти, мени бир қўшмачи хотин ўрнида кўраяпсан…

Таслима ўгай онасига ялт этиб қараркан, ниҳоятда ажабланганидан кўзларини катта-катта очиб, гўёки бақрайиб қолди. Шу вақтгача ҳеч ўйлаб кўрмаган экан, Жовиднинг падарига тегишли супермаркет олдида изғиб юрган "қайнопа", яъни Сюзи айтган Асалканинг қайнопаси ойиси бўлиб чиқиши ҳам мумкинку! Ё алҳазар, наҳотки ойиси ўша Асалкани сотган аёл ёки қўшмачилардан бири?..

"Бўлиши мумкин эмас… Лекин шундай бўлиб чиқса-чи?..".

Холпошша жамики шубҳа-гумонларини тасдиқлаган каби деди:

– Ўткир, шартаки, бетгачопар бўлганимданми, феъл-атворим-

ни билмаган одамлар мени ёмонга чиқаришади. Ўтган куни Бадриянинг – бўлажак қайнонангнинг кўзига кўринмай, дедимда, супермаркетнинг ёнидаги пальма тагида Муҳашшони кутиб турсам, бир араб хотин келиб алламбалолар деб қарғаниб кетди. Кимгадир ўхшатди шекилли…

Таслима шошилган кўйи Сoранинг телефон рақамларини терди: Сюзи билан қўнғироқлашмоқни истаётган эди. Қанийди арман хотин билан ҳозироқ учрашиб, Асалканинг қайнопаси дейилган аёлнинг суратини кўрса ёинки ойисининг суратини унга олиб борса!

Бироқ Сюзининг рақамларини бериши керак бўлган Сора телефонни кўтармади. "Шошмаслигим керак, буларга сездирмасдан аниқлайман… Аниқламасдан қўймайман…" – деди Таслима алланечук ҳаяжон ичра телефонни сумкачасига соларкан (буни совғани қабул қилди, деб тушунган Холпошша мийиғида кулиб қўйди). Бирлашган Араб Амирликларидан Муҳашшога совчиликка келган кунда Бадрия хонимнинг Холпошшага даъвоси, Холпошшанинг ҳақиқатан муқаддам Дубайда ишлаб қайтгани, Жовиднинг пулли таклифидан сўнг ундаги ўзгаришлар – ўтмишу ҳозирнинг барча воқеликлари гумон элагида ғивирлаб қолди. Гўёки ҳақиқат китоби тақдир шамоли измида секинаста ўзининг дастлабки шармандали саҳифасини очмоқда эди.

Таслима машинадан тушганданоқ Муҳашшонинг ҳузурига шошилди.

– Чўрилик қалай экан?– деб кутиб олди ўгай опа ҳазил аралаш. Сўнг дарҳол ўпишиб кўришди, тўй билан табриклади.

– Бир нарса сўрасам майлими?– деди Таслима.

– Бемалол сўрайвер, мендан бошқа сирдошинг йўқ, сингилжон. – У бўлажак келинчак ҳойнаҳой илк никоҳ оқшоми хусусида сўз очади, деб айёрона кулимсираб қўйди. Зеро, шунга амин эдики, Таслима мактабда ўқиб юрган кезлари ҳам, кейин ҳам бирор йигит билан дон олишмаган, ҳатто қўлини-да ушлатмаган. Энди эса ногоҳон араб миллионерваччасининг хобгоҳига киради, қўзичоқни кутган оч бўридек кўз узмай турибди Жо-





видбойваччa.

– Асалка ҳақида гапириб бергандингиз, эсингиздами? Муҳашшо ҳайрон бўлганини яширмади:

– Қайси Асалка?

– Қайнопаси Дубайга сотиб юборган келинчак.

– Э, уми? Нега сўраб қолдинг?

– Унинг асл исми нима, опа, агар сир бўлмаса албатта? Муҳашшо энди ростмана ажабланди.

– Асл исми? Мен қаёқдан биламан!.. Сенга ўшанда айтгандим-ку, "исмини мисол учун Асалка дейлик", деб. Қаердалиги ҳам номаълум, ё Бухородан, ё Самарқанддан… Бу шунчаки оғиздан-оғизга ўтиб юрган мишмиш-ку.

– Лекин бўлган воқеа, тўғрими?

– Мен ҳикоянавис эмасман, ичимдан тўқиб чиқармайман… Тинчликми ўзи? Нега керак бўлиб қолди у? Мабодо кўча-пўчада учратмадингми?– Муҳашшо беписанд кулиб, гапни бурди: – Майли, бўладиган гаплардан гаплашайлик, иккимизга ҳам "Эмират"да яшаш насиб этган экан, бундан жуда хурсандман. Лекин ёмон омадли экансан, сингилжон, миллионер хонадонга тушаяпсан! Бизга ўхшаб амакиваччанинг фирмасида эмас, эрингникида ишлайсан. Финансни қўлга олсанг "ништяк" бўларди-да! Тошкентдаги улгуржи савдо бозорларида "памперс" сотиш режамиз ҳам иш бериб…

– Кимдан эшитгансиз?

– Нимани?– елка қисди ўгай опа гапдан тўхтаб.

– Асалка воқеасини.

– Ё тавба, нега унга ёпишиб олдинг? Тўйингнинг ғамини есангчи! Фатанинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаганлари бор экан. Лекин биздаги кампирларнинг салласимон рўмолини эслатади. Ёмон қарама, шакли сал-пал ўхшайди, холос… Дубайликларнинг тўй либосларини кўриб қўй! – Муҳашшо рангдор журнални узатди.

– Класс!

– Ойимнинг гапига қараганда, Асалка воқеасини эшитганингизда худди менга ўхшаб таъсирланган экансиз, ўзи жудаям

таъсирчансиз-да, опа, – Таслима журнални варақлаётиб, қармоқ ташлади. Ниҳоят, Муҳашшо илинди.

– Ойим ундан ҳам фожиалиларини билади, – деди мақтанчоқлиги қўзиб. – Лекин Асалкани менга ҳикоя қилиб бермаган, ўзимни ухлаганга солиб, эшитиб олганман-да, кечаси билан алоқчалоқ туш кўриб чиқдим деб, эрталаб бошини қотирганман. Бир дугонаси тез-тез келиб турарди. Бувим қарғаб юборгандан кейин қорасини кўрсатмай қўйди. Бувим художўй. Ойим иккиси ҳечам ўхшамайди. Бир гап айтсам, сир тутасанми? Бувимни соғинаяпман!

– Сиз ҳам ўхшамайсиз, – деди Таслима.

– Ойимгами?

Таслима журнал саҳифаларидан кўз узмай бош чайқади, шунда Муҳашшо ўгай синглисининг нима демоқчи эканини, не важдан Асалкани суриштирганини тушунгандек бўлди. Ҳарҳолда Таслима тубсиз чоҳга аллақачон қулаган, уни ҳаттоки мўъжиза ҳам қутқаролмас эди, шунинг учун кўп-да ташвиш чекмади.

– Ўзингни Асалкага қиёслама, – деди иддао билан. – Сени ҳеч ким сотгани йўқ, сотмайди ҳам. Ўз хоҳишинг билан эрга тегаяпсан. Агар лотереядан пул ютиб, Жовиднинг қарзларини тўлаган тақдирингда ҳам, Тошкентга қайтиб, "нормалний" йигитга турмушга чиқолмайсан. Биз – иккимиз "дубайский" бўлишга улгурдик, сингилжон!

Номини ёмонга чиқариш она-болага ҳеч гап эмаслигини англаган Таслима журнални столга ташлаб, шаҳд ила бурилди-да, эшикка юрди.

– Қаёққа, ўв-в?– шанғиллаб сўради ўгай опа юзини бужмайтириб.

– Қўл ювишга ҳам сўраб чиқишим керакми?!

Ўша куни бўлажак куёвнинг қимматбаҳо телефонини Муҳашшога бериб, эгасига қайтариш кераклигини тайинлади, бироқ совға уйдан чиқмади. Сора билан қўнғироқлашиб, Сюзининг рақамларини ололмагани Таслиманинг таъбини баттар тиррик қилди. Отаси билан гаплашолмагани учун эса тун бўйи мижжа





қоқолмади.

– Таслима... қизим... – деган овоз эшитилди эртасига гўшакнинг нариги томонидан. – Кўп гапиролмайман... бахт тилайман... бахтли бўл... бахтли...

Кейин отаси ўзини йиғидан тутиб туролмади, узуқ-юлуқ ҳиқиллашлар йиғидан далолат эди. Таслима ҳам хўнг-хўнг йиғлади.

– Нега, ота, нега?.. Нега бундай бўлди?– дея Таслима бир саволни такрорлайверди. Телефондан амакисининг овози келди:

– Таслима, узр, отанг кўп гаплашолмайди, операциядан сўнг яна ўзим улаб бераман. Сен тўйингнинг тараддудини кўравер. Бахтли бўл. Ойингга, опангга, Дубайдаги қудаларга – ҳаммага салом айт. Яхши кунларда кўришайлик...

* * *

Эртасига икки томоннинг тайёргарлиги ниҳоясига етди. Холпошша Таслимани чақириб, никоҳ либослари келтирилганини айтди. Шўрлик қизнинг ҳуши ҳамон ўзида эмасди. Борлиғини "тасодиф туфайли Жовидга хотин бўлишдан қутулиб қоламан" деган ўй эгаллаб олганди. "Ҳеч бўлмаса сўнгги соатда, сўнгги лаҳзаларда..." Бироқ баайни қандай мўъжиза рўёбга чиқишини ўйлаб-ўйлаб, хаёлига-да келтиролмади. Ҳа, нима ҳам бўлиши мумкин? Барчаси туш эмас, эртак ҳам эмас, айни ҳақиқат эди.

Уч-тўрт соат ичида қаерлардандир меҳмонлар пайдо бўлишди. Муҳашшонинг айтишича, Дубайда ҳашаматга кўпроқ урғу беришаркан. Никоҳ оқшоми ўтказиладиган ресторан деворларию шифти шу қадар безатиларканки, меҳмонлар атроф-теваракка маҳлиё бўлиш ила тўйнинг ўтганини сезмай қолишаркан. Оқшом либоси ҳам ижарага олинмайди, деб эшитган Таслима беихтиёр унга син солди: аввал кийилган эди. Бу Жовид миллионернинг зурриёти эканига, оз бўлса-да, шубҳа уйғотарди кишида.

Кўп ўтмай тўй "Лимузин"и Зайднинг (аслида Жовиднинг ўзининг уйи) дарвозаси тагида тўхтади. Жовид тишининг оқини кўрсатиб, гердайиб тушди, қўлида жигарранг Панама сигара-

си бор эди. Хотинлардан бири сигарани ташлашни маслаҳат берди шекилли, у лаби-лунжини йиғиштиролмай кулди-да, қарамасдан орқага узатди. Видеочи ва сураткаш куёв жўралар унга ҳамроҳ эди. Айримлари ширакайф экани, хотинларга суқланиб боқаётгани, бетиним тиржайишлари куёвнавкарлардан ҳам кўра қароқчиларни эслатарди. Айникса, Таслимага кўзлари тушган он увлаб юборишди. Таслима барваста араб йигитларини, бирлари либосга бурканган, бирлари ярим-яланғоч хотинларни кўриб, ким Бирлашган Араб Амирликларидан, ким хорижлик, фарқлаёлмади, фарқлашнинг кераги ҳам йўқ эди унга.

Жовид тирсагини тутди, Таслима ўзи ушладими, биров ёрдамлашдими, билмади. Бир қараса, иккиси уйдан ёнма-ён, оҳиста қадам ташлаб чиқиб кетмоқда: олдинда "Лимузин", очиқ эшик, қорамтир салон, қийқириқлар… Тўйхонага етиб боришди. Никоҳ оқшоми "Райҳон Дубай Ҳотел" меҳмонхонасидаги ресторанда ўтказилиш режалаштирилганди. Меҳмонлар камчилик эди. Жовиднинг онаси Бадрия хоним ҳам, Заҳро хоним ҳам кўринмади. Шундагина Таслима бу ерда бошқа гап борлигини фаҳмлаб, товонигача музлаб кетди. Шу пайт телефонига "SM S" келди. Экранчадаги лотинча ёзувга кўз ташлади-ю, баттар даҳшатга тушди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: "Жовид юқумли касаллик юқтирган. Никоҳ кечасида ўзингни сақла! "Сайклон" клубида енгилтак хотинлар билан учрашгани ҳақида далил бор. Икки кун ичида сени қутқараман. Жавобингни кутаман!"

Таслима "SM S"ни қайта-қайта ўқиб, нигоҳини телефон экранчасидан узди: меҳмонхона ресторани оҳиста чайқалмоқда, улкан қандиллардаги шуълалар чўзилиб, бир-бирига қоришмоқда, одамлар ғалати махлуқлар қиёфасига кирмоқда, овозлар тобора олислаб кетмоқда эди. Ёнида ўтирган Жовид наҳотки шу даражада тубан шахс бўлса? Демак, у араб миллионерининг ўғли бўла туриб, шу вақтгача уйланмай юришига сабаб кўнглидагидек қиз учрамагани эмас, балки оила қуришга унинг вақти бўлмаган, ишратпарастлигу шаҳватпарастликдан фурсат тополмаган. Ҳатто мана шу никоҳ тўй ҳам аслида унинг на-





вбатдаги томошаси бўлса, ажабмас!

Бир кўнгли шу заҳотиёқ "SM S"ни куёвга кўрсатиб, изоҳ талаб қилмоқчи, келин-куёвлик шоҳсупасидан тушиб, қочмоқчи, йўлини тўсганлар устидан полицияга арз қилмоқчи бўлди. Кейин лов этган оловга сув сепилиб, шумшайиб, попуги пасайди: ҳамма гап қандайдир ёлғонлару фоҳишабозликдами? Йўқ, Жовиднинг йигирма минг доллардан зиёд маблағ сарфлаб, Мухтор аканинг ҳаётини сақлаб қолганида! Жовид шахс сифатида қандай инсон, қусурлари нималар, қайси касални юқтирган – булар иккинчи даражали эди, Таслима уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиши шарт эди гўё.

Келинчак бир нуқтага тикилиб ўтирди.

– Сизга турмушга чиқолмайман, – деб пичирлади.

Қадаҳ кўтараётган Жовид эшитмади. Таслима бир умр бирга яшаши керак бўлмиш инсонга кўз қирини ташлади. Тўйнинг авж нуқтасида келинчакдан исёнкорона гап чиқиши ақлга сиғмас, Жовид маррага етдим деб ўйламоқда эди. Таслима шошапиша телефон тугмачаларини боса бошлади. Хабарлар жўнатмасида шундай сатр тизилди: "Исботнинг кераги йўқ. Кимсиз?" Кўп ўтмай жавоб келди: "Ёнингдагига эмас, менга қулоқ сол. Унга ишонма, асалим." Бу, шубҳасиз, Зайд эди, ундан бошқа кимга ҳам тегишли бўлиши мумкин мазкур мазмун!

"Нима қилсам экан? – Таслиманинг пешанасида совуқ тер томчилари кўринди. – Асалка беш минг долларни тўлаш учун ҳаётини барбод қилди, менинг бошимни еган пул эса йигирма минг доллардан зиёд… Бу араблар бир-бирининг гўштини емоқчи, мен ким бўлибман? Умр бўйи бахтсиз яшаш учун турмуш қураяпманми?.. – Таслима яна қарздорлиги ҳақида ўйлади, кейин манглайида чизиқ кўринди. – Йўқ, нега энди? Қарзни мен олмаганман-ку! Қани ҳужжат? Қани гувоҳ? Уйга кетаман… Уйимни кўраману ўламан… Яшашни истамайман…".

Шу он Муҳашшо келиб, қулоғига шивирлади:

– Сенга нима бўлди? Столнинг тагига кириб кетаяпсан-ку!

– Уйга…

– Нима?

– Уйга кетаман... Бу одам билан ўлсам ҳам яшамайман... Пулини топиб бераман... Тополмасам ўзимни ўзим...

– Нима?! – Бу гал Муҳашшонинг афти шунақа бужмайдики, маймун кўрса, ўз қавмим деб қийқириб юборарди. – Эсингни емадингми мабодо?!

– Нега энди мен, айнан мен?.. Ҳеч кимдан қарз эмасман... Мажбуран турмушга чиқмайман, опа...

– Айтдим, бу эсини еган деб! Сенингча, Жовид пулни ҳужжатсиз берадими? Ҳозир ойимга айтаман, кўрсатади қоғозларни! Бугун нимагадир сумкасида олиб юрганди, кўнгли сезган экан-да! Ал-Бараҳа шифохонасига қанча сарфланган, йўлга қанча кетган, сал кейинроқ Тошкентга қанча юборилган... Агар сен тўламасанг, отанг судга тушади... Ҳеч бўлмаса, Худодан қўрқ, Таслима. Ҳар хил хаёлларни чиқариб ташла миянгдан! Ёш қизларнинг гапини гапирма!..

Зайд кузатиб турган экан, дарҳол Муҳашшонинг ёнига келиб, нима гаплигини сўради. Таслима ҳамон телефонни маҳкам ушлаб ўтирарди, поччасининг башарасига отишдан ўзини базўр тийди.

– Ҳаммаси яхши бўлади, – деди Зайд.

– Йўқол... – ғижинди Таслима ва кўзларидан дона-дона ёш думалади. Мусиқанинг баландлиги заиф овозини ютиб, Зайд ва Муҳашшо эшитишмади.

– Амаким оғирлашиб қолибди, – Зайд дам хотинига, дам Жовидга кўз ташлади (Жовид дўстларига чалғиб, Зайднинг гапига қулоқ солмади). – Тўйдан сўнг жаноза бўлмаса эди, Муҳашшо!.. Бадрия хонимни Раъс ул-Хаймага "Жип"да шошилинч олиб кетишди... Амаким бедаво дардга чалинган, давоси йўқ... Қўли ҳамма жойга етадиган одам иложсиз...

Негадир Таслима енгил тортди. Қайнотаси касаллик важидан тўйга келмагани аён эди, демак, қайнонасининг йўқлиги ҳам сабабли экан-да! Назарида Зайд ҳам хурсанддек эди, атайин Таслимага эшиттириб айтди гапларини. Мўъжиза юз бериб,





сўнгги лаҳзаларда никоҳ риштаялари узилишини кутарди бу нобакор почча. "Эрининг жирканч ниятидан Муҳашшонинг хабари йўқ, бугун кулиб турибди, эртага йиғлайди, – деган ўй ўтди Таслиманинг кўнглидан. – Мен бўлмасам, бошқасини топади, тайини борми шу Зайднинг!..".

– Нимадир демоқчимисан? – сўради Муҳашшо ажабсиниб.

Таслима телефонни ўгай опасига узатиб, поччасига ғазаб билан боқди, Зайд кўзини олиб қочди.

– Нима қилай? – тушунмади Муҳашшо.

– Ўқинг, "SM S"...

– Кимдан?

– Кўринг...

– Кимдир "SM S" юбориб, жаҳлингни чиқараётган экан-да? Қани, кўрайлик-чи ичиқоранинг иғвосини!

Муҳашшо телефонни қўлига олган заҳоти яна бир "SM S" келди. Унда шундай сўзлар ёзилган эди: "Табриклайман, Таслима!".

– Сенга табрик жўнатишаяпти.

Таслима телефонни олиб, рақамларга кўз ташлади: ўша!

– Аввалгисини кўрсат-чи, – қўлини чўзди Муҳашшо.

– Йўқ, кетаверинг... бўлди...

– Кўролмаганлар ҳар нима дейверади, эътибор берма, – деди Муҳашшо. – Кайфиятингни кўтар, бунақа ўтирма, сингилжон. Мен меҳмонларга қарай, кутиб қолишди.

Эр-хотин нари кетди. Шу пайт яна бир "SM S" келди. Таслима ҳайрону лол қолди: "Мен сенга ёрдам бермоқчиман. Зайд билан Жовид ифлос одамлар! Омад ёр бўлсин!"

Бундан чиқди, Зайд эмас экан, ахир бу хабарлар Зайд унинг ёнида телефонсиз турганида келди, қолаверса, ҳақорат-чи?! У ҳолда ким? Таслима дарҳол кимлигини сўраб, яна "SM S" жўнатди, аммо жавоб қайтарилмади.

Тўй қулоқни қоматга келтирувчи қўшиқ, қийқириқ ва ёқимсиз дупур-дупур, ёввойи рақслар билан ниҳоясига етди. Келин-куёв ресторандан чиқиб, "Лимузин"да ўз хобгоҳларига жўнашди. Муҳашшо ҳамроҳ бўлди.

– Бу ерда янгалар йўқ, – деди изига қайтишдан аввал Муҳашшо. – Хайр, Таслима, бахтли бўл... "Ҳалиги" масалада Жовиднинг ўзи яхши тушунади. Келишиб кетарсан... Яна бир бор хайр, сингилжон. Энг муҳими, сен миллионерга келин бўлишни эпладинг! Маладес!

Муҳашшо ўпиб хайрлашди. Зайднинг қилиқларию нотаниш кимсанинг "SM S"ларидан ўгай опани огоҳ этишга қандай куч тўхтатиб турганини Таслима тушунолмади. Гаплашишни ҳам шунчалар истамай қолгандики, афтини кўрса кўнгли айнимоқда эди.

Баланд бўйли, полвон хотин уй хизматкори экан. Бир оғиз гапирмай, қовоғини ҳам очмай дастурхондаги ичимликларни оча бошлади. Таслима бошини кўтармай, индамай ўтирарди. Жовид билан эр-хотин эканига ҳамон ишонолмас, ҳис этолмас, бу ишлар – барчаси жиноятга молик қандайдир иккиюзламачилик эди гўё. Ҳа, энг камида оддий бир аҳмоқчилик эди.

– Онам Раъс ул-Хаймага кетдими?– ичкилик таъсирида ҳолсизланаётган куёв юзини ишқади. – Нима янгиликлар бор, эй?

– Кетди, отангизнинг ёнига, – деб жавоб берди хизматкор ҳам араб тилида. – Ҳалигича қўнғироқ қилмадингизми, жаноб?

– Вақтим бўлмади... Очиғини айтсам, эсимдан чиқибди. У-нутиб-ма-а-н!..

– Ахир...

– Ахир бугун тўйим бўлди! Мен уйландим! – Жовид кулиб юборди. – Улар тан олишмаса ҳам мана бу келинчак шу бугундан менинг хотиним, ноқонуний бўлса-да, шаръий хотиним! У билан яшашга, давру даврон суришга, ҳаёт гўзаллигидан лаззатланишга ҳаққим бор!

– Ҳм... Бедаво дард.

– Нималар деб минғиллаяпсан?

– Отангизнинг дардини назарда тутдим. У киши тилдан қолиб, ўсал ётганмиш. Балки қўнғироқ қиларсиз?

– Ҳамма хотинлари ўтирволиб йиғлаётгандир? Эрсиз яшаш осон эмас уларга! Лекин... – Жовид столни муштлади. – ...онам эри бўла туриб эрсиз яшади-ку! Шундай мазлумаки, Раъс ул-





Хаймадаги бирор зот тушунмайди онамнинг аҳволини!.. Энди нега чақирибди? Ўлими олдидан узр сўрамоқчимикан?.. Қизиқ. Умр бўйи азоб бериб, эс-ҳушидан айириб, охирида битта узр сўраб қўя қолинар эканми?

– Нима ичасиз?

– Ҳеч нима!.. – Жовид унга ғазабнок тикилди. – Кайфимни буздинг, Ёсира! Ҳамиша айтаман: каллангни ишлат, каллангни ишлат, каллангни ишлат! Келганингга кўп бўлгани йўқ, лекин минг марта асабимни ўйнадинг, минг марта!.. Нега безраясан, келтир телефонни! Бирор марта одамга ўхшаб гапирмайсан! Сенга минг доллар маош белгилаган одам...

– Минг доллар эмас, тўрт минг дирҳам, – деди хотин. – Долларга чақса, мингдан ошади.

– Бас! – кичқирди Жовид. – Минғир-минғир қилмасдан телефонни келтириб қўя қолсанг, қавминг тўнғиз бўлармиди?!

Хизматкор телефоннинг керакли рақамларини териб, Жовидга тутқазди. Жовид сўкиш ҳақорат эканини андиша ҳам этмай "йўқол!" дегандек қўл силкиди. Ёсира ортига бурилиб, Таслиманинг ёнида тўхтади. Араб тилида сўзлаган эди, келинчакнинг ҳеч вақо тушунмаслиги билинди.

– Ўзбек тилинда сўйламакни билуюрман, – деди хизматкор турк тилини аралаштириб. Оҳанги барибир арабчага тортди. – Мен асли араб эмасман, туркияликман. Лекин турк ҳам эмасман.

– Исмингиз Ёсирами?– сўради Таслима. – Менимча, у киши Ёсира дегандек бўлди.

– Ёсира Руфъат қизи... Тўғри дедимми?

– Тушундим. Бу уйда анча вақтдан бери ишлайсизми?

– Икки ҳафта, – дея бармоқларини кўрсатди хизматкор ва синиқ кулимсираб қўйди.

Таслима сурияли бизнесменнинг Дубайдаги уйидан қувилган Ёсира исмли хизматкор хотинни (у ҳам туркийчадан бохабар эди) ўйлаб, деди:

– Дубайда Ёсира исмли хотинлар қанчалигини билмайман, лекин Сора деган аёл билан ишлаган, яқинда хўжайинининг

телба қизи дастидан ишдан бўшатилган, ўзбекчада сўзлаша оладиган бир аёл ҳақида эшитганман...

– Ё Аллоҳ, кимсан ўзинг? – шарбат қуйишдан тўхтади хизматкор.

– Биз таниш бўлиб чиқишимиз мумкин. Бизнесмен қизининг исми Заира эди, ақли заифроқ. Душанба куни уни куёвга узатишди. Ўша Ёсира сизсиз, топдимми?

– Мен, мен, – деди Ёсира. Сўнгра шарбат қуйиб узатди. – Сорани нердан таниёрсан? Иш одами ва оиласини-чи?

– Ишлаганман.

– Ишлагансан? – кўзлари ола-кула бўлди хотиннинг. – Хизматкор ўлароқми?

– Шунақароқ. Унинг телефон рақамини кўринг, мен қўнғироқ қилсам, кўтармаяпти. Гаплаштириб берасизми?

Ёсира телефон рақамларига тикилиб, қошини чимирди.

– Бу унинг телефони. Сен афандининг уйига телефон очмоғинг лозим эди.

– У барибир мен билан гаплашмаяпти.

Ёсира Жовидга қаради. Куёв онасидан ташвишли хабар эшитди шекилли, қовоғи пир-пир учиб, ўрнидан турди, пешанасини ишқалашда давом этиб, телефонини қулоғига босиб, эшикка чиқди.

– Уларга нима етишмайди? – деди Ёсира куёв томон бош ирғаб. – Ўз отасига номеҳрибон! Нонкўр! Ҳали қон йиғламиш... Кўрдингми ҳақоратларини! Заира дали ўлса-да, бунчалик ҳақорат этмас эди.

У Таслиманинг телефонини рад этиб, ўзиники орқали Сора билан боғланди. Араб тилида паст товушда қаттиқ-қаттиқ гапирди. Сўнг Таслимага берди.

– Эрмени хотинни сўрама мендан! – ўдағайлади Сора. – Унут уни!.. Мени ҳам!.. Ҳаммамизнинг бошимизни гўрга тиқмишсан! Нима ёмонлик кўрдинг мендан?! Нима? Нима?!

– Ойимни танийди, суратини кўрсатмоқчиман! – деди Таслима. – Жон хола, телефон рақамини беринг, бир бор учрашай!





Бошқа ҳеч ишим йўқ, қасам ичаман!

– Ойинг? Насил ойинг?

– Мени олиб кетишга келган аёл! Ўгай онам!.. Бу ёғини сизга айтолмайман!

– Аллоҳ-Аллоҳ! Ундай бўлса, телефон рақамларни икки дунёда ҳам бермасман! Онанг кўзимга бало-қазо бўлиб кўринмиш! Сюзини полицияга тутиб бераjак, мени ҳам ўлдиражак!.. Эх, хоин! Сенга ҳеч бир ёмонлик қилмадик-ку! Бугун тўйинг бўлибди, табрик этажакман! Магар сенга ёмонлик соғинганимизда, бугун куёвнинг қўйнига бокира ўлароқ кирмаган бўлурдинг, ноинсоф!

Хонага Жовид қайтиб кирди.

– Что тут твориться, чёрт возьми? – деди русчалаб. Кейин Ёсирага араб тилида сўз қотди: – Ма ҳиял мушкила?

– Қўнғироқ қилиб беришимни сўради, холос, – деб Ёсира телефонини олиб чиқиб кетмоқчи эди, Жовид қўлидан юлиб олиб, рақамларни текширди.

– Бу Сора опа, – деди Таслима. – Тўйгача бирга ишлаганман. Унда ўзаро гапим бор эди.

– Қанақа гап? Рухсатимсиз ҳеч кимга қўнғироқ қилмайсан! Ҳатто отангга ҳам! Уқдингми?

Таслима бош силкиди.

– Қанақа гап? – такрорлади Жовид.

– Биринчи никоҳ кечаси сирлари ҳақида сўрамоқчидир-да, нега уялтирасиз? – деди Ёсира. Шундан сўнг Сора билан қўнғироқлашув оқибатида чиқаётган жанжал ўти босилди.

– У никоҳ кечаси ҳақида тўғри айтдими ё тўқидими? – деди Жовид иккинчи қават йўлаги охиридаги ётоқхонага кирганларида. Таслима ётоқхона деганда кичикроқ хонани тасаввур қилганди, аммо бу залдек эди. Ҳамма нарса бор: ёток дивани, телевизор, унинг қаршисидаги дивану ўриндиқлар, компьютер, қаҳва ичиш бўлинмаси, кийим жавонлари, айвонча, ювиниш хонаси...

– Сиз билан гаплашмоқчиман, жиддий масалада, – бошини кўтарди мунғайиб ўтирган Таслима.

– Нима экан?– кўйлагининг олд тугмаларини ечиб, қўлларига таянди Жовид. Куёвтўранинг қаршисида ҳақиқатан гўзаллик маъбудаси турарди. Ёш, қўл тегмаган навниҳол, кесак қалбларни ҳам оловлантириб юборадиган жозибадор.

– Хотинингиз бўлолмайман, – ҳазин овоз чиқди келинчакдан.

Жовид қарсак чалган эди, акустик қурилма ишлаб, чироқ ўчиб, бир зумдан сўнг бошқа чироқлар секин ёришиб, хона хира тус олди. Ширакайф Жовиднинг кўзлари йилт-йилт этарди. Таслима ваҳимага тушмасдан муаммони қатъият ва босиқлик ила ҳал этмоқ лозимлигини тушуниб, диван четида ҳайкалдек қотиб ўтирарди.

– Хўш?– деди Жовид ойнаванд тумба устидаги рюмкани олиб, ҳўпларкан.

– Қандай бўлмасин, қарзларни тўлашга қарор қилдим! Пул топишнинг йўлини ҳам ўйладим. Йигирма минг доллар қарзни номимга расмийлаштиринг-да, мени қўйиб юборинг! Ўртамизда ўша пулдан бошқа ҳеч нима йўқ! Агар никоҳни юзимга солсангиз, талоқ билан ҳаммаси тугайди. Сизга хотин бўлишни ҳам, Бирлашган Араб Амирликларида яшашни ҳам хоҳламайман! Бу ўлим билан баравар эканини энди тушундим. Истасангиз, оёғингизни қучиб, ялиниб-ёлвораман!.. Менга тегинманг!

– Хотинимсан, тамом! – ғазаб таъсирида ишшайди Жовид. – Мен уйланмаган йигитман! Хотин устига хотин қилиб олаётганим йўқ! Ёки кўзингга қари тўнка бўлиб кўринаяпманми?Нима, бутун мамлакатга мени шарманда қилмоқчимисан? Хотиним бўлсанг ўлар эмишсан! Шу кеча хотиним бўлмасанг, мен ўламан!

– Сиз сифлисдан ўласиз! – деди Таслима ўзини тутолмай.

Жовид рюмкани деворга улоқтирди ва келинчакнинг устига тўрт оёқлаб, худди ўлжага ташланишга шайланаётган йиртқичдек яқинлашди. Таслима қаердадир бир россиялик қизнинг хотиранomasини ўқиган эди: "Дубай – фоҳишалар учун улкан ҳайвонот боғи. Ҳар кеч ётоғингда сенга қараб эмаклаб келаётган "жундор маймун"ни кўрасан…" Таслима учун ҳам уй тўсатдан улкан қафасга, Жовид эса маймунга айланди. Банди эди бу қиз, қачонлардир озодликка чиқса ҳам, пайҳон қилинган, сўлиган гул сифатида кўчага итқитилади. Ҳеч кимга кераги бўлмайди. Юртга қайтганда ҳам кўнглидагидек бахтни топадими, йўқми, даргумон. Иккинчи турмуш – сири кўчган идиш, унинг ичида мазали таом пишиши мумкин, аммо ҳеч қачон гўзал кўринмайди.

...Рюмка синиқлари полга энди сачраб тушди!

– "SM S"ни ўқинг, ҳозир ҳам касалсиз! – деб Таслима сумкачасидан телефонни олишга улгурди. Жовид бўғиб ўлдирмоқчидек ҳамла қилган эди, қўйиб юборди. Хабарни ўқиб, четроққа сурилди, чўнтагидаги ялтироқ пакетчалар олиб улоқтирди (уларнинг нима эканлигини Таслима кейинчалик тушунди).

– Бу рақам кимники?– хириллаб сўради қутурган куёв.

– Билмайман, ресторанда ўтирганимизда юборди.

Жовид яшил тугмачани босиб қулоғига тутди. Бир неча марта уринишига қарамай боғлана олмади.

– Ўзимиздан!.. Бегона эмас!.. Ким бўлиши мумкин-а?! – Жовид у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кимларгадир қўнғироқ қилиб, хумордан чиққунча бақирди. Зайд ҳам бенасиб қолмади. Сўнгра ҳалиги пакетчалардан бирини ахтариб топиб, Таслимага яқинлашди-да, ҳамон ичилмай турган иккинчи қадаҳни даст кўтариб, жиғилдонига қуйди.

– Ишонма, – деди у ҳансираб. – Касал эмасман. Туҳмат қилишган, лаънатилар!

Таслима мўъжизадан умидвор ҳолда титраб-қақшаб нажот кутди. Никоҳ ўқилган, тўй ўтган, энди одамларни ёрдамга чақиришдан ҳам маҳрум эди шўрликкина. Қолаверса, Ёсира келин-куёвнинг никоҳ оқшомида қутқарувчи ролини ижро этмаслиги муқаррар эди.

– Мени алдаяпсиз! – йиғлаб юборди Таслима. – Ҳеч ким мени келин ўрнида кўрмади! Отангиз касал бўлса ҳам, барибир тўй бошқача бўлиши керак эди. Бунда бошқа гап бор!..

– Хотинимсан, хотинимсан! Зайднинг тўйида тушган суратингни кўрганимдаёқ меники бўлишингни билганман! Аэропортда кўриб, барибир ўзимники қилишга онт ичганман! Мана,

мақсадимга ҳам эришдим! Пулларга эса тупурдим!.. Менга сен кераксан… сен…

Енгилди. Таслима бутунлай енгилди. У тўрга илинган қуш каби иложсиз эди.

– Менга шунчалик ёқасанки… – деди Жовид.

Бироқ шу дам узоқ кутилган мўъжиза юз берди: эшик важоҳатли тақиллади. Кейин эса Ёсиранинг ваҳимали овози эшитилди:

– Нега телефонни кўтармаяпсиз, жаноб?! Отангиз вафот этди!

Жовид мушт еган каби ётоқ дивани устидан думалаб тушди. Хазонга айланишдан қутулиб қолган Таслима йиртилган либоси ила пок вужудини бекитиб, диваннинг қарама-қарши соҳилида бир кўриндию, кейин ётоқхонанинг қайсидир кунжагида оқ ҳарирни ҳилпиратиб, ғойиб бўлди. Унинг қаердалигидан мунгли йиғигина далолат бериши мумкин эди. Бироқ Жовид ёр васлини унутди, унутишга мажбур эди у.

– Эшитаяпсизми, отангиз вафот этди! – деди хизматкор эшикни гурс-гурс уриб.

– Ўчир! – ҳайқирди Жовид ва қўлига илинган иккинчи рюмкани эшикка отди.

У телефонини "овозсиз" ҳолатга солиб қўйганди. Дарҳол рақамларни териб, қулоғига тутди. Ҳатто гудок саси ҳам даҳшатли хабар яқинлигидан ваъда берарди.

– Нима бўлди? – сўради титраб.

– Отангни Худо раҳмат қилсин, – деган жавоб эшитилди телефондан. – У ўлди… Энди йўқ! Маҳшаргача кўрмайсан!

– Нега ўлади, нега? – Жовид овози борича бўкирди. – Нега айнан бугун ўлади?! Нега?!

– Бу нима деганинг? Ҳеч замонда Азройил жонини қачон олишини бандаси белгилайдими, тентак?! Тезда етиб кел! Ҳозироқ йўлга туш!

Кейин Жовид рюмка каби телефонни ҳам эшикка улоқтириб, майдалаб ташлади. Ёввойи овозда ҳайқириб, қўлига илинган буюмни уриб синдирар, йиртар, мажақлар, эзғилар эди. Дорилбақога риҳлат қилган барча ўтганлар мисоли Жовиднинг отаси





ҳам энди ҳеч қачон қайтмас эди. Баайни шу бугун, Таслимадек беғубор, бугуноҳ қизнинг қарзлар эвазига бахти поймол бўлаётган никоҳ кечасида рўй берган эди бу ўлим. Ва Таслимани Жовиднинг чангалидан халос этди бу ўлим.

– Таслима, эшикни оч! – қичқирди хизматкор.

Ўзини ҳар ёнга уриб ҳолдан тойган Жовид деворга суянганча ўтириб қолди, бошини осилтириб, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади. Отасининг ўлими тўйини бузмаган эди, тўйдан сўнг ўлди у. Ёр васлидан-да айирди деб бўлмасди, тирик экан, эрта-индин қовушадилар. Жовидни ўлим хабари бирдан ёш болага айлантириб қўйган эди. Гўдаклигида, етти-ўн ёшларигача қандай эркаси эди отасининг. Ҳозир ўша дамларни эслаб, ўша қайтмас дамлардаги отасини хотирлаб, эзилиб кўз ёш тўкмоқда эди. Кўп йиллардан бери биринчи марта кўнгли беҳос ийиб йиғламоқда эди бояқиш.

Таслима устки кийимларини кийиб, эшикка чопиб бориб, ланг очди. Ёсира лапанглаб кириб, чироқ тугмачасини босди. Хўжайинининг эгнига мато ёпиб, дарҳол финжонга сув қуйиб узатиб, деди:

– Аллоҳнинг иродаси… Ҳаммамиз ҳам бир кун келиб, омонат жонни топширамиз… Ичинг.

– У қочиб кетмасин! – деди Жовид.

– Ким?

– Таслима.

Ёсира ортига ўгирилиб, йўлакда телбавор турган келинчакка тикилди.

– У нега… қаёққа қочади? – лаб бурди хизматкор. Бойликка учиб, араб миллионерваччасига турмушга чиқди, деб ўйлаган эди.

– Йўқ… кийинсин… бирга кетамиз… Сен эса, Ёсира, уйга қараб ўтир!

Орадан бир соат ўтиб, уй олдига машина келди ва сигнал чалди. Жовид билан Таслима орқа ўриндиққа ўтиришди. Раъс ул-Хайма амирлиги мамлакатнинг шимолидаги гўзал, осуда макон бўлиб, ажойиб боғлари, яйловлари билан машҳур эди,

қишлоқ хўжалиги шу қадар равнақ топган бошқа амирлик йўқ эди бу юртда. Муҳашшонинг гапига ишонадиган бўлса, Дубай ва Раъс ул-Хайма худди Тошкент ва Жиззахдек олисликда эди. Таслима тонг отмасдан Раъс ул-Хаймада бўлишни ўйлади. Тез орада уйқу босди ва уммон тубига чўккандек онг-шуури уйқу қаърига ғарқ бўлди.

Жовид қайнонаси ҳисобланмиш Холпошшага қўнғироқ қилиб, отаси вафот этганини, Таслимани ҳам она шаҳрига олиб кетаётганини, бир неча кун ушланиб қолишларини айтди. Ўгай она тўйда кўпроқ ичиб қўйган шекилли, гапга тушунмай Жовидни янада асабийлаштирди. Ўз телефонини пачоқлагани учун Таслиманикидан фойдаланаётган куёв қизил тугмачани босиб ўчирди-да, қайнонасини қўланса сўзлар билан сўкди. Шу тобда Жовид учун ҳар бир одам ёлғончи, чириган мияли, кўнгилсизлик келтиргувчи эди. Телефонга бир зум тикилиб, бир нарса ёдига тушгандек шошиб, ичини ковлай бошлади.

– Ҳой, – туртди келинчакни, – бу "SM S"ларни ким юборган бўлиши мумкин?

Таслима кўзини зўрға очди.

– Билмасам…

– Туғилганига пушаймон қилдираман! – Кейин олисларда чироқлар милтираётган саҳрога ўйчан қараб қолди. – Иккита нусхадан гумоним бор. Биринчиси Зайд, иккинчиси хотини…

Таслима миқ этмади. Ғувиллаётган бошида "Муҳашшонинг буларда нима қасди бор?Дубайда яшаётганига хурсанд-ку", деган ўй чарх урди. Жовид гапини маъқуллашларини истайдиган димоғдор эди, шунинг учун хотинининг сукут сақлаши ёқмади.

– Ўгай опангни назарда тутганим йўқ, – деди у. – Опангдан аввал Зайднинг арман хотини бор эди, ўша!

Шундагина Таслима сергак тортди. Мияси бирдан тез ишлаб кетди: дарҳақиқат, Зайд поччасининг биринчи хотини арманистонлик эди. Сюзи ҳам Арманистондан. Ва у Сора билан таниш. Ўтган вақт мобайнида Таслима Сорага бир неча марта қўнғироқ қилди. Бу дегани, Сюзи истаган вақтда Сора орқали Таслиманинг телефон рақамларини аниқлаши мумкин. Хуллас…





"Ким экан унинг хотини? – деди Таслима ичида. – Сюзи эмас, у жуда қарилик қилади. Анаит ҳам эмас, аксинча, у жуда ёш, Дубайга эса яқинда келган. Демак, уларнинг доирасидаги жувонлардан бири…".

– Поччанг аввал уйланганидан хабаринг бор, – деди Жовид. – Бу ерга Россиядан келган қўғирчоқдек қиз эди. Асли уруғи Арманистондан. Исми Нара. Бирмунча вақт бизнинг қўл остимизда ишлаб юрди. Зайд Москвадан келиб, у билан битта том остига тушиб қолди. Етти мамлакатдан қиз-жувонлар ишларди. Бир куни қарасам, Нара билан бир чеккада кулишиб турибди. Иш юзасидан гаплашиши мумкин, аммо бунақа туриш… Зайднинг унга уйланишга аҳд қилишини кутмагандим. Хабаринг бўлса керак, Зайд бошида биз билан жуда яхши ишлаган, Тошкентда ҳам ишончли вакилимиз эди, лекин отамнинг ҳам, онамнинг ҳам ишончини оқламади. Умуман, у ҳеч кимнинг ишончини оқлайдиган одам эмас. Афсус, бу бир неча йил давомида билинди... Муҳашшонинг ҳам алдаб юрибди! Кўрасан, жанозага ҳам шунчаки расмиятчилик учун боради, амакичилик меҳрмуҳаббати йўқ унда!

– Ҳа, улар бир-бирини алдаб юрибди, – деди Таслима кўзларини юмиб.

– Сенга ҳам бошқача кўз билан қарайди. Нега шуни ўзинг айтмайсан?

– Илтимос, бу ҳақда гаплашмайлик.

– Майли. Megдек одамга рад жавобини айтганингда Зайдга, ўз поччангга тегармидинг!.. "SM S"лар муаллифи у эмас, шундайми?

– Ҳа.

– Нима "ҳа"?!

– "SM S" келганда, опам иккиси ёнимда эди…

Таслима туйқус афғонистонлик таксичини эслади. Бироқ таксичи Таслиманинг телефон рақамларию Жовидлар сулоласининг кирдикорлари ҳақида маълумотларни қўлга киритганига

ишониш қийин эди. У Таслимага шунчалар қизиқиб қолганмикан? Фақат пул ишлаш учунгина Бирлашган Араб Амирликларида юрибди чоғи, эндиликда бир қиз учун ҳаётини хавф остига қўйиши ҳақиқатдан йироқ эди.

– Бу ўша, Нара исмли шайтон, бошқа ҳеч ким эмас! – деди Жовид телефонга бармоғини нуқиб. – Агар исм-фамилиясини ўзгартириб, сохта ном остида Дубайда фоҳишалик қилаётганини эшитмаганимда, хаёлимнинг кўчасига ҳам келмасди... Менга қара, у икки кунда сени қутқаришга ваъда берибди. Агар бирор одамни юборса ёки учрашувга таклиф этса, менга айт. Айтмасанг, хафалашамиз! – Жовид ўзига ўзи алжиради: – Қутқарар эмиш! Нима, қиз ўғирлаб, номусига тегибманми?!

– Айтаман, – деди Таслима бош ирғаб.

– Сен, – овозини пасайтирди Жовид, – бояги гапларингни миянгдан чиқар. Гап йигирма минг долларда эмас! Отанг Дубайга келиб, ҳалокатга учраб, оқибатда мендан йигирма минг қарз бўлмаганингда ҳам барибир васлингга эришиш йўлини топардим... Чунки сени севаман!

У ишқ изҳорини беихтиёр араб тилида ҳам айтди, Таслима бошини янада солинтириб, кўнишиб ўтираверди. Лутф-марҳаматлар энди тажовуздан дарак берувчи дебочадан бошқа ҳеч нимани англатмасди. Шунга амин эдики, ҳисоб рақамида йигирма минг доллар бўлганида, Жовид қўлидан-да тутолмасди.

– "SM S"да "Сайклон"ни қўшиб ўтганини қара! – гапиринди Жовид. – Ҳар қандай дубайлик биладики, у ерда фоҳишаларни учратиш мумкин. Мен ҳам борганман, ўтирганман хушчақчақлик қилиб. Лекин бузуқчилик... "SM S"да очиқча туҳмат қилган! Касалим ҳам бошқа... Тезда даволатаман. – У ҳайдовчига мурожаат қилди: – Дубайда енгилтак қизларни қаердан топиш мумкин? Мисол учун, сенга хорижлик жаноб пул бериб, қизлар бор жойни кўрсат, деди.

– "Сайклон", – деб жавоб берди ҳайдовчи.

* * *





Таслимани қўрғонга ўхшаш уйга олиб кириб, янги хобгоҳни кўрсатишди. Телефони хизматкор хотин назоратига берилди, паспорти эса шошилинчда Дубайда қолиб кетганди. Ниҳоятда ҳолдан тойган экан, турткилаб уйғотишганида, вақт чошгоҳга яқинлашган эди. Бу ердагилардан бирортаси ўзбек ёки рус тилини билишмас экан. Жовидга қўнғироқ қилишиб, гўшакни Таслимага тутқазишди.

– Аёллар билан жанозага келасан, – деди Жовид. – Отамнинг уйи узоқ эмас, истироҳат боғидан кейинги кўча... Отадан айрилиш қанақа бўлишини сен ҳис этолмайсан! Таслима, ўлим – даҳшатли айрилиқ... Менга бошқа қовоқ-тумшуқ қилма, сенинг отангнинг ҳаётини сақлаб қолайлик... Келишдикми? Пул мендан, меҳр сендан.

– Бандалик... Худо раҳмат қилсин... – Таслима карахт ҳолда энди таъзия изҳор этди.

Ойнаси қорайтирилган "Жип" келди, осуда кўчалардан ўтиб, Саъд Масрур аш-Шамснинг уйига етдилар. Бу маконда у тўртинчи хотини билан истиқомат қилар эди. Учинчиси кўчанинг нариги томонида, икки ҳовли қуйироқда, иккинчи хотини эса бошқа мавзеда яшарди. Биринчиси – Бадрия хоним Раъс ул-Хаймадаги қўрғондек уйидан Дубайга сургун қилинган, ўғли Жовид ила тижорий ишларга номигагина бош-қош этилган, аслида ҳамма ишларни расмий вакиллар бошқарарди.

Таслимани марҳумникига уч кун олиб келишди. У ўлик қачон, қаердан, қандай чиқарилганини кўрмади, йиғи-сиғини ҳам эшитмади. Ҳар гал қадами етганида қайнотасининг хонадонида сукунат ҳукм сурарди.

Шу орада Холпошша ва Муҳашшо ҳам келиб кетишди. Негадир Таслимага совуқдан-совуқ муомала қилишиб, Жовид билан пичирлашдилар-да, тезда жўнаб қолишди. Заҳро хоним эса Таслимага зимдан қараб қўйди. Таслима араб аёллари олдида сўз қотолмади, Заҳро хоним ҳам алланечук тушкун ва журъатсиз алфозда яна бир нигоҳ ташлаб, секин узоқлашди.

Бадрия хоним учинчи куни қора кийиниб, "қўрғон"ға қайтди. Таслима шу кунлар мобайнида алоҳида ётиб юрган эди. Хизматкор жувон етказган шекилли, Бадрия хоним бундан хабар топибди. Зудлик билан Заҳро хонимни тилмочликка чақириб, бир-биридан қўрқинчли, фожиали сўзларни гапира бошлади:

– Ўғлим билан турмуш қурибсан, билиб қўй, бу никоҳ шунчаки шаръий! Бунинг нима эканини биласанми?Билмасанг, эшит! Эркак зоти нафсини қондириш учун ҳар нимага тайёр. Уларни ё жиловлаб туриш, ё олдига қанжиқни ташлаш керак…

Таслима қайнонасига гап қайтаришни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бироқ Заҳро хонимнинг қисиниб-қимтиниб қилган таржимасидан сўнг:

– Менга бундай муомала қилманг, аввал ҳақиқатни билиб, кейин гапиринг, – деди. Дедию ошириб юбормадимми, деб Заҳро хонимга қаради. Заҳро хоним Зайддек нобоп ўғлининг қайнсинглиси бўлмиш Таслиманинг олдида гуноҳкордек бир муддат таржима қилолмай турди.

– Айнан! – талаб қилди Бадрия хоним овсинини тушуниб.

Заҳро хоним вазиятни юмшатишга уриниб, сўзларни ситиб-ситиб талаффуз этган эди, сабрсизликдан портлаб кетаётган Бадрия хоним оғзидан туфук сачратиб, кўзлари ола-кула бўлиб, бақирди:

– Ҳақиқатни мен эмас, ўзинг бил! Ўғлим сенга уйланаётганини эшитганимда, жоним бўғзимга келди! Кимсан ўзинг?Онанг Холпошша "Призма" олдида ҳам, "Сайклон"да ҳам кезиб юрарди! У ғирт фоҳиша, қўшмачи! Тўғри, туққан онанг эмас, лекин тарбиясини олгансан, қаёққа борардинг! Сенга уйланаётганини эшитиб, Жовидни қайтармадим. Ота-боболаримизнинг ҳам канизаклари бўлган. "Ҳар хил бўлмағур ишлар билан шуғуллангандан кўра уйлангунга қадар бир чўрини топиб, тан маҳрам қилиб турса бўлади", дейишган. Келиб-келиб сени келин қиламанми? Шунчаки тан маҳрам чўрисан, жориясан! Онангга ўхшаб, мақсад-муддаонг доллар! Алоҳида ётиб юрганинг жонимни чиқарди! Сен нега кераксан?Қонуний хотин бўлиб олиб,





мулк талаб қилишни хаёлингга ҳам келтирма, ўғривачча!

Заҳро хоним шафқат қилишни овсинидан сўрамади. У Зайддан қанча куйган бўлса, Муҳашшодан ҳам шунчалик куйди. Нима қилсин, Бадрия хоним тентак бўлса-да, ҳақиқат заҳридан қўшиб сўзламоқда эди.

– Тамом, ҳаммаси тамом, Таслима, – деб Заҳро хоним ўрнидан турди. – Мендан хафа бўлма, сен бу уйда, бу мамлакатда ҳеч ким эмассан.

– Тушунмадим, Заҳро хоним?– Таслима ёқасини ғижимлади.

– Улар сени келин қилишмаган, Жовид сотиб олган, холос. Ўтмиш замонлардаги чўри қизлар кабисан… Жовид бир-икки йилда нуфузли араб хонадони қизига расмий равишда уйланади! Унгача ахлоқан бузилиб кетмаслиги учун сен "хизмат" қилишинг керак. Шу!.. Менимча, буни Муҳашшо ҳам, онаси ҳам жуда яхши билишган… Мен ҳам сезганман, лекин асосларим ожиз эди. Қолаверса, яхши бўлиб кетишдан умид қилгандим. Энди кўраяпманки, на қайнонанг билан, на Жовид билан келиша оласан. Модомики, ўрталарингда "эр-хотинлик иши" ҳали бўлмаган экан, ўйлаб кўр. Балки талоқ сўрарсан?Балки полициягами, элчихонагами, мурожаат қилиш керакдир?

– Биз, аниқроғи, мен Жовиддан отам учун қарз бўлиб қолганман…

– Кўпми?

– Кўп, – деди Таслима, – мен учун кўп, йигирма минг доллар… Уни тўлолмайман… Отамнинг Дубайда бошқа меҳрибони бўлмагани учун мен гаровга қўйилганман… Агар мен бўлмасам, ўгай онам, ўгай опам ҳеч қачон отамга деб пул ишлаб бермасдилар. Аслида уларга отам хор-зор бўлиб ўлса ҳам фарқи йўқ… Улар Жовид берган пуллардан орттириб, ўзларига ишлатаётганини ҳам сезиб юрибман.

– Бадрия хоним ўртада шу сабаб борлигини биладими?

– Йўқ шекилли… Бошида Жовид касалхонага беш минг доллар атрофида пул харажат қилганида, тўполон кўтарганди. Пуллар бизнес учун сарфланди, деб бу кишини алдагандик.

– Йигирма минг доллар юз минг дирҳамга яқин пул! У ҳақда зинҳор хабар топмасин, – деди Заҳро хоним. – Акс ҳолда сенга жуда-жуда қийин бўлади. Буларни гапирганимни сир тут. Мени уруш оловига мой сепган одамга чиқариб, ўтган йилдагидек ўғлим Зайдни исканжага олишмасин. Бадрия хонимни яхши билмайсан!.. Хулласи калом, овсинимнинг гапларини тўғри таржима қилдим ва сенга сабр тиладим! Жовиднинг берганига шукр қил, бошқа нарса сўрама, дедим. Мени тушундинг-а?

Таслима йиғламоқдан бериб бўлиб бош қимирлатди. Бадрия хоним диққат ила тикилиб ўтирарди. Шу аснода миясига бир фикр келиб, бадқовоқ турқ-таровати ўзгариб, қичқириб юбораёзди:

– Заҳро! Заҳро-о! Ундан ҳозироқ қутулиш йўлини топдим!

– Қандай йўл?

– Жовид отасининг мотами билан андармон бўлиб юрганида, – оғзи кўпириб сўйлади Бадрия хоним, – буни Тошкентга яширин равишда учириб юборамиз. Тўйга кетган харажатларни ва самолёт чиптаси пулини Холпошшадан ундираман. Дубайдаги цехда ишлатаман ва маош бермайман, қалай?Холпошша шерикликда бизнес қилмоқчи бўлиб, анқов Жовиддан аввал ҳам бирмунча пул олганди, уларни ҳам қайтариб қоламан. Таслима жория вазифасини ўтамай, тўшагини алоҳида қилдими, демак, ўғлимни бутунлай қўлга олмоқчи! Ундан, уруғ-аймоғидан қўрқаяпман! Ўғлимнинг бўйнидан бўйинтуруқ ўтказиб, ҳали кўп нарса талаб қиладиганга ўхшайди улар.

Заҳро хоним минг хил режа кутган эса-да, бунақасини хаёлига келтирмаган эди. Ахир, марҳум миллионернинг беваси бир дирҳам учун ўлиб-тирилади. Йирик миқдорда пул қарз эканини билмай Таслимани ўз қўли билан қўйиб юбориб, пулдан қуруқ қолса… кейин қиёмат қўпади-ку!

– Лекин… Бадрия хоним… – деди, аммо шу тобда Заҳро хонимнинг тили айланмай қолди.

– Мижғовланманг! Сизни бу ишда айбдор қилмайман, Жовид ғиринг демайди! Ўғлингиз Зайдга ҳам гап тегмайди, Худо ҳаққи.





– Ўзингизга ҳавола, барибир мени аралаштирманг, – деди Заҳро хоним ранги баттар гезариб.

– Дубайга юборишга, Холпошшани огоҳлантиришга – ҳеч нарсага ҳожат йўқ. Ўзимизнинг аэропортдан, агар бу ерда Тошкентга рейс бўлмаса, Шаржадан учириб юборамиз. Қани, манави нусхага таржима қилинг, бугуноқ ватанига кетади, даф бўлсин, шайтон!

Ниҳоят, Заҳро хоним ўзини қўлга олди. Бир ёқдан ўғлининг тинчлиги, иккинчи томондан бегуноҳ қизнинг тақдири ақл эшигини қоқиб турарди. Яна бир неча сония ўтди,.сўнг… мазкур ишга дарҳол бош қўшишга, қизни Бирлашган Араб Амирликларидан чиқариб юборишга аҳд қилди.

– У сени уйингга юбормоқчи, – деди чуқур тин олиб.

– Дубайга қайтишим керакми?– Таслима бармоқларини эзғилаб, қуда холага термулди.

– Ё Аллоҳ, Дубайда уйинг борми! Тошкентга жўнатади, Тошкентга! Омадинг чопди, бахтинг бор экан!

– Қарзлар…

– Қарзларингни онанг тўлайди… Сен кетавер… кетавер, қизим. Заҳро хонимнинг ўзи улардан ундириб олмоқчи! Ахир, нимадан қўрқасан, фурсатдан фойдаланмайсанми!

Қарздан бехабар Бадрия хоним зўр иш қилган каби ғолибона иршайиб ўрнидан турди ва самолёт рейсларини шахсан суриштириш учун телефон турган хонага чиқди. Шаржадаги халқаро аэропортда эртага, тушдан сўнг рейс бор экан. Бироқ Таслима эрталаб Шаржага жўнаб кетолмади, негаки паспорти Дубайда эди.

– Минг лаънат! Паспортингни ёнингда олиб юрсанг, оғирлигидан белинг майишадими?! – ўшқирди Бадрия хоним.

– Дубайга бориб келади, – деди Заҳро хоним.

– Энди улгуролмайди, эртага қолди, – ижирғаниб, афтини бужмайтирди Бадрия хоним. – Нима қилсам экан-а? Тўхтанг, ўша ёқдан жўнайди. Шаржаю Раъс ул-Хайма, илоё, қорасини кўрмасин бунинг!.. Жўнасин! Думини тугсин бу ерлардан! Агар Дубайда қолишни режалаштираётган бўлса, ўз қўлларим билан

бўғиб ўлдираман!

– Қўрқманг, у жон-жон деб юртига кетади. Жовид билан никоҳдан ўтишига ўгай онаси мажбурлаган… Тағин қудасини ёмон кўради, шунинг учун ёмонлаяпти, деманг. Холпошша бошидан менга ёқмаганини биласиз, бир куни ўзига ҳам айтдим. Зайд иккинчи марта мени шарманда қилди…

– Албатта! Жовид ҳам ўғлингиздан ўрганди хорижлик қизларни вақтинча никоҳига олишни!

– Гап бир қизнинг тақдири ҳақида кетаётганда уни пайхон қилмайлик...

– Наҳотки, у мажбуран юрганига ишонсангиз?! Нима, хорижлик қизлар қулдай сотилаверадими?Бизнинг тараққий этган Бирлашган Араб Амирлигимизда-я?! Полицияга мурожаат қилса бўлади-ку! Нега жим бу суюқоёқ?! Хуллас, Дубайдаги одамимизга қўнғироқ қиламан, Таслимани кутиб олиб, самолётга чиқариб қўяди. Йўлда ўғлим билан боғланса, валақлашса, бўғиш у ёқда турсин, сўяман, қўйни сўйгандек сўяман! Афсус, ҳозир Дубайгача кузатувчи қўшиб жўнатолмайман, кимни қўшиш миямга келмаяпти. Таксичи автобус рақамларини ва Раъс ул-Хаймадан жўнаган вақтини менга айтса, бас, қолганини кўраверамиз.

– Кузатувчи шарт эмас. Имоним комилки, йўлда Жовид билан қўнғироқлашмайди. Чизган чизиғингиздан чиқишнинг иложи йўқ, шўрпешона қаёққа ҳам қочарди! Қачон уйга кетаман, деб ичида йиғлаб юрган бўлса...

– Э, ичига кириб кўрганмисиз! – жеркиб берди бойвучча овсин.

Заҳро хоним ташқарилаган бўлиб, Таслимага шипшиди:

– Таксичига тайинладим, муюлишда беш дақиқа тўхтаб, мени кутади. Бекатгача ўзим кузатиб қўяман. Эҳтиёт бўл, Жовид кўриб қолмасин. Ҳадемай у отасиникидан қайтади.

– Хўп, – деди Таслима. Унинг вужуди уйга кетиш иштиёқи билан қайтадан лов-лов ёна бошлаган эди. Худди отаси ҳозиргина самолётда Тошкентга жўнатилгану жазирама шаҳарда ёлғиз қолиб кетгандек.





Такси эшиги ёпилиб, жойидан қўзғалди. Бир зумда муюлишга етиб, светофор яқинида, бир четга тўхтади. Шу ерга Заҳро хоним етиб келиши керак эди. "Кела қолса-чи!" – ич-этини еди Таслима.

Бир пайт рўпарада Жовиднинг машинаси кўринди. У рулда сигарета чекмоқда эди. Кўринишидан ўлгудек ичган ёки уч-тўрт кун ухламаган одамни эслатарди. Очиқ деразадан осилган озғин, жундор қўли шалпайиб, эгасининг нақадар беҳафсала, бенаво, ҳорғин эканидан далолат берарди.

– Ҳайя, – деди Таслима араб тилида. Илтимос қилишни билмас эди, инглиз тилида тушунтиришга уринди: – Плиз, мистер…

Жавобан таксичи соатига ишора қилиб, арабчада алланима деди. Заҳро хонимнинг исмини тилга олганига қараганда, уни кутишга ваъда берганини айтмоқда эди. Таслима букчайиб ўтириб, юзини тўсди. Шу қўйи тўхтаб қолган вақтга жон киришини кута бошлади. Вақт эса чиндан-да тўхтаб қолганга ўхшарди...

Бироқ ортиқ чидаёлмади. Қаддини ростлаганида яшил чироқ ёнган, Жовиднинг машинаси жойидан қўзғалган, шундоққина таксининг ёнига етган эди. Бахтга қарши Жовид айни шу дамда такси томонга кўз ташлади, Таслима илонга дуч келган каби тошдек қотди...

Машиналар сигнал чалди, асфальтдан ҳовур кўтарилди, қора кўзойнак янада қорайиб кўринди. Таслиманинг юраги уришдан тўхтаб қолди. Назарида, ҳозир шилқ этиб йиқиладию жон берадди-қўяди.

– Кетдик, – деди эшикни очиб, бош суққан Заҳро хоним. – Ҳозир ўтган машинани танидингми?Жовид эди!

Таслиманинг тили бир сўз айтишга-да айланмади. Бекатгача у ўликдек қимир этмай борди. Заҳро хоним дам Муҳашшо ва онасидан нолиди, дам юз берган воқеалар учун узрини айтди. Гарчи у бир қарашда салобатли, ўзига тўқ хонадон бекаси бўлиб кўринса-да, Бадрия хонимнинг зулм товоғидан ўз насибасини ялаб яшар, Саъд Масрур аш-Шамс салтанатига қарам бўлган иложсиз бир хотин эди.

– Дубайдан учиб кетган дақиқангдан бошлаб сен бахтлисан, – деб қучоқлади у. – Биздан хафа бўлма. Бир замонлар келиб, яна кўришармиз… Ўшанда сени бахтли ҳолда кўришни истайман… Аллоҳ ўз паноҳида асрасин. Хайр, қизим.

– Хайр, – деди Таслима ҳам. – Раҳмат, хоним, раҳмат…

Автобус бир соат юрди. Худди бир кун судралгандек Таслиманинг бўлари бўлди. Шаржани ортда қолдириб, Дубай халқаро аэропортига яқинлашганларида, телефон жиринглади.

– Алло, сен Таслимамисан?– сўради нотаниш эркак рус тилида, талаффузи инглизчага тортарди унинг.

– Ҳа, – кўрқа-писа жавоб берди қиз.

– Мен Бадрия хонимнинг ўтинчини бажаришим керак. Автобус ҳозир қаерда?

Таслима билганини айтди.

– Бекатда учрашамиз, сени ўзим таниб оламан.

– Кечирасиз, самолётга улгураманми?– сўрашга ҳадди сиғди қизнинг.

– Йўқ. Эртага ўн бирдан ўтганда учасан. Ҳозир аэропортдаги бекатдан машинамга ўтирасан, шаҳар ичкарисига кирамиз. Тушундинг-а?

Таслима телефонни ўчириб, кўзларини юмди, "Худо хоҳласа…" деган сўз учди лабидан. Отасини шунчалар соғинган эдики, афсонага айланиб, асрлар қаърига сингиб бораётган дийдор онлари ҳақиқат майдонига шитоб-ла қайтмоқда эди. Беихтиёр телефонни бағрига босиб, силади. Бироқ шу лаҳзада матоҳга жон кириб, асабий дириллади: қўнғироқ Раъс ул-Хаймадан эди! Қалтираганча яшил тугмачасини босиб, қулоғига тутди. Заҳро хоним экан, шоша-пиша сўзлади:

– Жовид ахтараяпти, хонангга кирмоқчи. Онаси шу вақтгача иш билан чалғитиб турганди, энди ёлғон ишлатмасдан иложи йўқ. Ҳозир Жовид сенга қўнғироқ қилади. Сўраса, "мени аммангиз Ойшаникига олиб кетишди", де, уқдингми?Ойша касалманд аёл. Унга бир вақтлар хорижлик қиз хизматкорлик қилган, жуда ҳам ёқтириб қолганди. Неча йилки ўша қизни қўмсайди. Биз





Жовидга "отангнинг қазоси аммангни бутунлай йиқитиб қўймасин, хотининг хорижлик қиз ролини ўйнаб берсин, ҳеч бўлмаса, бир кун овунсин бечора", дедик. Агар уйи қанақалигини алдаб сўраса, икки қаватли эканини, хоналари катта-катталигини денгиз кўриниб туришини айт. Яхшиси, гапни буриб юбор.

Мана, Жовид ҳам қўнғироқ қилди.

– Ким билан гаплашаётгандинг?– сўради у.

– Хизматкорлардан бири илтимос қилганди, телефонимни бериб турдим, – алдади Таслима.

– Нима, улар сени хизматкор деб ўйлашдими?Нега телефон сўрашди сендан?Ўзлариники-чи?Қани, ўша қулваччага бер-чи телефонни! Бир гаплашиб қўяй олифта билан.

– Узр, уни иккинчи қаватга чақиришди.

– Аммамнинг ёнигами?

– Мени ҳам чақиришяпти… Кейинроқ ўзим телефон қиламан… Кечирасиз... Эртага ёнингизга қайтарканман.

– Ёнимга?.. Ҳм-м… Майли, фақат бундан кейин менгагина хизмат қиласан, – деди у.

Таслима юрак ҳовучлаб телефонни ўчирди. Паспорти Дубайда қолиб кетгани учун ўзини қарғади. "Шошганимдан уни унутганим бошимга етмаса эди", деб ўкинди. Бугун телефоннинг ҳар бир саси уни сескантириб юбормоқда эди.

Дарҳақиқат, шу сонияларда "SM S" келганидан дарак берувчи сигнал чалинганида юраги бир қарич кўтарилиб тушди. Уч кундирки, сукут сақлаётган ўша абонент яна "SM S" юборган эди: "Минг бор узр, сени қутқаришга берган ваъдамни вақтида бажаролмадим. Ҳозир изингдан тушганман, лекин Дубайда эмас дейишди. Раъс ул-Хаймада жанозадамисан?'

Таслима дарҳол жавоб ёзди: "Зайднинг биринчи хотини Нарамисиз?Менда нима ишингиз бор?' Жавоб келди: "Кимлигимни кейин айтаман. Қаердасан?' Таслима бир зум ўйга толиб, шоша-пиша шуларни битди: "Ёрдам бермоқчи бўлганингиз учун раҳмат. Мен юртимга кетаяпман!"

Бекатга тушган заҳоти ёнига оврўполик йигит яқинлашди.

Зебранусха футболка, оқ шим кийган, пешонасига қора кўзойнак қўндирган, сақич чайнаган нусха эди у. Кўзлари оч мушукникидек тикиларди одамга.

– Машинамга юр, сени меҳмонхонага жойлаштираман, – деди у сумкага қўл узатиб. – Телефонингни чўз, сенга мумкинмас.

– Йўл бўйи ҳеч кимга қўнғироқ қилмадим, энди ҳам…

– Гапни кўпайтирма! Дубайдан ўз юртингга изсиз йўқолишни ўзинг хоҳлабсан-ку, телефон эса ортиқча ташвиш. Жовид халимай яна қўнғироқ қилади, сирингни бой бериб қўйсанг, тамом.

Терилган рақамларни ва қўнғироқ қилган абонентларни текшириб чиқди. Сўнг Бадрия хонимга боғланиб, араб тилида хисобот берди. Телефонда гаплашаётиб олисларга айёрона тикилиб, кўзини қисиб оладиган одати бор экан. Бир оёғини тинимсиз салангглатади.

– Паспортингни ҳозир келтириб беришади, – деб телефонни чўнтагига урди кимса. – Меҳмонхона пойида кутамиз. Тағин полицияга гуллаб қўйма, ўзингга бош оғриқ бўлади, ахир Жовиднинг хотинисан. Эрингдан берухсат қочиб кетаётганинг учун жавоб берасан. Ана шунақа! Бу – араблар диёри, Европа эмас.

Шаржа ва Раъс ул-Хайма амирликларини кезиб, яна Дубайга қайтган Таслима эшик қулфлангач, ёлғизлик ва ҳаловатдан ҳузурланиб уйқуга кетди. Кечки ўн бирларда қорни очикиб уйғонди. Паспортига анча вақт тикилиб, варақлаб ўтирди. Кейин ўз-ўзидан томирларида севинч гупуриб, паспортни тўйиб-тўйиб ҳидлади ва йиғлаб юборди. У ҳаммаси ортда қолди, деб ўйлаётган эди.

* * *

Кечаги олифта сўроқлаб келганида, Таслима аллақачон уйғониб, деразадан эрталабки Дубай манзарасига хаёлчан термулиб турарди. Эркакнинг қора кийимига ажабсиниб қараб қўйди. Бугун на кўзойнаги, на сақичи бор эди, бутунлай бошқа инсонга ўхшарди у. "Ёқимсиз йигит, лекин пешанасига





халоскорлик ёзилган, – кўнглидан ўтказди Таслима. – Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз…".

Улар лифтдан биринчи қаватга тушишиб, расмиятчиликни адо этишгач, кўчага чиқдилар. Кимса телефондаги "SM S"ларни кечаси ўқиган экан, деди:

– Содда ҳам, айёр ҳам эмассан. Кеча ҳеч ким билан гаплашмадим, деб алдабсан, аммо роса "SM S" ёзишибсан. Мени алдаганинг майли, қандайдир нотаниш нусхага уйингга кетаётганингни нега айтдинг? Қайси миянг билан сирлашдинг-а?! Ким ўзи бу рақамдаги "халоскор"?

– Билмайман. Доим шунақа "SM S" юборади.

– Қип-қизил тентак экансан! Қиз бола бўлсанг ҳам юзингга айтдим… Қўполлик учун эса кечирасан, аммо ростдан томинг кетган сенинг!

Телефон ҳазин куй таратди. Кимса қулоғига тутгач, бир дақиқача тинглади, уч-тўрт дафъа Таслимага қараб қўйди.

– Ана холос, ўн биру ўн бешдаги рейс қолдирилибди, – деди у ташвишланганнамо. – Яна кутар эканмиз-да. Лекин мени роса ишдан қўйдинглар. Оддийгина сартарош бўлсам. Тиранада эл қатори ишлаб юргандим.

– Қанча вақт кутамиз? Қаерда? – Таслиманинг кўзлари пирпиради. – Ахир… нега қолдирилади?

– Телевизор кўрмадингми? Террорчиларнинг раҳнамоси ўлдирилган. Хавфсизлик чоралари кўрилаётганмиш… Қисқаси, аэропортда ёки бу меҳмонхонада эмас, бутунлай бошқа жойда кутамиз… Юрсанг-чи.

– Террорчиларнинг нима алоқаси бор? Нега бир одам ўлса, Дубайдаги рейслар ўзгариб, биз бекинишимиз керак? Ишонмайман! Алдаяпсиз, ака!

– Сенга "юр" дейилди, гап қайтариш яхшимас.

– Мен… шу меҳмонхонада…

– Аҳмоқлик қилма! – Кимса телефонни яна қулоғига тутди. Бир лаҳза тинглаб, Талсимага берди. – Ма, ўзинг гаплаш… Бу – Бадрия хоним.

Жовиднинг онаси араб тилида нимадир деб уқтира бошлади, гап орасида кулиб ҳам қўйди. Сал наридан россиялик сайёҳларнинг таржимони ўтаётган эди, Таслима ҳамроҳига ишонмай телефонни унга узатиб, таржима қилиб беришни сўради. "Аэропортга бормасликни, йўл бошловчи кўрсатган уйда кутишни илтимос қилаяпти", деди таржимон.

– Нега кулаяпти?– тушунмади Таслима.

– Сиз араб хонимнинг ёшлигига ўхшарkансиз, эркакларни қўрқиб, ҳатто жонингизни қутқармоқчи бўлса ҳам гапига кирмас экансиз.

Таслима иложсиз эди, кимсага эргашди. Кўнгил эса барибир аэропортга талпинар, ҳаётига яна бир ёлғон кириб келганини сезмоқда эди. Машина Дубайнинг бутунлай бошқа томонига йўл олди. Ўртаҳоллар ёки хорижлик ишчилар яшайдиган қандайдир кварталга келиб, панароқ жойда тўхташди. Кимса машинадан тушиб, орқа эшикни очди, Таслима тараддудланган эди, "ўтиравер, мен анави нарсани олмоқчиман", деди. Таслима нима экан, деб беихтиёр бурилган чоғ тўсатдан кучли қўл оғиз-бурнини бекитди. Даҳшатли махлуқ чангалида қолган Таслима типирчилар, одамларни ёрдамга чақиришга уринар, қўрққанидан кўзлари косасидан чиқиб кетаёзган эди. Типирчилатавериб, нозик оёқларини олд ўриндиқ кирраларига уриб моматалоқ қилди, қўллари кимсанинг чайир билакларини заифона тимдалаб, чарчади. Сичқон чийиллашига ўхшаш сас, инграш, бўғиқ ёлвориш ҳавога ёйилди. Ва лекин овозлар салондан ташқарига чиқмади, ҳеч ким кўмак бермади қизгинага. Ниҳоят, даструмолга сепилган ҳушдан кеткизувчи дори ўз кучини кўрсатди, олишувдан силкина бошлаган машина қимир этмай қолди...

У узоқ учди. Танаси тошдек оғир бўлса-да, кўкимтир бўшлиқда парвоз қилиб бораверди. Гоҳо муаллақ турибдию еру само ҳаракатланаётгандек туюларди. Кейин тубсиз чуқурликданми, кўкданми, товушлар эшитила бошлади. Кимдир (бу, шубҳасиз, аёл киши эди) қаҳқаҳ уриб кулди, мусиқа овози баландлади. Араб хонандаси ҳам авж пардани олди: ўпкасидан отилиб чи-





қаётган ҳаво жағларнинг тинимсиз ҳаракатланиши-ю тилнинг оғиз саҳнида беҳисоб ликиллаши оқибатида қўшиққа айланаётган эди.

– Ота... отажон... – деди Таслима ўрнидан туриш илинжида, лекин тирсагига таяниб қолди ва яна ўз гавдасини кўтаролмай болишга бош қўйди. – Вой... ёрдам... ёрдам беринглар... – Сўнгра аламли зорланди: – Полиция... полиция чақиринглар...

– Ўзингни бос, – нотаниш аёл ўзбекча сўзлади, – биз шу ердамиз, нега ваҳима қиласан? Бўри ермиди сени!

– Дубайда бўрига бало борми, Фоти! – кулди бошқаси.

Шунда учинчи аёлнинг овози эшитилди:

– Ўв, унга аччиқ кўк чойдан беринглар, ўзига кеп қолади. Ҳали ёш экан, кўп нарсани кўрмаган-да ахир.

Овоз соҳибаси назокат ва ибодан кейин туғилган латофатсиз жувон эканини англаш мушкул эмасди. "Фоҳишахонадаман!" деган ўй Таслиманинг миясига яшиндек урилди. Хона шифтига, деворларига, мебелу кўрпа-ёстиқларга кўз югуртирди. Даставвал ишчи хотинларнинг ижара уйини эслатди, кейин эса Таслиманинг нигоҳи сигарета тутатишга ҳозирланаётган, фақат ич кийимда ўтирган сариқ соч жувонда тўхтади. Олдидаги тумбада чой рангидаги бир шиша ичимлик турарди. Ҳушсиз этилган ва бегона маконда кўз очган ҳар қандай инсонда ботбот туғиладиган савол бонг урди: "Қаердаман? Қаердаман?.."

– Салом, асалим, – деб сариқ соч олов ёқиб, сигарета учига туташтирди. – Қўрқиб кетдингми? Бекорга қўрқасан! Бу ерга келиш учун уч йил пул йиққанман, йўқ, ёлғон кимга керак, олти ой тўплагандим, биттаси келиб, етмаганига ўз ҳамёнидан тўлади. Сен ҳам "Эмират"га жон куйдирмай келган эмишсан. Лекин зўр йўл топибсан, араб миллионерига турмушга чиқишни уддалабсан. Қойил! Ўлсам ҳам бундай иш қўлимдан келмайди. Мени эр ўрнида... э, нималар деб алжираяпман, хотин ўрнида кўришмайди... Чунки бизда ҳаё либоси йўқ, ҳаё либоси! Бир куни эртаклардаги оққушлар каби Ёшлик кўлида чўмилаётганимизда, ўғри йигит либосларимизни ўғирлаб кетган. Аслида ҳаё либо-

сини ҳеч қачон ечмаслик керак экан, ҳатто тобутда ҳам!

– Тобутни гапирма, – деди Фоти, – ҳаққинг йўқ.

– Э, яна ўқияпсанми ваъзингни!

Улар талашиб-тортиша бошлашди. Сал ўтмай тортишув қандай бошланган бўлса, шундай ниҳоясига етди. Таслимага уй эгасини кутиш кераклигини айтишди. Душанбагача келиб қолармиш.

– С... самолёт-чи? Нега?.. Нега бу ерда душанбагача кутаман? Ким у уй эгаси? Ўзларингиз кимсизлар? – йиғламсиради Таслима.

– Миллионерваччага турмушга чиққан юртдош қиз ҳақида эшитгандик, лекин танишамиз, деб хаёлимизга ҳам келмаганди, – деди Фоти. – Ҳаммаси ўзингдан бўлибди, синглим, энди бизга додлама. Кўриб турибсан, сенга ўхшаган оддий қиз-жувонлармиз.

– Мен нима қилибман?

– Нима қилибсан? – ўрнидан дик этиб турди сариқ соч. – Бизнесменнинг йигирма минг долларини йўқ қилиб юборибсан! Атиги йигирма минг доллар!.. Кўнглини олдингми, ўзингга айблов бўладиган ҳужжат қолдирма! Юз минглаб долларини ўмариб, рози қилмайсанми, латта?!

Таслима қалқиб тушди.

– Кўрқишини қаранглар! – Сариқ соч ғолибона тўлқинланди. – Ҳақиқат тарсакидан баттар таъсир қилди-я! – У бирдан энгашиб, қизнинг ёқасидан енгил тутди. – Менга қара, оймкиз, нега уларнинг ғазабини қўзғадинг? Ўзингни товламачидек тутиб, ҳаммасини хитлантиргансан! Мана оқибати – бошингга бало ёғилаяпти! Миллионернинг хонадонидан қуруқ чиқиб, йўқ, қуруқ эмас. қарздор бўлиб чиқиб, ўттиз минг долларни тўлолмай бизнинг касбимиз билан шуғулланасанми энди?! Вой, жинни! Ҳақиқий жинни! Фоҳиша бўлганингдан кўра бойвачча арабнинг ёнида юрганинг минг марта афзал эмасмиди? Нега кўнглини овлаёлмадинг, нега?

– Қандай ўттиз минг?





– Шу уйнинг эгаси қарзингни тўлади, устига қўшиб, у кишига ўттиз минг қилиб қайтарасан! Тушунгандирсан, бойвучча хоним?!

Таслима қулоқларига ишонгиси келмасди. Наҳотки, бу гаплар ҳақиқат? Агар ёлғон бўлганида улар қаёқдан билишардию Таслиманинг ўзи бу ерда ўтирармиди? Гапларидан англашилдики, Жовид фитнани сезиб қолибди. Бадрия хоним ва хизматкорлар қанчалик тиришмасинлар, уни Ойша аммасиникига боришдан қайтаролмабдилар. Борса, Таслима у ерда йўқ! Ҳамма бало шундан сўнг бошланибди. Йўл-йўлакай телефонда онасига ўшқирган Жовид уйига қайтгач, кўзлари қонга тўлиб, қўл кўтармоқчи ҳам бўлган. Бадрия хоним шунда ҳам сир бой бермоқчи эмас экан, бироқ Жовид "отасига шифохона харажатлари учун йигирма минг доллар сарфлаганман, Таслимани гаров сифатида никоҳимга олгандим", деганидан кейин Бадрия хонимнинг юраги санчиб, йиқилибди. Йигирма минг долларни ўз қўли билан қўйиб юборган тентак хонимга осонми?! Раъс ул-Хаймадаги сейфда турган эллик минг доллардан атиги йигирмаси турганмиш. Йигирмаси Таслиманинг отасига, ўни тўй зиёфатию алламбалоларга сарфланганмиш. Ғазаб отига минган Бадрия хоним Дубайдаги одамига сим қоқиб, Таслимани қўшмачиларга бугуноқ сотиб, йигирма-ўттиз минг доллар ундиришга буйруқ берибди. Куни кеча телевизорда қирғизистонлик ўн саккиз яшар қизни ўттиз уч минг долларга пуллашаётганида Дубай полицияси ушлагани ҳақидаги хабар дастуриламал бўлибди.

Фириб ва фитнага муккасидан кетган Бадрия хоним Жовиднинг исён кўтаришидан, никоҳланган қизни замонавий ҳарамига қайтаришидан чўчирди, албатта. Пошша она шошилинч тарзда йигирма минг долларни қўлга киритиб, сейфдаги бўшлиқни тўлдиргач, шу билан қизни ҳам даф этиб, кўнглини тинчлантирган эди. Жовидга эса аввало Таслима керак, пул ҳайрон қоларли алфозда иккинчи ўринга ўтиб қолганди. Дарвоқе, нобакор фарзанд ҳозирги аҳволи руҳиясида пулдан воз кечиб юбориши кеч гап эмасди. Ошиқ ўғли Таслимани қайтиб кўрмаслик учун Бадрия хоним Дубайдаги одамига телефонни мажақлаб, "сим-

карта"ни синдириб ташлашни, синиғини етти қават ер остига кўмишни ҳам амр этди. Қолаверса, Жовид ўзи узган олмани бировлар тишласа-ю шунда ҳам еяверадиганлар хилидан эмасди. Ҳамма эркаклар табиатан шундай: кимлардандир қолган пўчоқларга йўқ демайди, ўзиникидан эса бировлар бир тишласа, ижирғаниб, ташлаб юборишади.

Хуллас, кутилмаганда содир этилган воқеалар Бадрия хонимнинг буткул ғалабаси билан якунланиб, пул ҳам ундирилди, Таслима аш-Шамс хонадонидан изсиз йўқотиб юборилди. Исловотхонада кун ўтказаётган келинчак билан Жовидни эндиликда боғлаб турган бирорта ришта кўринмасди. Тақдир ўйинида Жовид онаси томонидан мот қилинган эди ва гўёки шахмат тахтасидан олиб ташланиб, бир четда жонсиз думалаб ётарди.

– Ўттиз минг долларни ишлаш қийин эмас, – деди сариқсоч жувон Таслимага. – Ҳаётда шундай касблар борки…

– Менга ундай касбларни гапирманг! – деди Таслима.

– Қанақа касблигини аввал эшит, яхши қиз!

– Эшитмайман!

– Аҳмоқ! – Сариқ сочнинг кўзидан олов чақнади. – Фоҳишалик ҳақида гапиради, деяпсанми?! Турган-битганинг аҳмоқсан, туғма аҳмоқ!

– Бошига нима кўргилик тушгани ҳали бунга етиб борганий йўқ, тинч қўйсанглар-чи уни, – яна кулди кунжакда ўтирган иккинчи аёл.

– Демак, мен сотилибман-да? – Таслима кўзда ёш билан Фотига қаради. – Шу уйнинг эгаси мени сотиб олдими, опа? Ростми шу?

– Рост! – дея ҳуштак ҳам чалиб қўйди сариқ соч.

– Бунинг учун қанақа жазо борлигини биласизларми ўзи?! Нега ҳеч нимадан қўрқмай бемалол… Мен фоҳиша эмасман ахир!.. Фоҳиша эмасман!.. Бундай яшаганимдан кўра ўлганим минг марта яхши!

– Сотиб олди деса ҳам бўлади, – елка қисиб, кўзини олиб қочди Фоти. – Лекин мени аралаштирма, масалангни ўзинг ҳал қил,





ўттиз мингни тўла-да, кет. Жазо дейсан! Кўрмаяпсанми, шу юришимнинг ўзи жазо-ку, сингилжон!

– Нега қўрқасан ундан, Фоти?! Тўғрисини айт-да, қўй! Буни сотиб олишди, энди ўша пулни ишлаб берса чиқади бу ердан!

– Сариқ соч шундай деб Таслимага қош чимирди. – Вой-вой-вой, пок қалбгинасидан ўргилай! Унақа сассиқ қалбнинг аслида ҳеч кимга кераги йўқ! Сенга ажойиб бир касб ҳақида гапиряпману, оғзимга ураяпсан! Эшит, ҳўв тилла қиз! Фоҳишаликни эмас, даллоллик касби ҳақида гапирмоқчиман! Ишламасдан аввал ҳам ўттиз минг доллар олишинг мумкин. Шундоқ туришингни кўриб пул тикадиган тентаклар бор! Фақат бу даллолнинг маҳоратига боғлиқ. Акс ҳолда арзимас юз доллар учун ҳамма нарсага рози бўладиганлар қаторига тушиб қоласан.

– Ҳуснига нон ботириб ейдими? Даллол нима учун ўттиз минг доллар ундириб беради, фоҳишалик учун-да! – гап қўшди кунжакдаги.

Сариқ соч бўзрайиб қаради, кейин шунақа қаҳ-қаҳ уриб кулдики, томоғи йиртилиб кетмаганига ҳайрон қоларди киши.

– Ўчиринглар ҳаммангни! – қичқирди Таслима қулоқларини беркитиб.

Бир нафасдан сўнг эшикка отилди. Биринчи эшик очилди, иккинчиси ҳам, йўлак охирида яна бири кўринди, аммо…

– Қаёққа?! – деган овоз қулоғи тагида портлади. Ён томондан чиқиб қолган эркак билагидан омбурдай қисиб, ичкарига судраб кирди.

– Нималар бўлаяпти бу ерда? – деб орқасидан уят сўзлар билан сўкинди. – Қарасаларинг ўласанларми! Қаерга чиқаяпти бу?! Шовқин-суронларинг-ку кўчага эшитилади!

Хотинлар дарҳол Таслимани хона тўрига судраб кетишди.

– Қўйворинглар мени! – Таслима ўзини ҳар томонга отиб, уларни юмдалай бошлади. Кучи етармиди. Бир зумда ерга босиб, оғзига сочиқни ғижимлаб тиқишди. Сариқ соч бор кучи билан биқинига кетма-кет уч марта тепди. Шундагина Тасли-

ма булар зоҳиран аёлга ўхшаса-да, ботинан иблис эканини фаҳмлаб, қаршилик кўрсатиш фикридан қайтди. Унга айтишгандики, хорижда паспортингни ҳеч кимга берма, хавф таҳдид солса, овозингни баралла қўйиб, одамларни ёрдамга чақир, биринчи имконият келиши билан яқинларингга қўнғироқ қилиб, қаердалигингни, кимларнинг қўлидалигингни айт. "Энди нима қилай?– сўради ўзидан. – Ҳатто ўзимни ҳам ўлдиролмайман-ку!.. Йўқ, ҳали ҳаммаси тугамади... Иродамни ишга солишим керак! Бир йўлини топаман! Қутулиб кетаман... Бу... бу қўлимдан келади, ҳеч бўлмаса, отам учун... отажонимнинг эл олдида бош кўтариб юриши учун!..".

Душанба куни уй эгаси келди. У кўпчилик ҳижоб деб атайдиган либосга бурканган, тўладан келган, бадқовоқ, камгап, галати бир хотин экан. Таслимага эътибор ҳам бермай юмшоқ ўриндиққа чўкиб, елпиғич ила елпинди.

– Қанча?– деб Фотига қўл чўзди.

Талаффузига кўра ўзбек эмасди. Паспорти ичидан қандайдир қоғозчани олаётганда, Таслима у ватандош эканини билди. Бегона юртларда бегона одамлар даврасидан лоп этиб шуларнинг орасига тушиб қолган эди, бироқ қарасаки, пулга сиғинганларда на жигар, на дигар қайғуси бор.

– Уч минг етти юз, – кичик пул ўрамини топширди Фоти.

– У-чи?– Уй эгаси Таслимага қарамасдан ишора қилди.

– Пулни ишлаб бераман, деяпти.

– Кеча, бугун "ишладими", деб сўраяпман.

– Йўқ.

– Нега "ишламайди", сўрадингларми?

– Ёш қизман, иффатлиман, деб бутун оламни бошига кўтараяпти, Гуля опа, – гап қотди сариқ соч.

– Яхши-да, – деди уй соҳибаси пинагини ҳам бузмай.

Чойни рад этиб, ўрнидан тураркан, илк бор Таслимага кўз ташлади. Худди раҳми келган каби қайғуваш боқарди кўзлари. Лаб-лунжлари гўё ёмонлардан безиб, шундай осилгандики, эзилган, ғамбода, имон кишиси деб гумон қилса бўларди.





– Қаерда ишламоқчисан?– сўради у. – Бошидан бир нарсани айтиб қўяй: уларга йигирма минг доллар бердим, лекин бу сени сотиб олдим дегани эмас.

– Тушундим, – деди Таслима. У Асалка қисмати ҳақида ўйлаётган эди, уй соҳибасининг гапи, шубҳасиз, Асалкани сотиб олган Раҳи деган қўшмачининг гапига ўхшаб кетди. Муҳашшо билан танишув кечасида эшитган бахтиқаро келин қисмати бошига тушишини, бировнинг тарихи ўз ҳаётида такрорланишини Таслима туш кўрибдими.

– Бироқ мен хайрия қилолмайман, – хотиржам сўзлади Гуля опа. – Йигирма минг долларим олти ойда ўн минг доллар "туғиши" керак эди. Сенга олти ой эмас, майли, саккиз ой муҳлат. Илтимос қиламан, қутқарганим эвазига ёмонлик қилмасдан пулимни тинчгина ишлаб бер.

– Мен нега...

– Гапимни бўлганларни ёмон кўраман! Эшит! Агар қариндошларингдан бугун-эрта йигирма минг тополсанг, марҳамат, тезроқ тўлаб қўй, ўттиз минг деб юрасанми!

– Тўғри, – деди Фоти заифона томоқ қириб.

– Бизда бунча пул йўқ, – деди оғзи қурукшаб кетган Таслима.

– Раъс ул-хаймалик араб бойваччасининг йигирма мингдан зиёд пулини отанг учун ишлатиб юборганинг ростми?– деди Гуля опа.

Таслима кўзи ёшга тўлиб, бош силкиди.

– Бу бўшанглик қилибди, – бидиллади сариқ соч. – Ўрнида бўлганимда беш-олти йил ўша араб билан яшаб, бир миллион долларини шилиб олардим.

– Камида! – маъқуллади кунжакдаги.

– Майнавозчиликни бас қилинглар! – жеркиб берди Гуля опа. – Пул қайғуси – жон қайғуси! Бунга раҳмим келиб, бизнесимнинг пулидан тўлаб юбориб, иккала қўлимни бурнимга тиқиб қолмай деб жоним ҳалак! Агар индамаганимда, анави нусха бу қизни нариги "дом"даги армани хотинларга сотиб юборарди. Уларни биласанлар. Ҳомиладор бўлган бир қизни яқинда квар-

тирада ўзлари аборт қилишди... Кошмар!

– Йўқ, боласини туширтиришди, Гуля опа, – гапни тўғрилади сариқ соч.

– Э, нима бўлсаям, ўша-да! Қўрқитмоқчи эмасману, қиз шўрлик кўринмай қолибди. Сезишимча, энди уни саҳродаги қумлар билади, қумларнинг эса тили йўқ. Худога шукр, биз унақа ёвуз эмасмиз.

Таслима ўрнидан тураётиб, йиқилиб кетаёзди.

– Ўтир! – деди сариқ соч.

– Ўтир, – деди Фоти ҳам.

– Улар қайси уйда яшашади? – деб сўради Таслима ҳаяжонини яшириш учун лабини қимтиб. Миллион-миллион одам истиқомат қиладиган улкан шаҳар кўчаларини қеза-кеза, армонитонлик Сюзининг исловотхонаси биқинига келиб қолганига ишонолмаётганди. Сюзи Таслимани бадном эттириб қўймади. Анаият Мурадянни ҳомиласидан халос этган қўли енгил ҳамшира деб ҳисоблади уни. Ҳозир қўшни уйда Нарани ҳам учратса ажабмас. Бебурд поччаси Зайднинг биринчи хотини бўлмиш Нара Таслиманинг изидан сидқидилдан тушгани, телефон рақамларини, тўй кунини аниқлагани, ёрдам бериш ҳақида "SM S"лар юборгани – барчаси хаёлидан лип-лип ўтди. Нияти холис экан, Наранинг ҳузурига Таслима ўз оёғи билан кириб боради.

– Қўрқма, улар бу уйга яқинлашолмайдилар ҳам, – Гуля опа елпиғичини йиғиштириб, сумкачасига солди. – Лекин сени сал кейинроқ у ёққа юборишим мумкин. Нега юбораман, тушуниб олавер.

Бу – таҳдид эди. Бироқ Таслима ичидан қувонди, эски танишларим ёрдам беради, деб ўйлади. Ўйладию иккиланди: ўттиз минг долларлик қарздорнинг жонига ким ҳам аро кирарди? Онгсиз ўргимчак ўлжани қўйиб юбормаганида, онгли мавжудот ўзини оч қолдирармиди! Ахир булардаги онг калити фақат ёвузлик ва дўзах эшигини очишга хизмат қилса, нима ҳам кутиш мумкин.

Шармандали ва жирканч ҳаёт бошланди. Ғўнғир-ғўнғир овоз-





лар, нотаниш эркакларнинг кулгиси, кириб-чиқаётганларнинг турли тилларда ҳиринглаши, чуғурлаши, баъзан адашиб, Таслима ва Гуля опа ўтирган хонага мўралашлар, гўзал паривашни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашлар, минг дирҳам эмас, минг доллар таклиф этишлар... Таслиманинг назарида, дунёнинг энг гўзал шаҳри Дубайга ахлоқсиз кимсалар минг-минглаб оқиб келаётгандек эди. Каламушлар кемаларни кемириб, сувга ғарқ қилганидек улар Дубайни чиркин мишмишларга кўмиб юбораётгандилар. Ҳақиқатан, тақдир тақозосига кўра Таслима гўзал Дубайнинг фақат пана-пастқам хилватларида биқиниб юрадиган одамнусхаларга дуч келаётган эди.

Навбатдаги кечаларнинг бирида Таслимани қўшни хонага чақиртиришди.

– Сен уйни тозалаб, овқат пишириб, қачонгача мени алдайсан? – деди Гуля опа; ёнидаги олифта эркак бош қимирлатиб, тасдиқлади. – Эшитиб қўй, пулимни қайтармас экансан, паспортингни бермайман, кўчага чиқармайман, муҳлат эса тугайди, вақт сени кутмайди-ку! Бу уйдан чиқмай қанақасига қарзингни уза оласан? Завод-фабрикадан иш топиб берай десам, паспортинг қўлингга тегиб, кўчага чиққан кунинг мени сотасан. Йигирма минг долларга куйганим етмагандек одам савдоси билан шуғулланган деган туҳматга ҳам қолдирасан.

– Ниятинг шуми? – кўзлари чақчайди эркакнинг. – Фабрикада ишлаб, саккиз ойда ўттиз минг доллар тополасанми? Ўйлаб кўр!

– Мени қўйиб юборинг! – деди Таслима Гуля опага. – Уйга кетаман! Сиздан қарз эмасман, мен учун пул тўланг демаганман!

Гап кутилмаганда дадил жаранглаб, Гуля опа уйқудан уйғонган каби кўзларини пирпиратди. Олифта ўсиқ сочларини кибр билан силаб, деди:

– Тошкентда яшаганимда ҳузуримизга бир жувон билан қайнонаси киришди. Жувоннинг гўзаллигини кўриб, оғзим очилиб қолган, бунақасини ҳеч қаерда учратмагандим. Жувонга беш-

олти минг доллар зарур экан. Ҳеч нимани билмагандек мерои сираб Дубайга келди. Кейин қўрқиб кетди шекилли, "хизмат"дан бўйин товлай бошлади. Бир-икки йил "ишлаб" кетса, қариндош-уруғи ҳеч нимани пайқамаслигини тушунтирдик, қайнонасию қайнопаси аллақачон воз кечган ундан. Хуллас, долларнинг таъмини татиди, ўрганди, бир кунлик нархи минг дирҳамга чиқди! Биласанми, уни ким сотган?

Таслима қаршисида бир гуруҳ актёру актрисалар тургану улар аввалдан маълум сценария асосида ҳаёт саҳнасида томоша уюштиришаётгандек тек қотди. Нега Муҳашшо унга Асалка ҳақида ҳикоя қилиб берган эди?Бирлашган Араб Амирликларидан куёв топишга ундагани-чи? Отасига Холпошшанинг турмушга чиқишининг ўзи спектаклнинг биринчи пардаси эмасмикан? Мана энди Асалка ва қайнопаси Роза исмли хотинга учрашганида суқланиб қараб қолган эркакка Таслима ҳам дуч келди. Бу саҳрода таниш қум заррасини учратиб қолишдан ҳеч-да фарқ этмайди-ку! Қўшни уй Сюзининг қароргоҳи эканлиги, янглишмаса, никоҳ оқшомида худди шу макондан пайдар-пай "SM S"лар юборилгани…

Таслима кўзларини чирт юмиб, яна очди ва:

– Биламан! – деб жавоб берди.

– Хўш, эшитайлик-чи.

– Қайнопаси… ўз қайнопаси! Чунки бечора қиз оддий оиладан эди. Ҳамма харажатларни кўтарган бой хонадон унинг бахтини хазон қилиб, ўйнашиникидан бери келмайдиган гиёҳванд йигитга хотинликка олиб беришганди. Келинчак кетаман, деб жанжал қилавергач, "сенга қилинган харажатларни қайтар-да, жўна", дейишган. Беш минг долларни қаердан топади?Шунда қайнопасининг ўзи "иш" ахтарган… Лекин мен Асалка эмасман, яна бир марта огоҳлантираяпман! Қўйворинглар мени!

Эркак истеҳзоли кулимсираб, Гуля опа билан кўз уриштирган эди, Таслиманинг тилига кейинги гаплар ўзи қуйилиб кела бошлади:

– Энди ҳаммангизни танийман! Сизлар менинг ажалим бўлсангиз, мен ҳам ажалингизман! Бошидан полицияга, ўзимизга тегишли идораларга айтмай, катта хато қилибман! Мени ким сотганини эса яшириб ҳам ўтирмадинглар! Бадрия хонимни ҳам судга бераман, ўгай онамни ҳам, сизларни ҳам! Нариги уйда қанақа арман хотинлар яшашини билмайди дейсизми?Каттасининг исми Сюзи! Ҳа, Сюзи! Ҳомиласини туширтирган қиз эса Анаит, фамилияси Мурадян. Арманистоннинг Эчмиадзин шаҳридан. Унинг ўзи шахсан менга "агар ўлсам, Эчмиадзинга хат ёзиб, афсусда эканимни ота-онамга етказ", деган. Қандай танийсан, дейсизми?Ҳомилани тушириш учун мени ёрдамга чақиришганди, ҳамшира деб ўйлашганди! Бу ҳақда ҳам тегишли жойларга вақтида хабар бермаганим учун жазо олишдан қўрқмайман… Яхшиликча қўйиб юборсаларингиз, судда ўзларингизга яхши бўлади! Бу гапларимни илтимос маъносида ҳам айтаяпман!

– Сен исмини айтган одамларингнинг биронтасини танимайман, – деди ранги хиёл оқаринқираган Гуля опа. – Ўзингга ўзинг нималар деб алжираяпсан?Тушунишимча, пулимни сендан суд орқали ундириб оларканман-да?

– Ҳа, – Таслима шовқин-суронни эшитиб, эшикка тўпланганларга кўз ташлаб қўйди, – албатта, суд орқали оласиз. Лекин аввал Дубайда қанақа ишлар қилиб юрганингизни, квартирангизда нималар бўлаётганини изоҳлайсиз, мени ҳушимдан кетказган кишига ҳе йўқ-бе йўқ нега йигирма минг доллар тутқазганингизни ҳам бир бало қилиб тушунтирасиз. Ўртамизда ҳужжат-пужжат бўлмасаям, қарзни талаб қилаётганингиз, менга қулга қараётгандек қараётганингиз…

– Етар! – олифта унга шердек отилиб, иккала қўлидан тутиб, силтади. – Ким сени қонунни билмайди, ўзингга ўхшаганларни танимайди, деди?Ҳаммасига тупурдим!.. Гуля опа, шу қиз аввал менинг қўлимдан ўтсин. Хомчўт қилиб юрган қирқ минг долларингизни ўзим…

– Қўйворинг! – Таслима нафрат билан кичқириб, олифтанинг башарасига шапалоқ туширди.

– Тўғри айтаяпти, қўйвор уни! – деди Гуля опа. – Кўрмаяпсанми, у бизнинг бошимизга статья тўплаяпти. Нима, қиз болани зўрлади, деган айбни ҳам бўйинтуруқ қилмоқчимисан? – Кейин Таслимага ўша-ўша ўзгармас турқ-тароватн ила тикилди. – Менга қара, синглим, сен яхшиликни билмас экансан. Чет элда, хусусан, мана шу шаҳарда қандай маразлар борлигини тушунмаяпсан. Сени ҳушсиз олиб келган одам "бу қиз учун пул тўланг, бегона эмас, йўқса, ваҳший қўшмачиларнинг қўлида увол бўлиб кетади", деди. Уларнинг қўлига тушганингда нима қила олардинг? Сендек нозик ниҳолларнинг номусига тегиб, гиёҳвандга айлантириб, ҳатто беҳаё видеоларга олишганини ҳам эшитганмиз.

– Қутқарган бўлсангиз раҳмат, лекин қарзингизни саккиз ойда узишим учун фоҳишаликка мажбурламоқчисиз-ку! Шундай қиламанки, ўзи ўша "иш"га киришади, мен айбсиз бўлиб қоламан демоқчимисиз?

– Бўлди, сени тушундим, – деди Гуля опа, – бошқа бу ҳақда гаплашмаймиз. Хонангга чиқ. Пулларимни қайтариб оламан, кейин ўшалар сени нима қилишади, сен уларни нима қиласан – ишим йўқ. Бор, бора қол… Ҳой, Таслимани хонасига кузатиб қўйсаларинг-чи! Кўриб қўйинглар, қиз бола қанақа бўлиши керак!

* * *

Кейинги кун Таслима ваннахонага кириб, ичкаридан қулфлади-да, жумракни очиб, ҳар доимгидек унсиз йиғлай бошлади. Агар жонига қасд қилишга мажбур бўлса, буни эплаёлмасди. Деразаларга панжара урилган, устара ва пичоқлар қоровул йигит ўтирадиган ошхонада, арқон эса умуман йўқ эди. "Сўнгги чора… сўнгги чора… – шивирлади у. – Буни гуноҳ дейишган… абадий кечирилмас гуноҳ! Йўқ, ўзимни ўлдиролмайман! Қандай қилиб бўлса ҳам уйга соғ-омон етиб олишим керак. Манзилим қабр эмас, ўз уйим… Отам… Тўхта-тўхта! Тўйимга рози-





лик берган отам кейин мени нега суриштирмади, бир оғиз ҳол сўрамади? Телефонда гаплашган отам эдими ўзи? Жуда секин, хириллаб, зўрға гаплашди…".

Таслима кимдир бошига болға билан ургандек гангиб қолди. Ё алҳазар, бошқа бир артистбоп одамга отаси ва амакисининг номидан қўнғироқ қилдирган бўлишлари ҳам мумкин-ку! Ўгай опа ва Муҳашшонинг қўлидан нималар келмайди, дейсиз!

Шу пайт ванна тагида ётган эски лезвияга кўзи тушди. Авайлаб қўлига олди, ажиб топилдиқ эди у. "Менинг биринчи қуролим, – деди Таслима ичида. – Биринчи қурбоним ким бўлар экан? Ўз танасига қўшиб, ор-номусию икки дунёсини иблисга сотган анави қизларми ё қўриқчи-сутенёр йигитми? Муҳашшо билан ўгай онам ҳам душманим… Даҳшат, энди одам ўлдираманми?! Улар мени салкам ўлдириб бўлишди, ал-қасос дейишади-да!.. Йўқ, барибир ундай қилмаслигим керак. Кимнинг бошига етмоқчиман ўзи, кимнинг?..".

Лезвия юмшоқ этни оғриқсиз кесиб, томирни қилдек узиб юборгач, қон булоқдек қайнаб чиқишини кўз олдига келтирди. "Қон! У одам ўлдирди!.." Сесканиб тушиб, лезвияни отиб юбораёзди. "Қон!.." Шу тушунчанинг ўзиёқ гарангситиб қўйган эди, тирик вужудни қандай қилиб қатл этиш мумкин?

– Шарманда бўлганимдан кўра… – дея лезвияни дастрўмолига ўради. -…ўлганим яхши…

Худди шуни кутиб тургандек эшик тутқичи бирдан пастга босилди, келгувчи жони борича торта бошлади.

– Таслима! – чақирди Фоти.

– Ҳозир…

– Ухлаб қолдингми? Очсанг-чи!

Эшик очилгач, жувон ичкарига бош суқиб, аланглади.

– Ювинмабсан ҳам? Нима қилиб ўтирибсан?.. Юр, Гуля опа ташқарида кутаяпти. Сени бирор жойга юбормоқчи шекилли. Кетганинг минг марта яхши. Кўраяпсан-ку, пул топиш усулимиз сенга тўғри келмайди. Бизга ўхшама! Бу йўлдан юрмаган-сан, юрма ҳам!

–Қаерга кетаман?Қарзим-чи?– хавотир олди Таслима, зеро у ҳиммат этажакларига ишонмасди.

–Билмасам, Гуля опа ўзидан қўрққанга ўхшайди. Нима бўлсаям, фойдангга! Кетдик. Агар юртга қайтсанг, тупроғини ўп-да, илдиз отиб яша. Қиз бола илдиз отса, бахтли бўлади, сингилжон.

–Сиз-чи?– сўради Таслима.

–Мени қуявер, шамол қаёққа учирса, узилган янтоқдек думалаб кетавераман.

Биринчи қаватдаги салқин, кенг йўлакдан ўтаётганларида, рўпарадан ҳинд аёллари чиқиб қолишди. Булар сўнгги гувоҳлар эканини кўнгли сезган Таслима қичқириб, ёрдам сўрашни хаёлидан ўтказди, бироқ…: Бироқ тараддудландию ҳарҳолда миқ этиб оғиз очмай ташқари эшик сари ўтди-кетди. Ҳиндлардан бири аҳволи-руҳиясини сезиб, соҳибжамол қизнинг ортидан қизиқсиниб қаради, ўз тилида нимадир деди.

– Намасте! – Таслимани қўлтиқлаган сариқ соч қайирилиб қараб, қўл силкиди. – Деҳли билан Дубай, деворингни сувай, ҳа-ҳа-ҳа-а!..

Ҳинд хотинлар ҳайронлик-ла кўз уриштирдилар, елка қисдилар, илло индамадилар.

Сариқ сочли жувон ва Фоти Таслимани машинага ўтирғизишди. Рулдаги олифта эркакни кўриб, Фотининг ранг-туси ўзгарди ва:

–Таслима, –деб эркакка ишора қилмоқчи бўлди. Ҳақиқатан, шу олифта келса, қизларнинг бошига бирор кулфат ёғиларди.

–Фоти, аҳволинг яхшими?–Гуля опа сезиб қолиб, олайганча қаради. –Ёрдам-пордам керакмасми?.. Қани, жўнасанг-чи! Нега анқайиб турибсан?Сени кўчада кўриб, таниб қолишса, депорт деган муҳрни паспортингга эмас, пешанангга босишади. Биласан-а?!

Фоти тезда қорасини ўчирди.

–Омад сенга, Таслимичка! –ҳавойи ўпич йўллади сариқ соч.

–Чао!

Машина жойидан силжигач, Гуля опа:





–Уйимни эслаб қолдингми?– деб сўради Таслимадан.

–Ҳа, опа, бу ерга, қўшнингизникига келганман…

–Эсим қурсин, Сюзиникига келганингни айтдинг-а? Лекин улар куппа-кундузи очиқчасига олиб келиб, очиқчасига кузатиб қўйишмагандир?Гоҳида ҳамшира керак бўлиб қолади, хотин зоти темир эмас-ку. Шунда, ҳеч бўлмаса, кўзларини боғлаб келтиришади. Қўлга тушса, аборт, бола тушириш, фоҳишабозлик –бошга битган бало бўлади-да.

–Дорга осишмайди, шуниси яхши, –гап қўшди олифта.

–Дорга осишса, чет элликлар ҳуркиб кетишади, савдо ҳам ўлади. Йилига икки юз тоннага яқин олтин сотилар экан, қирқ тоннаси шу ерда қолади, дейишди! Булардек калласи ишлайдиган халқ дунёда саноқли, Гуля опа.

Таслима индамай ўтирган эди, Гуля опа саволини такрорлади:

–Сюзи билан менинг уйимни эслаб қолдингми ишқилиб?

–Эслаб қолдим, –деди Таслима соддадиллик билан. Бироқ бу жавоб тузоққа тушиш учун чипта эди.

–Яхши. Уларникига бирровга кириб чиқайлик. Бечоралар бизга ўхшаш келгинди, зерикиб ўтиришгандир.

Таслима ҳайдовчига сер солди: ўша куни олифта бугун лабларини қимтиб олган, совуққон жиноий гуруҳ раҳбарини эслатарди у. Қизлар савдосидан топган пуллари томоғидан қандай ўтади, Таслима тушунолмасди. Дубайга келмасидан бурун эшитганди: шундай кимсалар борки, хотин-қизларни алдаб, чет элга сотишади. Тушган пулларга данғиллама уйлар қуришади, қиз узатиб, куёвли ҳам бўлишади. Невараларининг бешик тўйларида, юбилейларда одамлар уларга бахт-саодат тилашади, берган садақалари учун гадойлар иккала дунёси ҳаққи дуолар ўқишади, амакисидек пулдор бўлсин, машиналар олсин, деб келинлар гўдакларига хотинфурушлик қисматини тилашади, маҳаллада ҳеч ким улардан ўзини олиб қочмайди…

Турли русумдаги қимматбаҳо машиналар турган қаторда тўхтаб, кўп қаватли сарғиш уй томон йўлакдан пиёда кетишди. Таслима уйни, йўлакни, турли пальма дарахтларини биринчи

марта кўриб туриши эди. Остона ҳатлагач, Сюзининг уйи эмаслигини билди, аммо Гуля опа ичкаридан чиққан ниҳоятда гўзал, очиқ елкасию кўкси мармардек силлиқ, бир дона хол-сепкилсиз ўттиз беш ёшлардаги хотинга:

– Сюзи, сеникига меҳмон бошлаб келдим, – деди рус тилида.

– Ким у?– сўради уй соҳибаси.

– Исми Таслима. Умуман олганда… ҳамшира. Қалай?

– Ҳамшира? Кечирасизу, менга ҳамширанинг кераги йўқ. – Уй соҳибаси қизга бошдан-оёқ разм солиб кулиб юборди. – Қасам ичаманки, у ҳеч қанақа ҳамшира эмас, хизматкор қиз десангиз, имон келтиришим мумкин...

– Бу "ўша"! – шартта гапни кесди Гуля опа.

– Лекин биринчи марта кўриб туришим.

– Чақиртирган ҳамширангиз у эмасми?

– Гуля опа, нима, қасам ичайми? Арманистонлик Сюзиникига бориб, бир қизнинг ҳомиласини туширганман, деган бўлса, Арманистондан келган Сюзи битта менманми? Боласи тушаётганлар ҳам учраб туради, Дубай – катта шаҳар, адашган қизлар кам эмас.

– Лекин уни олиб қолиш фикрингиздан қайтмагандирсиз?

– Тс-с-с… – Лабларига бармоқ босди хоним. – Ичкарида одам бор, нозик меҳмон. У кетсин… тушдан сўнг келарсиз. Пул масаласини ҳал қилганимча йўқ.

– Бугун учиб кетаман. Пул ҳақида кейин гаплашамиз. Хўш?

– O'кей, – деди Сюзи. – Менга ишонсангиз, бас.

Гуля опа сумкачасидан Таслиманинг паспортини олди ва уй соҳибасига узатиб, бош силкиди. Эшик олдида турган олифта ҳам бош қимирлатиб, "ҳаммаси жойида" дегандек бўлди.

– Хайр, мен кетдим. – Гуля опа Таслима билан ҳам хайрлашди. – Яхши қол. Биринчи ва охирги маслаҳатим шуки, Сюзи билан жанжаллашма, у яхши аёл. Эри эса ёмон, жуда ёмон!

– Тўғри, – деди хонадон соҳибаси.

– Гапларим қулоғингга кираяптими?– давом этди Гуля опа. – Булар сени ўз фирмаларига ишга жойлаб, ўттиз минг долларни





чиқариб олишгач, кейин маош тўлашади, унгача бепул ишлаб берасан. Раъс ул-Хаймага бориб, пулимни қайтариб беришлари учун жанжал қилишга тоб-тоқатим йўқ. Қайнонанг ўлгур пулимни қайтармайди ҳам.

Таслима ўзини айнан қайнонаси сотгани ҳақида ўйлаб кўрмаган экан, бу жиҳатдан ҳам тақдири Асалканикига ўхшаш эканидан юраги орқага тортиб кетди.

– Лекин паспортимни нега… – деб оғзи очган эди, Гуля опа:

– Тортишма! – деди. – Отанг учун қарз олдингми, отанг учун ишлайсан! Арабларнинг ёки келгинди қўшмачиларнинг қўлида ўлиб кетмаганинг учун раҳмат де!

– Ўттиз минг доллар… Лекин мен…

– "Лекин"ингни қўй. Хорижга келдингми, камида икки йил ишлайсан. Қолаверса, қизларга ўгай онанг билан опанг ҳақида гапирибсан, менимча, улардан ўтиб кетишни истаяпсан, тўғрими? Ҳам қарзларингдан қутуласан, ҳам бойиб…

– Ундай қилмоқчи эмасман.

– "Ўзи билмаган ҳолда исташ" психикаси бор, азизам!

Таслима безатиғлиқ хонага кирди. Исловотхонага ўхшамаслиги кўнглини жинча хотиржам этди. Дастрўмоли ила даҳанини артаркан, лезвияни эслади. Ҳарҳолда дастрўмол орасида қуроли бор эди. Шундай ёруғ кунда қисмати қоронғи эканидан оғир хўрсинди. "Ростдан мени фирмада ишлатармикан?" – деб ишонолмай, кўнгли ғаш тортиб, дераза ёнига борди. Дубай оловли шар тагида жизғанак бўлиб ётарди. Олисда самолёт ҳавога унсиз кўтарилди. "Бахтли инсонлар учиб кетишди…" – деган ўй ўтди кўнглидан.

– Биз ҳар хил можароларга аралашишни истамаймиз, – деди Сюзи кечки овқат маҳал. – Сенга ўхшаган бешта қизни, турли мамлакат фуқароларини шахсан пул тўлаб, қутқарганман. Айримлари қарзларини узиб, ҳозиргача ишлаб юришибди, уйларига пул жўнатишаяпти. Эртага бориб кўрасан, ёмон жой эмас. Иш бошлаганингдан кейин, ҳатто, уйингга қўнғироқ қилишга ҳам рухсат бераман. Яқинларинг борми?

– Бор.

– Менга рақамларини беролмайсанми?

Содда Таслима хурсанд бўлиб, дарҳол отаси ва амакисининг рақамларини айтди. Сўнгра айрим нарсаларга аниқлик киритмоқчи бўлиб шу ернинг ўзидаёқ телефон сўради.

– Масалан, нималарга аниқлик киритмоқчисан?– чимирилди уй соҳибаси.

– Раъс ул-хаймалик йигитга турмушга чиқишимга отам телефонда розилик берганди. Ўйлаб-ўйлаб, овози сохта эканига шубҳа қилаяпман. Ўгай онам бошқа бировга қўнғироқ қилдирганга ўхшайди. Отам касалхонада ётгани учун зўрға гапираётганига ишонгандим. Агар қайтадан гаплашсам, отамми, бошқами, билиб оламан.

– Поезд ўтиб кетибди-ку, яхши қиз. Бугун қўнғироқлашдинг нимаю эртагами, энди фарқи йўқ. Муҳими, куёвдан ўзингни сақлабсан. Ростми шу?

– Ҳа, никоҳ кечаси отаси вафот этди, – деди Таслима ва сирини Фотига айтгани учун ўзидан хафа бўлди.

Ярим тунда кимдир туртқилаб уйғотди. Чўчиб кўз очган эди, хонадон соҳибаси ва қўлида мундштук тутган аёлни кўрди. Мундштук малла ва ҳаддан ташқари узун эди, жуда-жуда таниш туюлди.

– Тинчликми, опа?– ўрнидан турди Таслима.

– Сюзи келди, – деди уй эгаси ёнидагига имо қилиб, – танидингми?

Таслима кўзларини ишқалади.

– Нима жин уриб, адашимни танимаяпсан? Уйқусираяпсанми? Ё ғаладонимдаги нашадан чекиб олдингми?

– Салом, – деди мундштукли хоним тилга кириб. – Наша чекишни бошладингми, Таслима? Ахир ҳамширалик иқтидоринг бўла туриб, гиёҳвандлик қилиб юрсанг, ҳайф сенга муқаддас касб.

– Йўқ, чекмадим... ҳазиллашаяпти... – уйқуси бутунлай ўчиб кетди Таслиманинг.

Мундштукли хоним юзига шу қадар пардоз бергандики, таниб бўлмас даражада ўзгариб қолганди, кийими ҳам алламбало, шайтон кўрса ҳуркади: қоп-қора, оқ зарли, юқориси ички кўйлак, белдан пасти қоп, этаги қоп оғзини бекитгандек оёқларини қисиб турибди.





– Сиз?.. Кечирасиз... – деди Таслима Сюзини таниб. Сўнгра дарҳол Анаит Мурадян ҳақидаги мишмиш ёлғонлигига умид боғлаб (ахир, қўшни уй на исловотхона, на ҳомиладор қиз ўлган макон эди), сўради: – Анаит соғайиб кетдими?

– Ҳа, жони тош унинг.

Таслима юз-қўлини ювиб, икки арман хотин – Сюзилар ўтирган хонага чиққанида, бир талай паспортга кўзи тушди. Анаитнинг хужрасидаги шкафдан Сюзи паспортларни олганида, касби маълум бўлганди.

– Сизни топишга уриндим, – деди Таслима.

– Полицияга тутиб бериш учунми?– чақиб олди Сюзи.

– Ўгай онамнинг суратини кўрсатмоқчи эдим.

– Ўгай онангнинг сурати? Нима қиламан уни?

– Аш-Шамс супермаркети олдида Асалкани сотган қайнопасини кўришибди, у Дубайда юрибди, деганингиздан бери ўгай онамдан шубҳам бор, опа. Исми Холпошша! Биз Дубайга келган кунларимиз аш-Шамс супермаркетида ишлаган. Дарров ҳайдаворишди. Шунда ҳам тез-тез келиб турарди. Қизи Муҳашшо ишлайди у ерда...

– Бўлди, бўлди, чўзмасанг-чи! Нима демоқчисан?

– Ҳозир ёнимда унинг сурати йўқ. Лекин сиз Асалканинг қайнопасининг суратини қаергадир қўйганман дегандингиз... Ўшани кўрсам, деяпман. Балки бошқа, балки ўгай онамдир.

Иккала хотин бир-бирига маъноли қарашди.

– Тўппа-тўғри, – деди уй соҳибаси, – Сюзиникига жўнайсан, шкафидан суратни топиб беради. Шундайми, Сюзи?

– Ажойиб фикр, – маъқуллади Сюзи.

Шу пайт хонага бир эркак кириб келди.

– Нима қилай? – сўради Сюзидан. Таслима уни таниди: бу Ваник эди.

–Сенга биров бир нима қил, дедими?– тўнғиллади Сюзи. – Кўрмаяпсанми, у ўзимизнинг ҳамшира-ку! Ҳозир уйга кириб ўтамиз, моторни ўт олдиравер.

Ташқарига чиқиб кетаётганида, Таслима уй соҳибаси Сюзига ниманидир берганига кўзи тушди.

–Менинг паспортимми?– деб узанган эди, Сюзи дарҳол сумкасига бекитди.

–Қўрқма, сени ўғирлаб кетмайман.

–Унда нима қиласиз?

–Еймanми, бунча қўрқасан?! Сенга ёмонлик қилиб, қаёққа қочаман?Мана, мен билан таниш эканингни бутун Дубайга ёйиб юрибсан! Эртага Сорага ҳам айтасан!

–Барибир тушунмаяпман…

Улар машинага ўтирдилар.

–Адашим Сюзи мени ахтариб топгунча қанчалар қийналганини билсанг эди. "Сени танийдиган Таслима деган қиз меникида", деганида, қанот боғлаб учдим. У билан ҳам бегона эмасмиз. Ўтган йили фирмаси билан ҳамкорликда бизнес қилганман. Уникида яшасанг, Сюзининг бизнесини хавф остига қўйишинг мумкин. Ҳозир пластилинсан, сингилжоним. Полиция сендан ўғирланган, топталган қиз шаклини ясаши ҳеч гап эмас. Туҳматга қолиб, хароб бўлади шўрлик.

–Ўйлагандимки… сиз… –эзилди Таслима.

–Уф-ф, у ерга аслида сени кўришга келганим йўқ, Таслима, –деди Сюзи. –Иш бошлагунингча бошқа квартирага жойлаштираман. Паспортинг ҳозирча менда туради. Анча-мунча қарзинг бор экан, тўламасанг, улар жавобингни беришмайди. Сюзи, Гуля опа – булар битта тармоқ. Эҳтимол, ўгай онанг ҳам занжирнинг бир ҳалқаси бўлиб чиқар?

–Сизга ишонаман, –деди Таслима, аммо хотин самимийликдан йироқ, сирли кулимсираб қўйди.

Манзилга етиб, ичкарига кираётганларида, Таслима битлиқи маконни таниди. Яна Анаитни сўради.

–У кетди, –жавоб берди Сюзи ўзини лоқайд кўрсатиб. –Жони





тош бўлса ҳам, ишлашга соғлиги тўғри келмади. Аҳволини кўрдинг-ку, нозик ойимча, ялқов, касал.

–Нара-чи?

–Н… Н-нара?– Сюзининг оғзи очилиб қолди. –Қайси Нара?

–Зайд поччамнинг биринчи хотини.

–Қанақа Зайд поччанг?

Таслима Жовид, Зайд, ўгай опаси Муҳаштто, Бадрия хоним ва никоҳ кечасида юборилган "SM S"лар ҳақида шоша-пиша сўзлаётганда, Ваник кирган хона эшиги очилиб, сочларини кенг ёйган, оҳу кўз жувон ҳайрат тўла нигоҳлари-ла чопиб чиқди, бутун вужуди силкиниб кетди унинг.

–Таслима?! –деб қичқириб юборди.

–У сени танирқан! –Сюзи ғазабдан дона-дона қилиб гапира бошлади. – Поччасининг биринчи хотини экансан! "SM S"лар юбориб, қутқармоқчи бўлибсан!..

–Ҳаммаси рост! Мен Зайднинг биринчи хотиниман. Таслиманинг рақамини хизматкор хотиндан олиб…

–Сораданми?– тупук сачратиб сўради Сюзи.

–Ҳа, Сорадан…

–Нималар қилиб қўйганингни биласанми, таъвия?! – Сюзи ўзини босиб ололмай ўшқирди. – Тушунмаган ишингга нега бурнингни тиқасан?Энди ҳаммасини биздан кўради! Аввалдан уюштиришган, Таслимани қутқаришни режалаштиришган, дейишади!.. Йўқ, мен бу уйиндан чиқаман! Ҳозироқ чиқаман!

– Мен эса чиқмайман, – деди Нара. – Уни арабларга бериб қўймайман! Мени нима қилишди?Ғирт фоҳишага айланиб қолдим! Ҳали ўша Зайдни ҳам, Жовидни ҳам фош этаман!

–Ўттиз минг долларни қаердан топасан, тентак?

–Қанақа ўттиз минг?– Нара ҳамон илжайиб турарди.

– Бу қиз ўттиз мингга тушиб ўтирибди! Агар белгиланган муддат ичида тўлолмаса, қандай ундиришни ўзлари билишади.

– Вой, Зайднинг амакиваччаси шу ишни қилдими? Ярамас, газанда!

– У эмас, – депсинди Сюзи. – Қисқаси, бу қиз кўлма-кўл ўтиб

кетди, осонгина сотиб юборишди! Ҳозироқ қўнғироқ қилиб, олиб кетишларини сўрайман. Лаънати Сюзи! Лаънати Гуля!.. Тинчгина ишимни қилиб юрганимда, бош оғриқ совға қилишди менга!.. Бор, ичкарига кир, Нара! Икковинг таниш эканинг тушимга кирибдими?!

Ҳамма гап шунда эканини англаган Таслима калласини ишлатди ва деди:

– Анаит уйига кетгани яхши бўлибди, мен ота-онасига хат ёзгандим.

Телефон тугмачаларини босаётган Сюзи мурдадек оқариб кетди.

– Хат?– деди беихтиёр оғзи қийшайиб. – Қ... қанақа хат? Кимга? Нега? Томинг кетмаганми сенинг, Таслима?

Ўқ нишонга теккан эди.

– Ўша куни Анаит роса қийналди, ҳам жисмоний, ҳам руҳий. Бу йўлга киргани учун ит азобини бошидан ўтказаётганини айтиб йиғлади, кейин Эчмиадзинга, ота-онасига хат ёзишимни илтимос қилди, манзилини берди. Қоғоз-қалам бўлмагани учун ёдлаб қолдим. Арманистон, Эчмиадзин шаҳри, Мурадян... Нотўғри иш қилмадим, деб ўйлайман...

– Нималарни ёздинг?

– Уни қай ҳолда кўриб қолганимни, қаерда яшаётганини, ўзимнинг манзилимни, телефонимни...

Сюзи ёввойиларча бақириб, Таслимага ташланди ва бир зумда полга йиқитиб, томоғидан бўғди. Таслима дастрўмоли орасидан лезвияни олишга улгуролмади. Нара чинқириб, ажратмоқчи эди, Ваник судраб, ичкари хонага киритди ва эшикни ёпди.

– Сен аралашма, – деди Нарага, – у қиз ўлиши керак, чунки жуда кўп нарсани билади!

Нара юлқинди, афсуски, Ваникнинг эшакдек кучи бор эди.

– У ўлмасин!.. – йиғлаб ёлворди Нара. – Нима айби бор бечора қизнинг?! Эчмиадзинга хат ёзган бўлса, барибир бизни ахтариб келишади! Тамоммиз!..

– Ўчирсанг-чи! Нега жавраб қолдинг? Ўша ишда сенинг ҳам





қўлинг бор! Сен ҳам турмада чирийсан, билдингми?!

– Мурдани саҳрога олиб боришга сиз мажбурладингиз!

Ваник орқада туриб, Наранинг бўйнини бақувват билаги ила шундай исканжага олдики, бечора жувон кўзларини ола-кула қилиб, даҳлиздаги ҳаёт-мамот жангига қулоқ осишдан ўзга чора тополмади. Илондек чирмаб олингач, диван устида миқ этолмай ётаркан, худди Таслима каби ўлим чангалида эканини ўйлади.

Эшик ортида эса Сюзи Таслимани ҳамон жон-жаҳди билан бўғиб, тезроқ ўлдириш пайида кучангандан кучанарди. Таслима жон талвасасида оёқларини типирчилатар, шовқинни эшитиб ётган Нара янада даҳшатга тушар, уйда ажалнинг хириллоқ, совуқ, бехосият шарпаси кезиб юрарди.

Эҳтимол, Таслима шу ердаёқ ўлим топарди. Бироқ қўнғироқ устма-уста чалиниб, орқасидан эшикни дўмбира қилиб уришди. Ҳатто Ваникнинг ҳам эсхонаси чиқиб кетаёзди. Ҳаммалари даҳлизга тўпланишиб, бир-бири билан қўрқа-писа кўз уриштиришди. Шўрлик Таслима эса томоғини ушлаб, зўрға-зўрға нафас олиб, полда ғужанак бўлиб ётарди.

– Шовқин-суронни эшитишди шекилли, – деди Сюзи. – Нара, қизни ичкарига кирит. Овози чиқса, икковингни ҳам ўлдираман... Ваник, ёрдамлаш! Оғзига латта тиқ!

Бўғиқ йўтал тутган Таслимани судраб кириб кетишди.

– Ким у? – сўради Сюзи.

– Мен... Очинг! – аёл овози эшитилди.

– Кимсан?

– Аждар...

Сюзи пуфакдек бўшашиб, кўзларини олайтирди:

– Минг лаънат, юрагимни ёрдинг!..

Эшик очилиб, чап ёноғига аждар тимсоли татуировка қилинган жувон ичкарига шошилиб кирди-да, Сюзини қучди.

– Мен келдим! – деди у. Мастлиги яққол кўриниб турарди. – Башоратим тўғри чиқди! Барибир келдим! Бўлиши мумкин эмас, дегандингиз!.. Мен буюк башоратчиман!..

– Аблаҳ! – шапалоқ туширди Сюзи. – Нега бунча ваҳима қила-

сан? Бир марта қўнғироқ чалсанг ёки олдиндан телефон қилиб, огоҳлантирсанг, ўласанми?! Бу ерда нима ишлар бўлаётганидан хабаринг йўқ-да сен жодугарнинг!

– Вой, қўнғироқни босиб кўринг, ҳозиргина куйиб қолди. Кейин тақиллатдим, Сюзи…

– Анаитнинг ҳомиласини туширишга келган ҳамшира эсингдами? – шивирлади Сюзи. – У шу ерда! Дўзаҳда ёнгур Анаит унга хат ёзишни илтимос қилган экан. Биз уни кўрмаганмиз, деб ҳаммани ишонтирганимизда, ҳамшира бор сиримизни айтиб ўтирибди. Энди ўша хат Арманистонга етиб борса, биринчи галда ана шу ҳамшира билан боғланишади, чунки телефон рақамларини ҳам ёзиб юборган, илон. Кейин бизни ахтара бошлашади. Аниқ манзилимиз хатда ёзилмаган, лекин шу бугундан бошлаб манзилимизни ҳамшира билади. Агар Эчмиадзиндан қўнғироқ қилишса…

Шу дамда Ваник чиқиб, деди:

– У алдабди. Эчмиадзинга хат жўнатмаган экан.

Ҳаммалари Таслиманинг бошига тўпланишди.

– Хат ёзмаганинг ростми? – сўради Сюзи шошиб.

– Анаит ёзишимни илтимос қилган, лекин… – Таслима бошини кўтарди. – …лекин ҳали ёзганим йўқ…

– Худога шукр, – иккинчи бор пуфакдек бўшашди Сюзи. Бироқ кўзларида ғазаб чўғи сўнмади. – Битта ёлғонинг учун ўлиб кетишингдан Худо асради.

– Бугун бўлмаса, эртага ёзади, – пичинг қилди Ваник. – Яхшиси, бу қизни менга бер, Сюзи! Аввал келгандаёқ айтгандим, шунақа ишларинг билан қизни "қайта тарбиялаёлмайсан". Унинг "давоси" менман, ахир! Қишда болгариялик кайсар гўзални гаҳ деса қўлга қўнадиган қилган ким? Ванадзорлик ҳамшаҳарларимни-чи?

– Каллаварам, ўтган гал сен унга Ереванданман, дегансан, – бошига енгил урди Сюзи.

Ваник қўли билан уятли қилиқ қилди. Аждар татуировкали қиз эса Таслиманинг қошига чўкиб, иягидан тутди-да, кўзлари-





га еб қўйгудек тикилди.

– Бу ўлмайди, – деди у башоратгўйликда давом этиб, – Ваник рост айтади, қизгина сафимизга қўшилади, жарақ-жарақ пул ишлайди. Энг қизиғи, бугун пул ишлашни бошлайди! Башоратим башорат!

– Сенинг фолларинг ҳамиша ҳам рост чиқмаган, – Сюзи башоратчи жувонни силтаб ташлади. – Қоч, нари тур, унда гапим бор.

– Суратни кўрсатинг, – деди Таслима. У кўп гаплар айтмоқчи эдию тили айланмаётганди.

– Ҳа, дарвоқе, – Сюзи шкафга қаради. – Иккинчи полкадаги қутини олиб бер, Ванга тентак!

– Менми? – деди Ваник норози ҳолда лабини чўччайтириб.

– Манави авлиёга айтаяпман, – деб Сюзи башоратчи жувонга бош силкиди. – Бугун Таслиманинг пул ишлашини башорат қилаяпти! Шу бугуннинг ўзида сендан бошқа харидори йўқ. Қани, кўрамиз қанча берарkансан!

– Юз доллар, – ишшайди Ваник.

– Юз минг долларга ҳам сотишим мумкин! Телба қизнинг ўзи истамади! Ўттиз мингни энди майдалаб топиб берамиз уларга!

– Топиб берамиз? Бизми?

Сюзи Ваникнинг қулоғига арман тилида уқтирди:

– Таслимани уларга қайтариб беролмаймиз. Биздан кетса, Эчмидазин балосини чиқариши аниқ. Шунда ҳолимизга маймунлар эмас, итлар ҳам йиғлайди, гаранг!

– Енгил-елпи ҳаётга, бир-иккита жиноятларга, қўшмачиликка шерик қилсак, сотолмайди. Уни менга бердингми?

– Майли, тезроқ қўлга ўргана қолсин. Лекин, Ваник, ортиқ шовқин-сурон кўтарма. Ҳозир манави ўтакамни ёргани ҳам етади. Пастки қаватда ҳеч ким яшамагани билан, эҳтимол, бирорта бедор-медор йўлакда изғиб юргандир!

– Бу ёғини менга қўйиб бер.

– Менда нима гапингиз бор? – сўради Таслима вазият ўнгланиши илинжида.

– Гапимга ҳожат қолмади, – Сюзи арок ичиш учун жавонга юрди.

– Катта хато қилаяпсиз…

– Унчаликмас, – Ваник Сюзининг ўрнига жавоб берди. – Тура қол, етар шунча артистлик қилганинг! Бошингга фожиа қарғаси эмас, бахт каптари қўнди.

Таслима ҳолсизликдан тиз чўкиб ўтирарди. Ҳақиқатан, энди унинг Ваникка қаршилик кўрсатадиган мадори йўқ эди. Сўнгги сонияларда ажал чангалидан тасодифан омон қолгани омад эди гўё.

Қути ичидан суратни топиб тутқазишганида, қалтироқ қўллари билан бир четидан ушлаб, бутун вужуди кўз бўлиб тикилди. Суратда ғоятда пардоз-андоз қилган, жингалаксимон сочлари елкасига тушган, бўйнида қалин тилла занжир, бармоқларига қўша-қўша узуклар таққан Холпошша жиддий боқиб турарди. Кўзида ошкора ноз-карашма мағрурлик билан қоришиқ эди. Ўгай онаси шундай либослар кийиб, шундай нигоҳ билан қарай олишини Таслима кутган, билган, кўз олдига келтирган эди.

– Сен Асалка деб атаган келинчакни сотган ўша қайнопаси мана шу, – деди Сюзи. – Хўш, ўхшадими?

– Ҳа… мана шу… – деди Таслима ҳам.

– Нима, "мана шу"?

– Ўгай онам… У отамга турмушга чиқмасдан аввал Дубайда ишлаб келганини кейин эшитганмиз. Бой хонадонда, сўнг ширинлик цехида ишлаганман, ҳалол-покман, деб отамни алдади… Ҳақиқий башараси… – Таслима суратга туфлаб юборарди. – …ҳақиқий башараси кеч очилди! Мени ҳам сотди… Ҳали ҳаммаси жазосини олишади!..

– Сен эса мукофотингни оласан, қушча! – дея Ваник Таслимани нариги хонага судради. – Юр! Бу кунларни, бу одамларни, бу дунёни унут!

– Ёрдам беринглар… – ёлворди Таслима. Шўрликнинг энди овози бутунлай бўғилиб қолди. – Илтимос қиламан…





Нара бармоқларини тишлаб, бурчакда қўнишиб ўтирар, "нима қилсам экан?" деб кўзлари олма-кесак терарди. Башоратчи жувон суратга нигоҳ ташлаб, қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

– О, буни қарасинлар! Ахир, бу Холка-ку! Тошкентлик Холпошша! Устозим уни ўлимдан халос этган ва юртингга қайтиб, бирор бечора бева эркакка турмушга чиқмасанг, қарғиш уради, ажалинг яқин, деган! Чунки у уч йил бурун Дубайда, шу ерда ўлиши аниқ эди! Ўшанда, охирги вақтларда кўрсангиз… тирик мурдадан заррача фарқи йўқ бир махлуққа айланиб қолганди!.. Ростдан ҳам устозимнинг гапини олиб, турмуш қурганини қаранглар-а! Худога ишонмаса ҳам бошқа нарсаларга эътиқоди бор эди, қўрқибди-да! Шаҳар ташқарисидаги бир виллада қарғиш урган, дейишади. Аждодларида улуғ авлиё ўтган мухтарам шайхни гуноҳга ботирганми, ўғлиними, алламбало миш-мишлар!..

Улар татуировкали жувоннинг вайсашига чалғиган чоғда Таслима дастрўмоли орасидан лезвияни олди. Ваникни шу заҳотиёқ тилиб ташлаши мумкин эди, аммо кутди, воқеа яхшилик билан хотима топишига энг сўнгги сониялargача умид боғлади.

– Эшик тақиллаяпти, – деди Нара. Гапига ҳеч ким қулоқ солмаган эди, "эшик, эшик" деб имлай бошлади.

– Нима дейсан? Соқовмисан? – койиди арок ичиб, стаканни тўқ этиб қўйган Сюзи.

– Эшик, – деди башоратгўй жувон ҳам Нарага эш бўлиб.

– Менинг хонамга ҳеч кимни киритманглар! Бандман! – деди Ваник хойнаҳой мижоз келди деган гумонда. Ва Таслимани судраб, ичкарига кириб, хона ўртасига иткитиб юборди.

Фақат Нарани эмас, башоратгўй жувонни ҳам ваҳима босди, лекин бу ваҳиманинг важи бошқа эди. У шундай деди:

– Узр, Сюзи, мени кўчада такси кутиб турганди…

– Қанақа такси? – Сюзи учун омадсиз кун эди, жинни бўлаёзди. – Эшик тақиллатаётган таксичими? Нега жўнатиб юбормай, квартиранинг адресини бердинг, чўчқа?!

– Пулим йўқ эди, нариги машинада қолиб кетибди, Руфат ва

Раимнинг…

– Руфат ва Раим?

– Ҳа. Улар бир қизни жазолаш томошасини қўямиз, дейишди. Мен аслида шуни айтишга киргандим. Мабодо гапга кўнмаётган янгилардан, айниб қолган эскилардан бўлса, эсини жойига киритиш учун сиз ҳам бирортасини саҳрога юбориш-юбормаслигингизни сўрамоқчи эдим. У ерда пулдор томошабинлар бор, иккита. Ҳар бири беш минг доллардан берган…

– Ўчир!

– Қолаверса, ўттиз минг-қирқ минг долларга...

– Менга бу ишлар умуман ёқмаяпти! Бу қизни ҳам хеч нима қилмоқчи эмасдим! Ҳамманг тортиб кетаяпсан дўзахларингга! Бугуноқ бу ердан кетиш керак! Ҳамма ёққа сасиб бўлдинглар! Ҳадемай уйни полиция босади!

Сюзи башоратчи жувонни олдига солиб, эшикка юрди. Кейин паст овозда буюрди:

– Таксичига эллик доллар бер-да, кетказиб юбор, уқдингми?

Бироқ эшик очилиб, барваста йигит бўй кўрсатган он ичкаридан Ваникнинг фарёди эшитилди. Чаён чаққандек додларди у.

– Бу ерда нималар бўлаяпти? – таксичи ёпилаётган эшикка оёқ тираб қолди. Кўзларидаги шижоат ўти ва қорайган юзидаги мўйлови важоҳатли кўрсатарди уни.

– Одам ўлдирдим… Ёрдам беринглар… – деди Таслима йиғи аралаш. Шўрлик қизнинг она тилидаги хитоби таксичининг юзида ҳайрат ифодасини зоҳир этди. Сюзига эса баҳона топилиб:

– Мана, эллик доллар! – деди инглиз тилида. – Олинг-да, жўнанг! Боядан бери хорижлик эр-хотинларни яраштиролмай бошимиз қотиб…

– Ёлғон гапирманг! – Таксичи шундай деб икки аёлни четга сурганча, уйга бостириб кирди. – У ёрдамга муҳтожлигини наҳотки фаҳмламасам!.. Эй, қанисиз? Сизни танигандекман! Овозингиз таниш!

Бу пайтда Таслима лезвия тутган қонли қўлини олдинга чўзган кўйи девор ёқалаб, секин-аста эшикка силжирди. Ва-





ник юзидан шовиллаб оқаётган қонни тўхтатолмай сочиқ босар, жундор кўкраги қизилга бўялганди. Таксичи янглишмаган экан: бу ўша – Таслима эди. Ахир унинг сеҳрли овозини унутиб бўладими!

– Ёрдам… – дея олди Таслима. У ҳам таксичини таниди, ҳатто исми Жамил эканини ҳам эслади. Отаси ҳалокатга учраган куни ал-Бараҳа шифохонасига боришгани, Россияга кочишни таклиф этган Зайд поччасини машинадан тушириб юборгани, эндиликда оғир онда жонига оро кираётгани…

Йўқ, янглишди чоғи. Тўсатдан Жамил Таслимадан юз ўгириб, Ваникка ёрдамга шошилди.

– Тезроқ шифохонага етказиш керак! Қизнинг қўлидан лезвияни олинглар! – деди у дам Нарага, дам Сюзига бақираркан. – Нега томоша қилиб турибсанлар?!

Таслиманинг оёқларидан мадор кетиб, деворга суянганча ўтириб қолди. Жамил бир қараганида қиз хушидан кетиб ётар, Нара юзига сув сепмоқда эди.

* * *

Машина узоқ юрди. Таслима ҳеч уйғонолмас, мотор шовқинини, эркаклар овозини эшитар, ойнадан зулмат мўралар эди. Оғзида тахир таъмни туйди: дори ичиришган шекилли. Шундай бўлса-да, "Жамил мени халос этди", деб ўйлади, бироқ "Жип"-да эканини, такси эмаслигини пайқаб, хушёр тортди.

– Итлар ҳам ўрганиб қолган, – димоғида кулди нотаниш эркак.

Шериги жавобан араб тилида сўзлади, "ҳайвон ва одам", "оғир гуноҳ" деган жумлаларни Таслима зўрға илғади. Қаддини ростлаб, нотаниш эркакларни кўрди. Иккиси ҳам сигарета чекиб, пиво ҳўплашар эди.

– Ҳой, уйғондингми? – ўгирилди ҳайдовчининг ёнидаги оқ кепкали, тўладан келган, соқолтой эркак. – Пиво ичасанми?

– …

– Демак, ичмайсан! Майли, ихтиёринг! Сендек қизни икки йилдан бери учратганим йўқ. Икки йилдан бери бунақа "шоу"-ларда иштирок этмадим ҳисоб. Қўрқма, итларни ёнингга йўлатмайман. Сен фақат меникисан! Бу ёққа келаётганимизга сабаб, баъзи "ақлли" қизларнинг қандай аҳволга тушишини кўриб қўйишингни истардим... Умуман олганда, мен бой одамман! Айбим шуки, сенга уйланолмайман. Очиқ айтаман, ўйнашим бўласан, холос. Шу яқин-атрофда қум устига тупроқ ташиттириб, дала ҳовли бунёд қилганман. Қайтишда мен билан қоласан. Эҳтимол, уч ойга, эҳтимол, бир йилга. Роса пул ишлайсан!.. Ўҳ, бир нарса ёдимдан кўтарилибди. Яқинларинг сени излашмайди. Отанг билан амакингнинг телефон рақамларини берганингни эсла. Вафот этганинг ҳақида уларга хабар қилишибди, шайтоннинг сингиллари чатоқ.

Рулдаги кимса нимадир деган эди, кепкали жеркиб берди:

– Қарзларидан қутулиш ҳам пул ишлаш-да! Нима, мен қизни алдайдиган номардманми?!

У рус тилида равон сўзларди. Турқ-таровати европаликларни эслатса-да, томирида осиёликларнинг қони ҳам кам эмаслиги сезиларди. Инсонийлик сарҳадларидан шайтонистон тақирликларига учиб келган кимсаларнинг қўлига тушганини, отаси машъум ёлғонни эшитганини англаган Таслима аъзойи баданига минглаб ниш санчилгандек инграб юборди. Пешанаси бунчалар шўр бўлмаса! Ҳозиргина барчасидан қутулган эди-я! Арман хотинлар, Гуля ва яна айрим манфур башаралар ғойиб бўлишган. Энди эса булар... Наҳотки, Жамил ҳам уни сотди?

Машина чайқалиб-чайқалиб қумли йўлдан қандайдир тепаликлар ортига ўтди. Ўн дақиқалардан сўнг оқ "Жип" кўринди, қултабиат кимса пилдираб пешвоз чиқди. Ҳаммалари ўзларида йўқ шод эдилар. Ит вовиллади, бир қизнинг қичқиргани эшитилди. Таслиманинг билагидан тутиб, гулхан ёнига судрашганида, даҳшатли манзарани кўрди. Сочлари сап-сариқ, сутдек оқ бадан қизни ер бағирлаб ётқизилган хочсимон ёғочга боғлаб





қўйишган, итлар унга талпинар, ғингшир, баҳайбат жундор ит ҳар замон вовиллаб қўярди.

Қиз рус тилида қўланса сўзлар билан сўкинди ва энгашган эркакнинг юзига туфлади. Эркак унинг сочини чангаллаб, бошини хиёл кўтариб, Таслимани кўрсатди:

– Навбат анави қизники! Вақтни бой берма!..

Хўрлангувчининг оғзига латта тиқишди. Таслима ортиқ бардош беролмай, оқ кепкали эркакнинг қўлларига ёпишди:

– Мен розиман... Бу ердан олиб кетинг... Отамга айтганларингдек, кейин ўлдириб юборинглар... ўлдиринглар мени!..

– Дала ҳовлим узоқ эмас, – деди кепкали тўнг оҳангда. – Юра қол. Бундай жирканч томошалар менга ҳам ёқмайди.

Таслима учун номусидан шармандаларча айрилганидан кўра бир марта ўлган афзал эди. Одам шаклидаги иблислардан барибир эсон-омон қутулиб бўлмас экан.

Эркак "Жип"нинг эшигини очди. Дўрдоқ лаблар қимирлади:

– Чик, жонгинам...

Балки шу ерда, шу лаҳзада ўз жонига қасд қилиши керакдир? Бироқ қандай қилиб?Машинага ўтирса, қўл-оёқларини боғлаб, бор имконини-да ўғирлашлари мумкиндек туюлди. Эҳ, лезвияни ўзи учун асраб қўймабди... "Тўхта, яна бир йўли бор", – деди ички овози. Энгашиб, бир сиқим қум олди.

– Нимандир йўқотдингми?– деди кепкали хиёл эгилиб.

Шунда юз-кўзига минглаб қум зарралари майда тош аралаш зарб билан урилди. Қўйиб юбормаган эди, Таслима қўлидан гарчча тишлади: тишлар суякка ботди. Кейин эса қизгина боши оққан томонга қочди. Қулоғига эркакнинг бўкиргани, итларнинг ҳургани, қуваётганларнинг қийқириқлари чалинди. "Барибир қутулиб кетаман!" – деди қиз.

Шу дамда дўнглик ортидан машина отилиб чиқди. Оч йиртқичлек тўғри устига бостириб келаверди. Кейин ванғиллаганча қумга тиқилиб қолди. Ахир такси саҳрода юришга мос эмас-да! Эшик очилиб, Жамилнинг овози янгради:

– Таслима! Бу тарафга чоп!.. Бу – мен, Жамилман! Сен қони-

га ғалтон қилган кимсани шифохонага етказаман, дегунимча булар сени олиб қочдилар…

Таслима ҳолдан тойган эди. Тўхтади. Қувиб келаётганларнинг қораси кўринди. Жамил улардан аввал қизга етиб, деди:

– Изларингни йитуриб қўйишимга кам қолди!.. Энди менинг ҳимоямдасан!

– Улар кўпчилик… – деди Таслима ҳансираб. – Мен бошқа югуролмайман…

– Биз ҳам кўпчиликмиз, – дея Жамил сиреналар овози эшитилаётган томонга ишора қилди. Дубай полицияси машиналари қуюндек бостириб келмоқда эди.

* * *

Дубай аэропортидан ҳавога кўтарилган самолётдаги йўловчилар орасида Таслима ҳам бор эди. Уни Тошкент аэропортида милиция ва прокуратура ходимлари кутиб олишди. Энг қизиғи, кутиб олувчилар орасида отасини ҳам кўриб, кўзларига ишонмади. Маълум бўлдики, Мухтор ака оғир тан жароҳат олмаган, бу ҳаммаси Холпошшанинг ўйини эди. Унинг кутқусига учган амакиси аллақачон ҳибсда экан.

Кўп ўтмай депортация қилинганлар рўйхатидаги бир аёл прокуратуранинг диққатини тортди. Уни идорага чақириб, Таслимага юзма-юз қилишганида, "Гуля опа" лақабли хотин экани маълум бўлди-қолди. Фоти, сариқ соч, Руфат, Раим каби кимсалар ҳам ушланди. Айримларига қидирув эълон қилинди.

Холпошша ҳам қочиб қутулолмади: уни Бишкек аэропортида тутиб, Тошкентга келтиришди. Муҳашшо эса то эри бир дирҳамсиз ҳайдаб юбормагунча Бирлашган Араб Амирликларида яшади. Таслима Жовиднинг қисматини ҳам эшитди. Ўзи айтганидек у бизнесни тарк этиб, ҳарбий бўлишга киришибди, лекин билим юртга ҳужжат топшираётганида, касал экани аниқланибди. Ҳақиқатан, бедаво дардга йўлиққан экан.





Ўша кезлари Таслимага Арманистоннинг Эчмиадзин шаҳридан жавоб мактуби келди. Анаит Мурадяннинг қабри топилибди. У гўрда худди ҳомиласини қурбон қилаётган чоғидагидек ғужанак бўлиб ётганмиш. Аждар татиуровкали қаллоб фолбинга эса қамоқда ўтириш насиб этмабди: уни аввал зўрлаб, кейин тилла тақинчоқларини олиб, ўлдириб кетишгани ҳақида интернетда ҳам ўқиш мумкин эди.

Ўзбекистонда одам савдосига қақшатқич зарба берилган йиллари Таслиманинг бахти очилди: унга совчи келди. Бироқ у Жамил эмас эди, севиб қолган оддий бир ишчи йигит, Тошкентдан.

Жамил ўша воқеадан сўнг Дубайдан ўз ватанига қайтиб кетди, уйланаётган эмиш. У ҳам, Таслима ҳам бир-бирини унутмайди. Ўртада улуғ инсоний ришталар бор. Дарҳақиқат, эй инсон, номингга доғ туширма! Сенга фаришталар сажда қилган!



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

АЗАМАТ ҚОРЖОВОВ

# ДУБАЙДАҒИ МИНГ БИР КЕЧА


| | |
|---|---|
| Муҳаррир: | Салима Рихсивой хожи қизи |
| Тех. муҳар.: | Шерзод Ҳошимов |
| Дизайнер: | Илҳом Болтаев |
| Оператор: | Наргиза Содиқова |
| Мусаҳҳиҳ: | Иброҳим Қўзиев |

Теришга берилди 11.06.2011. Босишга рухсат этилди 21.09.2011. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ гарнитурасида чоп этилди. Шартли босма табоғи 12,00. Нашр босма табоғи 12,0. Адади 3000 нусха. Буюртма №25.

Нашриёт лицензияси: AI №183. 08.12.10.

*«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди. 100100 Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22-уй.*